

ИСЛОМ АХЛОҚИ

Мухаммад Ходимий

Али бин Амруллоҳ

Тайёрлаган: Хусайн Ҳилми Ишиқ



«ТҮРКИСТАН КИТАП УЙИ»

Алматы - Қазақстан

Мамыр-4, 138

Тел.: +7 727 293 55 98

Алматы

2023

УДК 94 (100-87)

ББК 63.3

А 16

© Хусайн Хилми Ишиқ

Ислом ахлоқи - Алматы 2023, - 224 бет.

«Түркістан кітап үйі»

ISBN 978-601-211-585-7

Кітабымыздың бірінші бөлімі Мұхаммед Хадимидің (1762ж. қайтыс болған) “Бәриқа” кітабынан аударылған. Бұл бөлімде исламға жат болған мінез-құлықтардың және олардан сақтану мен арылудың жолдары білдіріледі. Бұл жаман мінездер – көңілдің (жүректің) аурулары болып табылады. Жаман мінездер көңілді және рухты мәңгілік өлімге алып барады. Кітабымыздың екінші бөлімі х.979 (м.1572) жылы Әдірне қаласында қайтыс болған Әли бин Әмруллаһтың (рахимәһуллаһу та’ала) “Ахлақи алаи” атты кітабының негізгі бөлімінен алынып, онда мінез-құлықтың анықтамасы мен түрлері айтылған.

Бұл еңбекті оқыған оқырмандар ата-бабаларының саламатты, көркем мінезді, еңбекқор, мәдениетті, алдыңғы қатарлы ел болғандығын ұғынып, жаман мінезді дұшпандардың жалған жалаларына алданудан сақтанады.



ҚАЗАҚСТАН МҰСЫЛМАҢДАРЫ ДІНИ БАСҚАРМАСЫ

жүргізген **14.06.2021** жылғы **№ 26/829** санды сараптама нәтижесінде
“Ислам ахлақы” атты кітабына оң қорытынды берілді.

ҚАЗАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ

АҚПАРАТ ЖӘНЕ ҚОҒАМДЫҚ ДАМУ МИНИСТРЛІГІНІҢ

ДІН ІСТЕРІ КОМИТЕТІ

жүргізген **22.07.2014** жылғы **№ 04-04-14/3001** санды сараптама нәтижесінде
“Ислам ахлақы” кітабын Қазақстан Республикасы аумағында пайдалануға және таратуға шектеу қоюға негіз болатын айғақтар мен себептердің анықталмағанын мәлімдеген.

ББК 63.3

ISBN 978-601-211-585-7

© Хусайн Хилми Ишиқ, 2023

БИСМИЛЛОҲИРРАҲМОНИРРАҲИМ

Исломият ҳақида ёзилган китоблар жуда кўп. Улар орасида энг мўътабари имоми Раббонийнинг уч жилдлик **“Мактубот”** китобидир. Ундан кейин Муҳаммад Маъсумнинг уч жилд **“Мактубот”** китобидир. Муҳаммад Маъсум ҳазратлари **“Мактубот”**нинг учинчи жилд, ўн олтинчи мактубида айтадики: **“Иймон - калима тавҳиднинг Ло илоҳа иллаллоҳ ва Муҳаммадун Расулуллоҳ деган иккала қисмига бирга ишонишдир.”** Яъни мусулмон бўла олиш учун Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбар эканлигига ҳам ишониш шарт. Яъни Муҳаммад алайҳиссалом Аллоҳнинг пайғамбаридир. Аллоҳу таоло Жаброил исмли фаришта орқали ул зотга **“Қуръони карим”** нозил қилган. Қуръони карим - Аллоҳ каломи бўлиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўз тушунчалари ёхуд файласуфлар ва тарихчиларнинг сўзлари эмас.


Муҳаммад алайҳиссалом Қуръони каримни тафсир қилиб, тўлиқ изоҳлаганлар. Ўша изоҳларга **“ҳадиси шариф”** дейилади. Исломият **“Қуръони карим”** билан **“Ҳадиси шариф”**лардан иборат. Ер юзининг турли мамлакатларидаги миллионлаб ислом китоблари **“Қуръони карим”** билан **“ҳадиси шариф”**ларнинг изоҳлари ва шарҳларидир. Муҳаммад алайҳиссаломдан келмаган, ул зотдан нақл қилинмаган ҳеч қандай сўз, ислом китоби бўла олмайди. Иймон ва ислом дегани **“Қуръони карим”** ва **“ҳадиси шариф”**ларга ишониш деганидир. Пайғамбаримизнинг айтганларига ишонмаган одам Аллоҳ каломига ҳам ишонмаган бўлади. Муҳаммад алайҳиссалом, Аллоҳу таоло билдирган таълимотларни саҳобаларига ўргатдилар. Саҳобалар ҳам ўз шогирдларига ўргатдилар. Шогирдлар эса, китобларига ёзди. Ўша китобларни ёзган олимларга **“Аҳли суннат олими”** дейилади. Аҳли суннат китобларига ишонган одам, Аллоҳ каломига ишонган ва мусулмон бўлади. Алҳамдулиллоҳ, биз динимизни аҳли суннат олимларининг китобларидан ўрганяпмиз. Динни ўзбошимча

ўзгартирувчи реформистлар, масон ва зиндиқларнинг тўқима китобларидан ўрганаётганимиз йўқ.

Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) марҳамат қилдиларки: **“Умнатим орасида фитна-фасод ёйилган пайтда суннатимни маҳкам ушлаган одамга юз шаҳид савоби берилади.”** Суннатни маҳкам ушламоқ - аҳли суннат олимларининг китобларини ўқиб, шуларга амал қилиш орқали бўлади. Мусулмонларнинг тўрт мазҳабидан ҳар бирининг олимлари **“Аҳли суннат олимлари”**дир.

Аҳли суннат олимларининг раиси - имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нуъмон бин Собитдир.

Инглизлар асрларча уриниб, биронта мусулмонни ҳам христиан динига кирита олмади. Шум ниятларини амалга ошириш учун янги йўл излашди. Ниҳоят масонлик ташкилотини қуришди. Масонлар исломиятга, яъни аҳли суннат олимлари ёзган илмларга, яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўзларига ва барча динларга, ўлгандан кейин қайта тирилишга, жаннат-жаҳаннамнинг борлигига ишонишмайди.



КАЛИМАИ ТАНЗИХ

“Субҳоналлоҳи ва би ҳамдиҳи субҳоналлоҳил азийм.” Ушбу калимаи танзиҳ **“Мактубот таржимаси”** китобининг 307- ва 308-мактубларида ёзилган. Буни эрталаб ва кечқурун юз марта ўқиган кишининг гуноҳлари афв бўлади. Дардлардан қутулади. Қайта гуноҳ ишлашдан ҳимояланади.

* * *

Имом Раббоний ҳазратлари **“Мактубот”** китобининг 1-жилд 275-мактубида айтадиларки:

“Сизнинг ушбу неъматга қовушишингиз, ислом илмларини ўргатиш ва фикҳ ҳукмларини ёйиш туфайли бўлди. У ерларга жаҳолат ўрнашиб қолганди ва бидъатлар ёйилганди. Аллоҳу таоло севганларининг севгисини сизга эҳсон қилди. Исломиятни ёйишга сизни васила қилди. Шундай экан, дин илмларини ўргатишга ва фикҳ аҳкомини ёйишга қўлингиздан келганича ҳаракат қилинг. Бу иккиси бутун саодатларнинг боши, юксалиш воситаси ва нажот топишнинг сабабидир. [Шукрлар бўлсинки, юртимизда тўғри дин китобини ёйиш ва нашр қилиш эркинлиги бор. Мусулмонларга шу эркинликни берган давлатга ёрдам бериш, ҳар бир мусулмонга лозим.]”

* * *

ЭСЛАТМА: Миссионерлар христианликни ёйишга, яхудийлар Талмутни ёйишга, Истанбулдаги “Ҳақиқат китоб уйи” исломиятни ёйишга, масонлар эса динларни йўқ қилишга уринмоқда. Ақли, илми ва инсофи бор киши булардан тўғриси яхши билиб, англайди. Тўғриларнинг ёйилишига ёрдам бериб, бутун одамзотнинг дунё ва охиратда саодатга эришишига сабабчи бўлади. Инсонга бундан ҳам қийматлироқ ва фойдалироқ хизмат бўла олмайди. Бугун христиан ва яхудийларнинг қўлидаги Таврот ва Инжил деб аталадиган дин китобларининг одамлар томонидан ёзилганлигини ўзлари ҳам айтишмоқда. Қуръони карим эса, Аллоҳу таоло тарафидан юборилган кундагидек тоза ва соф. Бутун роҳиб ва раввинлар “Ҳақиқат китоб уйи” нашр этган китобларни диққат ва инсоф билан ўқиб, тушунишга ҳаракат қилиши лозим.

СЎЗ БОШИ

Басмала билан бошлайлик китобга!

Аллоҳ исми энг улугвор паноҳдир.

Неъматлари сизмас ўлчов, ҳисобга,

У меҳрибон, афвни севган Илоҳдир.

Аллоҳу таоло дунёда барча одамларга раҳм қилиб, улар муҳтож бўлган неъматларни яратиб, ҳар бирига улашмоқда. Дунёда ва охирада саодатга эришишимиз учун ушбу неъматлардан қандай фойдаланишимиз кераклигини ҳам ўргатган. Исломни умуман эшитмаган кофирларнинг жаҳаннамга киритилмаслигини, уларнинг ҳисобдан кейин жониворлардек йўқ қилинишини Имоми Раббоний, 259-мактубида ёзганлар. Исломни эшитгач ўйлаб, мулоҳаза қилиб иймон келтирганларни жаннатга киритади. Ҳаммага ўйлаб кўришлари учун умр бўйи муҳлат берган. Нафсига, ёмон улфатларига, зарарли китоб ва динсиз матбуотга алданиб, залолат, куфр ботқоғига ботганлар орасидан иймонга келганларни афв этмоқда. Уларни абадий фалокатдан қутқармоқда. Ёвуз ва золимларга ҳидоятини эҳсон қилмаяпти. Уларни ўзлари ёқтирган, ўзлари хоҳлаган инкор ботқоқлигида қолдирмоқда. Охирада дўзахга тушиб қолган мўминлардан хоҳлаганларини жаҳаннамда гуноҳлари тозалангунча азоблагандан кейин жаннатга киритади. Ҳар бир жонли мавжудотни яратган, ҳар бирини маълум муддат вужудда ушлаб турган, барчасини қўрқув ва даҳшатдан сақлаб турган ёлғиз Аллоҳдир.

Хоҳлаган одам, хоҳлаган пайт ва жойда, хоҳлаган одамга, хоҳлаган бир иши учун, хоҳлаган кўринишда ҳамд ва шукр [ташаккур, раҳмат] айтса, ушбу мадҳу санолар билан ташаккурларнинг барчаси Аллоҳу таолога хос бўлади. Чунки, ҳар бир неъматни [яхшилиқ] яратиб юбораётган ёлғизгина Унинг Ўзидир. Агар У эслатмаса, куч-қувват ва имкон бермаса, ҳеч ким ҳеч кимга яхшилиқ ёки ёмонлик қила олмайди. Ҳамиша У хоҳлаган нарса бўлади. Унинг хоҳламаганини ҳеч ким амалга ошира олмайди. [Ҳадиси қудсийда ***“Инсонларни мени таниб, шарафли бўлишлари учун яратдим”*** дейилган. Буни эшитганда “Кофирлар бир умр Аллоҳга ишонмай ўтяпти. Ҳадиси қудсийда айтилганлар ҳосил бўлмаяптику” дейиш ноўрин. Чунки олимлар, валийлар маълум бир даражага эришгач, маълум бир ёшга етгач,

Аллоҳу таолони таний бошлайди. Кофирлар ҳам охиратга боргач, танийди. Яъни оламда Яратувчини танимаган биронта мавжудот қолмайди.]

Ҳамд - барча неъматларни Аллоҳу таоло яратиб юбораётганига ишониб, уни тил билан айтиш деганидир. Шукр - барча неъматларни ислом ҳукмларига мос равишда фойдаланиш деганидир. Неъмат - фойдали нарса демакдир. Неъматлар - аҳли суннат олимларининг китобларида таърифланган. Аҳли суннат олимлари - машҳур тўрт ҳақ мазҳабнинг олимларидир.

Аллоҳнинг севиқли пайғамбари, одамзотнинг ҳар томонлама энг барноси, энг улуғи бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга ва Ул зотнинг чиройли ахлоқ билан илм тарқатувчи Олига [оиласига], яъни қариндошлари-ю Саҳобаларининг ҳар бирига (ризвонуллоҳи таоло алайҳим ажмаин) биздан дуолару саломлар бўлсин!

Мусулмонларнинг ўрганишлари керак бўлган илмларга **“Ислом илмлари”** дейилади. Ислом илмлари **дин** ва **фан** илмлари бўлиб иккига ажралади. Фан билимларига **“ҳикмат”** дейилади. Дин реформистлари [динга ҳар даврда ўзгартириш киритиш тарафдорлари] фан илмларини **“рационал билимлар”**, дин илмларини эса **“схоластик билимлар”** деб атайди. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ҳикмат, мусулмоннинг йўқотган моли бўлиб, уни қаерда топса, олсин!”** деб буюрганлар. Бу ҳадиси шариф, бизга фан илмларини ҳам ўрганишни амр этмоқда. Дин илмлари йигирма асосий илмдан иборатдир. Улардан саккизтаси олий илмлар, ўн икkitаси ёрдамчи илмлардир. Олий илмлардан бири **“Ахлоқ илми”**дир.

[Чиройли ахлоқ эгаси бўлиб, замонасининг фан илмларини ҳам етук ўзлаштирган мусулмонга **маданий инсон**, яъни “замонавий, илғор, зиёли одам” дейилади. Фанни ўзлаштириб, оғир саноат қургану лекин ахлоқан ривожланмаган ночор одамларга **золим**, яъни “ортга тортувчи, қарокчи ва диктатор” дейилади. На фан ва саноатда, на ахлоқда ривожланмай ортда қолганларга **вахший, ибтидоий** одамлар дейилади. **Маданият** [цивилизация]нинг таърифи: “таъмири билод ва тарфиҳи ибод”дир. Яъни шаҳарлар барпо қилиш ва одамзотга хизмат қилиш маданиятдир. У ҳам илм-фан, саноат ҳамда чиройли ахлоққа эришилгандагина рўёбга чиқади. Хуллас, фан ва саноатнинг чиройли ахлоқ [одамийлик] билан бирга тараққий топишига **маданият** дейилади. Маданий инсонлар, фан ва саноатни одамзотнинг фойдасига

хизмат қилдирса, золимлар ундан одамзотни қийнашда фойдаланади. Бундан чиқди “ҳақиқий мусулмон” деб, фақат илғор, замонавий ва одамийлик қадриятига эга инсонларга айтилади. Насроний, яҳудий ва коммунист (дахрий) эса, бир томондан ортда қолгани учун доим золим, шаккок ва талончи одам деганидир. Кўриниб турибдики, маданият – шаҳарлар, бинолар қуриб, обод қилишдир. У ҳам фан ва саноатнинг ривожланишига боғлиқ. “Такмили саноат талоҳуқи афкор ила” деган гап бор. Яъни саноатнинг ривожланиши фикрларнинг бири-бирига уланиши орқалидир. Одамзотнинг фаровон турмуш кечириши, жамиятда Ислом ахлоқи [одамийлик нормалари] устувор бўлган пайтдагина амалга ошади.]

Ҳар бир мусулмоннинг Ислом илмларини ўзига керагича ўрганиши фарздир. Бу борада Ислом олимлари жуда кўп китоб ёзганлар. Ахлоқ мавзусида Носируддин Муҳаммад Тусийнинг **“Ахлоқи Носирий”**, Жалолиддин Муҳаммад Девонийнинг **“Ахлоқи Жалолий”** ва хиротлик Ҳусайн Воиз Кошифийнинг **“Ахлоқи Муҳсиний”** номли асарлари кенг шухратга эга бўлган.

Китобимизнинг биринчи қисми, Муҳаммад Ходимийнинг (раҳима-хуллоху таоло) **“Барийка”** китобидан таржима қилинган. Бу қисмда Исломмаъқулқўрмаган хулқлар ва улардан сақланиш, қутулиш чоралари ҳақида гап боради. Мана шу ёмон хулқлар қалб касалликларидан бўлиб, улар қалб билан руҳни абадий ўлимга [куфрга] элтади. Бошқа китоблардан иктибос қилинган иловалар қатта қавс [] ичида берилади. Китобимизнинг иккинчи қисмида, ҳижрий 979 (милодий 1572) йили Эдирнада вафот этган Али бин Амруллоҳнинг (раҳима-хуллоху таоло) туркча **“Ахлоқи Аълоий”** китобининг бош томонини келтириб, ахлоқнинг таърифи ва турларини изоҳлаймиз.

Ушбу китобимизни ўқиган пок руҳли ёшлар аجدодларининг соғлом танли, чиройли хулқли, меҳнатқаш, маданий ва ҳар соҳада илғор инсонлар бўлганини тушуниб, Ислом душманларининг ёлғонлари-ю тўхматларига алданишдан халос бўлади.

Насируддин Тусийнинг асл исми Муҳаммад бин Фаҳриддин бўлиб, ҳижрий 597 йили Тус, яъни Машҳад шаҳрида таваллуд, 672 [милодий 1273] йили Бағдодда вафот этган. Ўзи шиа эътиқодида бўлиб, Ҳулағунинг Бағдодни вайрон қилишига ва юз мингларча мусулмонни қиришига сабаб бўлганлардан биридир. Ҳулағунинг вазири эди. Тўрт юз минг китобга эга кутубхона, расадхона ва битта академия қурди.

Кўп китоб ёзди. “Фойдали маълумотлар” китобининг 97-бетига қаранг!

Муҳаммад Жалолиддин Девоний (раҳима-хуллоҳу таоло) ҳ.829 йилда туғилиб, ҳ.908 [м.1503] йили Шерозда вафот этган. Ислом олимларининг улуғларидандир. Кўп китоб ёзган. “Ахлоқи Жалолий” китоби форс тилида бўлиб, ҳ.1304 [м.1882] йили Ҳиндистонда саккизинчи наشري чоп этилган. Инглизчага ҳам таржима қилинган.

Хусайн бин Али Воиз Кошифий (раҳима-хуллоҳу таоло) Ҳиротда воиз эди. Ҳижрий 910 [м.1505] йили ўша ерда вафот этди.

Эй пок қалбли ёшлар! Эй, умрларини Ислом динининг чиройли ахлоқини ўрганиш ва ёйиш билан ўтказган, жонларини Аллоҳнинг динини одамзотга етказишда фидо қилган шахидларнинг асил ва қадрли фарзандлари! Шарафли аجدодимизнинг сизларга тўлиқ ва тўғри етказиб, омонат қолдирган муборак Ислом динини ва чиройли ахлоқини ўрганинлар! Жаннатдай ватанимизга кўз олайтирган, жон, мол, дин ва ҳаё душманларининг ҳужумларига қарши бу муқаддас омонатни бор кучингиз билан ҳимоя қилинлар! Уни ҳамма ерга ёйиб, одамларни саодатга эриштиришга ҳаракат қилинлар! Билингизки, динимиз чиройли ахлоққа эга бўлиб, ўзаро меҳр-окибатли бўлишимизни, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат кўрсатишимизни, динли-динсиз ҳаммага яхшилик қилишимизни буюрган. Ҳамманинг ҳақини вақтида беринлар, ҳақ-ҳуқуққа риоя қилинлар! Қонунларга, ҳукумат буйруқларига қарши чиқманлар! Солиқларни вақтида тўланлар! Аллоҳ ҳамиша ҳалол ва тўғри одамларга ёрдам беришини асло унутманлар! Ўзаро меҳр-окибат қилиб, бир-биримизга ёрдамлашайликки, Аллоҳу таоло ҳам доимо мададкоримиз бўлсин!

Ислом олимлари айтадиларки: «Аллоҳу таоло инсонда уч нарсани яратган: ақл, қалб, нафс. Буларнинг ҳеч қайсиси кўзга кўринмайди. Лекин бор эканлигини асарлари, ишлари ва динимиз хабар бергани учун биламиз. Ақл билан нафс димоғимизда, яъни миямизда, қалб эса кўксимизнинг чап томонидаги юрагимиздадир. Лекин модда эмас ва маълум бир жойни эгалламайди. Уларнинг мана шу аъзоларимизда бўлиши, худди электр қувватининг ёритгичда ёхуд магнитнинг индукция бобинасида бўлишига ўхшайди. Ақл - фан илмларини тушунишимизга хизмат қилади. Уларни англайди. Исломга мос бўлганларини ёмон ва зарарлиларидан ажратади. Оламдаги барча яхши ва ёмон нарсаларни

Ислом ажратиб берган. Исломни билган ва у билан амал қилгиси келадиган ақлга **“ақли салим”** [соғлом, адашмайдиган салим ақл] дейилади. Ақли кам бўлиб, кўп адашадиган одамга **“аҳмоқ”**; ақли йўқларга **“мажнун”** [жинни] дейилади. Салим ақл, Ислом буюрган яхши нарсаларни қалбга узатади. Қалб ҳам буларни бажаришни ирода қилиб (хоҳлаб), миядан чиқувчи асаб толалари орқали аъзоларга, органларга қилдиради. Яхши ёки ёмон ишларни қилиш истагининг қалбга маҳкам жойлашиб олишига **ахлоқ, хулқ, феъл-атвор** дейилади. Нафс табиатан баданга ёқимли барча нарсага муккасидан кетган бўлиб, уларнинг яхши-ёмон, фойдали-зарарли эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Нафснинг хоҳишлари Ислом таълимотига кўпинча зид бўлади. Ислом тақиқлаган ишларни қилиш, нафсга куч-қувват бағишлаб, тобора ундан ҳам баттарини қилдиришни орзу қила бошлайди. Нафс, ёмон ва зарарли ишларни чиройли қилиб кўрсатиб, қалбни алдайди. Қалбга буларни қилдириб, ўз завқларига эришишга уринади. Қалбнинг нафсга алданиб, бадхулқ бўлиб қолмаслиги учун, Ислом ҳукмларига риоя қилиш орқали қалбни қувватлаб, нафсни заифлатиш керак. Ақлни кучайтиришда Ислом ҳукмларини ўқиб ўрганиш энг таъсирли даво бўлганидек қалбни кучайтириш ва поклашда ҳам, Исломга амал қилиш бениҳоя таъсирли омилдир. Исломга амал қилиш учун эса, ихлос керак. **Ихлос** - ҳар қандай иш ва тоатибодатни фақатгина Аллоҳу таоло буюргани учун бажариб, зиғирча ўзга манфаат кўзламаслик деганидир. Ихлос қалбда, зикр орқали, яъни қалбнинг Аллоҳ исмини кўп марта такрорлаши орқали ҳосил бўлади. Зикрнинг аҳамияти **“Қиёмат ва охират”** китобининг 284-бетидан бошлаб узоқ таърифланган. Зикрнинг қандай адо этилишини муршиди комилдан ўрганиш, ақлга ўрнашиб олган ҳамда сезги органларидан келаётган дунёвий тушунчаларни қалбдан тамоман чиқариб ташлаш шарт. Агар қалбда дунё тушунчаси қолмаса, қалб ўзлигидан зикр қила бошлайди. Зикрнинг қандай адо этилиши **“Том илмиҳол”**нинг 921-бетида тушунтирилган. Бу шишадан сув бўшатишда ўрнини дарҳол ҳаво эгаллашига ўхшайди. Қалбни дунё тушунчаларидан ҳимоя қилишга, қалбнинг муршиди комил қалбидан файз [нур] олиши орқали эришилади. Қалбдан қалбга **файз** деб аталувчи ушбу нур, муҳаббат йўлидан оқади. Муршиднинг бошқа юртда бўлиши ёки вафот этганлиги файзнинг келишига монё бўлмайди. **Муршид** деб, ислом илмларини етук биладиган ва исломга тўла амал қиладиган, ихлос соҳиби, ақли суннат олимга айтилади. Исломга амал қилиш қалбга

қувват бериб, нафсни заифлатади. Шу боис, **нафс** ҳеч қачон қалбнинг исломга амал қилишини, муршиди комилнинг суҳбатида бўлишини, унинг китобларини ўқишини хоҳламайди. Аксинча динсиз, иймонсиз бўлишини орзу қилади. Ақлларига эмас, нафсларига бўйсунган одамлар, шу сабабли динсиз бўлмоқда. Нафс ўлмайди, лекин куч-қувватдан қолиб, ҳолдан тойганда қалбни алдай олмайди.»

Бугун ер юзидаги мусулмонлар асосий уч фирқага ажралган бўлиб, биринчи фирқа Асҳоби киромнинг саодатли йўлидан юрувчи ҳақиқий мусулмонлардир. Уларга **“аҳли суннат”**, **“сунний”** ва **“фирқаи ножиъ”**, яъни жаҳаннамдан нажот топган фирқа дейилади.

Иккинчи фирқа, Асҳоби киромга душман бўлганлар фирқасидир. Уларга **“шиа”** ёки **“фирқаи золла”**, яъни адашган, залолат фирқаси дейилади.

Учинчи гуруҳ эса, суннийлар билан шиаларга душман бўлганлар фирқаси бўлиб, уларга **“вахҳобий”** ва **“наждий”** дейилади. Чунки ушбу фирқа, илк бор Арабистоннинг Нажд деган жойидан ер юзига ёйилган. Уларга яна **“фирқаи малъуна”** [малъунлар галаси] ҳам дейилади. Боиси, уларнинг мусулмонларга мушрик деб ҳақорат қилганликлари **“Қиёмат ва охират”** ва **“Саодати абадия”** китобларимизда келтирилган. Мусулмонга кофир деганларни пайғамбаримиз лаънатлаганлар. Шиа фирқасини яҳудийлар, вахҳобий фирқасини инглизлар қурган. Аҳли суннат фирқасини Усмонийлар сақлаб қолган.

Қайси фирқага мансублигидан катъий назар, нафсига эргашиш ва қалби нопок бўлган одам барибир жаҳаннамга кетади. Ҳар бир мўмин нафсини тазкия, яъни фитратидаги куфр ва гуноҳлардан тозалаш учун доимо **“Ло илоҳа иллаллоҳ”** калимасини ва қалбини тасфия, яъни нафс, шайтон, ёмон улфатлардан, зарарли, заҳарли китоблардан юқтирган куфру гуноҳлардан поклаш учун доимо **“Астағфируллоҳ”** калимасини айтиб юриши керак. Исломига амал қилган одамнинг дуолари албатта қабул бўлади. Кишининг Исломига амал қилмаслигини бенамозлиги, очиқ хотинларга қараши, ҳаром еб-ичиши кўрсатади. Ундайларнинг дуолари қабул бўлмайди.

Хусайн Ҳилми Ишиқ

Милодий
2023

Ҳижрий шамсий
1401

Ҳижрий қамарий
1444

ИСЛОМ АХЛОҚИ

Биринчи қисм

Китобимизнинг биринчи қисмида ёмон ахлоқдан энг муҳим қирқ донаси ва уларнинг давоси изоҳланади.

Қуйидаги матнларнинг ҳаммаси Абу Саид Муҳаммад Ходимийнинг (раҳима-хуллоху таоло) **“Бариқа”** китобининг биринчи жилдидан таржима қилинган. Икки жилдли ушбу китоб арабча бўлиб, х.1284 [м.1868] йили Истанбулда чоп этилган. 1411 [м.1991] йили **“Ҳақиқат китоб уйи”** томонидан қайта нашр қилинган. Ходимий ҳазратлари Қўния шаҳрининг Ходим қасабасида вафот этган.

ЁМОН АХЛОҚ ВА УЛАРДАН ҚУТУЛИШ ЧОРАЛАРИ

Инсонга дунё ва охиратда зарар берадиган ҳар бир нарсa, ёмон ахлоқдан юзага келади. Яъни, зарар ва ёмонликларнинг боши ёмон хулқли бўлишдадир. Ҳаромлардан [ёмонликлардан] тийилишга **“такво”** дейилади. Такво ибодатларнинг энг муҳимидир. Чунки бирон нарсани зийнатлаб, безатиш учун, аввало унинг қирларини, ёмонликларини кетказиш лозим. Шунинг учун гуноҳлардан тозаланмагунча тоат-ибодатларнинг фойдаси бўлмайди. Ундай тоат-ибодатларга савоб берилмайди. Ёмонликлар орасида энг ёмони **“куфр”**дир. Кофирнинг [Аллоҳ душманининг] ҳеч қандай яхшилиги, ҳайр-ҳасаноти охиратда ўзига фойда бермайди. [Зулм билан ўлдирилган кофир шаҳид бўлмайди, жаннатга қирмайди.] Иймони йўқнинг ҳеч қайси яхшилигига савоб берилмайди. Барча эзгуликларнинг пойдевори – такводир. Барча ишлардан бурун такводор бўлишга ғайрат қилиш керак. Ҳаммага такво эгаси бўлишни амр ва насиҳат қилиш лозим. Дунёда роҳат-фароғатга, ҳузур-ҳаловатга етиб, меҳр-оқибатли биродарлардек тотув ҳаёт кечира олиш; охиратда эса чексиз азобдан халос бўлиб, абадий неъматлару саодатларга эришиш фақат такво орқали насиб бўлади.

Ёмон хулқлар қалбни қорайтириб, касал қилади. Бу касалликнинг кучайиши қалбнинг ўлимига [яъни куфрга] сабаб бўлади. Ёмон хулқлардан энг ёмони бўлган ширк, яъни куфр, қалб учун энг беомон захардир. Иймони йўқ кишининг “Қалбим тоза, сен кўнглимга қара” сингари гаплари курук лофдир. Чунки захарланган ва ўлган қалб ҳеч қачон тоза бўлмайди.

Куфрнинг бир неча турлари бўлиб, ораларида энг ёмони, энг каттаси **“ширк”**дир. Бир ёмонликнинг барча навларини ифодалаш учун кўпинча уларнинг энг ёмони айтилади. Шунинг учун ояти карималар ва ҳадиси шарифларда ўтган «ширк» сўздан барча кўринишлардаги куфр маъноси англашилади. «Нисо» сурасининг қирқ саккиз ва юз ўн олтинчи ояти карималарида мушрикнинг асло афв этилмаслиги таъкидланган. Бу ояти карималар, кофирларнинг дўзах ўтида абадий қуйишларини билдирмоқда.

[“Ширк” - Аллоҳу таолога бирон нарсани шерик қўшиш, ўхшатиш дегани. Ўхшатган одамга **“мушрик”**, ўхшатилган нарсага **“шерик”** дейилади. Бирон нарса ёки кимсада улуҳият [илоҳлик] сифатларидан бири борлигига ишониш, уни шерик қўшиш бўлиб ҳисобланади. Аллоҳу таолога махсус **“Сифати зотия”** ва **“Сифати субутия”**ларга **“Улуҳият сифатлари”** дейилади. Мангу бор бўлмоқ, яратмоқ, ҳамма нарсани билмоқ, касалларга шифо бермоқ кабилар илоҳий сифатлардандир. Бир шахсда, куёш, сигир ёхуд дуч келган бирон яратикда улуҳият сифати борлигига ишониб, унга таъзим, ҳурмат кўрсатиш ёки ёлворишга, унга **“ибодат қилиш”**, **“топиниш”**, **“сиғиниш”** дейилади. Ўша сиғинилган яратик **“санам-бут”**га айланади. Илоҳий сифати бор деб ишонилган шахс ва кофирларнинг ҳайкал, расм ва мозорлари олдида таъзим қилиш, уларни улуғловчи сўзлар айтиш, ибодат қилиш – ширк бўлади. Агар бирон шахсда улуҳият сифатларидан бири бор деб ишонмай, балки Аллоҳнинг севган бандаси эканлигига ёки ватанга, миллатга хизмати сингганига ишониб, портрети ва ҳайкалига ҳурмат кўрсатилса, ширк ҳам, куфр ҳам бўлмайди. Лекин ҳар қандай одам суратига ҳурмат кўрсатиш ҳаром бўлгани учун унга таъзим ва ҳурмат қилган мусулмон фосиқ бўлади. Агар бу ҳаракатининг ҳаром эканлигига эътибор бермаса, ҳаромни менсинмай қилганлардек **“муртад”** бўлади. Мушрик бўлмаган яҳудий ва насронийлар ҳам, Муҳаммад алайҳисаломга ишонмаганликлари учун кофир [Аллоҳга душман]дир. Уларга

“Китобли кофир” дейилади. Ҳозирги давр христианларининг кўпчилиги Исо алайҳисаломга улухият сифатлари иснод қилганлари туфайли мушрик бўлиб саналади. Барнабас ва Ариус мазҳабидаги насоролар китобли кофир бўлсалар-да, улар ҳозирги даврда қолмаган.]

Қалб касалликлари орасида ширкдан кейин энг ёмони **“бидъат”**-ларга ишониш ва бидъат иш қилишдир. Бидъатлардан кейин гуноҳлардан тийилмаслик келади. Ширк, яъни куфрдан бошқа катта-кичик хоҳлаган гуноҳни қилиб, тавба қилмай оламдан ўтиб кетган мўмин [иймонли, мусулмон], шафоат орқали ёки ҳеч қандай сабабсиз, ёлғиз Аллоҳу таолонинг раҳми билан афв этилиши мумкин. Кичик гуноҳ агар афв этилмаса, дўзах азобиغا гирифтор қилади. Қул ҳақи [киши ҳақи] аралашган гуноҳларнинг афви нисбатан қийинроқ ва азоби ҳам шиддатлироқ бўлади. Масалан, завжасининг меҳр пулини бермаслик ва одамларнинг ҳақ динни ўрганишларига тўсқинлик қилиш қул ҳақлари ичида энг оғирларидандир. Ҳадиси шарифларда қуйидагича марҳамат қилинади: ***“Шундай замон келадики, одам топган-тутганининг ҳалолдан ё ҳаромдан келганини асло ўйламайди”*** ва ***“Шундай бир замон келадики, исломиятга амал қилиш қўлида чўғ ушлашдек қийин бўлади.”*** Шунинг учун ҳаромларнинг барчасидан ва таҳримий макруҳлардан тийилиш тақво бўлади. Фарз ва вожибларни тарк этиш ҳаром. Муаккад суннатларни узрсиз тарк этиш таҳриман макруҳ бўлади, дейилди. Ўтиқод, ахлоқ ва амал борасида буюрилганларни тарк этганларга қиёматда азоб берилади. Азобга сабаб бўлувчи ишларни тарк этиш керак. Масалан намоз ўқимаслик ва хотин-қизларнинг ярим яланғоч юришлари катта гуноҳлардандир. Бир гуноҳни тарк этиш, масалан беш вақт намозни ҳар куни ўқиш жуда зарур. Лекин ушбу китобимизда тарк этмаслигимиз керак бўлганлар ҳақида эмас, аксинча тарк этишимиз керак бўлганлар ҳақида баён қиламиз.

Таъқиқланган ишлар ё маълум бир аъзо билан ёки бутун бадан билан ишланади. Гуноҳ қилувчи аъзолардан саккизтаси маълум. Улар: қалб, қулоқ, кўз, тил, қўл, меъда, жинсий аъзолар ва оёқлар. Қалб - одам кўксига, чап томонида жойлашган юрак деб аталувчи гўшт парчасига нафҳ этилган [уфурилган] руҳоний бир латифа бўлиб, руҳ сингари модда бўлмаган борлиқдир. [Латифа - номоддий, мужаррад нарса]. Гуноҳни қиладиган бу аъзоларнинг ўзлари эмас,

балки уларда мавжуд бўлган ҳис қувватларидир. Дунё ва охиратда саодатга эришиб, ҳузур топгиси келган одам, мазкур аъзоларининг гуноҳ қилишига йўл бермаслиги лозим. Гуноҳ қилмаслик, киши қалбида малака, табиат, хулқ ҳолига келиши керак.

Ўзи намозхон, ҳаромга қўл урмайдиган сунний мусулмонга **“муттакий”** [такводор] ва **“солиҳ”** [яхши одам] дейилади. Ундай одам Аллоҳу таолонинг розилигию муҳаббатига эришиб, **“Валий”**и бўлади. Қалбда ҳануз табиат, малака ҳолига келмай, ўзини мажбурлаб гуноҳлардан тийилиш ҳам тақво саналса-да, валий бўла олиш учун гуноҳ қилмаслик инсонда малака, хулқ, феъл-атвор ҳолини олиши лозим. Бу учун қалбнинг покланиши керак. **“Қалб поклигига исломиятга амал қилиш орқали эришилади”**. **“Исломият”** уч қисмдан иборат: Илм, амал ва ихлос. Яъни амр ва таъқиқларни ўрганиб, ўрганганларига амал қилиш, уларни фақат Аллоҳ ризоси учун бажариш лозим. Қуръони карим мана шу учаласини буюриб мадҳ қилган. Ушбу **“Ислом ахлоқи”** китобида қалбнинг тозалиги учун фақат тарк этиш керак бўлган гуноҳлар баён қилинади. Уларга **“Ёмон ахлоқ”** дейилади.

ЁМОН АХЛОҚ ВА ДАВОЛАРИ

Мусулмон энг биринчи бўлиб қалбини тозалаши керак. Чунки қалб, бутун баданнинг раиси, раҳбаридир. Барча аъзолар қалбга итоат қилади. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам): ***“Инсон баданида бир парча гўшт бор. Агар у яхши бўлса, барча аъзолар яхши бўлади. У ёмон бўлса, бутун аъзолар бузуқ бўлади. Бу – қалбдир”*** деб марҳамат қилганлар. Яъни бу - юрак деган гўшт парчасида жойлашган дил, кўнгилдир. Унинг яхши бўлиши, ёмон ахлоқдан тозаланиб, яхши ахлоқ билан безаниши демакдир. Инсоннинг сурати, шакли-шамойилига **“бадан”**, **“халқ”** дейилади. Инсоннинг қалбидаги қувват, ҳол ва феъл-атворига **“хулқ”** дейилади. **“Ахлоқи замима”** [ёмон ахлоқ] – қалб иллатлари бўлиб, уларни даволаш жуда мушкул. Давосини, дори-дармонини пухта билиш ва ўринли фойдаланиш керак. Хулқ, яъни характер, қалбдаги малака ва қалбдаги орзу, ҳол деганидир. Одамнинг эътиқоди, сўзлари, ҳаракатлари доимо шу қувватдан ҳосил бўлади. Кишининг ихтиёрий ҳаракатлари хулқининг асарларидир.

Ахлоқни, характерни ўзгартириш, ёмонини йўқотиб, ўрнига яхшисини жойлаш мумкин. Ҳадиси шарифда **“Ахлоқингизни тузатинг!”** деб буюрилган. Исломият мумкин бўлмаган ишни буюрмайди. Тажрибалар ҳам буни тасдиқламоқда. [Тажриба - қатъий ҳулоса олишга ярайдиган уч воситадан биридир. Бу воситалардан иккинчиси Мухбири Содик [пайғамбаримиз]-нинг хабар беришидир. Учинчиси ҳисоб орқали тушунишдир.] Ўз ахлоқини ўзгартириш истасадоди ҳаммада бир хил эмас.

Ахлоқнинг манбаи ва сабаби инсоний руҳнинг уч қувватидир. Булардан биринчиси руҳнинг **“идрок”** қуввати бўлиб, унга **“нутқ”** ва **“ақл”** дейилади. Нутқнинг [ақл] назарий қувватининг мўтадил, ўрта миқдорига **“ҳикмат”** дейилади. Ҳикмат - яхшини ёмондан, ҳақни ботилдан ажратувчи қувватдир. Бу қувватнинг нормадан ортиқ бўлишига **“жарбаза”**, яъни салбий маънода «билармон» дейилади. Билармонлик қилувчи жарбаза одам, имкон ташқарисидаги ҳамма нарсани ўз ақли, ўз қаричи билан ўлчашга уринади, маъноси очиқ бўлмаган оятларга ўзича маъно беради. Қазо-қадар, тақдир мавзусида гапиради. Макр, хийла, сеҳр каби зарарли ишлар билан шуғулланади. Бу қувватнинг нормадан кам бўлишига **“балодат”**, яъни аҳмоқлик дейилади. Ундай одамлар хайрли билан хайрсизнинг фарқига бормайди.

Нутқнинг [ақл] амалий қувватининг ўртача, мўтадил бўлишига **“адолат”** дейилади. Адолатнинг ози-кўпи бўлмайди, яъни ё бор, ё йўқ бўлади.

Ахлоқнинг манбаи бўлган қувватлардан иккинчиси **“ғазаб”** бўлиб, у ҳайвоний руҳнинг қувватидир. Ёқтирмаган, истамаган нарсасига дуч келганда қониқайнайди. Мазкур қувватнинг инсоний руҳ томонидан жиловланган ўртача миқдорига **“шижоат”**, жасорат дейилади. Шижоат - керакли, фойдали ишларга отилиш, интилиш деганидир. Мусулмонларнинг икки мислидан ортиқ бўлмаган кофирлар билан жанг қилишлари, мазлумни золимдан қутқаришларига сабаб мана шу қувватдир. Бу қувватнинг ҳаддан ошган ҳолига **“таҳаввур”**, яъни урушқок, қутурган дейилади. Ундай одамлар тез ғабаланади. Бу қувватнинг нормадан кам бўлиши – **“жубн”**, яъни қўрқоқлик бўлиб, ўзига керакли нарсани қилишдан ҳам тортинади, чўчийди.

Рухнинг қувватларидан учинчиси “**шаҳват**” дир. Бу ҳайвоний рухнинг ўзига ёқимли туюлган нарсаларга талпинишидир. Бунинг инсоний рух томонидан жиловланган ўртача миқдорига “**иффат**”, ор-номус дейилади. Иффатли инсон табиати тусаган, баданига лозим бўлган эҳтиёжларига исломиятга ва одамийликка муносиб ҳолда эришади. Ушбу қувватнинг нормадан ошиб кетишига “**шараҳ**”, хирс ва ҳаёсизлик дейилади. Ундайлар кўнгли тусаган ҳар нарсани, ҳалол-ҳаромлигига қарамай қўлга киритишга уриниб, ўзгалар зарарига бўлса ҳам эҳтиёжини қондиради. Шаҳватнинг нормадан кам бўлишига “**хумуд**”, лапашанглик дейилади ва бундай ҳолатдаги одам касаллигидан ёки ҳаддан зиёд уятчанглигидан ёхуд кўрқоқлигидан, кибридан ўзига керак нарсаларга эришишда дармонсизлик, иродасизлик қилади.

Юқорида айтилган тўртта ўрта даража, яъни ҳикмат, адолат, иффат ва шижоат яхши ахлоқнинг асосидир. Инсон, агар рухнинг шу уч қувватидан ҳикматга тобе бўлса, нариги иккитасига, яъни ғазаб билан шаҳватга ҳоким бўлиб, уларни ўрта даражали иффат билан шижоатга келтириб, саодатга эришади. Агар ақлнинг назарий қуввати, ўрта даражали ҳикматга ета олмай, икки ёмон томонга майл қилса, у ҳолда одамда ёмон хулқлар ҳосил бўлади. Нормада бўлмаган олтига хулқ эса, доимо ёмондир. Ўрта даражадаги тўрт хулқ ҳам агар ёмон ният билан иш қилса, ёмонга айланади. Масалан мол-дунё, шон-шухрат, обрў ва лавозимга эришиши мақсадида диний савод очиш; риё билан хўжа кўрсинга намоз ўқиш, жиҳод қилиш, ҳикматни суи истеъмол қилиш бўлади. Бирон орзусига ёки обрўга эришиш мақсадида баъзи завқларидан воз кечиш, иффатини суи истеъмол қилиш бўлади.

Асосий тўрт яхши хулқдан ҳар бирининг ўзига хос асарлари ва аломатлари бор. Ҳикматнинг етти асари бор. Шижоат ва иффатнинг ўн биттадан асари – таъсири мавжуд.

Ёмон хулқларнинг давоси – ёмон хулқларнинг ҳаммаси учун муштарак даво: ушбу иллат, унинг зарари, сабаби, зидди ва дорисининг фойдаси ҳақида маълумотга эга бўлишдир. Ундан кейин шу иллатнинг ўзида бор-йўқлигини текшириш, излаш ва ташхис қилиш келади. Ташхисни [диагнозни] ҳамма ўзи қўяди. Ёки бирон олим, раҳбарнинг айтиши орқали англайди. Мўмин – мўминнинг ойнасидир. Одам одатда ўз қусур-камчиликларини кўрмайди.

Шунинг учун мўмин, ишонган дўстидан сўраб камчилигини билади. Содиқ дўст, уни хавф-хатардан ҳимоя қилувчи одамдир. Ундай дўст топиш жуда қийин. Шу сабабли Имоми Шофийй:

Содиқ дўст ва ҳолис кимё

Кимга насиб, кимга рўё! – деганлар.

Ҳазрати Умар (розиаллоҳу таоло анх) ҳам:

Айбимни кўрсатиш дўстнинг амали,

Биродарлик суннатининг будир тамали! – деганлар.

Душманларининг кишига қарши ишлатадиган сўзлари ҳам одамга ўз айбини билиш имконини беради. Чунки душман, одамнинг айбини юзига солади. Яхши оғайнилар эса инсоннинг айбларига унча эътибор бермайди. Бир киши Иброҳим Адҳам ҳазратларига айбини, қусурини билдириши учун ялиниб-ёлворганида “Сен билан дўст тутинганман, сенинг ҳамма қилиғинг, ҳаракатларинг менга чиройли кўринади. Айбингни бошқалардан сўра” дейди. Ўзгаларда қандайдир бир айб борлигини кўриб, шундай айб ўзимда ҳам борми деб, ўз камчилигини қидириш, топганда ундан қутулиш йўлини излаш ҳам, ёмон хулқларнинг давосидир. ***“Мўмин – мўминнинг ойнасидир”*** ҳадиси шарифининг маъноси ана шу. Яъни бошқаларнинг айбларида ўз айбларини кўради. Исо алайҳиссаломга бу гўзал ахлоқни кимдан ўргандингиз, деганларида, ***“Бировдан ўрганганим йўқ. Одамларга қарадим. Менга ёқмаган қилиқларидан узоқ турдим. Маъкул келганларини ўзим ҳам қилдим”*** дедилар. Луқмони Ҳакимдан “Адабни кимдан ўргандингиз?” деб сўрашди. ***“Адабсиздан!”***- деб жавоб бердилар. Салафи солиҳийн, Асҳоби киром ва валийларнинг (раҳматуллоҳи таоло алайҳим ажмаъин) ҳаётларидан ҳикоялар ўқиш ҳам яхши хулқли бўлишга сабабдир.

Ўзида ёмон хулқ борлигини билган одам, унга қандай чалинганининг сабабини излаши, шу сабабни йўқотиши, унинг аксини қилишга уриниши лозим. Ёмон хулқдан қутулиш ва унинг аксини қилиш учун кўп шуғулланиш керак. Чунки одамнинг ўрганган нарсасидан воз кечиши, қутулиши жуда мушкул. Ёмон нарсалар нафсга ширин кўринади.

Одамнинг ёмон иш қилганда, ортидан риёзат чекишни, нафсга оғир келувчи ишлар қилишни одат қилиши ҳам фойдали даводир. Масалан, “бирон ёмон иш қилсам, шунча садақа бераман ёки рўза тутаман, кечаси намоз ўқийман” деб қасам ичиш керак. Нафс,

бундай оғир ишларни бажармаслик учун уларга сабаб бўлувчи ёмон одатларини ташлайди. Ёмон ахлоқнинг зарарларини ўқиш, эшитиш ҳам фойдали даводир. Мазкур зарарлар ҳақида айтилган ҳадиси шарифлар жуда кўп. Баъзилари қуйидагилар:

1. ***“Аллоҳ олдида ёмон хулқдан катта гуноҳ йўқ.”*** Чунки одам бунинг гуноҳ эканини билмайди. Тавба қилмайди. Қилган сайин гуноҳи ортиб бораверади.

2. ***“Одамларнинг ҳеч тортинмасдан, уялмасдан қиладиган гуноҳлари – ёмон хулқли бўлишдир”.***

3. ***“Ҳар гуноҳнинг тавбаси бор. Ёмон ахлоқнинг тавбаси бўлмайди. Одам ёмон хулқига тавба қилмай, бадтарини қилади”.***

4. ***“Иссиқ сув музни эритганидек яхши ахлоқ ҳам хатоларни эритади. Сирка асални бузганидек ёмон ахлоқ хайр-ҳасанотни маҳв этади”.***

Ёмон ният билан бўлмаган ҳикмат, адолат, иффат ва шижоат яхши ахлоқнинг манбаи, асосидир. Яхши хулқли бўлиш ва яхши ахлоқини ҳимоя қилиш учун солиҳ одамлар билан, чиройли хулқлилар билан дўст бўлиш керак. Кишининг хулқи дўстларининг хулқига ўхшайди. Ахлоқ худди касалликдек юқумли бўлади. Ҳадиси шарифда ***“Одамнинг дини ўртоғининг дини кабидир”*** деб марҳамат қилинган. Фойдасиз нарсалардан, ўйинлардан, зарарли ҳазиллардан, баҳслардан тийилиш лозим. Илм ўрганиш ва фойдали ишлар билан банд бўлиш керак. Ахлоқни бузувчи, шахватни кўзғатувчи беҳаё, фаҳш китобларни ўқимаслик, шундай уятсиз радиоэшиттириш ва телекўрсатувлардан узоқ туриш лозим. Яхши хулқларнинг фойдалари, ҳаромларнинг зарарлари ва дўзахдаги азобларни ҳамиша эсда тутиш шарт. Бойлик билан мавке-мартаба ортидан югурганларнинг ҳеч қайсиси мурод-мақсадларига етолмаган. Бойлик ва мавкега хайр учун интилган ҳамда хайрли ишлар учун ишлатган одамлар роҳат ва ҳузур-ҳаловатга эришган. Мол-мулк, обрў-амал ғоя бўлмаслиги керак, балки хайрли ишларга восита бўлиши керак. Мол-давлат, мавке-ю мартаба худди дарёга ўхшайди. Кўплар ана шу дарёда ғарқ бўлган. Аллоҳу таолодан кўрқмоқ, шу дарёнинг кемасидир. Ҳадиси шарифда ***“Дунёда қолувчидек эмас, йўловчидек яшаиш керак! Ўлим ҳақлигини асло унутмаслик керак!”*** дейилган. Инсон дунёда боқий эмас. Дунё завқларига берилган сайин дардлари, ғам-ғуссалари, ташвишлари ортиб боради. Қуйидаги ҳадиси шарифларни асло

унутмаслик керак:

1. *“Ибодатлари кам бўлган бир банда яхши хулқи туфайли қиёматда баланд даражаларга эришади.”*

2. *“Ибодатларнинг энг осони ва энг фойдалиси – оз гапириш ва чиройли хулқли бўлишдир.”*

3. *“Бир банданинг ибодатлари кўп бўлса ҳам ёмон хулқи уни дўзахнинг энг тагига туширади. Баъзан қуфрга элтади.”*

4. Бир кишининг кундузлари рўза тутиб, кечалари намоз ўқиши, лекин ёмон хулқли бўлиб, тили билан қўшниларига, оғайниларига озор етказиши айтилганда, Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) *“Ундай бўлиш яхши эмас. Борадиган жойи жаҳаннам оташидир”* деб марҳамат қилганлар.

5. *“Чиройли ахлоқни тамомлаб, дилларга жойлаштириш учун юборилдим”*. Самовий динларнинг ҳаммасида яхши хулқлар бор эди. Ислом дини шуларни тугаллаб тамомлаш учун юборилди. Бу дин турганда, яхши хулқни ўргатувчи бошқа манбага, бошқа бировга ҳожат йўқ. Шунинг учун Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин бошқа пайгамбар келмайди.

6. *“Яхши хулқ эгалари дунё ва охират саодатига эришади.”* Чунки яхши хулқли одам Аллоҳу таоло ва бандалари олдидаги вазифаларини ўтайди.

7. *“Сурати ва хулқи яхши бўлган кишини жаҳаннам ўти ёқмайди.”*

8. *“Сендан узоқлашганларга яқинлашмоқ, зулм қилганларни афв этмоқ, сени маҳрум қилганларга эҳсон қилмоқ яхши хулқ эгаси бўлишдир.”* Яхши хулқли одам унга аразлаган одамга яхшилик қилади. Эҳсон беради. Молига, обрўйига, баданига зарар етказганни кечиради.

9. *“Ғазабланганда ўзини босиб юмшоқ муомала қилишга уринган одамнинг қалбини Аллоҳу таоло хотиржамлик ва иймон билан тўлдиради.”* Ҳар қандай хавф-хатардан хотиржам ва амин бўлади. Ёмонлик қилганга яхшилик билан жавоб қайтариш, яхши хулқларнинг энг аълоси бўлиб, комил инсоннинг белгисидир. Бу иш душманларни дўстга айлантиради. Имоми Ғазолий (раҳима-хуллоҳу таоло) айтганлар: «“Инжил”да кўрдим: Исо алайҳиссалом “Ёмонлик қилганга ёмонлик билан жавоб берманглар! Ўнг юзингизга урганга, чап юзингизни тутинг! Чопонингизни тортиб

олганга кўйлагингизни ҳам кўшиб беринг!” деб буюрганлар.» Христианларнинг қўлларида ҳозир мавжуд бўлган сохта **“Инжил”** китобларида ҳам шундай ёзилганлиги **“Жавоб бера олмади”** китобимизда бор. Христианларнинг Испания, Қуддус, Ҳиндистон ва Босня-Герцеговинада мусулмонлар билан яҳудийларга қилган даҳшатли зулмлари ва инквизиция судларида бир-бирларига раво кўрган қийноқлари китобларда ёзилган. Ўша ваҳшиёна ҳаракатлари ҳақиқий **“Инжил”**га тобе бўлмаганликларини кўрсатмоқда.

Ҳар бир мусулмон қалбидан барча ёмон ҳуққларни кетказиб, яхши ахлоқни ўрнатиши керак. Бир нечтасини кетказиб, бир нечтасини жойлаштириш билан инсон яхши ҳуққли бўлиб қолмайди. Тасаввуф одамни ўша камолга эриштирадиган йўлдир. [Ундай бўлмаган йўлга тасаввуф дейилмайди. Ҳар бир илм ва ҳар бир ҳунарнинг сохталари, қалбакилари бўлганидек ҳозирги даврда диндан, исломиятдан, исломнинг гўзал ахлоқидан беҳабар сохтакорлар билан ёлғончилар ҳам ўзларини тариқат пири, шайх қилиб танитмоқда. Уларга алданмаслик, нодонлар ва ахлоқсизларнинг китобларини ўқимаслик, радиосини тингламаслик, тузоқларига тушмаслик керак.]

Ёмон ахлоқнинг машхурлари олтмишта. Шулардан қирқт донаси таржима қилиниб, қирқ модда ҳолида қуйида баён қилинади. Улардан эҳтиёт бўлиб, ўзини асраган ва аксини қилган ҳар бир одам чиройли ахлоққа эришади.

КУФР

1. Ёмонликлар ичида энг ёмони, Аллоҳу таолога ишонмаслик, атеист бўлишдир. Муҳаммад алайҳисаломга ишонмаслик - **“куфр”**, [Аллоҳга душманлик] бўлади. Фаришталар, одамзот ва жинларга иймон келтиришлари буюрилган. Муҳаммад алайҳисаломнинг Аллоҳу таолодан олиб келиб, етказган таълимотларининг барчасига қалб билан ишониб, тил билан иқрор бўлиб айтишга **“иймон”** дейилади. Иймоннинг ўрни **“қалб”**дир. Қалб, юрак деган аъзода жойлашган қувватдир. Бу қувватга **“қўнгил”** ёки **“дил”** ҳам дейилади. Иймонини тил билан айтишга, яъни калимаи шаҳодатни айтишга бирон тўсиқ бор бўлган пайтларда айтмаслик афв этилади. Масалан, қўрқитилса,

касал ёки тилсиз бўлса, айтишга вақт тополмай ўлса, ундай пайтда айтиш ҳожат эмас. Тушунмасдан, тақлид қилиб ишониш ҳам иймон саналади. Аллоҳу таолонинг бор эканлигини ўйламаслик, тушунмаслик гуноҳ бўлади. Ислом билдирган хусуслардан атиги биттасига ишонмаслик, ҳаммасига ишонмаслик билан тенг. Ҳар бирини алоҳида-алоҳида билмай туриб, ҳаммасига ишондим, дейиш ҳам иймон бўлади. Иймон ҳосил қилиш учун исломнинг “куфр белгиси” деб атаган нарсаларидан эҳтиёт бўлиш ҳам лозим. Ислом аҳкомларидан, яъни буйруқ ва тақиқларидан биронтасига менсинмай қараш, Қуръони каримни, фаришталарни, пайғамбарлардан (алайҳимуссалавату ваттаслимот) биронтасини масҳара қилиш куфр белгиларидандир. Инкор қилиш – исломни эшитгандан кейин унга ишонмаслик, тасдиқ қилмаслик [ҳақ деб билмаслик] деганидир. Шубҳаланиш ҳам инкор ҳисобланади.

Куфр уч хил бўлади: Жаҳлий [нодонлик], жухудий [ўjarлик] ва ҳукмий.

1. Куфр эканлигини ҳамма биладиган бир ишни эшитмагани, ўйлаб кўрмагани учун қилиб кофир бўлганларнинг куфри **“Куфри жаҳлий”**дир. Жаҳл ҳам икки хил бўлади: Биринчиси оддий бўлиб, бундай одам жоҳил [нодон] эканлигини ўзи билади. Ундайларда нотўғри эътикод бўлмайди. Ўзлари ҳайвон сингаридир. Чунки, инсонни ҳайвондан ажратувчи фарқ илм ва идрокдир. Улар ҳайвондан ҳам пастдир. Зеро, ҳайвонлар ўз яратилган соҳаларида жуда фаол бўлиб, ўзлари учун фойдали нарсаларни тушуниб, уларга интилади. Зарарли нарсаларни ҳам сезиб, улардан овлоқ юради. Нодонлар бўлса, бесавод ва билимсиз эканликларини билиб туриб шу чиркин ҳолдан узоқлашишга, илмга интилишга тирishмайди.

[Имоми Раббоний (раҳима-хуллоҳу таоло) **“Мактубот”** китобининг биринчи жилди 259-мактубида бундай деганлар: «Бу фақирга [каминага] кўра, тоғда-даштда ўсиб, ҳеч қандай диндан хабари бўлмай бутга сиғинган мушриклар на жаннатга, на жаҳаннамга кирмайди. Охиратда тирилгач, сўроқ қилиниб, зулму қабоҳатлари қадар маҳшар майдонида азоб тортади. Ҳамманинг ҳақи ўзига қайтарилгандан кейин худди ҳайвонлардек булар ҳам йўқ қилинади. Улар бирон жойда абадий қолмайди. Ҳамманинг ақли дунё ишларида ҳам адашиб янглишаётганда, Аллоҳу таолони

ақллари билан тополмаганлари учун бандаларини мангу ўтда ёқишини айтиш бу фақирга жуда оғир келмоқда. Кичиклигида ўлган кофир болалари ҳам шундай йўқ қилинади.

Бир пайғамбарнинг (алайҳимуссалавоту ваттаслимот) вафотидан кейин, кўп вақт ўтиб, золимлар томонидан дин бузилиб, унутилган жойларда яшаб, пайғамбарлар билан исломиятдан хабари бўлмаган инсонлар ҳам жаннат ва жаҳаннамга кирмайди, такрор йўқ қилинади.» Кофир мамлакатларда яшаб, исломни эшитмай ўтганлар ҳам шундай.]

Иймон келтириш шарт бўлган нарсалар билан фарзлардан, ҳаромлардан машҳур бўлганларини керагича ўрганиш ҳар кимга фарздир. Ўрганмаслик ҳаром бўлади. Эшитиб, бироқ ўрганишга аҳамият бермаслик куфр бўлади. Жаҳлнинг [нодонликнинг] давоси ўқиб-ўрганишдир. Жаҳлнинг иккинчи тури **“жаҳли мураккаб”** бўлиб, нотўғри, қинғир эътиқод қилишдир. Юнон файласуфлари ва мусулмонлардан етмиш икки бидъат фирқасида бўлиб, иймони кетганлар ана шу жумладандир. Бу жаҳолат биринчисидан ҳам ёмонроқ. Давоси топилмаган касалликдир. Исо алайҳиссалом: «Карни, тилсизни даволадим. Ўликни тирилтдим. Лекин жаҳли мураккабнинг давосини топа олмадим» деганлар. Чунки бундай одам ўз нодонлигини илм ва камол деб ўйлайди. Жоҳил ва руҳий касал эканлигини билмайдик, давосини изласин! Фақат Аллоҳу таолонинг ҳидояти билан ўз касаллигини тушунган одамгина бу дарддан кутула олади.

2. **“Куфри жухудий”**. Бунга “куфри инодий”, [ўжарлик билан кофир бўлиш] ҳам дейилади. Куфр эканини била туриб, ўжарлик қилиб кофир бўлишдир. Бу куфр, кибр туфайли, мол-дунё, завқу сафо ва обрўга эга бўлишни яхши кўришдан ёки айбланишдан кўрқиш сабабли ҳосил бўлади. Фиръавн ва ҳамроҳларининг куфрлари шундай бўлиб, Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизаларини кўриб туриб иймон келтиришмади. “Ўзимизга ўхшаган бир одамга ишонмаймиз” дейишди. Ўзлари сингари бир одамнинг пайғамбар бўла олишини қабул қилишмади. Пайғамбар фаришталардан бўлиши керак деб ўйлашди. Ҳолбуки, ўзларидек одам бўлган Фиръавнни илоҳ деб, унга сиғинишди. Рум императори Хераклиос ҳам тахтидан, салтанатидан айрилиб қолишдан кўрқиб, иймон келтирмади. Рум подшоҳларига “қайсар”

дейилади. Ажам [Эрон] шоҳларига “кисро”, ҳабаш кироллариға “нажоший”, турк султонлариға “хоқон”, қибтий подишоҳлариға “фиръавн”, Миср султонлариға “азиз”, Химяр султонлариға “тубба” дейиларди. Асҳоби киромадан Дихя (розиаллоҳу таоло анҳ) Расулulloҳнинг (саллаллоҳу алайҳу ва саллам) исломға даъват мактубини Маккадан Шомға, Хераклиюсға олиб борди. Хераклиюс бир кун олдин Маккадан Шомға келган Қурайш кофирларининг карвонбошиси Абу Суфённи саройиға чақириб:

– Мадинада биттасининг пайғамбарлик даъво қилганини эшитдим,- деди. – Ўзи таниқли одамларданми? Ёки паст табақаданми? Ундан аввал ҳам бошқа биронтаси шундай даъвода бўлганмиди? Боболари орасида маликлар, амирлар бўлганми? Унга тобе бўлганлар бойларми ёхуд фақирлар ва ожизларми? Даъвати тобора ёйиляптими ё заифляптими? Унинг диниға кириб, кейин чиқиб кетаётганлар бўляптими? Ваъдасида турмагани, ёлгон сўзлагани кузатилганми? Урушларида ғолибми ёки мағлубми? деб сўраган эди.

Абу Суфён саволларға жавоб бергач, “бу гапларнинг ҳаммаси унинг пайғамбар эканиға далолат қилмоқда” деди. Абу Суфён [ўшанда ҳали иймон келтирмагани учун] куфри ва ҳасадидан ёлгон гапирган жойлари ҳам бўлди. “Бир кечада Маккадан Қуддусдаги Масжиди Ақсоға олиб борилгани ҳақида гапиряпти”,- деди. Хераклиюснинг ёнида воқеани эшитиб ўтирганлардан бири гапға аралашди:

– Мен ўша кеча масжиди Ақсода эдим,- деб, ўша кечаси кўрганларини гапириб берди. Эртаси куни Хераклиюс мактубни ўқитди. Мактубға ишонганини, Муҳаммад алайҳиссаломға иймон келтирганини Дихяға маълум қилди. Лекин “иймон келтирганимни халққа эълон қилишға кўрқяпман. Бу хатни фалончи роҳибға элтгин. У кўп нарсани билади, иймон келтиради деб ўйлайман.”- деди. Роҳиб Расулulloҳдан келган хатни ўқиши билан иймон келтирди. Ёндагиларни ҳам иймон келтиришға чақирди. Улар роҳибни ўлдирди. Дихя Хераклиюснинг олдига келиб бўлган воқеаларни айтди. “Шундай бўлишни билганим учун иймон келтирганимни ҳеч кимға айтмадим”, деди. Расулulloҳға хат ёзиб, иймон келтирганини маълум қилди. Ўзи пойтахти бўлган Хумсға кетди. У ерда унга бир одамидан келган хатда Муҳаммад

алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва мувафакқиятлари ҳақида хабар берилди. Шунда пойтахтдаги маъмур ва раҳбарларни йиғиб, хатни ўқитиб, ўзининг иймон келтирганини эълон қилди. Ҳаммаси унга қарши чиқди. Иймон келтирмасликларини ва рад қилаётганларини тушуниб улардан узр сўради. “Мақсадим динимизга бўлган садоқатингизни текшириб кўриш эди” деди. Бу гапни эшитгач аёнлари унга сажда қилиб, рози эканликларини билдирди. Салтанатини қўлдан бой бермаслик учун иймонни қўйиб, куфрни танлади. Мусулмонларга қарши жанг қилиш учун Мута деган жойга қўшин юборди. У ерда жуда кўп мусулмон шаҳид қилинди. Расулуллоҳга (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳераклиуснинг мактуби келганда, **“Ёлғон гапиряпти. Насроний динидан воз кечмади”** дедилар. Ҳераклиюсга юборган мактуби набавийнинг бир нусхаси **“Бухорий”, “Мавоҳиб”** ва **“Барика”** китобларида мавжуд.

3. Куфрнинг учинчи тури **“Куфри ҳукмий”**дир. Исломият “иймонсизлик аломати” деб кўрсатган сўзларни айтган ва ишларни қилган одам, қалбида тасдиқ бўлса ҳам, ишонишини айтса ҳам кофир бўлади. Исломи таъзимни [улуғлаш], ҳурмат қилишни буюрган нарсани таҳқирлаш, ёмонлаш бунга мисол бўлади. Шу сабабли Аллоҳу таолога лойиқ бўлмаган нарсани айтган одам кофир бўлади. Масалан, “Аллоҳ Аршдан ёки осмондан бизга қараб турибди”; “Сен менга зулм қилганингдай Аллоҳ ҳам сенга зулм қиляпти”, “Фалон мусулмон мен учун яҳудий билан бир” дейиш; ёлғон гапириб “Аллоҳ гувоҳ, рост айтяпман” дейиш ва фаришталарни камситувчи, Қуръони каримнинг ҳатто битта ҳарфини камситувчи сўз айтиш; битта ҳарфига ишонмаслик, чолғу чалиб Қуръон ўқиш; ҳақиқий Таврот ва Инжилга ишонмаслик, уларни ёмонлаш; Қуръони каримни шоз [нотўғри, қийшиқ] ҳарфларда ўқиб, “мана шу Қуръон бўлади” дейиш куфр бўлади. Пайғамбарларни камситадиган гаплар айтиш, Қуръони каримда исмларни аталган йигирма беш пайғамбардан (алайҳимуссалавоту ваттасилимот) биттасига ишонмаслик, машҳур суннатлардан биронтасини хушламаслик, кўп яхшилик қиладиган одам ҳақида “пайғамбардан ҳам яхши одам” дейиш куфр бўлади. “Пайғамбарлар (алайҳимуссалавоту ваттасилимот) муҳтож одамлар эди” дейиш ҳам куфр саналади. Чунки уларнинг фақирликлари ўз хоҳиш-

истаклари билан эди. Битта яримта одам пайғамбарман деса, унга ишонганлар кофир бўлади. **“Қабрим билан минбарим ораси жаннат боғларидан бир боғдир”** ҳадиси шарифини эшитганда “мен бу ерда минбар, буйра ва қабрдан бошқа нарса кўрмайпман” дейиш куфр бўлади. Охиратда бўладиган ҳодисаларни ҳазил-мутойибага аралаштириб, масхара қилиш куфрдир. Қабрда ва қиёматдаги азобларга “Ақлга, фанга тўғри келмайди” деб ишонмаслик, жаннатда Аллоҳу таолони кўришга ишонмаслик, “менга жаннат керак эмас, мен Аллоҳни кўргим келади” дейиш куфр бўлади. Исломиётга ишонмаслик белгиси бўлган барча сўзлар; “фан илмлари диний илмлардан яхшироқ” дейиш; “намоз ўқисам ҳам, ўқимасам ҳам барибир” дейиш; “закот бермайман” дейиш; “кошки фоиз ҳалол бўлса”, “зулм қилиш ҳалол бўлса” дейиш; ҳаромдан келган пулни факирга бериб савоб кутиш; фақир берилган пулнинг ҳаромлигини била туриб, берувчига хайр-дуо қилиш; “имом Аъзам Абу Ҳанифанинг (раҳима-хуллоҳу таоло) қиёси ҳақ эмас” дейиш куфрдир. “Аъроф” сурасининг эллик олтинчи ояти каримасида маолан: **“Аллоҳу таоло шамолни, раҳмати бўлмиш ёмғирдан олдин муждаци [хушхабарчи] қилиб юборади. Шамоллар оғир булутларни судрайди. Булутлардан жонсиз тупроққа сув ёғдирамиз, шу ёмғир орқали ердан мевалар ундирамиз. Ўликларни ҳам мазорларидан ана шундай чиқарамиз”** дейилган. Ушбу ояти карима қиёснинг ҳақ эканлигини исботламоқда. Бу ояти каримада ихтилофли бўлган масалани, иттифоқ ҳосил бўлган, иттифоқ билан тушунилган масалага ўхшатиш кераклиги билдирилмоқда. Чунки Аллоҳу таолонинг ёмғир ёғдиришини ва ердан майса чиқаришини ҳамма биларди. Ўлгандан кейин тирилишнинг ҳақ эканлигини ер юзининг қуригандан кейин қайта кўкаламзор бўлишига ўхшатиб исботлаган.

Ислом илмлари, масалалари, қоидаларига ишонмаслик, уларни ва дин олимларини камситиш, ёмонлаш ҳам куфри жухудий бўлади.

Кофир бўлишни хоҳлаган кимса, бунга ният қилган заҳоти кофир бўлади. Бошқа бировнинг кофир бўлишини хоҳлаган кимса, агар куфрни ёқтиргани учун истаган бўлса, ўзи кофир бўлади. Ёмон, золим бўлганидан зулмининг жазосини дўзах ўтида тортиши учун

истаётган бўлса, кофир бўлмайди. Куфрга сабаб бўлишини билиб туриб, ўз хоҳиши билан куфр сўзларини айтган одам кофир бўлади. Билмай туриб айтса, олимларнинг кўпининг таъкидлашича, барибир кофир бўлади. Куфрга сабаб бўлмайдиган сўз айтмоқчи бўлиб, адашиб куфрга сабаб бўлувчи сўзни айтиб юборса, кофир бўлмайди.

Куфрга сабаб бўладиган бирон ишни била туриб қилиш куфр бўлади. Билмасдан қилса ҳам куфр бўлади, деган олимлар кўп. Белига зуннор [арқон, ип] деб аталувчи роҳиблар белбоғини боғлаш ва кофирларга хос бошкийим сингари нарсаларни кийиш ҳам шундай. [134-саҳифага қаранг! **“Нухба”** китобининг 100-саҳифасида бундай дейилган: «Куфр аломати бўлган бирон қилиқ қилган, масалан, бутга сажда қилган одам кофир бўлади.»] Бундай аломатларни урушда душманга қарши, сулҳда золимга нисбатан ҳийла тариқасида ишлатиш куфр бўлмайди. Лекин тужжор [савдогар]нинг дор-ул-ҳарбда [кофир мамлакатда] ишлатиши ҳам куфр бўлади. Буларни ҳазил тариқасида, одамларни кулдириш учун, юмор сифатида қўллаш ҳам куфрга сабаб бўлиб, эътиқодининг тўғрилиги бу ерда фойда бермайди¹. Кофирларнинг байрам кунларида ўша кунга махсус нарсалардан уларга ўхшаб фойдаланиш, уларни кофирларга совға қилиш куфр бўлади. Мусулмон бўлиш учун одамнинг нафси ҳам иймон этиши шарт эмас. Нафсидан қалбига куфрга сабаб бўлувчи ўйлар келган одам, буларни айтмаса, иймонининг кучли эканлигидан далолатдир. Куфрга сабаб бўлувчи нарсани ишлатиб юрган кимсага “кофир” демаган маъқул. Бир мусулмоннинг бир иши ё сўзида тўксон тўккиз куфр эҳтимоли бўлса-ю атиги бир иймон эҳтимоли бўлса, бу одамга кофир дейилмайди. Мусулмонга доим ҳуснизан [яхши гумон] қилиш лозим.

Ўзининг ақлли, билимдон, адиб эканлигини кўрсатиб қўйиш учун ёки ҳаммани ҳайратга солиш, кулдириш, кайфият кўтариш ёхуд ҳазил қилиб айтиладиган сўзларда “куфри ҳукмий” хавфи бўлади. Ғазаб, аччиқ устида ва ҳирс билан айтилган сўзлар ҳам шундай. Шунинг учун инсон, сўзи ва ишларининг қаергача боришини, нималарга сабаб бўлишини ўйлаши керак. Ҳар бир ишда “дин нима дейди?” деган савол билан дардланиш лозим.

1. Ибни Ҳожарнинг **“Ал-иълом би-қавотиъил-ислом”** китоби, 363-бетга қаранг!

Ҳеч қайси гуноҳни кичик деб ўйламаслик керак. Бир кимса кичик гуноҳ содир қилса, унга “тавба қил” дейилганда, “тавба қиладиган ҳеч нарса қилмадим-ку” ёки “нега тавба қиламан” деса, куфр бўлади. Кичиклигида никоҳланган [уннаштирилган] қиз, оқил ва болиғ бўлганида иймон-исломни билмаса, сўралганда жавоб беролмаса, завжи (эри)дан бўш, озод [никоҳсиз] бўлади. Чунки никоҳнинг саҳиҳ бўлиши ва давом этиши учун одамда иймон бўлиши керак. Кичиклигида онаси ва отасига тобе ҳолатда иймони бор эди. Вояга етгач, ота-онага тобе бўлиши давом этмайди. Ўғил бола ҳам шундай.

Бир мўминни ўлдирган ёки ўлимга буюрган кимсага “яхши қилдинг” деган одам кофир бўлади. Қатли вожиб бўлмаган одам ҳақида “ўлдирилиши лозим” дейиш куфр бўлади. Бир одамни ҳаксиз тарзда урган ёки ўлдирган золимга “яхши қилдинг, ўзи шунга лойиқ эди” дейиш куфр бўлади. Ёлғондан “Аллоҳ гувоҳ, сени ўз боламдан ортиқ яхши кўраман” дейиш ҳам куфрдир. Баландроқ мавқели мусулмон аксирса, унга **“ярҳамукаллоҳ”** деган одамга “Қатталарга ундай дейилмайди” дейиш куфр бўлади. Вазифа эканлигига ишонмай, аҳамият бермай, писанд қилмай намоз ўқимаслик, рўза тутмаслик, закот бермаслик куфрдир. Аллоҳнинг раҳматидан умид узиш ҳам куфрдир. Аслан ҳаром бўлмай, кейинчалик бирон сабабдан ҳаром бўлган мол-мулк ё пулга **“ҳароми ли-ғайриҳи”** дейилади. Ўғирланган ва ҳаром йўллардан топилган мол шунга киради. Буларга “ҳалол” дейиш куфр бўлмайди. Ўлакса, чўчка, шароб сингари аслан ҳаром бўлган нарсаларга **“ҳароми ли-айниҳи”** дейилади. Буларга “ҳалол” дейиш куфр бўлади. Қатъий равишда аниқ ҳаромлардан бирига “ҳалол” дейиш ҳам куфрдир.

Азон, масжид, фикҳ китоблари сингари ислом қадрлаган нарсаларни камситиш, ҳақоратлаш куфр бўлади. Радиодан, овоз кучайтувчи карнайлардан эшитилган азон ҳақиқий азон эмас, шунчаки азонга ўхшаш саслардир. Бир нарсанинг ўхшаши асло унинг ўзи бўлмайди. Таҳорати йўқлигини ёки намоз вақти кирмаганини билиб туриб намозга киришиш, билиб туриб қибадан бошқа томонга юзланиб ўқиш куфр бўлади. Бир мусулмонни ёмонлаш ва сўқиш мақсадида “кофир” дейиш куфр бўлмайди. Лекин кофир бўлишини хоҳлаб айтса, куфр бўлиши юқорида айтилди.

Аллоху таолонинг буйруқларига “**фарз**” дейилади. Тақиқларига “**ҳаром**” дейилади. Фарзлар билан ҳаромларга бирдай “**Исломият**” ёки “**Аҳкоми исломия**” дейилади. Исломиятга хилоф нарсани қилишга “**гуноҳ ишлаш**” дейилади. Гуноҳ қилиш куфр бўлмайди. Лекин гуноҳ эканлигига аҳамият бермаса, менсинмаса куфр бўлади. Ибодат қилиш кераклигига ва гуноҳдан эҳтиёт бўлиш лозимлигига ишонмаслик куфрдир. Йиғилган солиқлар султоннинг мулки бўлишига ишониш куфр бўлади. Бир авлиёнинг бир кун ва бир вақтда турли мамлакатларда кўринганини айтишнинг жоиз эканини Садрул-ислом билдирган. Шарқда яшайдиган бир аёл билан ғарбда яшайдиган бир эркакнинг умумий фарзандлари бўлиши мумкинлиги фикр китобларида ёзилган. Буюк олим Умар Насафий (раҳима-хуллоху таоло) «Аллоху таолонинг ўз авлиёсига одатини, қонунларини бузиб “каромат” бериши жоиздир» деганлар. Бу сўз ҳақ. Жоҳил, ўқимаган кимсалардан “Иймон нима, ислом нима?” деб сўрамаган маъқул. Аксинча жавобларини айтиб, “шундайми?” деб сўрамоқ лозим. Никоҳ ўқилмоқчи бўлган йигит билан қиздан аввало мана шундай сўраб, мусулмон эканликларини тасдиқлатиб олиш керак. Куфрга сабаб бўлувчи сўз ва ҳаракатлар кузатилганда дарров кофир демаслик керак, одамнинг кофирликни ёктириши, аҳкоми исломияга эътибор бермаслиги аниқ бўлмагунча суи зан [шубҳа, ёмон гумон] қилмаслик керак.

Мусулмон, иймоннинг йўқолишига сабаб бўлиши иттифок билан таъкидланган нарсаларни атайлаб айтса ёки қилса, кофир бўлади. Унга “**муртад**” дейилади. Муртаднинг муртад бўлишдан олдинги ибодатлари ва савоблари йўқ бўлади. Қайтадан иймонга келса, бой бўлса, янгидан ҳажга бориши керак бўлади. Намоз, рўза ва закотларини қазо қилиши шарт бўлмайди. Муртад бўлишдан олдин қазога қолдирганларининг қазосини тўлаши лозим. Чунки муртад бўлганда олдинги гуноҳлар йўқолмайди. Муртад бўлган одамнинг никоҳи бузилади. Иймон келтириб, таждиди никоҳ [янгилаш] қилишдан олдин туғилган болалари валади зино [ҳароми] бўлади. Сўйган моли ўлакса бўлади, ейилмайди. Иймонининг кетишига сабаб бўлган нарсадан тавба қилмагунча, фақат “**калимаи шаҳодат**” айтиш ёки намоз ўқиш билан қайта мусулмон бўлолмайди. Муртадлигига сабаб бўлган қилмишни содир қилганини инкор этиш ҳам тавба саналади. Тавба қилмасдан ўлса, дўзахда абадий азоб

тортади. Шунинг учун куфрдан қаттиқ қўрқиш, камроқ гапириш керак. Ҳадиси шарифда: **“Ҳар доим хайрли ва фойдали сўзлар айтинг ёки сукут сақланг!”** деб буюрилган. Жиддий бўлиш керак, латифачи, ўйинчи бўлмаган маъкул. Динга, қонунларга, ақлга, одамгарчиликка тўғри келмайдиган нарсалардан узоқ туриш керак. Куфрдан муҳофаза қилиши учун Аллоҳу таолога кўп дуо қилиш лозим. Ҳадиси шарифда: **“Ширкдан эҳтиёт бўлинглар. Ширк чумолининг оёқ товушидан ҳам яшириндир”** дейилган. Бу ҳадиси шарифдаги “ширк”, “куфр” деганидир. Шунчалик яширин нарсдан қандай ҳимояланиш мумкин дейилганда, **“Аллоҳумма инно наъзу бика ан-нушрика-бика шайъан наъламуҳу ва нас-тағфирука лимо ло-наъламуҳу дуосини ўқинг!”** деб буюрилди. Ушбу дуони эртаю кеч кўп марта ўқиш лозим. Кофирларнинг жаҳаннамда чексиз азоб тортишлари, жаннатга сира кирмасликлари иттифоқ билан хабар берилган. Кофир агар дунёда чексиз яшаганда чексиз кофир бўлиб қолиш ниятида бўлгани учун жазоси ҳам чексиз азобдир. Аллоҳу таоло ҳамма нарсанинг холиқи [яратувчиси] ва соҳиби [эгаси]дир. Ўз мулкида хоҳлаганини қилишга ҳаққи бор. Ундан “нега ундай қилдинг?” деб сўрашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бирон мулк эгасининг, ўз мулкни хоҳлагандай қўлланишига зулм дейилмайди. Аллоҳу таоло Қуръони каримда золим эмаслигини, ҳеч бир маҳлукига зулм қилмаганини айтган.

[Аллоҳу таолонинг **“Асмон ҳусно”**си [чиройли исмлари] бор. Бу исмлари ҳам Унинг борлигидек азалийдир. Ҳамма нарсанинг йўқдан бор бўлганини, барча мавжудотларнинг йўқ бўлаётганини кўряпмиз. Бу ҳол чексизликдан буён шу тариқа давом этиб келаётган бўлиши мумкин эмас. Уларни, ҳамма нарсани йўқдан бор қилган ва Ўзи асло йўқ бўлмайдиган бир яратувчи яратган. Шу яратувчи ўз борлигидан хабардор қилиш учун ер юзига пайғамбарлар билан китоблар юборди. Пайғамбарлар ва китоблар ҳаммага маълум бўлиб, исмлари дунёнинг ҳамма жойидаги кутубхоналарда ёзилган. Очик-ойдин нарсани инкор қилиб бўлмайди. Аллоҳу таолонинг борлигига ишонмаслик очик-ойдин нарсани инкор қилиш бўлади. Аллоҳу таолонинг борлигига ва бирлигига ишонмаслик, кундалик ходисаларни китобда ўқиб ишонмагандай гап. Бу ҳам ақлли одамнинг иши эмас. Тўқсон тўққиз гўзал исм орасида **“Мунтақим”** ва **“Шадид-ул-Иқоб”** деган исмлари туфайли Яратувчи етти жаҳаннамни яратди. **“Раҳмон”, “Раҳийм”**,

“Ғаффор”, “Латиф” ва **“Рауф”** сингари исмлари туфайли саккиз жаннатни яратди. Жаҳаннамга ва жаннатга киришга сабаб бўладиган нарсаларни азалда бир-биридан ажратди. Жуда ҳам раҳмли бўлгани учун уларни бандаларига олдиндан билдирди. **“Жаҳаннамга туширадиган нарсаларни қилманглар! Унинг ўти жуда шиддатли. Чидай олмайсизлар!”** деб бандаларига қайта-қайта хабарлар юборди. Абдий бўлган жаннат неъматларига эриштирадиган амалларни адо этиб, [исломга амал қилиб] дунё ва охиратда роҳат-фароғатда яшашга даъват қилди. Ушбу даъватни ёқтириб, танлаши учун инсонларга ақл, ирода ва ихтиёр неъматларини ҳам ато этди. Аллоху таоло ҳеч бир одамнинг дўзахга тушишини, жаҳаннамга элтувчи амалларни қилишини азалда буюрмади, хоҳламади. Лекин дунёда кимларнинг жаннат йўлини, кимларнинг эса, дўзах йўлини танлашини азалда биларди. **“Қазо”** ва **“қадар”**и, яъни илми ҳам азалийдир. Абу Лаҳабнинг жаҳаннамга кетишини хабар бериши унинг дўзахий бўлишини азалда хоҳлагани учун эмас, балки жаҳаннам йўлини танлашини билгани учун эди.

Иймон келтириш жуда осон. Маҳлуқлардаги ҳисобли низомга, тартибга қараб, улардаги нозикликларни ўйлаш ҳаммага вожиб. Атомдан Куёшгача барча мавжудотлардаги тартиб, интизом, бир-бирлари билан ўзаро боғлари, уларнинг ўз-ўзидан тасодифан пайдо бўлмаганликларини, илмли, ҳикматли ва чексиз куч-қудратга эга бир борлиқ томонидан яратилганини очиқ кўрсатмоқда. Эс-хуши жойида бўлган одам лицейларда, университетларда астронимия, фан, биология ва тиббий илмларни ўргангач ушбу мавжудотларнинг бир яратувчиси борлигини, унинг ҳар қандай айбу нуксонлардан холи эканлигини ҳамда Муҳаммад алайҳиссаломнинг унинг пайғамбари эканини ва у зот айтган таълимотларнинг ҳаммаси ўша Яратувчидан келганини дарҳол фаҳмлайди. Ва Яратувчига дарров ишонади. Кофирларнинг, яъни кофир ҳолича ўлганларнинг мангу дўзахда қолишларини, мўминларнинг эса абдий жаннат неъматларида яшашларини эшитганда, мамнуният билан мусулмон бўлади. Эрзурумлик Иброҳим Ҳаққи ҳазратлари х.1195 [м.1781] йили Сийрида вафот этган. **“Маърифатнома”** номли китобининг 9- фаслида туркча бундай деганлар: «Фан ва астронимия илмлари, асбоб-ускуналар, имолатхоналар [фабрикалар], ақл ва тажриба ёрдамида ҳосил бўлганлари учун вақт ўтиши билан янгилари

топилиб, бир қатор эски маълумотларнинг нотўғрилиги аниқланган. Эски-янги, янглиш-тўғри бутун фан илмлари бу оламнинг йўқдан бор қилинганини, чексиз илм ва қудрат эгаси бўлган бир Яратувчининг борлигига ишониш кераклигини кўрсатмоқда.» Муҳаммад алайҳиссаломнинг гўзал ахлоқи ва мўъжизаларини ўқиган одам ҳам ул зотнинг пайғамбар эканликларини дарров тушунади. Биринчи жилд 46-мактубни ўқинг!]

Ҳар куни бир вақт намоз ўқиш жуда осон. Ҳар куни беш вақт намоз ўқиш сал қийинроқ ва қўпларга оғир туюлади. Раҳми кенг ва чексиз бўлган Аллоҳнинг, осон ишни буюрмай, оғир ишни буюриши ақлга тўғри келадими? [Мусулмон бўлган бир инглиз аёлнинг ушбу саволга берган чиройли жавоби **“Ҳаммага лозим бўлган иймон”** китобимизнинг 210-чи бети охириги сатрида ёзилган.]

ЖАҲОЛАТ

2. Қалб касалликларининг иккинчиси – **“жаҳолат”** [нодонлик] дир. Жоҳилликнинг турлари ва зарарлари биринчи модданинг бош қисмида баён қилинди.

БОЙЛИК, МАНСАБ ҲИРСИ

3. Қалб касалликлари, яъни ёмон хулқларнинг учинчиси мол-дунё ва обрў-амал ҳирсидир. Қуйидаги ҳадиси шарифлар **“хуббур-риёсат”** [амалдор бўлиш севгиси] деб аталувчи ушбу касалликнинг ташхиси ва давосига имкон беради:

1) ***“Икки оч бўри бир қўй сурувига ташланганда етказадиган зарардан мол ва шуҳрат ҳирси етказадиган зарар кўпроқдир.”***

2) ***“Инсонга зарар сифатида дин ва дунё ишларида бармоқ билан кўрсатилиши кифоя қилади.”*** Яъни, инсоннинг дин ёки дунё ишларида шуҳрат эгаси бўлиши динига ҳам, дунёсига ҳам катта зарар етказади.

3) ***“Мақтовсуярлик инсонни кўр ва қар қилади. Энди у ўз айб ва қабохатларини кўрмайдиган, ҳақ сўзни, насихатни эшитмайдиган бўлиб қолади.”***

Амалдор, бошчи бўлиш ва машхурликка интилиш одамларда уч нарсадан ҳосил бўлади. Биринчиси: нафсининг хоҳишларига, армонларига етиш. Нафс доимо ўз орзуларига ҳаром йўллардан эришишни хоҳлайди. Иккинчиси: ўзи ва атрофидагиларнинг ҳақларини золимлардан ҳимоя қилиш; мустаҳаб бўлган, масалан, садақа бериш, хайр-ҳасонот қилиш учун ёхуд мубоҳ ишлар қилиш ёки яхши еб-ичиш, яхши кийиниш, яхши уйларда яшаш; болачакали бўлиб, фаровон ҳаёт кечириш ёки ибодатига моне бўладиган нарсалардан қутулиб, ислом динига ҳамда мусулмонларга хизмат учун лавозим соҳиби бўлишни истайди. Шу ният билан баланд мансабга интилаётганда риё сингари ва ҳақни ботил билан аралаштириш каби исломият тақиқлаган нарсаларни қилмаса ва вожибларни, суннатларни тарк этмаса, бундай одамнинг амалга интилиб, амалга ўтириши жоиз, ҳатто мустаҳаб бўлади. Чунки жоиз ва лозим бўлган нарсаларга эриштирадиган сабаблар билан воситаларга мурожаат қилиш ҳам жоиз ва лозимдир. Аллоҳу таоло Қуръони каримда яхши одамларнинг қандай бўлишини таърифлаганда, уларнинг “мусулмонларга имом [бошчи] бўлишни хоҳлашлари”ни ҳам зикр қилган. Сулаймон алайҳиссалом “Ё Рабб! Мендан кейин ҳеч кимга насиб бўлмайдиган мулкни [давлатни] менга эҳсон қилгил!” деб малик ва амир бўлишни хоҳлаганди. Аввалги динлардан қолиб, рад этилмаган хабарлар бизнинг динимизда ҳам мўътабардир. Ҳадиси шарифда: **“Ҳақ ва адолат учун бир кун ҳокимлик қилишни бир йил давомли газо қилишдан кўпроқ севаман”** дейилган. Бир ҳадиси шарифда **“Бир соат адолат билан юрт бошқариш олтмиш йил нофила ибодат қилишдан яхшироқдир”** дейилган. Риё билан ва ҳақ-ноҳаққа риоя қилмай лавозимга эришиш жоиз эмас. Яхши ният билан бўлса ҳам жоиз эмас. Чунки ҳаромлар билан макруҳларни яхши ният билан қилиш жоиз эмас. Ҳатто баъзи ҳаромларни яхши ният билан қилиш катта гуноҳ бўлади. Ниятнинг яхши бўлиши фақат тоат-ибодатларда фойдали бўлади. Мубоҳ, ҳатто фарз бўлган бир амал ниятга қараб гуноҳга айланиши мумкин. Гуноҳ қилган кимсанинг “Сен қалбимга қара! Қалбим тоза. Ниятим тўғри. Аллоҳ қалбга қарайди” деган гапининг бетайин, ҳато зарарли эканлиги мана шундан ҳам маълум.

Мансабга интилиш сабабларидан учинчиси: нафсини хурсанд қилишдир. Нафс мол-мулкдан ҳам, мавқе-мартаба ва лавозимдан

ҳам лаззат олади. Исломга хилоф ишлар қилмай, шунчаки нафсига лаззат тотдиришга интилиш ҳаром бўлмаса ҳам, бу - кишида тақво ва ҳимматнинг камлигини кўрсатади. Ундай ниятдаги кишиларда лавозимга етгач кўпинча халқнинг қўнглини овлаш мақсадида риё, лаганбардорлик ва ўзини кўз-кўз қилиш хавфи кузатилади. Ҳатто, мунофиқлик, ҳақ-ботил фарқламаслик, хийла-найранг, ёлғончилик каби хавфли ҳолатлар ҳам кўриниши мумкин. Ҳалол билан ҳаром аралашган ишни қилмаслик лозим. Лавозимга интилишнинг ушбу учинчи сабаби ҳаром бўлмаса ҳам, яхши бўлмагани учун давосини топиш лозим. Аввал ҳар қандай мавқе-мартаба ва мансабнинг ўтқинчи ва зарарларини, хавф-хатарларини ўйлаш керак. Шухратдан ва ҳурмат қозониб, кибрга берилишдан сақланиш учун исломиятда мубоҳ, жоиз бўлган лекин халқ маъқул кўрмаган ишларни қилиш керак. Бир замонлар бир амир бир зоҳидни зиёрат қилгани борибди. Зоҳид, амир билан аёнлари у билан яқинроқ танишиш ниятида эканлигини англаб, зиёфат беради. Ўзи дастурхонда йирик луқмаларни ҳирс билан тез-тез ея бошлайди. Амир одамлари билан бу ҳолни кўриб, зоҳидни ёқтирмай, у ердан кетади. Зоҳид унинг орқасидан “Алҳамдулиллоҳ! Раббим мени сақлаб қолди” дейди. Лавозим ва амалдорлик орзусини йўқотувчи энг кучли даво одамлардан узлатга чекинишдир. Дин ва дунё учун зарурий вазифалардан бўлак ишларда одамлар орасига аралашмаслик афзал. Ҳадиси шарифда шу даво тавсия этилган.

АЙБЛАНИШДАН ҚЎРҚМОҚ

4. Қалб касалликларининг тўртинчиси - одамларнинг ёмонлаш, гап-сўзи ва айблашларидан хафа бўлишдир. Куфри жухудийга етакловчи сабаблардан учинчиси - атрофидан уялмоқ ва уларнинг ёмонлаши, айблашидан қўрқмоқдир. Абу Толиб ҳазрати Алининг (розиаллоҳу таоло анҳ) отаси, Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи вассаллам)нинг амакиси эди. У Расулуллоҳнинг пайғамбар эканликларини биларди. Халқнинг ёмонлашидан чўчиб, айблашларини ўйлаб иймон келтирмади. Абу Толиб ўлим тўшагида ётганида Расулуллоҳ (саллаллоҳу таоло алайҳи васаллам) ёнига бориб: **“Амаки! Сизга шафоат қила олишим учун Ло илоҳа**

иллаллоҳ денг!” дедилар. Жавобиди: “Эй биродаримнинг ўғли, тўғри гапирётганингни биламан. Лекин ортимдан ўлимдан кўркиб, иймонга келди дейишларини истамайман” деди. Байзовий тафсирида “Қасас” сурасининг **“Ўзингиз суйган кишиларни ҳидоятга эриштириш сизнинг қўлингизда эмас”** маолидаги эллик олтинчи ояти каримаси шу пайтда нозил бўлганлиги ёзилган. Бир ривоятга кўра, Қурайш кофирларининг каттаконлари Абу Толибнинг ҳузурига келади. “Сен бизнинг амримизсан, сўзларинг бош устига. Фақат сендан кейин Муҳаммад (алайҳиссалоту вассалом) билан орамизда душманликнинг давом этишидан хавотирдамиз. Унга айт! Динимизни ёмонламасин,” дейди. Абу Толиб Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам)ни ёнига чакириб, эшитганларини айтди. Расулуллоҳнинг улар билан сулҳ қилмасликларини англагач, мусулмон бўлишига ишорат қилувчи баъзи нарсалар айтди. Буни эшитиб амакисининг иймон келтиришини сўради. “Эшитганлар нима дейди? Агар ортимдан тил теккизишларидан андиша қилмаганимда иймон келтириб, сени хурсанд қилардим” деди. Ўлими олдидан бир нарсаларни гапирди. Гапларини яхшироқ эшитиш учун Абдуллоҳ ибни Аббос (розиаллоҳу таоло анҳумо) унга яқинроқ борди. “Иймон келтирганини айтяпти”, деди. Абу Толибнинг иймон келтиргани шубҳалидир. Аҳли суннат олимларига кўра иймон келтирмаган. Имоми аъзам Абу Ҳанифа (раҳима-хуллоҳу таоло) “Абу Толиб кофирлигича ўлди”,- деганлар.

Ҳазрати Али (розиаллоҳу таоло анҳ) Расуллоҳга келиб, “Залолатда қолган амакингиз жон берди”, деганда, **“Юв, кафанга ўраб дафн этгин! Ман этилгунча унга дуо қиламиз”** дедилар. Пайғамбаримиз бир неча кун уйларида чикмай, унга кўп дуо қилдилар. Асҳоби киромдан баъзилари буни эшитиб, улар ҳам кофир ҳолида оламдан ўтган ўз қариндошларига дуо қила бошладилар. Шунда “Тавба” сурасининг **“Пайғамбар ва иймон келтирганлар, қариндош-уруғлари бўлишса ҳам, мушриклар ортидан истиғфор қилмасликлари керак”** маолидаги юз ўн тўртинчи ояти каримаси нозил бўлди. Бир ҳадиси шарифда: **“Қиёмат куни кофирлардан азоби энг енгил бўладиган Абу Толибдир. Унинг оёқларида оташдан пойафзали бўлади, тафтидан мияси қайнайди”** деб марҳамат қилинган.

Халқнинг ёмонлаши, айблаши ва ҳаммани оғзига сақич бўлишдан кўрқишга қарши даво сифатида бундай ўйлаш керак: “Агар халқнинг ёмонлагани тўғри бўлса, менга айбимни билдиришган бўлади. Буларни қайталамасликка қарор қилдим” деб, атрофнинг ёмонлаганидан мамнуният туйиб, раҳмат айтиш керак. Ҳасан Басрийга (раҳима-хуллоху таоло) биттасининг ғийбат қилгани ҳақида хабар беришди. Унга бир товоқ ҳолва юбориб “Савобларингни менга совға қилганингни эшитиб, ушбу ширинликни миннатдорлигим тариқасида юборяпман” дедилар. Имоми аъзам Абу Ҳанифага (раҳима-хуллоху таоло) бир одамнинг ул зотни ғийбат қилаётганини айтишди. Унга бир кисса тилла юбориб “Бизга бераётган савобларини орттирса, биз ҳам эвазини орттирамиз”- дедилар. “Агар халқнинг гап-сўзи, ёмонлаши ёлғон, тухмат бўлса, зарари уни айтганга бўлади. Унинг савоблари менга берилиб, менинг гуноҳларим унга юкланади”, дейиш лозим. Тухмат-бўхтон ва нажима ғийбатдан ҳам ёмонроқдир. Нажима - мусулмонлар орасида гап ташимокдир. [“**Мактуботи Маъсумия**” иккинчи жилд, 123-мактубига қаранг!]

МАКТОВСУЯРЛИК

5. Қалб касалликларининг бешинчиси “**мадҳу сано**” қилинишни яхши кўришдир. Бунинг сабаби одамнинг ўзини яхши кўриши, ўзига бино қўйиб, ўз шахсини ҳаммадан ортиқ ва олий деб билиши туфайлидир. Мактов эшитиш ундай одамларга хуш ёқади. Бунинг устунлик эмаслигини, бўлса ҳам, ўткинчи эканлигини унутмаслик керак. Кибр касаллиги бобида бу борада маълумот берилади.

БИДЪАТ ЭЪТИҚОДИ

6. “**Бидъат эътиқоди**” - нотўғри, янглиш, эгри ишониш дегани. Иймоннинг бузуқ ва нотўғри бўлишига айтилади. Ҳозирги даврда мусулмонларнинг кўпчилиги ушбу ёмон касалликка чалинган. Сизги аъзолари орқали сезила олмайдиган, ҳисоб орқали ечиб бўлмайдиган масалаларда ақл юритиш ва ақл адашган нарсаларга

ишониш одамни ушбу касалликка дучор қилади. Ҳар бир мусулмоннинг “**этиқодда мазҳаб**”нинг икки имомидан бирига, яъни “**Мотуридий**” ёки “**Ашъарий**” мазҳабига тобе бўлиши лозим. Шу икки имомдан бирини тақлид қилиш одамни мана шу касалликдан қутқаради. Чунки “**Аҳли суннат**” олимлари (рахима-хумуллоху таоло) ақл етмаган масалаларда фақат Қуръони карим билан ҳадиси шарифларга эргашганлар, ақлларни фақат шу икковининг маъноларини излаб топишда ва тушунишда ишлатганлар. Ушбу маъноларни Асҳоби киромдан, улар эса Расулulloҳдан ўрганганлар ва ўрганганларини китобларга ёзганлар.

[Қуръони каримда ва ҳадиси шарифларда очикча билдирилган бирон масалага ишонмаган ёки шубҳа қилган одам “**кофир**” [Аллоҳнинг душмани] бўлади. Очикча билдирилмаган, маъноси мураккаб ва ёпиқ ҳолдаги амрларга нотўғри маъно бериш “**бидъат**” бўлади. Қуръондан, ҳадисдан нотўғри маъно чиқарган одамга “**бидъат аҳли**” [бидъатчи] дейилади. Ўзбошимча тушунганларини, шахсий тушунчаларини “Қуръонда, ҳадисда шундай” деб даъво қилганлар “**зиндик**” деб аталади. Ана шундай ўз ақлича чиқарган хулосаларига ишонган кимсалар бидъат аҳли бўлади. Диний масалаларда “Унақа нарса бўлмайди, ақлга тўғри келмайди” деса, кофир бўлади. Бир ҳаромга “**мубох**” деб этиқод қилган кимса, агар бу гапини бирон оят ёки ҳадиси шарифга зўраки бўлса ҳам асослай олса, кофир бўлмайди, лекин барибир бидъатчи бўлади. Масалан “Абу Бакр билан Умарнинг халифа бўлишлари нотўғри эди” дейиш бидъатдир. “Халифаликка ҳақлари йўқ эди” дейиш эса, куфрдир. Муҳаммад Шаҳристоний (рахима-хуллоху таоло) “**Милал ва Ниҳал**” асарида бундай деганлар: «Ҳанафий мазҳабининг олимлари этиқодда Абу Мансур Мотуридий (рахима-хуллоху таоло) ҳазратларига тобе бўлганлар. Чунки Абу Мансур ҳазратлари усул ва фуруъда имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг мазҳабидадир. “**Усул**” - этиқод деганидир. “**Фуруъ**” - аҳкоми исломия демакдир. Моликий, Шофиъий ва Ҳанбалий мазҳаблари олимлари этиқодда Абул-Ҳасан Ашъарий (рахима-хуллоху таоло) ҳазратларига тобе бўлганлар. Абул-Ҳасан Ашъарий ҳазратлари Шофиъий мазҳабида эди.» Шофиъий олимларидан Абул-Ҳасан Али Субкийнинг ўғли Абдулвахҳоб Тожиддин Субкий (рахима-хуллоху

таоло) айтганларки: «Ҳанафий олимларининг китобларини тадқиқ қилдим, ўн уч масалада Шофийъий этиқодидан фарқланишига гувоҳ бўлдим. Лекин бу фарқлар уларни тўғри йўлдан чиқармайди. Асосда фарқлилик йўқ. Ҳар иккаласи ҳам ҳақ йўлдадир.» Муҳаммад Ходимий (раҳима-хуллоҳу таоло) **“Барика”** китобининг уч юз ўн еттинчи саҳифасида Мотуридий ва Ашъарий мазҳаблари орасидаги энг кичик тафовутларни ҳам ҳисобга олиб, ҳаммасининг етмиш учта эканини билдирганлар. Бидъат аҳлининг албатта жаҳаннамга кетиши **“Ҳадика”** ва **“Барика”** китобларида батафсил баён қилинган.]

ҲАВОИ НАФС

7. Қалб касалликларининг, яъни ёмон хулқларнинг еттинчиси **“нафснинг ҳавоси”**га, шахватларига, истакларига, лаззатларига тобе бўлишдир. Бунинг ёмонлиги ояти карималарда очикча билдирилган. Нафснинг хоҳишлари одамни Аллоҳ йўлидан оздирувчи эканлиги Қуръони каримда таъкидланган. Чунки нафс, доимо Аллоҳни инкор қилиб, Унга ўжарлик ва исён қилишни истайди. Ҳар ишда нафснинг хоҳишини бажо келтириш нафсга сиғиниш бўлади. Нафсига итоат қилган одам, куфр ёки бидъат аҳлидан бўлишга ёхуд фисққа, яъни ҳаромга қўл ура бошлайди. Абу Бақр Тамистоний (раҳима-хуллоҳу таоло) бундай деганлар: «Нафсга бўйсунишдан кутулиш дунё неъматлари орасида энг каттасидир. Чунки нафс - Аллоҳу таоло билан банда орасидаги пардаларнинг энг каттасидир.» Саҳл бин Абдуллоҳ Тустарий [ваф: ҳ.283й. Басра] бундай деганлар: «Ибодатларнинг энг қийматлиги, нафсга бўйсунмасликдир.» Ислом бин Юсуф Балхий, Ҳотам-ул-Асомга [ҳ.237] бир нарса совға қилди. Ҳотам совғани қабул қилганида ундан “буни олиш нафсга бўйсуниш бўлмайдими?” деб сўрадилар. «Қабул қилиш орқали ўзимни хор, ҳадяни азиз айладим. Рад қилсам, ўзим азиз, у хор бўларди. Ва бу нафсимга ёкиб тушарди.»- дедилар. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) узун бир ҳадиси шарифнинг охирида бундай деб марҳамат қилдилар: **“Инсонни фалокатга етакловчи нарсалар учта: Ҳасислик, нафсга**

эргашиш, ўзига бино қўйиш.” Имоми Ғазолий (раҳима-хуллоҳу таоло) айтдиларки: «Аллоҳу таолонинг инсонга ёрдам беришига моне бўладиган тўғаноқларнинг энг ёмони **ужбдир**.» Яъни ўз айбларини кўрмай, тоат-ибодатини ёктириб, ўз-ўзига бино қўйишдир. Исо алайҳиссалом айтдиларки: «Эй ҳаворийлар! Шамол кўп чироқларни сўндирган. Ужб ҳам кўп ибодатларни сўндириб, савобларини йўқотган.»

Ҳадиси шарифда: *“Умматининг икки ёмон хулққа мубтало бўлишидан жуда хавотирдаман. Улар нафсга итоат ва ўлимни унутиб дунё кетидан қувмоқдир”* деб марҳамат қилинган. Нафсга бўйсуниб исломга бўйсунибга тўсиқ бўлади. Ўлимни унутмоқ эса, нафсга бўйсунибга сабаб бўлади.

Ҳадиси шарифда: *“Ақлнинг аломати нафсга золиб ва ҳоким бўлиб, ўлгандан кейин керак бўладиган нарсаларни таёрламоқдир. Аҳмоқлик аломати эса, нафсга бўйсуниб, Аллоҳдан афву марҳамат қутмоқдир”* дейилган. Нафсга эргашиб гуноҳ содир қилгач, тавба-истиффор ўқимай, афв ва жаннатдан умидвор бўлиш аҳмоқлик белгисидир. Сабабига мурожаат қилмай натижа кутишга **таманний** дейилади. Сабабига мурожаат қилгандан кейин кутишга **рижо** дейилади. Таманний кишини дангасаликка етаклайди. Рижо эса, меҳнат қилишга ундайди. Нафс ёқтирган, хушлаган нарсаларга **хаво** дейилади. [Ҳавои нафс - нафснинг хоҳиши дегани.] Нафс табиатан ёмонликлар билан зарарли нарсаларга мойил ва истаклидир. “Нафсингдан тийил доим. Унга ишонма асло. Етмиш шайтондан кўра душманроқдир у сенга” деган байт жуда ўринли айтилган. Нафснинг одамни ҳаромлару макруҳларга судрашининг зарарлари маълум. Унинг орзу-истаклари фақат ҳайвоний хоҳишлардир. Ҳайвоний хоҳишлар эса, фақат дунёдаги эҳтиёжлардир. Одам мана шу хоҳишларига нақадар кулоқ солса, охират озиғини тайёрлашдан шунчалик ортда қолади. Яна бир муҳим томони - нафс ҳечқачон мубоҳлар билан қаноатланмайди, тўймайди. Одам мубоҳлардан фойдаланишни орттирган сайин нафснинг орзу-истаклари ҳам ортади. Барибир тўймай, одамни ҳаром ишларга тортади. Ундан ташқари, мубоҳларни керагидан ортиқча ишлатиш дард-аламларга, касалликларга сабаб бўлади. Ундай одам фақат ўз қорнини, завқини ўйлаб, ҳасис ва разил-расво бўлади.

[Имоми Раббоний (раҳима-хуллоху таоло) бундай деганлар: «Бутун мавжудотларнинг асл манбаи **адам**, яъни йўқликдир. Ҳамма нарса йўқ пайтида Аллоҳу таоло уларни йўқликда биларди. Илмидаги шу адамларга [йўқликларга] ўз сифатларидан акс эттирди. Шундан жонли-жонсиз, моддали-моддасиз мавжудотларнинг асллари ҳосил бўлди. Илмидаги ушбу аслларни ташқарига чиқарди. Олма уруғи олма дарахтига асл бўлганидек мавжудотлар вужудга келди. Инсон вужудини англаш учун бирон буюмнинг ойнадаги аксини тасаввур қилайлик. Ойнадаги кўриниш ўша буюмдан чиққан нурларнинг кўзгудаги аксидир. Бу ерда ойна худди адам [йўқлик] сингаридир. Инсон қалби ва руҳи шу нурларга ўхшайди. Ойна инсон баданига, шишанинг ялтироклиги эса, нафсга ўхшайди. Яъни нафснинг асли адам [йўқлик] бўлиб, унинг на қалбга, на руҳга алоқаси бор.»

Нафсига бўйсунган одам ҳар доим ислом чегарасидан ташқарига тошади. Ҳайвонларда ақл билан нафс бўлмагани учун эҳтиёжларини қаерда ва қачон топса, ўша ерда қондиради. Лекин ўз баданларига зарар етказувчи нарсалардан қочишади. Ислом дини роҳат, тинч-осуда яшашга керакли нарсалардан ва дунё лаззатларидан фойдалиларини тақиқламаган. Фақатгина уларни қўлга киритиш ва қўлланиш жараёнида ақл билан динга риоя қилишни буюрган. Ислом дини одамларнинг дунёда ҳам, охиратда ҳам роҳат ва ҳузур-ҳаловатда яшашини хоҳлайди. Бунинг учун ақлга бўйсунини буюриб, нафсга бўйсунини тақиқлаган. Агар ақл яратилмаганда, одам доим нафсига бўйсуниб, фалокатдан боши чиқмасди. Агар нафс яратилмаганда, одамлар яшашига, кўпайишига ҳамда маданий ҳаёт кечиришига керакли нарсаларни қўлга киритиш учун ғайратда сусткашлик қилиб, нафсига қарши жиҳод савобидан маҳрум қоларди. Оқибатда фаришталардан устунроқ бўлиш йўли ёпиклигича қолиб кетарди. Ҳадиси шарифда бундай дейилган: ***“Охиратда рўй берадиган воқеалардан сиз билганларни ҳайвонлар ҳам билса эди, ейишга гўшт тополмасдингиз!”*** Яъни ҳайвонлар охиратдаги азоблар кўркувидан ейиш-ичишдан қолиб, терислари суякларига ёпишган бўларди. Агар одамларда нафс бўлмаганда, ҳайвонлардек даҳшатдан еб-ичолмас ва яшай олмасди. Одамзотнинг ҳаёти нафсларининг ғафлати ва дунё лаззатларига ўч бўлишлари

туфайлидир. Нафс икки томони ҳам кескир пичокқа ёхуд заҳарли дорига ўхшайди. Табибнинг кўрсатмаси бўйича қўлланган одамгина ундан наф топади. Бемеъёр ва ўлчовсиз ишлатган одам эса ҳалокатга учрайди. Исломият нафсни ҳалок қилиб, йўқотишни эмас, балки тарбиялаб, ундан фойдаланишни буюрган.]

Нафс исломият ташқарисига тошиб кетмаслиги учун унга қарши икки хил жиҳод юритилади. Биринчиси: нафсга бўйсунмаслик, хоҳишларини бажармасликдир. Бунга **“риёзат чекиш”** дейилади. Риёзат эса, вараъ ва тақво орқали амалга ошади. **Тақво** - ҳаромлардан тийилиш дегани. **Вараъ** - ҳаромлардан ташқари мубоҳларни керагидан ортиқ ишлатишдан ҳам тийилиш деганидир. Жиҳоднинг иккинчиси: нафснинг хоҳламаганларини қилишдир. Бунга **“мужоҳада”** дейилади. Барча ибодатлар мужоҳадага киради. Мана шу икки хил жиҳод нафсни тарбиялаб, инсонни камол топтириб, руҳларга куч-қувват бағишлайди ва кишини сиддиклар, шаҳидлар ҳамда солихлар йўлига туширади. Аллоҳу таоло бандаларининг тоат-ибодатларига муҳтож эмас. Шунингдек бандаларнинг гуноҳ қилиши ҳам Унга асло зарар етказмайди. У бандаларининг нафсларини тарбиялаш, нафсга қарши жиҳод қилишлари учун ушбу амалларни буюрган.

Инсонларда нафс бўлмаганда, одамлик сифати йўқолиб, фаришталик сифати ҳосил бўларди. Ҳолбуки, бадан бир қанча нарсаларга, жумладан еб-ичиш, ухлаш, истироҳатга муҳтож. Чавондозга от лозим бўлганидек инсонга ҳам бадан лозим. Жониворни боқиб, парвариш қилиш керак бўлганидек баданни ҳам парвариш қилиш керак. Ибодатлар бадан билан адо этилмокда. Бир кимса ҳақида кечалари ухламай, доим намоз ўқиши айтилганда **“Энг қадрли ибодат - оз бўлса ҳам давомли бўлганидир”** дейилди. Ибодатнинг давомийлиги қуликка одатланишга ярайди.

Ният қилиб, исломиятгариоя қилишга **“ибодат қилиш”** дейилади. Аллоҳу таолонинг амрлари билан тақиқларига **“аҳкоми исломия”** ёхуд **“аҳкоми илоҳия”** дейилади. [Бунга кўпинча “шариат” ҳам дейилади.] Буйруқларга **“фарз”**, тақиқларга **“ҳаром”** дейилади. Ҳадиси шарифда: **“Ибодатларни тоқатингиз етгунча бажаринг. Завқ билан қилинган ибодатнинг қиймати кўпроқ бўлади”** дейилган. Бадан истироҳат қилганда, ибодатлар завқ-шавқ билан бажарилади. Бадан ва зехн толиқиб турганда қилинган

ишдан одам сиқилади. Чарчоқ ва ҳорғинликни кетказиш учун ора-сира мубоҳлар билан баданни хурсанд қилиб туриш керак. Имоми Ғазолий (раҳима-хуллоҳу таоло) айтганларки: «Қўп ибодат қилганда бадан чарчайди. Ҳаракат қилгиси келмайди. Ўша пайтда ухлаб ёки солиҳлар ҳаётини ўқиб ёхуд мубоҳлар билан баданни завқлантириш лозим. Шундай қилиш эринчоқлик билан ибодат қилишдан афзалдир.» Ибодатдан мақсад мужоҳада қилиб, нафсни тарбиялаш ҳамда қалбга ҳаловат келтириб, уни Аллоҳга боғлашдир. **“Намоз одамни ёмон ва жирканч ишлар содир қилишдан асрайди”** деб марҳамат қилинган. Иштиёқ билан завқланиб ўқилган намоз шундай бўлади. Ўша завқни ҳосил қилиш учун нафснинг мубоҳлардаги хоҳишларини эҳтиёж қадар бажо келтириш лозим. Шундай иш тутиш исломиятга амал қилиш бўлади. Ибодат қилишга туртки, сабаб бўлувчи мубоҳлар ҳам ибодат саналади. **“Олимнинг уйқуси авомнинг ибодатидан хайрлидир”** деган ҳадиси шариф шу сўзимизнинг гувоҳидир. Уйқусираган ҳолда таровиҳ намозини ўқиш макруҳ. Мудроқ ҳоли таркагач, хушу билан ўқиган маъқул. Уйқусираб ўқилган намозда сусткашлик ва ғафлат бўлади.

[Юқорида ёзилганларни нотўғри тушунмаслик керак. Ҳорғинлик ва зериктиш ҳосил бўлганда ибодат ўз вақти ичида сал кечиктирилиши мумкин, лекин тарк этилмайди. Фарзларни узрсиз тарк этиш катта гуноҳ бўлиб, қазосини ўқиш ҳам фарз бўлади. Вожибларнинг қазосини ўқиш вожиб бўлади. Суннатларни тарк этган одам савобидан маҳрум қолади. Узрсиз ҳа деб тарк этишни одатга айлантирса, ўша суннатларга махсус шафоатдан маҳрум бўлади. Вужуднинг ҳорғин, беҳол, завқсиз бўлиш фарзларни вақтидан кейинга қолдириш учун узр, баҳона бўла олмайди. Бордию қолдирилса, қазога қолдириш гуноҳи ва азобидан инсон қутула олмайди. Аҳкоми исломияга, яъни фарзлар билан ҳаромларга аҳамият бермасликнинг куфр эканлиги ақоид китобларида ёзилган. Ислом душманлари мана шу томондан ҳам ёшларимизни алдаб, исломиятни ич-ичидан емиришга уринмоқда. Уларга алданмаслик учун аҳли суннат оимлари ёзган фикҳ ва илмиҳол китобларини ўқиб, фарзларни, ҳаромларни пухта ўрганишдан бошқа чора йўқ.]

ТАҚЛИДИЙ ИЙМОН

8. Қалб касалликларининг саккизинчиси танимаган одамларга сўзсиз эргашиш, уларни **“тақлид”** этишдир. Аҳли суннат олими эканлиги номаълум шахснинг сўзи, ўзи ва китоблари ҳақида мадҳу санолар айтилишига, ялтироқ ташвиқотларга учиб, унга эргашиб кетиш жоиз эмас. Қандай одам эканлигини суриштирмай, ишончли одамлар билан маслаҳатлашмай, эътиқод, сўз ва ибодатларида ўша “мадҳ этилган” шахсга кўр-кўрона эргашиш, инсонни фалокатга етаклайди. Мусулмон бўлиш учун, яъни Аллоҳу таолонинг борлигини, бирлигини, қудратини, сифатларини тушуниш учун зотан ҳеч кимга эргашиш, кимнидир тақлид этиш шарт эмас. Илм-фанни пухта ўзлаштирган, эс-хуши жойида бўлган ҳар қандай одам фақат ўйлаш орқали Аллоҳнинг борлигини англаб, иймонга эришади. Асарга қараб, муассирнинг, яъни шу асарни бунёд қилганнынг борлигини тушунмаслик аҳмоқлик бўлади. Ҳар бир одамнинг шу тарзда фикрлаб, иймонга келишини динимиз буюрган. Салафи солиҳийн буни иттифоқ билан хабар берган. Ҳижратнинг тўрт юзинчи йилидан кейин пайдо бўлган баъзи адашган оқимдагилар “назар [тадқиқ] ва истидлол [асарни кўриб, муассирини тушуниш]га ҳожат йўқ” деган бўлсалар-да, бу гапларининг ҳеч қандай қиймати йўқ. Чунки кейин келганларнинг хилофи [қарши фикрлари] собиқлар [аввалгилар] ижмоини [иттифоқини] ман этолмайди. Шу боис ота-онаси ва устозларини тақлид қилиб, тўғри эътиқодга эришган одамнинг иймони саҳиҳ бўлса ҳам, тадқиқ ва истидлолни тарк этгани учун, яъни илм-фаннини қисқача ўрганиб, Аллоҳу таолонинг борлигини фикрламагани учун гуноҳ қилган бўлади. “Фан дарсларини ўқимаган одам ота-онадан эшитиб ёки китобдан ўқиб иймон келтиргани, ўйлаб қабул қилгани, ақлини ишлатиб ишонгани учун, истидлолни тарк этган бўлмайди”, деганлар ҳам бор.

Кишининг амал ва ибодатларда ижтиҳод даражасига етган олимлардан бирини танлаб, ҳар бир ишида уни тақлид қилиши лозим. Тўрт мазҳаб оимларидан бирини тақлид қилади. Шундай ҳақиқий аҳли суннат олимини тополмаса, китобларини тақлид қилади. **“Ижтиҳод”** деб, нассларда очиқ айтилмаган, ёпиқ, мавҳум ҳолда билдирилган маълумотларни англаб, маъносини очишга айтилади. Ояти карималар билан ҳадиси шарифларга **“насс”** дейилади.

Ижтиҳод қила олиш шартларига молик бўлган буюк олимларга **“мужтахид”** дейилади. Ҳижратдан тўрт юз йил ўтгач мужтахид етилмади. Мужтахидга эҳтиёж ҳам қолмади. Чунки Аллоҳу таоло ва расули Муҳаммад алайҳиссалом киёматгача турмуш тарзларида ва фан воситаларида қилинадиган ўзгаришлар билан янгиликларнинг барчасига шомил бўлган ҳукмларни тўлиқ билдирдилар. Мужтахидлар эса, уларнинг ҳаммасини тушуниб, изоҳлаб бердилар. Кейин келадиган олимлар шу ҳукмларнинг янги ҳодисаларга қандай татбиқ қилинишини тафсир ва фикҳ китобларида баён қиладилар. **“Мужаддид”** деб аталувчи ушбу олимлар киёматгача бўлади. “Фан воситалари ўзгарди. Янги ҳодисаларга дуч келяпмиз. Дин арбоблари тўпланиб, янги тафсирлар ёзиб, янги ижтиҳодлар қилиши керак” деб нассларга илова-ю ўзгартиришлар киритиш кераклигини ёқловчиларнинг **“зиндик”** ва ислом душмани эканликлари маълум бўлади. Ислом душманларининг энг зарарлиси инглизлардир. **“Инглиз жосусининг эътирофлари”** китобимизга қаранг!

Ҳақ бўлган тўрт мазҳабдан бирини тақлид қилишни бошлагандан кейин, эҳтиёж бўлмагунча бошқа мазҳаб тақлид қилинмайди. Лекин бир ишни адо этишда ўз мазҳабини тақлид қилиш қийинлашса, ўша ишни тўрт мазҳабдан бирини тақлид қилиб бажариш жоиз бўлади. Тўрт мазҳабни **“талфик”** қилиш, яъни бир ишни қилиш учун тўрт мазҳабнинг энг қулай томонларини жамлаб, мазкур ишни шу қулай усуллар билан бажариш жоиз эмас. Бу тарзда қилинган иш ва ибодат саҳиҳ бўлмайди. Ҳижратдан тўрт юз йил ўтгач киёс қила оладиган, ижтиҳод даражасига етган мутлақ мужтахид етилмагани сабабли, шу даврдан кейин келган олимларни тақлид қилиш жоиз эмас. Шу санадан аввал етилган бир мужтахиднинг мазҳабини ўрганиш учун шу мазҳаб олимларининг иттифок билан қабул қилган фикҳ китобларини ўқиш керак. Аҳли суннат олими бўлган ҳақиқий дин арбоблари қабул ва тасдиқ қилмаган китоблардан, сўзлардан дин ўрганишга уринмаслик лозим. Дуч келган диний китобга эргашиб ибодат қилиш жоиз эмас. Ўътикоди аҳли суннат бўлмаган дин намояндаларининг китобларига ва айтганларига эргашмаслик керак.

“Қозихон”, “Хония”, “Хулоса”, “Баззозия”, шунингдек **“Заҳийрия”, “Ибни Обидин”** сингари фатво китоблари ҳанафий мазҳабида; **“Мухтасари Халил”** моликийда; **“ал-Анвор ли-аъмоли аброр”** ва **“Тухфатул-мухтож”** шофийда; **“ал-Фикҳу**

аълал мазоҳибил-арбаа” эса, тўрт мазҳабда ҳам мўтабар ва саҳихдирлар. Ибодат ва аҳком масалалари ҳадис китобларидан осонликча тушунилмайди. **“Аҳком”** – ҳалол-ҳаромлар деганидир. Ҳадис китобларнинг энг саҳиҳи **“Бухорий”**, **“Муслим”** ва **“Кутуби ситта”** деган қолган тўрт ҳадис китобидир.

Тасаввуф ҳақидаги китобларнинг энг қийматлиси **“Маснавий”** дир. Тасаввуф ва исломиятни бирга ўргатувчи энг қийматли китоб эса, имоми Раббонийнинг **“Мактубот”** идир.

Олим бўлиб кўринган ва диний пешво деб ҳамма ортидан эргашган ҳар одамнинг гапи ё китоби бўйича амал қилиш жоиз эмас. Юқорида келтирилган мўтабар китоблардан жамланиб, таржима қилинган Аҳли суннат олимлари ёзган **“илмиҳол китоблари”**ни ўқиш лозим. Мана шу усулда таржима қилинмай, ўзбошимча калладан тўқиб ёзилган дин китобларини ва уйдирма тафсирларни ўқиш инсонни дунё ва охират фалокатларига етаклайди. [Масалан қозонлик муртад Муса Бигиев [1874-1949], вақтида ўзини ҳаммага жадидчи ислом олими деб танитиб, Қуръони каримга, ҳадиси шарифларга ишонмай, янги дин тўқиб, аҳолига ислом мана шу бўлади деб тарғиб қилди. Чиройли, адабий сўз ўйинлари билан мусулмонларни маданиятсиз, аҳли суннат олимларини акидапараст деб дашном қилди. “Қуръон билан ҳадислар, илм-фанни ўқиган замонавий ёшларни қониқтирадиган дин эмас” деб, ўз калласида ҳаёл қилган шахсий фикрларини мана ҳақиқий ислом деб китоблар ёзди, ёшларни заҳарлади. Унга алданганлар томонидан чоп этилаётган ойлик туркча “Хабар бюллетени” мажмуасида пасткаш ёлғону бўҳтонлар билан Аҳли суннат олимлари қораланмоқда. Уларнинг Аҳли суннат китобларини ўқиб, ҳақ йўлни топишларига дуо қиламиз.]

Ширкдан, куфрдан, яъни иймонсизликдан кейин келадиган энг оғир гуноҳ бидъат эътиқод эгаси бўлишдир. Шу адашган, бузуқ эътиқоднинг зиддига **“Аҳли суннат вал-жамоат”** эътиқоди дейилади. Аллоҳга иймондан кейин ибодатлар ва фазилатларнинг энг қийматлиги Аҳли суннат эътиқодида бўлишдир. Аҳли суннат деб, эътиқод ва амалда, турмуш, муомала ва муносабатда Муҳаммад алайҳисаломнинг суннатига, яъни йўлига, Асҳоби киромга, Тобеинга ва улардан кейин келган Аҳли суннат олимларининг (розиаллоҳу таоло анҳум ажмоин) ижмоларига, яъни иттифоқларига тобе бўлиш, эргашишдир. Уларнинг йўлини фикҳ ва илмиҳол китобларидан

ўқиб ўрганиш лозим. Юз қирқ тўққизинчи бетга қаранг! Ҳақиқий мусулмонлар мана шу сунний йўлда юрувчилардир. Охириги йилларда мусулмонларнинг кўпчилиги нафсларига, калта ақлларига, шахсий дунёқарашлари ва замонларидаги чала ўзлаштирилган фанга эргашиб, Аҳли суннат олимларининг йўлидан айрилиб, **“бидъат аҳли”**га айланди.

[Фосиқ [ёмон одам] билан дўст бўлишнинг охири вой бўлади. Ёмон одам деб исломиятни ёқтирмайдиган кимсага айтилади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг амрлари ва тақиқларига **“Исломият”** ёки **“Аҳкоми илоҳия”** дейилади. Одамзотнинг энг ёмони **зиндиқлар** бўлиб, исмлари мусулмонча, ўзлари салла-чопон билан ниқобланган бўлади. Улар пайғамбаримизни ва исломиятни мадҳу сано қилади. Лекин Қуръони карим билан ҳадиси шарифларга нотўғри, эгри маънолар бериб, исломни ўзлари хоҳлаган кўринишга солади. Улар аслида инглиз югурдаклари бўлиб, Лондондаги масон марказидан олган катта пул, қалбаки диплом ва шуҳратлари билан кофирларга сотилган аҳмоқлардир.

Ақли расо, аҳли суннат китобларини ўқиган соғлом маънавиятга эга инсонлар уларга алданиб қолмайди. Пайғамбаримиз ҳаётларидаёқ бундай мунофиқларнинг келишини ва жаҳаннамнинг тубида жуда шиддатли азобда абадий ёнишларини башорат қилганлар. Ёш биродарларимизни мана шундай айёр, хуфя душманлар тузоғидан ҳимоя қилиш учун ушбу сатрларни ёзямиз. Бу насиҳатимиз ақлли одамларга жуда кўп фойда келтиради. “Ақли борга бир насиҳат соз, ақли йўққа довул чалсанг оз” деган нақл бежиз айтилмаган. Бу ҳақда **“Қиёмат ва охират”** китобимизнинг 18-чи ва келаси моддаларида кенгрок ёзилган.]

РИЁ

9. Қалб касаллиқларининг, яъни ёмон ахлоқнинг асосийлари олтмиш адад эканлигини айтгандик. Шулардан тўққизинчиси риё бўлиб, бир ишни бўяб, аксини кўрсатишдир. Риё—“хўжа кўрсин” деб сохта иш қилишдир. Охират амалларини қилиб, ўзини халққа охират йўлидаман деб кўрсатиб, дунёликка эришиш - риёдир. Қисқаси, дунёлик, мол-мулк қозониш йўлида диндан фойдаланишдир. Тоат-

ибодатини ҳаммага кўз-кўз қилиб, одамларнинг меҳрини қозониш риё бўлади. [Сўзлари ёки ибодатлари риё билан қилинаётган одамда диний илм бор бўлса, унга **“мунофик”** дейилади. Диний илми йўқ бўлса, **“дин нодони, чала мулла”** дейилади. Илм-фандан беҳабару лекин ўзини фан арбоби сифатида танитиб, бемаъни фикрларини худди илмий маълумотдек тақдим қилиб, мусулмонларни алдаб-аврашга, дину-иймонларини бузишга уринадиган ислом душманларига **“зиндик”** ёки **“фан нодони”** дейилади. Дин ва фан нодонларига алданмаслик керак.] Риё, фақат мулжи икроҳ пайтида жоиз бўлади. **“Икроҳ”** – кўрқитиб мажбурлаш бўлиб, одамга хоҳламаган ишни зўрлаб қилдиришга айтилади. Ўлим билан ёки бирон аъзосини кесиш билан кўрқитиб зўрлашга **“мулжи икроҳ”** [огир кўрқитиш] дейилади. [Золимлар ёки қароқчиларнинг қийноққа солишлари ҳам мулжи икроҳга киради.] Шундай вазиятда мажбурланган ишни қилиш зарурат бўлади. Ҳибсга олиш, калтаклаш билан кўрқитиб мажбурлашга **“енгил икроҳ”** дейилади. Енгил икроҳга учраган одамнинг риё қилиши жоиз эмас. Риёнинг зиддига, аксига **“ихлос”** дейилади. **“Ихлос – дунё манфаатларини ўйламай, ибодатларини ёлғиз Аллоҳу таолонинг розилиги учун адо этишдир”**. Ихлос соҳиби одам, ибодат қилаётганда ўзгаларга кўрсатишни умуман ўйламайди. Ундай кишининг ибодатларини ўзгаларнинг кўриши ихлосига зарар бермайди. Ҳадиси шарифда: ***“Аллоҳу таолони кўриб тургандай ибодат қил! Сен кўрмасанг ҳам, у сени кўриб турибди”*** деб марҳамат қилинган.

Халқнинг эъзозига, мактовига эришиш учун дунё ишлари орқали уларга яхшиликлар қилиш риё бўлади. Ибодат орқали қилинадиган риё ундан ҳам ёмонроқ. Аллоҳу таолонинг ризосини ҳеч ўйламай қилинадиган риё ҳаммасидан ёмонроқдир. Ибодат қилиб Аллоҳу таолодан дунё манфаатларини сўраш-тилаш риё бўлмайди. Масалан ёмғир дуосига чиқиш, истиҳора намози ўқиш шундай. Маош, ҳақ эвазига имомлик, хатиблик, муаллимлик қилиш; ташвиш, касаллик ва фақирликдан қутулиш учун ояти қарималар ўқиш ҳам шунга киради, дейилди. Буларда ҳам ибодат, ҳамда манфаат ниятлари мавжуд. Тижорат мақсадида ҳажга бориш ҳам шундай. Буларда ибодат нияти йўқ бўлса, риё ҳисобланади. Ибодат нияти кўпроқ бўлса, савоб ҳосил бўлади. Ибодатларини бошқаларга кўрсатиши, уларга ўргатиш ва қизиқтириш ниятида

билан бўлса, яна риё бўлмайди ва кўп савоб ҳосил бўлади. Рамазон рўзасини тутишда риёкорлик бўлмайди. Аллоҳу таолонинг ризоси учун деб намозга киришгач бироздан кейин пайдо бўладиган риёнинг зарари бўлмайди. Риё билан қилинган фарзлар саҳиҳ бўлиб, ибодат бурчи ўталган бўлса-да, савоби бўлмайди. Оиламни гўшт билан таъминлайман деган ниятда қурбон сўйиш жоиз эмас. Аллоҳу таоло учун ва бир одам учун иккаласига бирга ният қилиб қурбон сўйиш жоиз бўлмайди. Аллоҳу таолонинг ризоси учун деб ният қилинмай, фақат ҳаждан, урушдан қайтганлар учун ёки келган раҳбар, раис шарафига сўйилган жонивор ўлакка бўлади. Бундай ният билан жонлик сўйиш ва гўштини ейиш ҳаромдир. Риёдан қўрқиб ибодатни тарк этиш жоиз эмас. Аллоҳу таолонинг ризоси учун намозга туриб, намоз охиригача дунё ишларини ўйласа ҳам, намози саҳиҳ бўлади. Шон-шуҳратга [номи чиқишига] сабаб бўладиган тарзда кийиниш ҳам риё бўлади. Дин ходимларининг доимо тоза, бежирим, кимматроқ либослар кийиши лозим. Шу боис имомларнинг жума ва байрам кунлари зийнатли кийимлар кийишлари суннатдир.

Шуҳрат учун [номим чиксин деб] ваъз бериш, насихат қилиш, китоб ёзиш ҳам риё бўлади. **“Ваъз”** - амри маъруф ва наҳйи мункар деганидир. Муноқаша қилиш [гап талашиш, айтишиш], бошқалардан устунроқ кўриниш ва мақтаниш учун илм ўрганиш ҳам риё бўлади. Дунёлик йиғиш, яъни мол, мавқе, лавозим қозониш учун илм ўрганиш ҳам риё ҳисобланади. Риё ҳаромдир. Аллоҳу таоло учун ўрганиладиган илм, Аллоҳу таолодан кўркишни орттириб, ўз айбларини кўришга сабаб бўлади. Шайтоннинг алдашига моне бўлади. Илмини дунё манфаатларига, мол-мулк, обрў-эътибор, мансаб-лавозимга етишга восита қиладиган дин аҳлига **“уламон суъ”**, яъни ёмон дин ходимлари дейилади. Уларнинг борар жойи жаҳаннамдир. Халқ олдида суннатларигача риоя қилиб, ёлғизлигида одобларини тарк этиб қилинадиган ибодатлар риё бўлади. Ўн биринчи модданинг охирига қаранг!

Адо этилган ибодатнинг савобини ўлик-тирик хоҳлаган одамга бахшида қилиш жоиз. Ҳаж, намоз, рўза, садақа, Қуръони карим тиловати, мавлуд ўқиш, зикр ёки дуо савобларини ўзгаларга ҳадя қилиш, ханафий мазҳабида жоиздир. Лекин ушбу ибодатларни ҳақ эвазига, савдолашиб адо этиш жоиз эмас. Аллоҳу таоло учун

Қуръони карим ўқилганда сўрамасдан берилган ҳадяни қабул қилиш мумкин. Моликий ва шофиъий мазҳабларида садақа, закот, ҳаж сингари пул сарфлаб адо этиладиган ибодатларнинг савобини ўзгаларга ҳадя қилиш жоиз бўлиб, намоз, рўза ёки Қуръони карим тиловати сингари бадан билан бажариладиганлари жоиз бўлмайди. Ҳадиси шарифда: ***“Қабристон ёнидан ўтаётган одам ўн бир ихлос сурасини ўқиб, савобини қабрдагиларга бахшида қилса, унга майитлар сонича савоб берилади”*** - деб марҳамат қилинган. Ҳанафийлар савобини ҳадя қилади. Моликий ва шофиъийлар эса, майитнинг афви учун дуо қилади.

Ибодатларнинг саҳиҳ бўлиши учун, уни Аллоҳу таолонинг ризоси учун бажаришга ният қилиш лозим. Ният қалб билан дилда қилинади. Ёлғиз тилда айтилса, ният қилинган бўлмайди. “Қалбдан ўтказиш шарти билан тилда айтилсагина ният жоиз бўлади”, дейилди. Дилдаги ният билан тилдаги ният бир хил бўлмай қолса, дилдаги ниятга эътибор берилади. Лекин онт-қасам ичишда ундай эмас. Қасамда сўзга эътибор берилади. Ибодатларда ниятни тилда қилиш кераклигини кўрсатувчи биронта ҳадиси шариф ё ҳабар мавжуд эмас. Тўрт мазҳаб имомлари ҳам тилда ният қилиш мумкинлигини айтмаганлар. Ният – ибодат қилишни дилига келтириш ва хотирлаш эмас. Балки, Аллоҳу таоло учун бажаришни ирода қилиш, исташ демакдир. Ният ибодатга киришиш олдидан қилинади. Анча олдинроқ, масалан, бир кун аввал қилинса, ният бўлмайди. Бунга – амал, орзу, режа, ваъда дейилади. Масалан, ҳанафий мазҳабида рўзага ният қилиш вақти бир кун аввал, куёш ботишидан бошлаб, эртаси кун **“даҳван кубро”** пайтигачадир.

Ўзгалар гуноҳга ботмасин деб, бир одамнинг мубоҳларни тарк этиши яхшироқ бўлади. Лекин суннатларни, хатто мустаҳабларни тарк этиши жоиз бўлмайди. Масалан, кўрганлар ғийбат, гап-сўз қилмасин деб мисвок ишлатишни, салла ўрашни, ҳижобсиз юришни, эшакка минишни тарк этиш яхши эмас. Мисвок – тиш тозалаш учун мисвок дарахти ёки зайтун, тут дарахтлари шохидан олинадиган бармоққалинлигида, бир қаричлик таёқчадир. Аёлларнинг мисвок ўрнига сақич чайнашлари ҳам жоиз. Мисвок тополмаган одам бош ва кўрсатгич бармоқларини тишларига суради. Бишр Хофий кўчада яланг бош юради.

Гуноҳ қилмоқчи бўлган одамнинг шу гуноҳдан воз кечиши уч сабабдан бўлади: Аллоҳу таолодан қўрққани учун ёки одамлардан уялгани ёхуд бошқаларнинг шу гуноҳни қилишига сабаб бўлмаслик учун. Аллоҳу таолодан қўрқиб, тарк этишнинг аломати - ўша гуноҳни яшириб ҳам қилмасликдир. Одамлардан уялиш - уларнинг гап-сўзидан, ёмонлашидан ҳайиқиш демакдир. Одамларнинг гуноҳ қилишига туртки бўлиш, яшириб қилишдан ҳам каттароқ гуноҳ бўлади. Бошқаларнинг гуноҳи ҳам қиёматгача сабаб бўлганларга ёзилади. Бир ҳадиси шарифда: *“Одам ўз гуноҳини дунёда яширса, Аллоҳу таоло ҳам қиёмат куни бу гуноҳни бандаларидан яширади”* деб марҳамат қилинган. Ҳаммага ўзининг вараъ соҳиби тақводор эканлигини кўз-кўз қилиш мақсадида гуноҳини бекитиб, яширинча давом этиш риё бўлади.

Ибодатларини бошқаларга кўрсатишдан ҳаё қилиш жоиз эмас. **“Ҳаё”** деб гуноҳлари, айбу қабоҳатларини кўрсатмасликка айтилади. Шу боис, ваъз беришдан, амри маъруф-наҳйи мункар қилишдан [дин китоби, илмиҳол китоби ёзишдан ва сотишдан], имомлик, муаззинлик қилишдан, Қуръони карим ва мавлуд ўқишдан ҳаё қилиш, ийманиш жоиз эмас. **“Ҳаё иймондандир”** ҳадиси шарифидаги “ҳаё” ёмон, гуноҳ ишларини кўрсатишдан уялиш деганидир. Мўмин аввало Аллоҳу таолодан ҳаё қилиши керак. Бу учун ибодатларини сидкидилдан, ихлос билан адо этиши керак. Бухоро олимларидан бири султон ўғилларининг кўчада бўлмағур ўйин ўйнаётганларини кўриб, ҳассаси билан уларни савалади. Ўсмирлар қочиб, оталарига шикоят қилдилар. Султон олимни хузурига олдириб “Султонга қарши чиққан одамнинг зиндонга ташланишини билмайсизми?” – деди. Олим жавобан: “Раҳмонга қарши чиққан одамнинг жаҳаннамга ташланишини билмайсизми?” деди. Султон: “Амри маъруф қилиш вазифасини сизга ким берди?” деди. Олим: “Сизни ким султон қилди?” деганда у “Мени халифа султон қилди” деди. “Менга эса бу вазифани ўша халифанинг Рабби берди,” – деди олим. Султон: “Сизга Самарқандда амри маъруф қилиш вазифасини топширдим”, деганида олим: “Мен эса, ўзимни ўша вазифадан бўшатдим”, деди. “Қизиқ одам экансиз-ку тақсир”- деди султон, - “Сизга ҳали рухсат берилмасдан туриб вазифа бажаряпман дегингиз. Энди рухсат берганимда ишдан бўшадим дейсиз?” Шунда олим: “Сиз бугун рухсат берсангиз, эртага бўшатиб юборасиз!

Раббим берган вазифадан эса, мени ҳеч ким бўшата олмайди!” деди. Бу гапга тан берган султон: “Мендан хоҳлаганингизни тиланг, бажо келтиришга тайёрман”,-деди. “Менга ёшлигимни қайтаринг”- деди олим. “Бу қўлимдан келмайди”- деди султон. “Унда менга атаб шундай бир фармон ёзингки, жаҳаннам фаришталарининг раиси Молик мени ўтда ёқмасин”,- деди олим. “Бунни ҳам қилолмайман”- деди султон. Шунда олим: “Менинг шундай бир султоним борки, мен барча тилагимни фақат ундан сўрайман. Бугунгача нима тиласам, ҳаммасини эҳсон қилди. Ҳеч қачон бу қўлимдан келмайди демади”- деди. Султон бошини эгиб: “Илтимос менга дуо қилишни унутманг”- деб олимни қўйиб юборди.

Ҳадиси шарифларда: *“Ҳаммага кўрсатиш учун намозини чиройли ўқиб, ёлғиз пайтида ундай қилмаган одам, Аллоҳу таолони таҳқирлаган бўлади”* ва *“Сизлар учун энг хавфсираган нарсам ширки асгар [кичик ширк]-га чалинишингиздир. Ширки асгар – риё демакдир”* ҳамда *“Дунёда риёкорлик билан ибодат қилувчига қиёмат кунда: – эй ёмон одам! Бугун сенга савоб йўқ. Дунёда кимлар учун ибодат қилган бўлсанг, савобини ўшалардан сўра дейилади”* ва *“Аллоҳу таоло айтдики: Менинг шеригим йўқ. Ўзгани менга шерик қилганлар борсин, савобларини ўшандан сўрасин! Ибодатларингизни ихлос билан адо этинг! Аллоҳу таоло, ихлос билан бажарилган ишларни қабул қилади”* деб марҳамат қилинган. Ибодат, Аллоҳу таолонинг ризосига эришиш учун адо этилади. Ўзгаларнинг меҳр-муҳаббатига, эҳсонига эришишни кўзлаб қилинган ибодат, ўзгага сиғиниш, ўзгага топиниш бўлади. Аллоҳу таолога ихлос билан ибодат қилишимиз буюрилган. Ҳадиси шарифда: *“Аллоҳу таолонинг бирлигига иймон келтирган ҳамда намоз ва закотини ихлос билан адо этган бандадан Аллоҳу таоло рози бўлади”* дейилган. Расулуллоҳ (салаллоҳу алайҳи васаллам) Муъоз бин Жабални (розиаллоҳу таоло анҳ) Яманга волий қилиб юбораётиб *“Ибодатларингни ихлос билан адо этгил. Ихлос билан бажо келтирилган озгина амал қиёматда сенга кифоя қилур”* ва *“Ибодатларини ихлос билан адо этганларга суюнчи бўлсин. Улар ҳидоят юлдузлари бўлиб, фитналарнинг зулматини йўқ этгайлар”* ва *“Дунёда ҳаром қилинган нарсалар малъундир. Ёлғиз Аллоҳ учун қилинган ишлар қийматлидир”* деб марҳамат қилганлар. Дунё неъматлари

ўткинчи. Муддатлари ҳам жуда қисқа. Уларни қўлга киритиш учун динини бериш аҳмоқликдир. Одамларнинг ҳаммаси ожиз. Аллоҳу таоло хоҳламагунча ҳеч ким ҳеч кимга фойда ва зарар етказа олмайди. Инсонга Аллоҳу таоло кифоя.

Аллоҳу таолодан кўркиш лозим, Унинг раҳматидан умид узмаслик керак. Умиднинг хавфдан кўпроқ бўлмоғи даркор. Шундай одамнинг ибодатлари завқли бўлади. “Ёшларда хавфнинг, кексаларда умиднинг кўпроқ бўлгани маъкул” дейилди. Беморларда умид кўпроқ бўлиши керак. Хавфсиз умид ва умидсиз хавф жоиз эмас. Биринчиси амин бўлиш, иккинчиси умидсиз бўлишдир. Ҳадиси қудсийда: **“Бандам мени қандай деб ўйласа, уни шундай қарши оламан”** дейилган. “Зумар” сурасининг эллик учинчи ояти каримасида маолан: **“Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этади. У ғафур ва раҳимдир.”**- дейилган. Булардан умиднинг кўпроқ бўлиш кераклиги англашилмоқда. **“Аллоҳ кўркувидан йиглаган одам дўзахга кирмайди”** ва **“Менинг билганимни билганингизда, оз қулиб, кўпроқ йиглаган бўлардингиз”** деган ҳадиси шарифлар эса, хавфнинг кўпроқ бўлиши кераклигини кўрсатмоқда.

*Ҳеч кимга қилмам шикоят, йиглайман ўз ҳолимга,
Титрайман мужрим каби, боқиб истиқболимга!*

ТУЛИ АМАЛ (УЗУН АМАЛ)

10. Қалб касалликларининг ўнинчиси **“Тули амал”**дир. Тули амал - завқ ва кайфу сафо суриш учун узоқ яшашни хоҳламоқдир. Ибодат қилиш учун узоқ яшашни хоҳлаш тули амалга кирмайди. Тули амал соҳиблари ибодатларини вақтида бажармайди; тавбани тарк этади; қалблари қаттиқ бўлади; ўлимни эсламайди; ваъз ва насихатдан ибрат олмайди. Ҳадиси шарифда: **“Лаззатларга чек қўйгувчи нарсани доимо эсланглар”** деб буюрилган. Яна ҳадиси шарифда **“Ўлимдан кейин бўладиган ҳодисаларни билганингиздек жониворлар ҳам билса эди, емоққа семиз мол тополмасдингиз”** ва **“Кеча-кундуз ўлимни эслаб турган одам қиёмат кuni шаҳидлар ёнида бўлади”** деб марҳамат қилинган. Тули амал эгаси умрини фақат дунё моли ва мавқеига эришиш учун

сарфлайди. Охиратни унутади. Фақат завқу сафосини ўйлайди. Бола-чақасининг бир йиллик озиғини ғамлаб қўйиш - узун амал бўлмайди. Бир йиллик нафақага **“ҳавойижи аслия”** дейилиб, бу керакли ва энг зарурий ашёлардан саналади. Нисоб микдорига қўшилмайди. Унга эга бўлган одам бой ҳисобланмайди. Унга эга бўлмаган бўйдоқнинг қирқ кунлик озиқ-овқат ғамлаши жоиз. Ундан ортиқ ғамлаши таваккулни бузади. Ҳадиси шарифда: **“Одамларнинг энг яхшиси умри узун, амали чиройли бўлган зотдир”** ва **“Одамларнинг энг ёмони умри узун, амали ёмон бўлганлардир”** ҳамда **“Ўлимни истаманглар. Гўр азоби жуда оғир. Умри узоқ бўлиб, исломиятга амал қилиб яшаиш буюк саодатдир”, “Мусулмонликда оқарган сочлар қиймат қуни нур бўлғай”** деб марҳамат қилинган.

Тули амал [узун амалли] бўлишнинг сабаблари: дунё завқларига муккасидан кетиш, ўлимни унутиш ва сикхати билан ёшлигига алданишдир. Тули амал касаллигидан қутулиш учун ушбу сабабларни йўқотиш лозим. Ажал хоҳлаган пайтда етиши мумкинлигини ўйлаш керак. Кишининг соғлом ва навқирон бўлишининг ажалга тўсиқ бўлолмаслигини унутмаслик керак. Болалар ва ёшлар орасидаги ўлим сони, кексалардаги ўлим сонидан баланд эканини статистик маълумотлар кўрсатиб турибди. Анча касалларнинг тузалиб яшаб кетгани, анча соғлом одамларнинг бирданига вафот этаётгани кузатилмоқда. Тули амал эгаси бўлишнинг зарарлари билан ўлимни эслашнинг фойдаларини ўрганиш керак. Ҳадиси шарифда: **“Ўлимни кўп эсланглар. Уни эслаш одамни гуноҳ қилишдан асрайди ва охиратда зарарли нарсалардан сақланишига сабаб бўлади”** дейилган. Асҳоби киромдан Бараъ бин Озиб (розиаллоҳу таоло анҳ) айтадилар: «Бир жанозани олиб бордик. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) қабр бошига ўтириб йиғлай бошладилар. Муборак кўз ёшлари тупроққача томди. Сўнгра **“Эй биродарларим! Ҳаммангиз мана шунга тайёрланинг!”** дедилар.»

Умар бин Абдулазиз (раҳима-ҳуллоҳу таоло) бир олимни кўриб насиҳат сўради. У бўлса: «Ҳозирча халифасан, атрофингга кўнглинг тусаганидек буйруқлар беряпсан. Эртага ўласан», - деди. Яна бироз айтинг, деганда, «Одам алайҳиссаломгача бўлган барча боболаринг ўлимни тотиб кўрди. Энди навбат сенга келди», деди.

Халифа узоқ вақт йиғлади. Ҳадиси шарифларда: *“Одамларга воиз сифатида ўлим кифоя қилади. Бойликка интилганларга эса, қазо ва қадарга иймон келтириш кифоя”*, *“Одамларнинг энг ақлиги ўлимни кўп эслагувчидир. Ўлимни кўп эслаган одамга дунёда шараф, охиратда баланд даражасалар насиб бўлади”* ва *“Аллоҳу таолодан ҳаё қилинганлар. Ўзгаларга қолиб кетадиган нарсаларни йиғиш билан вақт йўқотманглар. Эриша олмайдиган нарсаларни қўлга киритишга уринманглар. Эҳтиёжингиздан ортиқ бинолар қуришга умр сарфламанглар”* ҳамда *“Уйларингизни ҳаром ашёлар билан қурманглар. Акс ҳолда дин ва дунёнгизни ҳароб бўлишига сабаб бўлади”* деб буюрилган. Расулulloҳ (алайҳиссалом) бир куни жуда яхши кўрадиган Усома бин Зайднинг (розиаллоҳу таоло анҳумо) бир ойдан кейин тўлаш шарти билан юз тиллага бир қул сотиб олганини эшитиб *“Сиз бунга ҳайрат қилмадингизми? Усома тули амал эгаси бўлибди”* дедилар. Эҳтиёж ашёларини насияга ҳам олиш жоиз. Бир ҳадиси шарифда: *“Жаннатга киришни истаган одам узун амал эгаси бўлмасин. Дунё ишлари билан бандлик унга ўлимни унутдирмасин. Ҳаром содир қилишда Аллоҳдан ҳаё қилсин, уялсин!”* деб буюрилган. Ҳаром бўлган лаззатларни тотиб яшаш мақсадида узун амал эгаси бўлиш ҳаромдир. Мубоҳлардан лаззатланиш мақсадида тули амал эгаси бўлиш, ҳаром бўлмаса ҳам, яхши эмас. Узоқ яшашни эмас, балки сихҳат ва офиятда яшашни исташ керак.

ТАМА

11. Қалб касалликларининг ўн биринчиси **“Тама”**дир. Дунё лаззатларини ҳаром йўллардан излашга **“тама”** дейилади. Таманинг энг ёмони одамлардан ниманидир кутишдир. Кибрга, ужбга сабаб бўлувчи **“нофила”** ибодатлар ва охиратни унутдирувчи **“мубоҳ”**лар билан шуғулланиш ҳам тама бўлади. Таманинг зиддига, аксига **“тафвиз”** дейилади. Тафвиз - ҳалол ва фойдали нарсаларга эришишга ҳаракат қилиб, уларга етишни Аллоҳу таолодан кутмоқдир.

Шайтон, риёни ихлос ва тамани тафвиз тариқасида кўрсатиб,

одамни алдашга уринади. Аллоҳу таоло ҳар бир одамнинг қалбида бир фариштага вазифа берган. Шу фаришта одамга яхши ўйларни **“илҳом”** қилади. Шайтон эса одам қалбига ёмон ўйлар – **“васваса”**лар солади. Нони ҳалол одамлар илҳом билан васвасани бир-биридан ажратади. Ҳаром ейдиганлар ажратолмайди. Инсоннинг нафси ҳам, қалбга ёмон ўйлар солади. Бундай ўй ва истакларга **“ҳаво”** дейилади. [Нафси ҳаво деганлари мана шу.] Илҳом ва васваса давомли бўлмайди. Нафсининг ҳавоси эса давомли бўлиб, тобора ортиб боради. Васваса дуо ёки зикр орқали камайиб, йўқолади. Ҳаво эса, фақат каттиқ **“мужоҳада”**, яъни кураш орқали сусайиб йўқолади.

Шайтон итга ўхшайди. Итни қувлаганда қочса ҳам бошқа томондан яна айланиб келаверади. Нафс қоплонга ўхшайди. Ташланса, ўлдирмай қўймайди. Одамларга васваса берувчи шайтонга шунинг учун **“ҳаннос”** дейилган. Одам агар шайтоннинг бир васвасасига учмаса, ундан воз кечади. Энди бошқа васвасани бошлайди. Нафси аммора [тарбияланмаган нафс] доимо зарарли нарсаларни хоҳлайди. Шайтон эса, катта савоби бор яхшиликлар, хайрли ишларга тўғанок бўлиш учун камроқ хайрли ишни ҳам васваса қилиб дилга солади. Каттароқ гуноҳга ботириш мақсадида кичкина яхшиликлар қилишни одамга васваса қилади. Шайтоннинг васвасаси орқали дилга келган хайрли иш, одамга ёқимли, ширин туюлади ва тезроқ шу ишни қилгиси келади. Шу боис ҳадиси шарифда: **“Шошилмоқ шайтондандир. Беш нарса бундан мустасно: Қизини турмушга бериш, қарзини тўлаш, жаноза хизматларини тезроқ бажариш, меҳмон қорнини тўйгазиш, гуноҳ қилганида дарров тавба қилиш”** деб марҳамат қилинган. **“Ашиъа-тул-ламаот”** китобида намозни кечиктирмаслик бобида келган ҳадиси шарифда: **“Ё Али! Уч нарсани кечиктирмагин! Намозни вақтининг бошида ўқи! Тайёрланган жаноза намозини дарҳол ўқи! Бева ёки қизни тенги сўраса дарҳол узат!”** деб буюрилган. Яъни намозхон ва гуноҳдан сақланадиган, нафақасини ҳалол ишлаб топадиган одам топилса, тезроқ ўшанга эрга бер, дейилган. Илҳом қилинган хайрли иш, Аллоҳу таолодан қўрқиб ҳисси билан аста-секин бажарилади ва охири ўйлаб қилинади. Бир ҳадисда: **“Малакдан келувчи илҳом исломиятга мос бўлади. Шайтондан келадиган васваса исломдан ажрალიшга сабаб бўлади”** дейилган. Инсон қалбига илҳом қилинган нарсаларни қилиши керак. Дилга келан васвасани қилмаслик учун

шайтоннинг ҳйласига қарши жиҳод қилиш, курашиш керак. Нафсига берилган одам васвасаларга ҳам бўйин эгади. Нафснинг ҳавосига учмаган одамнинг илҳомга бўйсиниши кулайроқ кечади. Бир ҳадиси шарифда: **“Шайтон қалбга васваса беради. Аллоҳнинг исми зикр этилса, айтилса қочади. Айтилмаса васвасаларини давом эттиради”**, дейилган. [Зикр қилиш лозимлиги ушбу ҳадиси шарифдан ҳам англашилмоқда.] Қалбга келувчи ўй-фикр ва хотиранинг жинсини аниқлаш учун, унинг исломга мос ёки эмаслигига қаралади. Агар аниқлай олмаса, солиҳ бир олимдан сўралади. Солиҳ бўлмаган, динни мол-дунё йиғишга восита қилиб олган ёмон дин ходимларидан сўралмайди. Ёхуд Расулуллоҳгача (саллаллоҳу алайҳи васаллам) устозлар силсиласи маълум бўлган ҳақиқий раҳбар олимдан сўралади.

“Қутби мадор” деб номланувчи авлиёлар оз бўлса ҳам қиёматгача мавжуд бўлади. **“Қутби иршод”** деб аталувчи Аҳли суннат олими ҳар даврда ва ҳамма диёрда учрайвермайди. Улар узоқ вақт оралиқларида сийрак учрайди. Ҳар диёрда кўп учрайдиган жоҳил тариқатчилар ва ёлгончи шайхларни ҳақиқий устоз, пир ва олим деб билмаслик керак. Ундайларнинг тузоқларига илиниб, дунё ва охиратда саодатдан маҳрум бўлмаслик учун ҳушёр бўлиш лозим. Қалбга келадиган ўй-фикр, хотира агар нафсга оғир, аччиқ туюлса, унинг хайрли эканлиги маълум бўлади. Аксинча ширин туюлиб, дарров қилгиси келса, ёмонлик эканлигидан дарак беради.

Шайтоннинг ҳйллари кўп. Ўн донаси муҳим:

Биринчиси, “Аллоҳу таоло сенинг ибодатингга муҳтож эмас”, дейди. Бунга қарши “Бақара” сураси, олтинчи иккинчи оятининг **“Амали солиҳнинг фойдаси уни бажаргангадир”** маоли шарифини эслаш керак.

Шайтоннинг иккинчи ҳйласи: “Аллоҳу таоло раҳийм, қарийм [кечирувчи], сени ҳам афв этиб, жаннатга юборади” дейди. Бунга жавобан “Луқмон” сураси ўттиз учинчи оятининг **“Аллоҳнинг қарийм бўлиши сизни алдамасин”** ва “Марям” сураси олтинчи учинчи оятининг **“Жаннатга бандаларимиздан муттақий-такводдорларни ворис қилгаймиз”** маоли шарифларини эслаш лозим.

Учинчи ҳйласи: “Ибодатларинг барчаси пуч. Риё, хато аралашган. Бундай ибодатлар билан такводор бўлолмайсан. Аллоҳ

“Моида” сурасида “Аллоҳ фақат тақво аҳлининг ибодатларини қабул қилади” дейилган. Сенинг ибодатларинг қабул бўлмайди. Беҳуда уринма. Бекорга калтак еган жонивордек азият чекапсан”, дейди. Бунга жавобан “Мен Раббимнинг азобларидан қутулиш ва амрига бўйсунуш учун ибодат қиялман. Менинг вазифам буйруқни бажо келтиришдир. Қабул бўладими, йўқми у ёғи Раббимнинг хоҳишига боғлиқ, менга эмас. Шартларига мос ва фарзлари адо этилган ибодатнинг саҳиҳ бўлиши муҳаққақдир”, дейиш лозим. Фарзларни тарк этиш катта гуноҳ. Бу гуноҳлардан халос бўлиш учун ибодатларни бажариш лозим. Ибодат қилмай жаннатга кириш учун дуо қилиш гуноҳ бўлади. Ҳадиси шарифда: *“Ақл-хуши бор одам нафсига эргашимайди, ибодат қилади. Аҳмоқ одам нафсига эргашиб, кейин Аллоҳнинг раҳматини қутади”*, дейилган. Охират учун керакли нарсаларни ушбу фоний дунёда тайёрлаш керак.

Шайтоннинг ҳийлаларидан тўртинчиси: “Аввал ишлаб, мол-дунё йиғиб, аҳволингни ўнглаб ол. Кейин роҳатланиб, қийналмай ибодат қиласан”, деб ибодат қилишга тўғаноқ бўлади. Бунга жавоб сифатида “Ажалим ўз қўлимда эмас. Ҳамманинг умрини Аллоҳу таоло азалда тақдир этган. Балки яқинда ўламан. Ибодат вазифаларимни ўз вақтида бажаришим керак” дейиш лозим. Ҳадиси шарифда *“Ҳалакал мусаввифун”* дейилганки, “бугунги ишни эртага қолдирганлар зарар кўрди, ҳалокатга учради”, деганидир.

Шайтон ҳийлаларидан бешинчиси: ибодатларни тарк эттиролмагач, “Тез-тез ўқи, вақти чиқиб кетмасин”, деб шартлари ва фарзларини нуқсон қилдирмоқчи бўлади. Бунга жавобан “Фарзлар ўзи жуда кам. Уларни шошилмай, шартларига мос равишда адо этиш керак. Фарз бўлмаган амалларни ҳам шартларига риоя қилган ҳолда кам бажариш, шартларига риоя қилмай кўп бажаришдан яхшироқдир”, дейиш лозим.

Олтинчи ҳийла сифатида шайтон одамга риёни тавсия қилади. “Ҳамма кўриб қўйсин, намоз қандай ўқилишини”, дейди. Бунга жавоб тариқасида “Ҳеч кимнинг қўлида ўз-ўзига фойда ё зарар келтириш салоҳияти йўқ. Ўзгаларга эса асло. Шу ҳолдаги одамлардан бирон нарса кутиш беҳуда ва ботилдир. Фойда ва зарар берувчи ёлғиз Аллоҳу таолодир. Ёлғиз Унинг кўриши менга кифоя.” дейиш лозим.

Еттинчи ҳийла: шайтон ибодатларнинг олдини ололмаслигига кўзи етгач, энди одамга ужб [манманлик, ўзини ёқтириш], яъни ўз ибодатига ўзи маҳлиё бўлиш васвасасини беради. “Сендек ақли расо, доно, талабчан одам бўлмаса керак? Бу даврда, ҳамма ғафлат босиб юрганда сен ибодат қиялсан”, дейди. Бунга жавобан, “Мендаги ақлу интибоҳ мenden эмас, балки Раббимнинг эҳсони. Унинг эҳсони бўлмаса, ибодат ҳам қилолмасдим”,- дейиш керак.

Саккизинчи ҳийла: “Ибодатларингни яшириб қил. Шунда Аллоҳ сенинг муҳаббат ва обрўнгни одамлар қалбига жойлайди”, дея яширин риёга туширмоқчи бўлади. Бунга жавобан, “Мен Аллоҳнинг бандаси, қулиман. У менинг соҳибим, эгам ва хошамдир. Ибодатимни хоҳласа қабул, хоҳламаса рад этади. Одамлар дилига солиш-сомаслигига аралаша олмайман”, дейиш керак.

Тўққизинчи ҳийла: “Ибодатга не хожат? Кимнинг саид [жаннатий], кимнинг шакий [дўзахий] бўлиши азалда тақдирига битилган. Саид киши ибодатни тарк этса, афв этилиб, жаннатга киради. Азалда шакий бўлган кимса қанча ибодат қилмасин, барибир бефойда, албатта жаҳанамга кетади. У ҳолда ўзингни бекорга овора қилма! Бор, ўйнаб кул”, дейди. Бунга жавобан, “Мен кулман, кулнинг вазифаси эгасининг буйруғини бажаришдир”, дейиш керак. Агар шайтон: “Бажармаса, азобга дучор бўлиш хавфи бўлсагина буйруқ бажарилади. Азалдан жаннатий бўлган одам ундай хавфдан холи-ку” деса, унга жавобан “Раббим ҳамма нарсани билади ва хоҳлаганини қилади. Хоҳлаган бандасига яхшилик, хоҳлаганига ёмонлик беради. Ҳеч кимнинг Ундан ҳисоб сўрашга ҳаққи йўқ” дейиш керак. Иблис Исо алайҳиссаломга кўриниб “Барибир азалда Аллоҳнинг тақдир қилганларигина бўлади” деяпсан, шундайми? – деб сўради. “Ҳа, шундай”, дедилар. “Ундай бўлса, ўзингни шу тоғдан пастга ташла. Агар азалда соғ қолишинг тақдир қилинган бўлса, сенга ҳеч нарса қилмайди”- деди иблис. Исо набий: “Эй малъун! Аллоҳу таоло бандаларини имтиҳон қилади. Қулнинг ўз эгасини имтиҳон қилишга ҳаққи йўқ”,- дедилар.

Шайтоннинг ушбу ҳийласига қарши “Ибодат қилиш фойдалидир. Чунки азалдан жаннатлик бўлсам, савобларнинг ортиши, даражаларнинг кўтарилиши учун ибодат қилиш лозим. Мабодо дўзахлик бўлсам ибодат қилмаслик азобидан халос бўлиш учун ибодат қиламан” дейиш керак. “Ибодатнинг менга зиғирча зарари

бўлмайди. Чунки Аллоҳу таоло ҳакийм бўлиб, ибодат қилувчиларга азоб бериш, Унинг ҳикматиға ярашмайди. Ибодатни тарк этишнинг азалда сайд [жаннатий] бўлган одамларға зарари бўлмаса ҳам, фойдаси йўқ. Шундай экан, тарк этиш қанақасига афзал бўлсин? Ақлли одам фойдали ишни танлайди, фойдасизини тарк этади. Агар азалда шакий [жаҳаннамлик] бўлсам, Раббимға итоат қилган ҳолда дўзахға киришни, осий ҳолда киришдан афзал деб биламан. Ундан ташқари, Аллоҳу таоло ибодат қилганларни жаннатға киритишини, ибодат қилмаганларға жаҳаннамда азоб беришини ваъда қилган. Аллоҳу таоло ваъдасига содиқдир. Унинг ваъдасидан қайтмаслиги иттифоқ билан хабар берилган.”

Аллоҳу таоло ҳар бир нарсани бир сабабға боғлаб яратган ва яратмоқда. Чунки илоҳий одати шундай. Баъзида мўъжиза ва каромат сифатида одатидан ташқари ишлар ҳам яратади. Тоат-ибодатларни жаннатға кириш учун сабаб қилганини Ўзи хабар берган. Яъни жаннат неъматларини ибодатларнинг эвази тариқасида яратган. Ҳадиси шарифда **“Ҳеч ким жаннатға ибодати сабабли кирмайди”** дейилган. Эваз бошқа, сабаб бўлмоқ бошқадир.

Шайтон ҳийлаларининг ўнинчиси: “Банданинг ибодат қилиши агар азалда тақдир қилинган бўлсагина мумкин. Аллоҳнинг тақдири ўзгармайди. Ибодат қилиш ва тарк этишда одамлар мажбур бўлмоқда”, дейди. Шайтоннинг бу сўзи аввалгиси билан бир. “Азалда сайд [жаннатлик] қилинган одамларға ибодат қилиш насиб бўлади. Бадбахт, шакий [жаҳаннамлик] кимсаларға эса, ибодатни тарк этиш лозим бўлади” демоқчи. Шайтоннинг бу ҳийласига қарши “Ҳамма нарсани, одамларнинг яхши-ёмон ҳар бир феълини Аллоҳу таоло яратаётган бўлса ҳам, инсонлар билан жониворларға **“иродаи жузъийя”** [қисмий ирода-ихтиёр] берган. Иродаи жузъия инсондан содир бўлади. Лекин “инсон буни яратди” дейиш мумкин эмас. Чунки ирода ташқарида мавжуд эмас. У инсон қалбида ҳосил бўлади. Ташқарида мавжуд бўлган нарсанинг пайдо бўлишиға **“халқ этмоқ”** [яратмоқ] дейилади. Аллоҳу таолонинг **“Иродаи куллия”** си эса ташқарида мавжуд бўлган бир қувватдир. Аллоҳу таоло одамнинг ихтиёрий ҳаракатини яратиш учун ўша одамнинг ирода-ихтиёрини сабаб қилган. У шарт бўлмаса ҳам яратади. Лекин шу шарт, шу сабабға боғлаб яратиш Унинг одатидир. Пайғамбарлари (алайҳимуссалавоту

ваттаслимот) ва авлиёларида (каддасаллоху таоло асрораҳумул-азиз) ушбу одати ташқарисиди ҳеч қандай сабабсиз, яратган пайтлари ҳам қўп кузатилган. Бунга “**каромат**” дейилади.

Одамларнинг ишлари ёлғиз иродаи жузъиялари орқали амалга ошмайди. Яъни одамнинг ҳар хоҳиши бўлавермайди. Ёлғизгина Ўз иродаси билан хоҳлаганини яратавериш ҳам Аллоҳнинг одати эмас. Шу боис одамлар ишларида мажбур эмаслар. Инсон аввал ихтиёр-ирода қилади. Ҳаракат қилишни хоҳлайди, ўз қудратини ишга солади, шунда Аллоҳу таоло ҳам ирода қилса, ўша феъл содир бўлади.” Шайтон: “Одамзот Аллоҳ хоҳласагина ибодат қилади. Хоҳламаса қилмайди. У ҳолда одам ишларни қилиш ё қилмасликда жабрланмоқда. Одам ишласа ҳам, ишламаса ҳам, барибир азалдаги қазо-қадар ҳосил бўлади” деб алдамоқда. Инсоннинг ишлари азалдаги тақдирга биноан содир бўлаётса-да, содир бўлиши учун аввал одам ўз иродаи жузъиясини ишлатиб, ишнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигини ихтиёр қилмоқда. Одамнинг ишларини Аллоҳнинг азалда тақдир қилиши дегани, одамнинг нималарни ихтиёр қилишини билиши ва хоҳлаши деганидир. Буларни Лавҳул-маҳфузга ёзган. Шундай бўлгани учун банданинг мажбур бўлиши такозо қилмайди.

Улуғ ислом олими саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари: «Азалдаги қазо-қадар [тақдир], бандаларининг нималар қилгиси қилишини Аллоҳу таолонинг азалда билишидир, азалда амр этиши эмас» деганлар. Яъни, қазо ва қадар амри азалий [азалий буйруқ] эмас, илми азалий [азалий илм]дир. Бошқа ифода билан, тақдир - жабри мутаҳакким [жабрловчи ҳокимлик] эмас, илми мутақаддим [қадимий илм]дир. Бир одам бошқа бирининг бир кунда қиладиган ишларини билса ва бажарилишини хоҳлаб, ҳаммасини қоғозга ёзса, шуларни қиладиган одам, ёзган одам олдида мажбур бўлмайди. “Қиладиган ишларимни билардинг, бажарилишини хоҳлаб қоғозга ёздинг. У ҳолда буларни сен қилдинг” ҳам дея олмайди. Чунки буларни ўз хоҳиш-иродаси билан ўзи қилди. Асло ҳалиги одам билгани, хоҳлагани ва ёзгани учун қилмади. Худди шунга ўхшаб, Аллоҳу таолонинг азалда билиши, хоҳлаши ва лавҳул-маҳфузга ёзиши ҳам бандаларини мажбурлаш бўлиб ҳисобланмайди. Аллоҳу таоло азалда хоҳлагани учун лавҳул-маҳфузга ёзган. Банданинг қилажак ишини билгани учун шу ишнинг қилинишини хоҳлаган. Аллоҳу таолонинг азалдаги билими, банданинг ўз хоҳиш-иродаси билан қиладиган

ишга боғлиқ. Банданинг иши ҳам Аллоҳу таолонинг ўша илми, иродаси ва яратиши оқибатида вужудга келади. Агар банда ўз ирода-ихтиёрини ишлатмаса, Аллоҳу таоло бу бандасининг иродасини ишлатмаслигини азалда билади ва билгани учун ирода қилмайди ва яратмайди. Демак, илм маълумга тобе. Бордию одамларда ирода-хоҳиш [танлаш, ҳаракат эркинлиги] бўлмай, ишлари фақат Аллоҳнинг хоҳиши бўйича яратилганда эди, одамзот ҳамма нарсага мажбур дейилса арзирди. Аҳли суннат мазҳаби бўйича, одамларнинг ишлари, одам қудрати билан Аллоҳу таоло қудратининг биргаликда таъсири орқали вужудга келади.

[Инсон қалби, яъни қўнгли, дили модда эмас. Балки электр ва магнит тўлқинлари сингари жой эгалламайдиган мавҳум. Лекин кўксимизнинг чап томонида жойлашган, юрак деган гўшт парчасида қуввати, таъсирлари ҳосил бўлади. Ақл, нафс ва руҳ ҳам худди қалбга ўхшаган латиф мавжудотлар бўлиб, учаласининг ҳам қалб билан алоқа-иртиботи бор. Одамнинг кўз, қулоқ, бурун, оғиз ва териси орқали ҳис қиладиган ранг, товуш, ҳид, таъм, иссиқ-совуқ ҳамда қаттиқ-юмшоқлик сингари сезгилар асаб-ҳис толалари орқали мияга узатилади. Мия буларни шу заҳоти қалбга узатади. Ундан ташқари ақл, нафс, руҳ ва шайтоннинг орзу-истаклари ҳам қалбга келади. Қалб нима қилиш кераклигига қарор бериб, ирода-ихтиёр қилади, танлайди. Бу истақларни ё рад этиб, йўқотади ёки маъқуллаб мияга билдиради. Мия эса буларни ҳаракат асаблари орқали тана аъзоларига буюради. Аъзолар эса, Аллоҳу таоло хоҳласа ва қувват берсагина, ҳаракатга тушиб, қалб ирода ва ихтиёр қилган нарсалар бажо келтирилади.]

*Ёмон хулқлардин сафар этса киши,
Ҳусни ахлоқ шахрига кирса киши!*

*Зикри Ҳақдин бир нафас дур бўлмаса,
Зоти Ҳақни ҳеч фаромуш қилмаса.*

*Нафси осий оқибат мутеъ бўлур,
Руҳи мўмин Сидрадан айлар убур.*

*Қуфру инкордин кечиб нафси даний,
Бунда бўлур холисият маъдани.*

КИБР

12. Қалб касалликларининг ўн иккинчиси “кибр”дир. Кибр - ўзини ўзгалардан ортиқ, баланд деб билишдир. Ўзини устун деб билиш орқали қалби роҳатланади. **“Ужб”** [манманлик] ҳам ўзини ўзгалардан юқори қўйиш демакдир. Ужб иллатига чалинган кимса кибрдан фарқли равишда ўзгалар ҳолини сира ўйламайди. Ўзига ва ибодатларига махлиё бўлади. Кибр - ёмон хулқ бўлиб, ҳаромдир. Такаббурлик Холикини, Раббини унутиш аломатидир. Кўплаб дин арбоблари ушбу ёмон хасталикка чалинган. Ҳадиси шарифда: **“Қалбида заррача кибри бор киши жаннатга кирмайди”** дейилган. Кибрнинг аксига **“тавозуъ”** [тавозе] дейилади. Тавозе ўзини ҳамма қатори билиш, ўзгалардан баланд ҳам, паст ҳам кўрмасликдир. Тавозе инсон учун энг яхши хулқлардандир. Ҳадиси шарифда: **“Тавозе қилганга муждалар бўлсин”** дейилган. Тавозе соҳиби ўзини одамлардан паст кўриб, залил ва мискин ҳолга тушмайди. Молини ҳалол йўлдан топиб, кўп ҳадялар беради. Олимлар ва фан арбоблари билан танишади. Фақирларга раҳмдил бўлади. Ҳадиси шарифларда: **“Тавозе қилувчи, ҳалол мол топувчи, чиройли хулқли, ҳаммага хушмуомала қилувчи ва ҳеч кимга ёмонлик қилмайдиган одам қандай яхши одам”** ва **“Аллоҳ учун тавозе қилган одамни Аллоҳу таоло юксалтади!”** деб марҳамат қилинган. Такаббурлик қилганга, яъни кибрланган одамга нисбатан такаббурлик қилиш жоиз. Аллоҳу таоло бандаларига нисбатан мутакаббир бўлиб, кибриё соҳибидир. Кибрли одамга қарши кибрланиш худди садақа беришдек савобдир. Кибр эгаларига тавозе кўрсатган одам ўз-ўзига зулм қилган бўлади. Бидъатчиларга ва бойларга нисбатан ҳам такаббур кўрсатиб, камтарлик қилмаслик жоиз. Лекин бу ўринда кибрланиш ўзига бино қўйиш учун эмас, балки уларга сабоқ бериб, ғафлатдан уйғотиш учундир. Ҳарбда душманга нисбатан кибрланиш савоб бўлади. Бундай такаббурга **“хуялаа”** дейилади. Садақа бераётганда нашъа ва севинч аралаш такаббурлик қилиш лозим. Садақа берувчининг такаббурлик қилиши фақирга нисбатан эмас, бераётган молини арзимас қилиб кўрсатишдир. Бу ўринда кибрланиш молига аҳамият бермаганини, миннат қилмаганини маълум қилиш мақсадидадир. Ҳадиси шарифда: **“Бераётган қўл,**

олайтган қўлдан баланд” деб марҳамат қилинган. Риёкор, кўз-кўз қилувчи мактанчоқларга нисбатан такаббурлик қилиш ҳам жоиз. Ўзидан пастроқ аҳволдагиларга нисбатан тавозе кўрсатиш яхши бўлса-да, ҳаддан ошириб юбормасликка диққат қилиш керак. Ҳаддидан ошган тавозегга **“тамаллуқ”** [ўзини ҳаддан зиёд паст тутиш, ер ўпиш] дейилади. Тамаллуқ фақат устозга ва олимга нисбатан кўрсатилса жоиз. Бошқаларга нисбатан жоиз эмас. Ҳадиси шарифда: **“Тамаллуқ мусулмон ахлоқидан эмас”** дейилган. Шеър:

***Муаллим билан табибга тамаллуқ қилиш лозимдир.
Бири ботин, бири зоҳир давосига ходимдир.***

Кибр турларидан энг ёмони Аллоҳу таолога нисбатан кибрланишдир. Намруд шундай эди, худолик даъво қилди. Аллоҳу таолонингунга насиҳат учун юборган пайғамбарини (алайҳиссалоту васалом) ўтга ташлади. Фиръавн ҳам шундай аҳмоқлардан эди. У Мисрда улуҳиятини [илоҳлигини] эълон қилиб, халқига “Мен сенларнинг худоларингман”, деди. Аллоҳу таоло унга насиҳат қилиши учун Мусо алайҳиссаломни юборди. Лекин фиръавн ишонмади. Аллоҳу таоло уни Сувайш денгизида ғарқ қилди. Шулардек бу оламнинг яратувчисига ишонмаганларга **“дахрий”**, атеист дейилади. [Ҳар даврда шундай аҳмоқлар бўлган. Улардан Мао, Сталиндек золимлар миллионлаб аҳолини қириб, дин аҳли билан китобларини йўқотиб, халқларни даҳшатли зулм остида итоатга келтирди. Кейин кўнгиллари тусаган ҳамма нарсани уларга қилдириб, ҳадларидан ошди. Одамда илоҳга, маъбудга хос қудрат бор деб ўйлаб, жаҳонга жар солишди. Ислом китобларининг юртларига киришини, ўқилишини тақиқлаб, диндан, Аллоҳдан сўз очганларни ёстиғини қуритди. Охирида Аллоҳу таолонинг қаҳру-ғазабига учраб йўқолиб, тарихда ўтган барча золимлардек лаънат ва нафрат билан тилга олинди. Инқилоб ва ҳийла орқали баъзи араб ўлкалари тахтига чиққан, заҳарли мафкуралар билан миялари чайилган золимлар, диктатор-мустабидлар ҳам ўша атеистларга кўр-кўрона эргашиб, исломга душманлик қилмоқда. Тарих китобларида ўқиган золимларнинг фожиавий оқибатларидан ибрат олмай, дунёда ва охиратда бошларига келадиган оғир азоблару фалокатларни ҳеч ўйламапти.]

Расулуллоҳга (саллаллоҳу алайҳи васаллам) қарши такаббурлик қилганлар ҳам кўп кузатилди. “Аллоҳ юборган пайгамбар шуми? Қуръон Макканинг зодагонларига юборилганда яхшироқ бўларди”, деб пайгамбаримизни камситдилар. Тарих бўйича ислом улуғларига қарши ҳам шундай кибрланиб, уларни майна қилганлар доим чиқиб турди. Бу кибрланишлар - қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, ожиз, ҳатто ўзидан ва вужудининг тузилишидан беҳабар заиф бандаларнинг ўз моликига, эгасига, куч-қудрати чексиз Рабларига қарши жанг эди. Бир пайтлар иблис ҳам шундай такаббурлик қилганди. Фаришталарга Одам алайҳиссаломга қараб сажда қилишлари буюрилганда иблис “Тупроққа қараб нега сажда қиламан? Мен ундан афзалман. Мени оловдан, уни лойдан яратдинг” деб Раббига қарши чиқди. Оташнинг оловини, латифлиги ва ёруғлик тарқатишини кўриб, уни сувдан ва тупроқдан устунроқ деб ўйлади. Ҳолбуки, асл устунлик ўзини баланд кўришда эмас, аксинча тавозе кўрсатишдадир. Жаннатда тупроқ бўлади ва у ўзидан мушки анбардек ифор тарқатади. Жаннатда оташ бўлмайди. Ўт-оташ жаҳаннамда азоб воситасидир. Оташ ҳароб қилишга, тупроқ бунёд қилишга ярайди. Махлуқот тупроқда яшайди. Хазиналар, конлар ҳам тупроқда бўлади. Каъба тупроқдан бино бўлган. Оташ ёруғлиги кечани тугатиб, кундузни олиб келса-да, тупроқдан гуллар, мевалар унади. Коинот ва мавжудотнинг энг устуни бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломнинг жойлари тупроқдир.

Ҳадиси шарифларда: **“Аллоҳу таоло айтадики: кибриё, устунлик ва азамат [улуғлик] фақат менга хос. Шу икковида менга шерик бўлишга уринганларни дўзахга ташлайман, раҳм қилмайман”** ва **“Қалбида заррача кибри бор кимса жаннатга киролмайди”** дейилганда, “чиройли кийим кийишни, тоза пойафзал ишлатишни ёктирадиган одам ҳам кибрли одам ҳисобланадими?”-деб сўралди. Жавобида **“Аллоҳу таоло жамийл [жамоли эгаси, чиройли]дир. У жамол соҳибларини яхши кўради”** деб марҳамат қилдилар. [Чиркин, ёқимсиз бўлмаслик, атрофга чиркинлиги билан донгғи чиқмаслик учун вужуд ва либосда қилинадиган тозаликка, гўзалликка “жамоли соҳиби бўлиш” дейилади. Уй-рўзгор буюмлари билан шахсий ашёларини дид билан ёқимли ва чиройли тарзда ишлатиш жамол ҳисобланади. Ясаниш учун, чиройи билан ўзгалар олдида баландроқ кўриниш мақсадида бадани, кийими ва

буюмларига оро беришга “зийнат” дейилади. Зийнат аслида ясан-тусан қилиш бўлиб, кишининг бадани, соғлиги, обрў-эътиборини ҳимоя қилишда керакли меъёрдан ошириб ўзига оро беришидир. Эркакларнинг ҳамма жойда, аёлларнинг эса бегона эркаклар ёнида зийнат, яъни ясан-тусан қилиб, тақинчоқлар тақиши жоиз эмас.]

Аллоху таолонинг барча ишлари гўзал ва чиройлидир. У чиройли ахлоқ эгаларини яхши кўради. Ушбу ҳадиси шариф кибр эгаларининг, бошқа гуноҳкорлардек азобсиз тўғридан жаннатга киролмасликларини билдирмоқда. Жаннатга кирмаганларнинг борадиган жойи жаҳаннамдир. Чунки охиратда шу икковидан бошқа борар жой йўқ. Заррача иймони бор одам жаҳаннамда чексиз қолмайди, жаннатга боради. Катта гуноҳ содир қилиб, тавба этмаганлар, шафоат ва афвга эришолмаган мўминлар жаҳаннамда гуноҳларига яраша азоб тортгач дўзахдан чиқарилиб, жаннатга киритилади. Жаннатга кирганлар у ердан ҳеч қачон чиқарилмайди. Ҳадиси шарифда: **“Кибри, хиёнати ва зиммасида қул ҳақи бўлмаган мўмин ҳисоб бермай жаннатга киради”** ва **“Қул ҳақи, мўминнинг айби ва қусуридир”** деб марҳамат қилинади. Нафақа учун қарз олиш ва қўлига пул тушган заҳоти тўлаш лозим. Юқоридаги ҳадиси шарифда ҳожат бўлмай туриб олинган ва қўлига пул тушганда дарров тўланмаган, ҳаром йўллардан олинган қарзлар, завжаси олдида маҳр қарзи ва унга динини ўргатиш бурчи назарда тутилган.

Расулуллоҳ (саллаллоху таоло алайҳи ва саллам) вафотлари олдидан **“Ё Али! Фалон яҳудийга қарзим бор. Ўшани тўлагин!”** дедилар. Яҳудийдан арпа қарз олган эдилар. Шу қарзни тўлашни васият қилдилар. Ўзи йирик яҳудий олими бўлишига қарамай, Расулуллоҳ (саллаллоху алайҳи ва саллам) билан бир бор суҳбатлашганда ҳақ пайғамбар эканликларини фаҳмлаб, иймон келтирган Абдуллоҳ бин Салом (розиаллоху таоло анҳ) елкасида ўтин таширди. Уни кўрганлар “Шунча мол-дунёнг борку, нега бунча заҳмат чекасан” деганларида “Нафсимни кибрдан қутқариш учун” деб жавоб берган. Бойнинг ҳаммолга ҳақ тўламаслик учун юкини ўзи кўтариб юриши - тазаллул, яъни хорликдир. Лекин суннатга риоя қилиш ва нафсининг таъзирини бериш учун кўтариб юриши яхши ва савоб бўлади. Ҳадиси шарифда: **“Аллоху таоло қиёмат кунини уч одам билан сўзлашмайди, уларни қаттиқ**

азоблайди. Зино қилган қария, ёлгон сўзлаган ҳукмдор ва кибрли камбағал” дейилган.

Умар (розиаллоҳу таоло анҳ) Шомга борганида уни Абу Убайда бин Жарроҳ (розиаллоҳу таоло анҳ) қўл остидагилар билан кутиб олди. Халифа туясидан тушиб, ўрнига хизматкор кулини миндирди. Чунки кули билан навбатлашиб минаётган эдилар. Манзил кўринганда миниш навбати кулига тегиб, ўзи тизгинидан етаклади. Ариқдан ўтаётганда пойабзалини ечиб, сув кечди. Шом қўшини лашкарбошиси Абу Убайда (розиаллоҳу таоло анҳ) “Ё халифа! Бу нима ҳол? Ахир барча шомликлар, айниқса румлар, мусулмонлар халифасини кўриш учун йиғилишган. Сизни кузатиб туришибди. Шу аҳволингизда уларга ёқмаслигингиз аниқ” деганида “Ё Або Убайда! Бу гапинг шу ерда турганларга жуда катта зарар етказди. Эшитганлар одамнинг обрўйи восита миниб юришда ва зийнатли либослар кийишда экан деб ўйлайди. Асл обрў-эътиборнинг мусулмонликда ва ибодатда эканлигини тушунмайди. Эслагин, биз хор, паст одамлар эдик. [Ажам шоҳлари қўлида асир эдик.] Аллоҳу таоло бизларни мусулмон қилиш орқали эъзозлаб, обрў-эътиборга белади. Агар Аллоҳ берган мана шу иззату шарафдан бўлак шараф излагудек бўлсак, Аллоҳу таоло бизни яна хор айлаб, ҳаммадан паст қилади. Иззат ва шараф Исломдадир. Ким Ислом аҳкомига итоат қилса азиз бўлади. Ким ушбу аҳкомни хушламай иззат, хузур ва саодатни ўзга жойларда изласа хор бўлади” деди. Исломнинг буйруқларидан бири тавозедир. Ким тавозе кўрсатса азиз бўлиб, эъзозланади. Ким такаббурилик қилса залил ва хор бўлади.

Бир ҳадиси шарифда: *“Қиёмат куни ер юзидаги кибр эгалари майда қумурсқадек залил ва ҳақир ҳолатда қабрларидан чиқарилади. Улар қумурсқадек майда, лекин одам қиёфасида бўлади. Ҳаммауларни оёқостиқилади. Кейинулар жаҳаннамнинг энг чуқур ва энг шиддатли Бўлис чуқурига ташланади. У ерга тушганлар нажотдан беумид бўлганлари учун у ерга Бўлис дейилган. Улар оташ қаърида зойиб бўлади. Сув сўраганларида уларга дўзах аҳлининг йиринглари берилади”* дейилган. Мадина волиийси бўлган Абу Ҳурайра (розиаллоҳу таоло анҳ) бир куни бир боғ ўтин орқалаб кетаётган эдилар. Муҳаммад бин Зиёд (раҳима-хуллоҳу таоло) уни таниб “Йўл беринглар, амир келяпти” деди. Ёшлар волиийнинг бундай тавозесига ҳайратланди. Ҳадиси

шарифда: *“Аввалги умматларда бир кибрли одам этакларини ерда судраб юрарди. Шу зурурланиши зайрати илоҳияга тегиб, уни ер ютди”* ва *“Эшакка миниб, юнгли либос кийиб ва қўй соғиб кибрsizлик аломати”* дейилган.

Кибрнинг асосан етти сабаби бор: Илм, яъни диний илмлар; ибодат; насаб; ҳусн-жамол; куч-қувват; мол-мулк, мавқе-мансаб. Ушбу сифатлар нодонларда пайдо бўлса, кибрга сабаб бўлади.

Илм кибрга сабаб бўлганидек, кибрнинг давоси ҳам илмдир. Кибрга туртки бўлган илмнинг давоси жуда қийин. Чунки илм ғоят қийматли нарсa. Шу боис илм эгаси ўзини юксак ва шарафли деб ўйлайди. Бундай одамнинг илмига жаҳолат дейиш тўғрироқ бўлади. Ҳақиқий илм инсонга ожизлигини, айблари-ю камчиликларини ва Раббининг буюклиги билан устунлигини билдириб, Холиқига нисбатан қўрқувини ва маҳлуқларга нисбатан тавозусини оширади. Ҳақиқий илм эгаллаган инсон қул ҳақларига эътибор беради. Бундай илмни ўргатиш ва ўрганиш фарздир. Бунга **“Илми нофий”** [фойдали илм] дейилиб, у ихлос билан ибодат қилишга сабаб бўлади. Кибрга сабаб бўлган илмнинг давоси икки нарсани билиш орқали амалга ошади. Биринчиси, илмнинг кадрли, шарафли бўлиши солиҳ ниятга боғлиқ. Уни жаҳолатдан, нафс балосидан қутулиш учун ўрганиш керак. Имом, муфтий ёки ваъзхон бўлиш учун ўрганмаслик керак. Иккинчиси, илми билан амал қилиш, бошқаларга ўргатиш ва буларни ихлос билан бажаришдир. Амал ва ихлосдан холи бўлган илм зарарлидир. Ҳадиси шарифда: **“Аллоҳ учун ўрганилмаган илм эгаси жаҳаннамда оташга ўтқазилади”** дейилган. Бунга мол-мулк, мансаб ва шуҳрат қозониш мақсадида илм ўрганиш киради. Дунёлик қўлга киритиш учун [диний] илм ўрганиш, яъни динни дунёликка восита қилиш – тилла қошиқда нажосат ейишга ўхшайди. Динни дунё моли қозонишга восита қилганлар дин қароқчиларидир. Ҳадиси шарифда: **“Диний илмларни дунё манфаати учун ўрганганлар жаннатнинг ҳидини ҳам туймайди”** дейилган. Фан илмларини дунё манфаати учун ўрганиш жоиз, ҳатто лозим. Ҳадиси шарифда: **“Бу умматнинг олимлари икки хил бўлади. Биринчиси, илмлари орқали одамларга фойдали бўлиб, эвазига ҳеч нарсa қутмайди. Бундай инсонга денгиздаги балиқлар, ер юзидаги ҳайвонлар ва ҳаводаги**

қушлар дуо қилади. Илмидан одамларга наф етмайдиган, илмидан дунёлик йиғишида фойдаланадиганларга қиёматда жаҳаннам ўтидан жилов солинади” деб огоҳлантирилган. Еру осмонда мавжуд барча маҳлуқотнинг тасбиҳ қилишини Қуръони карим хабар берган. **“Олимлар пайгамбарларнинг ворисларидир”** деган ҳадиси шарифдаги “олим” – Расулulloҳнинг (саллаллоҳу таоло алайҳи васаллам) йўлида бўлган, Ул зотнинг суннатига риоя қилган дин олими деганидир. Исломиятга амал қилувчи олим атрофига зиё тарқатувчи ёруғлик манбаига ўхшайди.

“Қиёмат кuni бир дин арбоби келтирилиб, дўзахга таишланади. Жаҳаннамдаги танишлари атрофига йиғилиб, “сиз дунёда ҳаммага Аллоҳнинг амрларини етказардингиз, нега бу азобга дучор бўлдингиз”, дейдилар. Ҳа, “қилманглар, бу гуноҳ”, деганларимни ўзим қилардим. Тавсия ва амр қилганларимга ўзим риоя қилмасдим. Шунинг учун мана жазосини тортяпман, дейди”.

“Меърож кечаси мени осмонга элтаётганларида бир гуруҳ одам кўрдим. Ўтдан ясалган қайчилар билан лабларини кесишарди. Буларнинг кимлигини Жаброилдан сўрадим. “Булар умматингиз хатиблари ва воизларидан ўзлари қилмаганини қилинглари, деганлар, деб жавоблади.”

“Жаҳаннам забонийлари, гуноҳкор қориларни бутпарастлардан олдин азоблайди. Чунки билатуриб қилинган гуноҳ, билмай қилинганидан ёмонроқдир” деган ҳадиси шарифлар машҳурдир. Асҳоби киром теран олим бўлганлари учун кичик гуноҳлардан ҳам худди катта гуноҳлардан кўрққандек кўрқарди. Ҳадисдаги қорилар, Таврот қорилари бўлса керак. Чунки гуноҳкор мусулмонларга кофирлардан шиддатлироқ азоб берилмайди. Ёхуд бу умматдан бўлиб, гуноҳлардан, ҳаромлардан тийилишга аҳамият бермай, кофир бўлган қорилардир.

Ҳадиси шарифда: **“Олимлар давлат арбобларига аралашмагунча, мол-мулк ортидан қувмагунча, пайгамбарларнинг аминидирлар. Дунё йиғишини ва ҳукумат раҳбарлари орасига аралашини бошлаганларида бу омонатга хиёнат қилган бўладилар”** дейилди. Омонатчи ўзига ишониб топширилган молларни ҳимоя қилиши лозим бўлганидек дин олими ҳам ислом илмларини ўзгариш ва бузилишдан асраб қолишда амин,

ишончли бўлиши лозим. Расулulloх (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Каъбани тавоф қилаётганларида “Энг ёмон одам қандай одам?” деб сўралди. ***“Ёмонни сўрама! Яхшини сўра. Олимларнинг ёмони, одамларнинг энг ёмонидир”*** дедилар. Чунки олимлар билиб туриб гуноҳ қилади. Исо алайҳиссалом: «Ёмон олимлар сув йўлини тўсувчи қоя сингаридир. Сув қоядан сизиб ўтолмайди. Оқишига ҳам моне бўлади» деганлар. Ёмон дин пешвоси мағзава қувурига ўхшайди. Ташқи кўринишидан мустаҳкам гўё санъат асари дейсиз. Ичи эса мағзава ва ахлатга тўла. Ҳадиси шарифда: ***“Қиёмат кuni азобларнинг энг шиддатлиги, илмидан ўзига фойда тегмаган дин аҳлига берилади”*** дейилган. Шунинг учун мунофиқлар, яъни ташқаридан мусулмон кўринувчи кофирлар жаҳаннамнинг тубига ташланади. Чунки улар эшитиб, билганлари ҳолда ўжарлик билан кофир бўлишган. Илм эгаси, яъни диний илм ўрганган одам ё абадий саодатга эришади ёки чексиз фалокатга дучор бўлади. Ҳадиси шарифда: ***“Жаҳаннамда азобланаётганлардан баъзилари атрофга қўланса ҳид тарқатади. Бу ҳид бошқаларга оташдан баттар азоб беради. Сен нима гуноҳ қилдингки, шунчалик сассияпсан, дейилганда, мен дин ходими эдим, билганимга амал қилмасдим деб жавоб беради”*** дейилган.

Абуддардо (розиаллоҳу таоло анх) айтганлар: «Илми билан амал қилмайдиган дин арбобига олим дейилмайди.» Иблис барча динларни биларди. Лекин илмига амал қилмади. Чўлда ёлғиз қолган одамнинг ёнида ўнтакча қилич-аслаҳа бўлса, уларни ишлатишни яхши билса, яна жасур бўлса, ўзига ташланган арслонга қарши шу қуролларни ишлатмаса, бу қурол-аслаҳанинг фойдаси бўладими? Албатта бўлмайди. Худди шунингдек киши диний илмлардан юз минг масала ўрганса, уларга ҳаётда амал қилмагунча фойдасини кўрмайди. Бемор одам ҳам дардига энг фойдали дори-дармонни топса, уни ичмагунча фойда топмайди.

“Охир замонда ибодат қилувчиларнинг аксарияти динан саводсиз бўлади. Дин пешволарининг аксарияти эса, фосиқ бўлади” ҳадиси шарифидаги “фосиқ дин арбоблари” мол-мулк йиғиш мақсадида ҳукумат арбоблари олдига серқатнов бўлади. Суфён Саврий (раҳима-хуллоҳу таоло) бундай деганлар: «Дўзахда оташдан бир водий бор. Шу водийда ҳукумат раҳбарларига ялтоқланган риёкор қорилар билан шайхлар азоб тортади.» Яна

Суфён Саврий айтганлар: «Илмда шунчалик баланд савияга етдимки, бир ояти каримага ўттиз уч хил маъно берардим. Бир куни султоннинг зиёфатига бордим. Еган лўқмаларим таъсирида билганларимнинг ҳаммасини унутдим.» Муҳаммад бин Салама (рахима-хуллоҳу таоло): «Дунё манфаати учун ҳукумат раҳбарларининг эшигида кутаётган бир корининг аҳволи нажосат устига қўнган пашшанинг ҳолидан ҳам ёмонроқ.»- деганлар.

“Аллоҳу таоло эҳсон қилган илмни халққа ўргатмаган одамнинг оғзига қиёмат куни оташдан жилов боғланади” деган ҳадиси шариф юқорида зикр этилди. Илмни толиблардан, аҳлидан яширган, кизғонган дин ходимлари мана шундай аҳволга тушади. “Нисо” сурасининг **“Мол-мулкларингизни сафихлар [нодон, аҳмоқлар] қўлига бериб қўйманг!”** деган маолдаги бешинчи ояти каримаси пасткашлар билан мунофиқларга илм ўргатишни ман қилган.

“Исломият ҳар томонга ёйилажак. Ҳатто мусулмон савдогарлар тижорат учун йирик денгизларда эмин-эркин сафар қилажак ва ғозийларнинг отлари ўзга юрт яйловларида ўтлаяжак. Кейин эса шундай қорилар пайдо бўладики, “мендан ҳам яхшироқ қироатгўйлар борми? Мендан ҳам яхшироқ биладиганлар борми?”- дейдилар. Жаҳаннам ўтинлари ана шулардир” деган ҳадиси шарифдан англашилмоқдаки, риё билан тиловат қилишлари ва кибрланишлари уларни жаҳаннамга элтади.

Ҳадиси шарифда: *“Олим эканлигини айтган одам жоҳил [нодон]дир”* дейилган. Ҳарсаволга жавоб берадиган, ҳарқўрганидан маъно чиқарадиган ва ҳар юрган жойида билим сотадиган киши ўз жаҳолатини намоиш қилади. “Билмайман, ўрганиб-билиб, кейин айтаман” деган одамнинг пухта олим эканлиги маълум бўлади. Расуллуллоҳдан (саллаллоҳу алайҳи васаллам) “Энг қадр-қийматли ер қаер?” деб сўраганларида **“Билмайман, Раббим билдирса айтаман”** деганлар. Буни Жаброил алайҳисаломдан сўраганларида ундан ҳам худди шундай жавоб олганлар. У ҳам Аллоҳу таолодан сўраб **“Масжидлар”** деган жавобни олган. “Аъроф” сурасининг **“Афв эт ва маъруфни амр эт”** маолидаги юз тўқсон саккизинчи ояти каримаси нозил бўлганда, Расуллуллоҳ Жаброил алайҳисаломдан бунинг изоҳини сўраганларида, у **“Раббимдан билиб келайин”** деб кетади. Қайтиб келганида

Аллоҳу таоло “Сендан узоқ турганга ўзинг яқинлаш! Сендан қизғонганга сен эҳсон қил! Сенга зулм қилганларни афв эт!” амрини берди, деб айтди. Шайбӣ (раҳима-хуллоҳу таоло) берилган саволлардан бирига “билмайман” дедилар. “Сиз Ироқ диёрининг муфтийсисиз. Билмайман дейиш сизга ярашадими?” деганларида «Вақтида малоиканинг энг улуғлари билмаймиз, дедилар. Мен билмайман десам, буни нимасига ҳайратланасиз»- дедилар. Имоми Абу Юсуф (раҳима-хуллоҳу таоло) бир саволга билмайман деб жавоб берганларида “Ўзингиз байтул молдан [давлат хазинасидан] маош оласизу яна халқни саволига жавоб бермайсиз” дейишди. «Байтул молдан фақат билганларимга яраша маош оляпман. Агар билмаганларим учун ҳам маош талаб қилганимда, байтул-мол пул етказа олмасди»- дедилар. Нафсига бўйсунмайдиган бесавод билан ошна бўлиш, нафсининг асирига айланган мулла билан ошналикдан яхшироқдир. Диний саводи борлиги, қорилиги ёки арабий билгани учун ишшайиш – кишининг жоҳил, бесавод, нодон эканлигини кўрсатади. Чунки илм, тавозега, камтарликка чорлайди, кибрдан ман этиб, қайтаради.

Такаббурлик ҳаромдир. Такаббур - Аллоҳу таолонинг сифатларидандир. Кибр ва Кибриё сифатлари ёлғиз Унга хос. Инсон ўз нафсини қанчалик камситиб ерга урса, Аллоҳу таоло олдида қадри шунчалик ортади. Ўзига бино қўйган кишининг Аллоҳу таоло олдида қадру қиймати ер бўлади. Кибрнинг зарарини билмайдиган одамга олим дейиш ёлғон ва бўҳтондир. Инсоннинг илми ошган сайин Аллоҳу таолодан кўркуви ҳам ошиб, гуноҳ қилишга жасорати етмай, журъат этолмай қолади. Шунинг учун пайғамбарлар (алайҳимуссалом) тавозе соҳиби бўлиб, Аллоҳу таолодан қаттиқ кўрқардилар. Қалбларида кибр ва манманлик сингари ёмон хулқлар ҳеч йўқ эди. Кичиклар, фосиқлар [гуноҳкор] ва фожир [ахлоқсиз, бузук] кимсаларга қарши ҳам кибрланмаслик керак. Фақат кибрли, манман, мақтанчоқ кимсаларга қарши кибрланиш мумкин. Олим саводсизни кўрганда “бу билмагани учун гуноҳга ботяпти, мен эса билиб қияпман” десин. Олимни кўрганда “бу мендан кўпроқ билади ва илмнинг ҳаққини бериб, ихлос билан амал қияпти. Мен ундай эмасман” десин. Ёши катта одамни учратганда “бу мендан кўпроқ йил ибодат қилган”, ёшларни кўрганда “буларнинг ёши ҳам гуноҳи ҳам

меникидан кам” дейиш керак. Тенгдошларига дуч келганда “мен ўз гуноҳларимни биламан, лекин унинг амалларини билмайман. Маълум бўлган ёмонликларга ҳақорат қилинади, номаълумларига эмас” демоғи лозим. Бирон бидъатчи ёки кофирни учратганда “одамнинг аҳволи охириги нафасида аниқ бўлади. Менинг ҳолим не кечаркин”, деб улар олдида ҳам кибрга берилмаслик керак. Лекин уларни ёқтирмаслик, севмаслик шарт. Айниқса куфр билан бидъатни ёйишга уринаётган **“Дин реформачилари”** [динни замонга мослаб янгилаш, ўзгартириш, ислоҳ қилишга бел боғлаган ғаламислар]ни севмаслик керак. Чунки улар Расулulloҳнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) суннатига душмандир. Улар суннат нурларини сўндиришга, бидъат билан залолатни ёйишга, аҳли суннат олимларини (раҳима-ҳумуллоҳу таоло) ёмонлашга, ояти карималар билан ҳадиси шарифларга нотўғри маънолар бериб, исломни ичдан бузишга уринмоқда.

[Китоб уйимизнинг барча нашрлари аҳли суннат олимларининг (раҳима-ҳумуллоҳу таоло) китобларидан таржима қилинган бўлиб, шахсий мулоҳазаларимиз эмас. Китобларимизнинг барчасида аҳли суннат олимларининг (раҳима-ҳумуллоҳу таоло) улуғликлари билан фазилатларини ёшларга улашишга ҳаракат қиляпмиз. Дунё ва охираат саодатига эришишда ягона чоранинг аҳли суннат олимларининг китобларида кўрсатилган йўл эканлигини таъкидлаяпмиз. Мана шу саодат, нажот ва қутулиш йўлини одамзотга танитишга ғайрат қиляпмиз. Эвазига асло дунё манфаати кўзламаяпмиз. Ҳеч кимдан ҳеч нарса кутмаяпмиз. Бидъатчилар, мазҳабсизлар, ҳар тоифадаги ислом душманлари китобларимизнинг ёйилишига, ўқилишига тўғаноқ бўлаётганлари сир эмас. Устига устак нашрларимизга иблисона тухматлар ёғдираётганлари ҳам бор. Лекин илмдан бенасиб бўлганликлари учун китобларимизда биронта илмий камчилик, хато тополмаяпти. “Китоб сотиб бойимоқда, манфаат, пул орттирмоқда” ҳам дея олмаяпти. Фақат “Бу китоблар нотўғри, ўқиманглар”, деб жар солаётганлар чиқиб турибди. “Қани кўрсатинг, қаери нотўғри?” деганда, “биз шундай деб эшитдик”- деб туёқларини шикиллатиб қоляпти. Алҳамдулиллоҳ! Огоҳ, зийрак ёшларимиз бундай фитначиларга алданмаяпти. Ўқиётганлар тобора ортиб борапти.]

Мана шундай халқ орасига фитна, иғво уруғи сочадиган

кимсаларни ҳам ҳурмат қилмаслик, севмаслик керак. Лекин ким бўлишидан қатъий назар ҳар бир инсон ўз гуноҳларини унутмаслиги ва азалда ўзи ҳақида қандай тақдир ёзилганини, охириги нафасининг қандай бўлишини кўпроқ ўйлаши керак. Охиратда кимнинг кимдан устун бўлишини дунёда аниқ билиб бўлмайди. Кўп дин арбоблари кофир ҳолда жон берганлар. Кўплаб кофирларга ҳам иймон билан жон бериш насиб қилган. Шу ҳолда кофирга жаҳаннамлик, ўзига жаннатлик деган киши ғайбни билганини даъво қилган бўлади. Бу эса куфрдир. Чунки жаннатлик ёки жаҳаннамлик бўлиш охириги нафасда маълум бўлади. Сўнгги нафаснинг қандай бўлишини олдиндан аниқ айтиш ғайбга таалукдир. Шунинг учун ҳеч кимга қарши кибрланиш жоиз эмас.

Савол: “Кофирга ва бидъатчига наҳйи мункар қилиш, насиҳат бериш керакку. Ўзини улардан камтар тутган одам уларга қандай насиҳат қилиши мумкин? Ундан ташқари, одати илоҳия бўйича инсон қандай яшаса, шундай жон беради. Бунинг акси камдан-кам юз беради. Ҳамда Аллоҳу таоло мўминларни мадҳ этиб, иймонсизлардан устун эканлигини айтганку” дейилса.

Жавоб: Бунга жавоб тариқасида айтишимиз мумкинки, уларни севмаслик кераклиги – Аллоҳу таоло **“Севманг!”** дегани учундир. Улардан устунроқ бўлганимиз сабабли эмас. Султон кичик ўғлини хизматкори билан бирга бир жойга юбораётганда, бола ножўя иш қилса хизматкорига уни қойишини, ҳатто калтаклашини буюради. Хизматкор шу амрга биноан бола қабоҳат қилганда уни уради. Лекин шунда ҳам, ўзининг боладан устунроқ эмаслигини билади. Унинг олдида катталик қилса ҳам, такаббурлик қилолмайди. Мўминнинг кофирни севмаслиги мана шунга ўхшайди. Аллоҳу таоло мўминларнинг ўзлари эмас, балки иймонлари устун эканлигини билдирган. Иймон кимда бор бўлса, ўша устун бўлади. Чексиз устунлик охириги нафасда маълум бўлади.

Ибодатнинг савоби, қадри қийматлироқ бўлиши шартларга боғлиқ. Мусулмон **“мо-ло-яъни”** билан, яъни фойдасиз нарсалар билан вақт ўтказмайди. Ҳазрати Абу Бакр: «биз бирон ҳаромга қўл уриб қўймайлик деган андишада етмиш ҳалолдан ўзимизни тиярдик.»- деганлар. Шу боис ҳеч ким ўз ибодатига ишонмаслиги керак. Кўп ибодат қилгани учун кибрланмаслиги керак. Ибодатнинг қабул бўлиши учун ниятнинг холис бўлиши, яъни ёлғиз Аллоҳу

таолонинг ризоси учун адо этилиши лозим. Бундай ихлосни қўлга киритиш осон эмас. Нафсни тозалаш тақво орқали амалга ошади. Тақво - ҳаромлардан парҳез қилиш деганидир. Нафси тозаланмаган кишининг ибодатларини ихлос билан бажариши жуда қийин.

Ота-боболари билан мақтаниб, кибрланиш саводсизлик ва аҳмоқликдир. Қобил Одам алайҳиссаломнинг ўғли эди. Канъонни (Нух алайҳиссаломнинг уч ўғлидан бири бўлиб, иккинчи исми Ём эди. Туғишган акаси Ёфас дин олими эди. Шунга қарамай Ём куфрдан кутула олмади) отасининг пайғамбарлиги куфрдан кутқара олмади. Одамларнинг бир-бирига айтиб мақтанаётган боболари бир сиким тупроққа айланди. Тупроқ билан мақтаниш ақлли одамнинг ишими? Боболарнинг солиҳлиги билан мақтанмаслик керак. Балки улардек солиҳ бўлишга, уларнинг изидан боришга ҳаракат қилиш лозим.

Хотинларнинг аксарияти гўзалликлари билан кибрланади. Холбуки, гўзаллик одамда доимий эмас, тезда ўтади-кетди. Чирой инсонга мулк бўлмайди. Қарзга, вақтинча олинган нарса билан кибрланиш аҳмоқликдир. Ташқи кўринишнинг гўзаллиги қалб гўзаллиги билан, яъни яхши хулқ билан бирга бўлсагина қадрлидир. Қалбнинг поклиги эса Расулulloҳнинг суннатига амал қилиш ё қилмаслигига қараб маълум бўлади. Агар одамнинг қалби, руҳи, ахлоқиға эътибор берилмаса, ҳайвондан фарқи қолмайди. Ҳатто ҳайвонлардан ҳам тубанлашиб, ичига ахлат тўлган, синган бузук ускунадек бўлиб қолади. Доимо парваришга, ювиб-чайишга, таъмирга муҳтож ҳароб машинага ўхшаб қолади. Бундай одамга кибрланиш ярашадими? Бу ҳолатдаги кишининг фақат тавозе кўрсатиши керак бўлади.

Ёшлиги ва куч-қуввати билан такаббурланиш ҳам нодонликдир. Ҳайвонларнинг жисмоний ва ҳиссий қувватлари одамларга нисбатан бир неча марта кўп. У ҳолда ҳайвонлар одамларга олдида кибрланиши лозим. Ҳамиша бақувват ҳолича қолишини, касалликка, хавф-хатар ва офатга йўлиқмаслигини ким даъво қила олади. Ёшлиги, куч-қуввати, соғлиги ҳатто ҳаракат қобиляти билан нафас олиб-беришидан маҳрум бўлмайдиган одам бормикан? Шундай ўткинчи, борлиги узоққа чўзилмайдиган ва ҳайвонларда ҳам мавжуд сифатлар билан такаббурлик қилиш ақлга тўғри келадими?

Мол-мулк, бола-чақа, обрў-эътибор, унвон ва мансаб билан кибрланиш одамзотга умуман ярашмайди. Чунки булар одамнинг зотида мавжуд бўлган фазилатлар эмас, балки ўткинчи, қўлда қолмайдиган, тез жудо бўладиган нарсалардир. Бундай устунликлар ҳаёсизларда, ёмон одамларда ҳам топилади. Устига устак уларда нисбатан кўпроқ бўлади. Агар булар устунлик бўлганда унга эришолмаган ёки эришиб йўқотганлар жуда тубан даражага тушиб қолган одамлар бўлиши керак эди. Агар мол-давлат шараф воситаси бўлганда, ўғриларнинг қисқа муддатга бўлса ҳам шарафли одамлар бўлишига тўғри келарди.

“Ҳикд” ҳам такаббурга сабаб бўлмаслиги керак. Ҳикд – луғатда гина қилмоқ, аразламоқ, ичида адоват-кек сақламоқ деганидир. Ҳикд эгаси ўзи билан бирдай даражада ёки сал баландроқ бўлган одамга қалбидан душманлик қилиб, ғаш келади. Қўлидан ҳеч нарса келмагани учун ҳалиги одамлар олдида кибрланиб, ўзини баланд кўрсатишга уринади. Бундай иллатга йўлиққан одам тавозе кўрсатиши керак бўлган одамга ҳурмат кўрсата олмайди. Унинг ҳақ гапини, насиҳатларини қабул қилмайди. Ҳаммани олдида ундан устунроқ эканлигини кўрсатмоқчи бўлади. Унга бирон зиён-заҳмат етказса, узр сўрамайди.

“Ҳасад” ҳам такаббурга сабаб бўладиган иллатлардандир. Ўзгалар қўлидаги неъматларнинг олиниб, ўзига берилишини хоҳлаш - ҳасаддир. Ҳасадчи ҳасад қилаётган одамнинг ҳақ сўзларини, насиҳатларини рад этади. Ундан бирон нарса сўраб ўрганишни жини суймайди. Ўзидан юқори эканлигини билиб турса ҳам, унга такаббурлик қилади.

“Риё” ҳам кибрланишга сабаб бўлади. Риёкор ўзини кўз-кўз қилиб, танимаган одамига ҳамманинг олдида такаббурлик қилади. Яккама-якка қолганида ундай қилмайди. Бундай риёкорларнинг такаббуридан кутулиш учун олимларнинг виқорли бўлишлари, обрўларига мос кийинишлари керак. Шу боис имоми аъзам Абу Ханифа (раҳима-ҳуллоху таоло): «Саллангиз каттароқ бўлсин, чопонингизни енги кенгрок бўлсин» дердилар. Халққа ваъз-насиҳат айтадиган шахсларнинг янги, тоза либослар кийиб, ўзларига жамол беришлари ибодат бўлади. Ҳурмат қилинмасалар, гапларига қулоқ солинмайди. Чунки нодонлар кишининг фақат ташқи кўринишига, уст-бошига қарайди. Илмини, ахлоқини тушунмайди.

Кўплар кибрли эканликларининг фарқига бормайди. Шунинг учун кибрнинг аломатларини билиш керак. Кибр иллатига чалинган одам бирон маконга кирганда ҳамманинг ўрнидан туриб кутиб олишини хоҳлайди. Шахсига хурмат кўрсатилаётганини кўриб, одамларга насихат бермоқчи бўлган олимнинг ўзи учун ўринларидан туришларини хоҳлаши кибр бўлмайди. Ўзи ўтириб, ўзгаларнинг тик туришини хоҳлаш кибрдир. Ҳазрати Али (розиаллоҳу таоло анх): «Жаҳаннамлик одамни кўргиси келган киши, ўзи ўтириб бошқаларни тик турғазиб қўйган кимсага қарасин!»- деганлар. Асҳоби киром (алайҳимурризвон) Расулulloҳни (саллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳамма нарсадан ортик севарди. Лекин Ул зот келганларида ўринларидан туришмасди. Чунки тик туришларини хоҳламасликларини билишарди. Шу билан бирга, олимлар келганда, илмнинг қадрини кўрсатиш мақсадида ўрнидан туриш лозим.

Яҳё бин Қаттон (раҳима-хуллоҳу таоло) аср намозини ўқигач жоме минорасига суяниб ўтиргандилар. Ёнига замоннинг машҳур олимларидан бир нечтаси келди. Ораларида Аҳмад бин Ҳанбал (раҳима-хуллоҳу таоло) ҳам бор эдилар. Ҳаммаси тик турган ҳолда ҳадис илмидан савол беришди. Яҳё ҳаммасига жавоб бердилар, лекин ҳеч қайсига “ўтиринг” демадилар. Ҳеч қайсиси ҳам ўтиришга журъат қилолмади. Савол-жавоб шом намозигача давом этди.

Ёш олим ёши катта нодондан юқорироққа ўтиради. Талаба устозидан олдин гап бошламайди. Устози йўқлигида, унинг ўрнига ўтирмайди. Кўчада устозидан ўзиб олдида юрмайди. Бир киши ўзи учун одамларнинг ўрнидан туришларини ёқтирса, лекин бу хоҳишидан қутулишни истаса, севгиси **“Майли табиий”**, яъни табиатидандир ёки шайтоннинг васвасасидандир. Иккаласи ҳам гуноҳ эмас. Чунки бу истак унинг измида, ихтиёрида эмас, иродасидан ташқаридадир.

Ёлғиз юргиси келмай, ортидан бир неча одамни эргаштириб юришни ёқтириш ёки ўзи уловга миниб, шогирдларининг пиёда юришларини ёқтириш ҳам кибр аломатидир. Бир куни Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) Мадинанинг Бокий қабристониغا бораётган эдилар. Бир неча киши кўриб, ортларидан эргашдилар. Расулulloҳ тўхтаб, уларга олдинга ўтишларини буюрдилар. Ўзлари эса ортдан юрдилар. Сабаби сўралганда **“Оёқ товушини**

эшитдим. Қалбимга кибрдан бир зарра келмаслиги учун шундай қилдим” дедилар. Расулуллоҳга кибр келмасди. Асҳобларига сабоқ бўлиши учун шундай йўл тутдилар. Абуддардо (розиаллоҳу таоло анх): «Кибрли одамнинг ортидан юрувчилар сони ортган сайин, унинг Аллоҳу таолодан узоқлашиши ҳам ортади.»

Зиммасида ҳақи борларни зиёрат қилмаслик, яъни танишларидан хабар олмай қўйиш ҳам кибр аломатидир. Ўзидан пастрок, камроқ бўлганларни зиёрат қилиб, ҳол-хотир сўраб туриш тавозе аломатидир.

Ёнига бировнинг ўтиришини ёқтирмаслик, касаллар билан бирга ўтирмаслик, уйда иш қилмаслик, оиласининг эҳтиёжларини сотиб олишга, уйига қўтариб келишга уялиш, бир кийган кийимини қайта кийишни ёқтирмаслик - барчаси кибр аломатидир. Иш жойида иш формасини кийишни хушламаслик ҳам шундай. Фақирлар, камбағаллар меҳмонга чақирса бормаи, бойларникига бориш такаббурликдир. Қариндошлари ва болачақасини керакли нарсалар билан таъминламаслик, тўғри сўзни тан олмай баҳслашиш, айбини-хатосини кўрсатганларга раҳмат айтмаслик, кўпчилик олдида содир қилинса, риё бўлади. Ёлғиз пайтда ҳам, ўзгалар ёнида ҳам қилинса кибр бўлади.

Тавозе эгаси бўла олиш учун дунёга қаердан келиб, қаерга кетаётганини билиш лозим. Аввал умуман йўқ эди. Бошида ҳеч нарса қила олмайдиган, нимжон чақалоқ эди. Ҳозир эса ҳар куни касалланиш, ўлиш хавфи остида яшамокда. Охирида ўлади, чирийди ва тупроққа айланиб, қурт-қумурсқага ем бўлади. Инсон худди зиндондаги ўлим ҳукми берилган маҳкумнинг қатл вақтини кутиб қийналаганидек дунё зиндонида мени қачон азоблагани олиб боришади деган хавотирда яшамокда. Охир-оқибат ўлиб, ҳашаротга ем бўлади, қабр азобини тортади. Кейин қайта тирилиб Қиёмат ташвиши бошига тушади. Жаҳаннамда абадий ёниш хавотирида яшаётган одамга такаббурлик ярашадими ё тавозе? Инсонларнинг яратувчиси, етиштирувчиси, ҳар лаҳзада хавф-хатардан қўриқловчиси, қиёматда ҳисобга тортадиган, чексиз азоб ёки мукофот берадиган, чексиз куч-қудрат эгаси, ўхшаши, шериги йўқ ёлғиз ҳоким ва кодир бўлган Аллоҳу таоло **“Такаббурлик қилганларни севмайман, тавозе эгаларини севаман”** деган. Ўзи ожиз, қўлидан ҳеч нарса келмайдиган

бечора одамга шулардан қайси бирини қилиш ярашади? Ақли жойида, ўзини ва Раббини таниган банда ҳеч ҳам такаббурлик қила оладими? Одамзот ўз ожизлигини, бандалигини Раббига ҳар доим изҳор этишга мажбур. Шунинг учун ҳамма вақт, ҳамма жойда ожизлигини намоиш қилиб, тавозе кўрсатиши лозим. Абу Сулаймон Дороний (раҳима-хуллоҳу таоло): «Барча одамлар мени ўз мавқеимдан ҳам тубанлаштириб, ҳақорат қилмоқчи бўлсалар, уддалай олмайди. Зеро мен инсонларга маълум бўлган ҳақорат даражаларининг энг пастидан ҳам тубан эканлигимни биламан» деганлар. Инсон ўзини ҳаммадан, ҳатто Иблис ё Фиръавндан ҳам паст кўра оладими? Чунки булар [Сталин, Мао ҳамда югурдаклари сингари ислом ва одамзот душмани бўлган золимлар] кофирларнинг энг пасткашларидир. Уларнинг худолик даъво қилиб, шахсий орзуларига этиш учун миллионлаб одамни қириб, исканжа остида қийнаган кофирларнинг энг пасткаши эканликлари аниқ. Аллоҳу таоло уларга ғазаб қилиб, куфрнинг энг ёмонига дучор қилибди. Менга эса раҳм қилиб, иймон ва ҳидоят эҳсон қилибди. Хоҳласа аксини қилиши мумкин эди. Алҳамдулиллоҳ, ундай қилмади. Яна, шу ёшга етгунча не-не гуноҳлар қилдим. Ҳеч ким қилмайдиган ёмонликларга қўл урдим. Оқибатим қандай бўлишини билмайман, деб бош эгиши, тавозе қилиши кераклигини ўз-ўзига таъкидлаши керак.

Ҳадиси шарифларда бундай марҳамат қилинган: ***“Аллоҳу таоло тавозе қилишимни менга буюрди. Ҳеч қайсингиз, ҳеч кимга такаббурлик қилманг!”*** Зиммий деб аталувчи ғайри муслим ватандошларга ва изн билан [паспорт билан] келган ажнабий тужжор, ишбилармон ва туристларга қарши ҳам кибрланмаслик кераклиги ушбу ҳадиси шарифдан тушунилмоқда. Ҳар бир одамга нисбатан камтар, мутавозе бўлиш шарт бўлгач уларга хиёнат қилиш, алдаш ранжитиш ҳам асло жоиз эмас.

[Дорул-харбдаги [кофир юртда] кофирларнинг моллари, жонлари, шарафлари, номусларига кўз олайтиш, у ерда ҳам ўғрилиқ, талончилик қилиш, озор етказиш, кофир қонунларига қарши чиқиш, бошчиларига ҳақорат қилиш, тинчликни бузиш, тартибсизлик чиқариш, солиқдан қочиш, транспортларда йўл ҳақини тўламаслик, исломнинг шонига, чиройли ахлоқига ярашмайдиган ҳар қандай ножўя ҳаракат қилиш жоиз эмаслиги, ушбу ҳадиси шарифдан

ва юқорироқда ёзилган изоҳидан ҳам англашилмоқда. Кофир ўлкалардаги насроний қонунларига бўйсунуш дегани, уларни улул-амр [мусулмон раҳбар] сифатида тан олиш дегани эмас. Аллоҳу таолога исёнга сабаб бўлувчи буйруқларга қарши борилмайди. Улул-амрнинг ҳам, кофир қиролларнинг ҳам ундай буйруқларига қарши исён қилинмайди. Ҳукуматга, қонунларга қарши чиқиш, қаерда бўлмасин, доим фитнага сабаб бўлади. Фитнага сабаб бўлиш ҳаромдир. Фикҳ китобларининг икроҳ бобида ва Муҳаммад Маъсумнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) учинчи жилд, 55-мақтубида бунинг изоҳи мавжуд. Бирон киши ислом мамлакатаида ёки Дорул-ҳарба, яъни кофир юртларда пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) мана шу амрларига бўйсунмаган ҳолда, кофирларга қарши одобсизлик, тартибсизлик қилса, уларнинг идораларига қарши қилмиш содир қилса, гуноҳга ботиш билан бирга исломни ва мусулмонларни бутун оламга ёввойи қилиб танитган, шарманда қилган ҳамда исломга оғир хиёнат қилган бўлади.

Жиход - **“Амри маъруф ва наҳйи мункар”** деганидир. Бу жиход икки хил бўлади: Биринчиси, кофирларга исломиятни танитиш, уларни куфр фалокатидан қутқаришдир. Иккинчиси, мусулмонларга илмиҳолларини ўргатиш, уларнинг ҳаром иш қилишларининг олдини олишдир.

Ушбу икки хил жиход уч турли адо этилади. Биринчиси, бадан билан қилинади. Бадан орқали, яъни ҳар хил ҳарб воситалари ёрдамида жиход, ўз халқига исломни тақиқлаб, зулм, зўравонлик, даҳрийлик тазйиқи остида куфрга солинган бечора халқларга исломнинг эркин етишига тўсиқ бўлаётган диктаторлар билан империалист-мустанлакачи кучларга қарши қилинади. Бунда энг замонавий қуроллар ёрдамида ҳарб қилиб, ўша зolim диктаторлар, мустанлакачиларнинг куч-қувватлари йўқ қилинади, уларнинг зулми остида эзилган бечора миллатлар асоратдан, қулликдан қутқарилади. Уларга исломият ўргатилиб, ўз хоҳиш-ихтиёрлари билан мусулмон бўлишлари таклиф этилади. Қабул қилишмаса, мусулмон халқ орасида ислом динининг одил, эрксевар ва тенгҳуқуқлиликини амр этувчи низоми остида мусулмонлар билан бирдай ҳақ-ҳуқуққа эга бўлган ҳолда ўз диний ибодатларини эмин-эркин адо этиб тинч яшашларига изн берилади. Мана шу қуролли жиход, яъни урушни фақат давлат амалга оширади. Яъни

давлатнинг қуrolли қўшини, мудофаа кучлари қилади. Давлатнинг буйруғи, рухсати, хабари бўлмасдан биронта мусулмоннинг кофирларга қўл қўтариши, зўравонлик қилиши жоиз эмас. Давлат сулҳ тузган кофирлардан бирини ўлдирган мусулмонга ислом дини энг оғир жазони беради. Қўриниб турибдики, ислом динида жиҳод дегани қаътиян ур-йикит, вайрон қил, одамларни қир дегани эмас. Аксинча одамларга исломиятни танитиб, ўз ихтиёрлари билан мусулмон бўлишларига шароит тайёрлашга ҳаракат қилиш деганидир. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам), Асҳоби киром (розиаллоҳу таоло анҳум ажмаъин) ҳамда ҳақиқий мусулмон бўлган ислом давлатлари, масалан Усмонийлар доимо мана шундай тарзда жиҳод қилганлар. Ҳеч қачон кучсиз, мудофаасиз одамларга ҳужум қилмаганлар. Бу одамларга исломнинг етказилиши, танитилишига тўғаноқ бўлган ислом душмани, кофир диктаторлар, мустамлакачилар ва мусулмон ниқоби остига яширинган бидъатчи, фитначи гуруҳларга қарши курашиб, уларнинг золим, тажовузкор армияларини йўқотганлар. Шундай зўравон кучлар зулми остида инграётган халқларни қутқариб озодликка эриштирдилар. Уларга исломиятни ўргатиб, ўз ихтиёрлари билан чинакам мусулмон бўлиб, абадий саодатга эришишларига сабаб бўлдилар.

Ислом давлати ва ислом қуrolли кучларининг иккинчи вазифаси: мусулмонлар билан ислом динини йўқотиш мақсадида ислом юртларига ҳужум қилаётган кофирларга ҳамда халқ бирлигига раҳна солувчи адашган оқимларга қарши жиҳод қилиб, мусулмон халқларни ва ислом динини ҳимоя қилишдир. Аллоҳу таоло “Анфол” сурасида ислом давлатининг кофир мамлакатларда ишлаб чиқарилаётган ҳарбий қуrollарни топиб, ўрганиб, ҳаммасини тинчлик пайтида ишлаб чиқаришни, доимо урушга тайёр туришни буюрган. Буларни бажармаган ҳукумат исломга бўйсунмаган, оқибатда душманлар ҳужумига жавоб беролмай, минглаб мусулмонларнинг шаҳид кетишига ва исломиятнинг заифлашишига сабаб бўлади.

Ислом жиҳодининг иккинчи шакли ҳар хил нашр воситалари орқали исломиятни одамзотга ёйиш, эшиттиришдир. Бу жиҳод ислом олимлари томонидан ислом давлатининг ёрдами ва назорати остида амалга оширилади. Замонимизда ислом душмани бўлган кофирлар, миссионерлар, масонлар, коммунистлар ва маъзаҳабсизлар, ҳар хил нашр органлари орқали исломни ёмонламакда. Ёлғон, бўхтон, тухматлар

орқали бутун оламини, ҳатто саводсиз, ўқимаган мусулмонларни алдаб, ислом динини йўқотишга уринмоқдалар. Насронийларнинг ўн бир савол тўқиб, барча ислом ўлкаларига таркатаётганларидан 1992 йил хабар топдик. Бангладешдаги ислом олимлари, уларга жавоб ёзиб роҳибларни шарманда қилдилар. Истанбулдаги **“Ҳақиқат китоб уйи”** ушбу жавобларни **“ал-Ақозиб-ул-жадида-тул-христиёнийя”** номи билан **“Ассиротул мустақим”** китобига илова қилиб бутун дунёга юбормоқда. **“Қодиёний”**, яъни аҳмадийлар, **“баҳойлар”**, **“мавдудийчилар”**, **“таблиғи жамоатчилар”**, **“салафийчилар”**, **“мазҳабсизлар”**, **“ваҳҳобийлар”** Куръони каримдан ва ҳадиси шарифдан нотўғри, бузуқ маънолар чиқариб, исломнинг ҳақ йўлидан айрилмоқда. Ушбу бузғунчиларнинг ҳаддан ошганлари кофир [Аллоҳ душмани] бўлмоқда. Улар барчаси матбуот йўли билан китоблар, мажмуалар, рисоалар чоп этиб, радиоларда нотўғри эътиқодларини тарқатмоқда. Бу ишга миллионлаб маблағ сарфланмоқда. Шундай заҳарли нашрлар дастидан бир томондан **“аҳли суннат”** ёки **“сунний”** деб аталувчи ҳақиқий мусулмонлар онги чалғитилиб, исломни ичкаридан емирмоқдалар. Иккинчи томондан исломни жаҳонга қийшиқ танитиб, ҳамманинг нафратини уйғотмоқдалар. Мусулмон бўлиш истагидаги ажнабийлар бундай зиддиятли ташвиқотлар қаршисида нима қилишларини билмай тараддудда қолмоқда. Ё мусулмон бўлишдан воз кечмоқда ёки нотўғри, бузуқ оқимларга кириб олиб, мусулмон бўлдик деб ўйламоқда.

Исломнинг ички ва ташқи душманларининг заҳарли, бузғунчи тарғиботларига қарши Аҳли суннат олимларининг ҳақиқий мусулмонликни, яъни Муҳаммад алайҳиссалом билан Асҳоби киромнинг (розиаллоҳу таоло анҳум ажмаин) ҳақ йўлини нашр воситалари орқали бутун жаҳонга ёйишлари ҳозирги куннинг энг муҳим жиҳоди ҳисобланади.

Жиҳоднинг учинчи қисми дуо орқали қилинадиган жиҳоддир. Барча мусулмонларнинг бу жиҳодга иштирок этишлари фарзи айндыр. Бу жиҳоддан бош тортиш оғир гуноҳ бўлади. Бу жиҳод – жиҳоднинг биринчи ва иккинчи қисмларини бажараётганларга дуо қилиш орқали амалга ошади. Лашкари ғазо лашкари дуонинг ёрдамига муҳтождир. Ихлос билан қилинган дуо муҳаққақ қабул бўлади.

Жиходнинг юқорида баён қилинган уч қисмини ҳам Аллоҳу таолонинг ёрдамига ишонган ва динга риоя қилган ҳолда адо этганларга Аллоҳу таоло муҳакқақ ёрдам беради. Жиходга тайёрланмай, керакли энг янги қурол-аслаҳаларни ишлаб чиқармай, сотиб олмай, меҳнат қилмай, ўзаро аҳил бўлмай, ўтирган жойимизда қилган дуоларни Аллоҳу таоло қабул қилмайди. Дуонинг қабул бўлиши учун аввало сабабларга мурожаат қилиш керак. Таваккул ана шундай бўлади. Жиходда муваффақ бўлиш учун исломга риоя қилиш кераклигини айтиб ўтдик. Ислом жиходга олдиндан тайёрланишни буюрган. Жиходнинг биринчи қисмини уддалай олиш учун энг замонавий ҳарб воситаларининг барча турини олдиндан тайёрлаш, улардан фойдаланишни ўрганиш ҳамда қўмондонга, ҳукуматга итоат қилиш, осийлик қилмаслик, бўлинмаслик шарт. Давлат қуролли кучлари фондига ҳар бир мусулмон қўлидан келгунча кўпроқ маблағ ҳада қилиши керак. Жиходнинг иккинчи қисмини бажарувчи Аҳли суннат олимларига ва уларни таъминловчи вақфлар, уюшмалар, жамғармаларга ҳам ёрдам бериш, мол-мулк орқали жиход қилиш бўлади. Бадан билан, мол-мулк ва пул билан жиход қилувчиларга Аллоҳу таоло қиёматда жаннатни ваъда қилган. Али Муҳаммад Балхийнинг, хижрий 1411 йилда босилган форсча **“Муфтий-и мужоҳид”** китобида жиход мавзуси кенг ёритилган.]

Ҳадиси шарифда: ***“Неъматга эришганлардан, тавозе кўрсатганларга; ўзларини хатоли деб билганларга; ҳалолдан мол топиб, хайрли жойларга сарфлаганларга; фикҳ илми билан ҳикматни, яъни тасаввуфни бирлаштирганларга; ҳалол-ҳаромга риоя қилганларга; фуқарога [камбағал-гадоларга] раҳм қилганларга; ишларини Аллоҳ ризоси учун қилганларга; ахлоқи чиройли бўлганларга; ҳеч кимга ёмонлик қилмаганларга; илми билан амал қилганларга; молининг ортигини тарқатиб, сўзининг ортигини сақлаганларга хушхабар-муждалар бўлсин”*** деб марҳамат қилинган.

Масхара қилиш ниятида, мунофиқлик билан риё қилиб, мол-давлат, мансаб эришиш учун ёки кўрққанидан кўрсатиладиган тавозе ҳам ёмон хулқдир. Шу ёмон хулқдан қутулиш учун унга сабаб бўлган ёмонликларни ҳам тарк этиш керак. Ана шундай ёмон сабаблардан поклана олган одамнинг тавозеси чиройли хулқ бўлади.

ИЛМНИНГ ВА ОЛИМЛАРНИНГ ҚИЙМАТИ

Форсий **“Риёз-ун-носиҳин”** китобининг 356-саҳифасидан бошлаб қуйидагича ёзилган¹:

“Мирсод-ул-ибод минал-мабдаи илал-маъод”² асарида ёзилган ҳадиси шарифда: ***“Олимлар орасида обрў қозониши, нодонлар билан баҳслашиши ёки ҳар жойда таниқли бўлиш мақсадида диний илм олган илм аҳли жаннатнинг ифориини ҳам туймайди”*** дейилган. Бу ҳадиси шарифдан англашиладики, бойлик орттириш, бирон мансаб ва обрў-атокқа эришиш ҳамда ҳайвоний орзуларини рўёбга чиқариш учун илм ўрганган ва илми билан амал қилмаган кимса қаътиян ислом олими эмас. Бошқа бир ҳадиси шарифда: ***“Дунёликка етишни кўзлаб илм ўрганган одам дунёда мол-мулк, обрў-эътибор топади. Лекин охиратда топгани фақат жаҳаннам ўти бўлади”*** дейилган. Бундай илмнинг фойдаси йўқ. Бундай илмдан эҳтиёт бўлиш лозим. Негаким ҳадиси шарифда ***“Ё Рабби! Мени фойдасиз илмдан ҳимоя қил!”*** деб марҳамат қилинган. Мусулмоннинг ўрганиши лозим бўлган илмларга **“Ислом илмлари”** дейилади. Ислом илмлари **“Дин илмлари”** ва **“Фан илмлари”** бўлиб иккига ажралади. Дин реформачилари диний илмларга **“схоластик билимлар”**, фан билимларига **“рационал илмлар”** дейди. Фойдасиз илм икки хил бўлади. Биринчиси юқорида қайд қилингандек жаҳаннамлик бўлувчилар ўрганадиган диний билимлардир. Иккинчиси, дин илмларисиз ўрганиладиган фан билимларидир. [Қадимги римликларнинг яҳудийларни арслонларга ем қилиши; Ўрта асрда христианларнинг Фаластинда мусулмон қирғини; Ҳитлернинг Европада, рус ва хитой коммунистларининг Осиёда миллионлаб одамларни ёстиғини қуритган ядровий қуролланишлари ҳамда инглизларнинг алдаб-авраб, қардош халқлар орасида қонли уруш чиқариши – барчаси шу фан билимлари ёрдамида амалга оширилди.]

Аллоҳу таоло фақат фан соҳасида ривожланган бундай ваҳший,

1. **“Риёз-ун-носиҳин”** форсча китобини Муҳаммад Рабҳомий ҳижрий 835 йили ёзган. 1313 йили Бомбайда босилган. 1994 йили Истанбулдаги **“Ҳақиқий Китоб уйи”**да иккинчи наشري чиққан.

2. **“Мирсод-ул-ибод”** муаллифи Нажмиддин Абу Бакр Розий, ҳ.654 йили вафот этган.

одамзот душманларини эшакларга ўхшатиб **“Таврот [ва Инжил] юкланган эшак сингаридирлар”** деган. Ислом ахлоқидан беҳабар шу золим фан арбоблари асло Ҳақ йўлда эмас. Ҳақ таоло улардан рози эмас. [**“Кунуз-уд-дақойиқ”**даги ҳадиси шарифда: **“Энг яхшингиз Қуръонни ўрганувчи ва ўргатувчиларингиздир”** деб марҳамат қилинган.] **“Мишкот”** китобида: **«“Ҳар бир мусулмон эр ва хотин кишининг ислом илмларини ўрганиши фарздир”** ҳадиси шарифи Аллоҳу таолонинг ризосига мос илмларни ўрганишни буюрмоқда. Номуносиб, нолойиқ кимсаларга илм ўргатиш чўчкага олтин у маржон тақиш билан бир.»-деб ёзилган.

[**“Туркия”** газетаси тақвимининг 1995 йил 12 июнь саҳифасида мазкур ҳадиси шарифда: **“Қиёматга яқин ҳақиқий дин илмлари камаяди. Нодон дин ходимлари ўз шахсий фикрларига суянган ҳолда фатво бериб, одамларни тўғри йўлдан адаштиради”** деб огоҳлантирилган.]

Бир ҳадиси шарифда қуйидагича марҳамат қилинган: **“Шундай замон келадики, одамлар дин ходимларидан кўчада кўрган эшак ўлигидан ҳазар қилгандек ҳазар қилади”**. Бу хабарлар келажакда жамиятнинг феъли бузук, хулқи паст бўлишидан дарак бермоқда. Чунки, Аллоҳу таоло илмга қиймат бериб, қадрлаган. Лекин дунёга сиғинувчи аҳмоқлар, болалигида ота-она тарбияси кўрмаган, мактабга бормаган ва вояга етганда ҳам ҳақиқий дин олимининг суҳбатига қатнашиш ёки китобларини ўқиш шарафига эришолмаган. Ундайлар ўз иймонлари заифлашидан хавфсирамайди ва чинакам дин олимлари ёзган китобларни ўқиб ўрганмайди. Уларнинг ягона мақсадлари пул, мол-мулк орттириш ва обрў-мансабга эришиш бўлиб, ҳалолдан ё ҳаромдан келиши фарқ қилмайди. Улар ҳақни ботилдан ажратмайди, илм билан ҳақиқий дин олимининг кадр-қийматини билмайди. Ҳақиқий дин арбоблари ёзган асарлар улар назарида мол бозорида атир-упа сотувчи аттор ёки кўрларга кўзгу сотувчи одамларга ўхшайди. Абу Лаҳаб сингари кимсага **“Тоҳо”** сурасини ўқиш; дайдининг этагини инжу-маржонга тўлдириш ёки бир кўрга сурма совға қилиш, ақлли одам қиладиган иш эмас. Аллоҳу таоло бундай ақлсизлар ҳақида: **“Улар худди ҳайвон сингари, ҳатто улардан ҳам пастроқдир”** деган. Анас бин Молик хабар берган ҳадиси шарифда **“Олимга ноҳақ ҳақорат қилган одамни**

Аллоҳу таоло одамзот орасида хор ва шарманда қилади. Олимни ҳурмат қилган бандани эса, пайғамбарлардек азиз ва шарафли қилади” дейилган. Бир ҳадиси шарифда: *“Ким олимнинг овозидан баландроқ овозда гапирса, Аллоҳу таоло уни дунё ва охирада разил-расво қилади. Агар пушаймон бўлиб тавба қилса, афв этилади*” деб марҳамат қилинган. Кўриниб турибдики, ҳақиқий олимларга ҳурмат кўрсатиш лозим. Шеър:

Бир томчидан яратилдинг унутма!

Ўзингни ҳеч олимларга тенг тутма!

Эшит, нима деган Мустафо сенга:

“Олимга ҳурмат, эрур ҳурмат менга!”

Шуни яхши билки, инсонни залолатдан, ёмон йўлдан илм ва олимлар кутқаради. Динда йўл кўрсатувчи ҳақиқий раҳбарсиз тўғри йўлни топиб бўлмайди. Шунинг учун Аҳли суннат олимларини ва улар ёзган тўғри диний асарларни излаб, топиш керак. Улуғ пайғамбар Мусо алайҳиссалом илмнинг энг юксак даражаларидан бирида бўлишига, Аллоҳу таоло билан сўзлашганига, Аллоҳу таолонинг муҳаббат шарбатидан ичганига қарамай яна илм олиш мақсадида Хизр алайҳиссаломнинг шогирди бўлмиш Юшо алайҳиссалом ҳузурига боргани **“Каҳф”** сурасида айтилган. Мусо алайҳиссалом ўзлари мантиқ илмининг устози бўлишларига қрамай Хизр алайҳиссаломдан илм ўргангани борганлар. Бухорий тафсири бу воқеани кенг ёритган.

У ҳолда, эй биродарим! Айт-чи, қиммат умрингни илмдан ва олимдан ҳам қимматроқ нарса топиб, шунга сарфляпсанми? Динимиз бизга илмни кадрлашни, олимларга ҳурмат кўрсатишни ва Аллоҳ йўлида бўлганлар билан бирга бўлишни буюрганини билмайсанми?. Шу боис қийматли умрингни фойдасиз нарсалар билан ўтказма! Ҳадиси шарифда: *“Тўғри илм ўрганиб, илмига амал қилувчи олим билан пайғамбарлар орасида атиги бир даража фарқ бўлади. Шу бир даража пайғамбарлик мақомидир*” деб марҳамат қилинган. Бундай саодатга эришиш учун илм ўрганишга ҳаракат қилиш керак. Шеър:

Эй, илм толиби – масъуд одам!

Умрингни бўш ўтказма бир дам!

Ушбу насихатим қийматини бил!

Пушаймондир қиймат билмаган одам!

Ҳикоя: Қози имоми Абу Юсуфнинг ўн беш яшар жуда яхши кўрадиган ўғли бор эди. Ўғли бир куни тўсатдан вафот этди. Имом шогирдига “Дафн ишларини сизга қолдирдим. Мен устозимнинг сабоғига кетяпман. Бугунги дарсни ўтказиб олмайин” деди. Имомни вафотидан кейин тушда кўришди. Жаннатда, катта кўшк олдида турган эди. Кўшкнинг баландлиги Аршга етганди. Бу кўшк кимники? – деб сўралганда, имом меники, деди. Бунга қандай эришдингиз? – дейишганда: “Илмга ва илм ўрганишга бўлган муҳаббатим орқали” деб жавоб берди. Эй, биродарим! Дунёда ва охирада азиз бўлгинг келса, илм ўрган! Шеър:

*Доимо хурсанд юрмоқ учун,
Ҳар жойда ҳурмат кўрмоқ учун,
Ўқи, ўрган, илм сари интил,
Илм тожини кийишни ҳам бил!*

Ҳикоя: Устозимнинг фарзандларидан тўнғичи такводор ва олим¹ эди. Вафот этаётганда отаси бошида турди. Жон таслим қилгач, юзини ёпди. Мадрасага бориб бир жуз ҳадисдан сабоқ берди. Кейин мадрасадан келиб, дафн ишларига киришди. Ўшанда тоғу тошдан, қир-адирдан эшитилган бир овоз “Ўғлимнинг ажали етиб, вафот этди. Бу иш Аллоҳу таолонинг ризоси билан бўлгани учун мен ҳам рози бўлдим. Бошқа чора билмайман. Аллоҳу таолонинг тақдири ва амри шундай бўлди”, – дер эди.

Ҳассон бин Отия (розиаллоҳу таоло анҳ) ривоят қилган ҳадиси шарифда ***“Олимнинг ўлимига ачинмаган киши мунофиқдир. Одамзот учун бир олимнинг ўлиmidан ҳам оғирроқ мусибат бўлмайди. Бир олим ўлганда осмонлар билан осмон аҳли етмиш кун йиглайди”*** деб марҳамат қилинган. Ҳақиқий олим вафот этганда динда шундай бир жароҳат [яра] очиладики, то қиёматгача юзи ёпилмайди. Яна бир ҳадиси шарифда: ***“Киши ё олим ёки илм ўрганаётган шогирд ёҳуд уларни севадиган хайрихоҳ одамдир. Мана шу учовидан ўзгалар оғилларда учиб юрган паишаларга ўхшайди!”*** деб марҳамат қилинган. Шу тўртинчи гуруҳдан бўлмасликка ҳаракат қилинг! Шеър:

1. “Риёз-ун-носиҳин” китобининг муаллифи, мавлоно Муҳаммад Рабҳомийдир. Унинг устози аллома Муҳаммад Жалол Қайиний Сумма Ҳиравийдир.

*Одамни дўзахдан қутқарувчи – илм.
Тортиб олинмаган ягона мол - илм.
Талаб қилма зинҳор илмдан ўзга,
Икки жаҳон мақсадига элтгай илм!*

Балдажи фатволарида таъкидланишича, «имомни Садр-уш-шаҳид¹ айтибдиларки: **“Ҳақиқий олимни масҳара қилган кишининг завжаси талоқ бўлади”**. Бирон олимга “аҳмоқ, жоҳил, чўчка, эшак” деган киши таъзир қилинади [қамчи билан жазоланади]. Агар ҳақоратлаш мақсадида айтса, ўзи кофир, хотини талоқ бўлади. Имомни Муҳаммад айтибдиларки, куфрга сабаб бўлгувчи ҳар қандай сўзни айтган одам ҳам худди шундай бўлади. Илмни ва олимларни ҳақорат қилганлар кофир бўлади.»

Аллоҳу таоло барчамизга фойдали илм насиб айласин. Фойдасизлардан ҳимоя қилсин. Фойдали илм Расулуллоҳдан келаётган илмлардир. Бу илмлар Аҳли суннат олимларининг китобларида ёзилган.

ТАЗАЛЛУЛ

13. Тавозунинг меъёрдан ошган кўринишига **“тазаллул”**, тубанлик, ўзини паст тутиш дейилади. Тазаллул ҳаром бўлиб, бошқа ҳаромларда бўлганидек бу иш ҳам фақат зарурат ҳолида жоиз бўлади. Динини, жонини, мол-мулкини, ор-номусини золимдан ҳимоя қилиш **“зарурат”** дир. Машаққат, кийинчилик пайтларида қулайлик излаш жоиз.

Тазаллул ёмон хулқлардан бири. Бир олим ҳузурига этикдўз келганда ўрнидан туриб, ўз ўрнига этикдўзни ўтқазиши ва кетаётганда эшиккача кузатиб, оёқ кийимларини олдига тўғирлаб қўйиши тазаллулга мисолдир. Фақат ўрнидан туриб ўтирса, унга жой кўрсатиб, иши, ҳол-аҳволини сўраб, саволларига мулоимлик билан жавоб қайтариб, даъватини қабул қилиб, ҳожатини кетказиш учун ёрдам берганида тавозу кўрсатган бўларди. Ҳадиси шарифда: **“Дин биродарини таъвишдан қутқарган одамга [нофила] ҳажж ва умра савоби берилади”** деб марҳамат қилинган.

1. Садр-уш-шаҳид Ҳусомиддин Умар, ҳижрий 526 йили Самарқандда шаҳид бўлган.

Ҳазрати Ҳасан (розиаллоҳу таоло анҳ) Собит Банонийга (раҳима-хуллоҳу таоло) бир ҳожатини арз қилиб келдилар. “Масжидда эътикоф билан бандман, бошқа пайт қиларман” деди. “Дин биродарининг ҳожатини чиқариш учун боришнинг [нофила] ҳаж савобидан ҳам хайрлироқ эканини билмайсизми?”,- дедилар. Мавке-мансаб эгаларининг муҳтожларга, устозларнинг талабаларига, лавозим, мартаба ва моллари билан ёрдам беришининг катта савоб бўлиши мана шу ҳадиси шарифга асосланади. Нафақаси, яъни бир кунлик озиқ-овқати бор одамнинг тиланиши тазаллул бўлиб, ҳаромдир. Бу кишининг, бир кунлик нафақаси бўлмаган бошқа одамга ёки қарздорга халқдан сўраб ёрдам йиғиши тазаллул бўлмайди. Кўпроқ ҳадя олиш учун олдиндан кичикроқ нарса совға қилиш ҳам тазаллул бўлади. Ояти карима бундай ҳадя беришни ман қилган. Олинган совғага жавоб тариқасида ортиқроқ нарса совға қилиш афзалдир. Лекин каттароқ совға келишини кўзлаб, умид қилиб совға бериш жоиз эмас. Чақирилмаган зиёфатга бориш ҳам тазаллулдир. Ҳадиси шарифда: **“Чақирилган жойга бормаслик гуноҳ, чақирилмаган жойга бориш ўзрилиқ бўлади”** деб огоҳлантирилган. Никоҳ маросими эгаси таклиф қилган жойда ҳаром нарсалар бўлмаса, шу даъватга бориш вожиб бўлади. Бошқа чақирилган жойларга бориш суннат. Риё ва ифтихор учун, яъни ўзини, уйини, дастурхонини кўз-кўз қилиш, мақтаниш учун ёзилган дастурхонларга бориш жоиз эмас. Бирон манфаат орттириш умидида амалдорлар, ҳоким, қози, бойлар билан борди-келди, улфатчилик қилиш тазаллул бўлади. Зарурат пайтлари мустасно эканлиги юқорида айтиб ўтилди. Шундай одамлар билан учрашганда, уларга салом берганда эгилиш, таъзим қилиш ҳам тазаллул, яъни тубанлик бўлиб, катта гуноҳдир. Агар шу кимсаларга ибодат мақсадида эгилса, куфр бўлади. Яҳудийларнинг саломлашишига ўхшаб қолади.

[Фақир – муҳтож, камбағал, гадо деганидир. Кўпликда “фукаро” дейилади. Исломиятда ҳавойижи аслиясидан (оиласининг бир йиллик озиқ-овқатидан) ортиқ қурбон нисоби миқдорича мол-мулки йўқларга **“фақир”** дейилади. Расулуллоҳнинг (саллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам) Аллоҳу таолодан сўраб олиб, фахрланган фақирликлари, доимо ҳар ишда Аллоҳу таолога муҳтож эканини билишдир. Абдуллоҳ Дехлавий (раҳима-хуллоҳу таоло) **“Дурр-ул-маъориф”** китобида бундай деганлар: «Тасаввуфда “фақир” деб,

шахсий хоҳишини, мурод-мақсадини йўқ қилган, яъни Аллоҳу таолонинг ризосидан ўзга орзуси қолмаган кишига айтилади.» Ана шундай одам нафақаси қолмаганда сабр ва қаноат қилади. Аллоҳу таолонинг феъли ва иродасидан рози бўлади. Аллоҳу таоло амр этгани учун ўз ризкини топиш мақсадида ишлайди. Ишлаётган пайтда ибодатларини тарк этмайди ва ҳаром ишга қўл урмайди. Пул топаётганда ҳам, сарфлаётганда ҳам исломиятга амал қилади. Ундай одамнинг бой бўлиши ҳам, камбағал [фақир] бўлиши ҳам фойдалидир. Зеро икки ҳолати ҳам дунё ва охират саодатига эришишига сабаб бўлади. Лекин нафсига бўйсуниб, сабр-қаноат қилмайдиган одам Аллоҳу таолонинг қазо ва қадарига [тақдирига] рози бўлмайди. Фақир бўлса “нега оз бердинг” деб норози бўлади. Бойиса, кўзи тўймай, яна сўрайди. Топган-тутганини ҳаром-ҳаришга сарфлайди. Ундайларнинг бой бўлиши ҳам, гадо бўлиши ҳам дунё ва охиратда фалокатига сабаб бўлади.]

Ҳар қандай касб-ҳунар ва тижорат [савдо] билан шуғулланиш; маош, ҳақ эвазига мубоҳ бўлган ишларни қилиш, масалан чўпонлик, богбонлик, иншоотда [қурилиш] ва ер, қудуқ қазиш ишларида ишлаш; елкасида юк ташиш, ҳаммоллик тазаллул эмас. Пайғамбарлар (алайҳимуссалавоту ваттаслимот) ҳам, Валийлар (рахима-хумуллоҳу таоло) ҳам ундай ишларда ишлаганлар. Ўзининг ва бола-чақасининг нафақасини таъминлаш учун ишлаш фарз. Бошқаларга ҳам ёрдам бериш мақсадида ҳар хил ишларда ишлаб, кўпроқ пул топиш эса, мубоҳ.

Идрис алайҳиссалом тикувчилик қиларди. Довуд алайҳиссалом темирчилик билан кун кечирарди. Иброҳим алайҳиссалом деҳқончилик ва газлама савдоси билан шуғулланар эди. Биринчи бўлиб мато, газмол тўқиган инсон Одам алайҳиссаломдир. [Дин душманлари дастлабки одамлар ўт-ўлан ёпиниб, ғорларда яшаган деб ёзган. Лекин бу ёзувларининг биронта далили, ҳужжати, асоси йўқ.] Нух алайҳиссалом дурадгорлик, Исо алайҳиссалом тери-пойабзал, Солиҳ алайҳиссалом халта-хуржун тикиш билан шуғулланарди. Пайғамбарларнинг (алайҳимуссалавоту ваттаслимот) кўплари чўпонлик қилган.

Ҳадис-шарифда: ***“Уйининг эҳтиёж ашёларини топиб келиш кибрсизлик аломатидир”*** дейилган. Расулulloҳ (саллаллоҳу таоло алайҳи васаллам) мол сотганлар, сотиб ҳам олганлар. Лекин сотиб

олган пайтлари кўпроқ бўлган. Ҳақ эвазига ўзлари ҳам ишлаганлар, ҳақ тўлаб ишчи ҳам ишлатганлар. Мудораба ширкати [ҳам сармоя, ҳам меҳнати билан шерик бўлинган тижорий ширкат] тузганлар ва шериклик қилганлар. Бошқаларга вакил бўлганлар ҳамда ваколат берганлар. Ҳадялашганлар. Қарзга ва ориятга мол олганлар. Вақф қилганлар. Дунё ишларида ҳеч кимга ғазабланиб, хафа қилувчи сўз айтмаганлар. Ўзлари ҳам қасам ичганлар, бошқаларга ҳам ичказганлар. Онт этган нарсаларини бажарганлар. Бажармай каффоратини тўлаган пайтлари ҳам бўлган. Латифа айтганлар, латифалари доимо ҳақ ва фойдали бўлган. Юқорида санаб ўтилганларни қилишдан тортиниш, уялиш кибр бўлади. Кўплар мана шу масалаларда адашиб, тавозу билан тазаллулни фарқлай олмайди. Нафс бу борада жуда кўпларни адаштиради.

***Кел, эй гурбат диёрида асир бўлиб қолган инсон,
Кел, эй дунё харобида ётиб гофил бўлган инсон!***

***Кўзингни оч, атрофга боқ, неча беклар келиб кетди,
Не мажнундир бу фонийга кўнғил бериб турган инсон!***

***Қафасда булбулга бол берсанг ҳам ул унда турмас,
Ажаб нечун қарор қилур, бу зиндонга кирган инсон!***

***Ўзингга кел, ақлингни йиғ, қўлингда бор экан фурсат,
Чексиз азоб тортгусидир, “Ақл ўргатма” деган инсон!***

УЖБ

14. Ёмон ҳулқларнинг ўн тўртинчиси ужб бўлади. Ужб – қилган ибодат ва яхшиликларини ёқтириб, улар билан мақтанишга, манманлик қилишга айтилади. Лекин ибодат ва яхшиликларининг қадрини билиб, улардан айрилиб қолишдан андиша қилиш, хавотирланиш ужб бўлмайди. Ёхуд уларнинг Аллоҳу таолодан келган неъмат эканлигини ўйлаб, севиниш ҳам ужбга кирмайди. Агар уларнинг Аллоҳу таолодан келган неъматлигини ўйламай, ўзи эришган, ўзи қўлга киритган ютуқлар деб севинса, шу сабабли

ўзини ёқтирса, ужб бўлади. Ужбнинг зиддига “**миннат**” дейилади. Миннат - неъматларга ўз кучи, ўз меҳнати эвазига эришмаганини, балки Аллоҳу таолонинг эҳсони эканини ўйлашдир. Мана шундай ўйлаш ужб хавфи туғилган пайтда фарз бўлади. Бошқа пайтларда мустаҳабдир. Одамни ужбга етакловчи сабабларнинг бошида жаҳолат ва ғафлат туради. Ужбдан қутулиш учун ҳар бир нарсанинг Аллоҳу таолонинг хоҳиши ҳамда яратиши орқали пайдо бўлганини; ақл, илм, ибодат қилиш, обрў-эътибор, мол-мулк ва мансаб сингари қадрли неъматлар Аллоҳу таолонинг инсонга лутфу эҳсони эканини фикрлаш лозим.

“**Неъмат**” - инсонга фойдали, ёқимли нарсалар дегани. Барча неъматлар Аллоҳу таолодандир. Ундан ўзга яратувчи ва неъмат берувчи йўқ. Асҳоби киромдан баъзилари (розиаллоҳу таоло анҳум ажмаин) Хунайн ғазовотида ўз сафларидаги лашкарнинг кўплигини кўриб, энди биз сира мағлуб бўлмаймиз, дейишди. Бу гаплар Расулulloҳга (саллаллоҳу алайҳи васаллам) етиб келганида, хафа бўлдилар. Шунинг учун жангнинг бошларида нусрати илоҳий [илоҳий ёрдам] келмай мағлубият бошланди. Кейинрок жаноби Ҳақ раҳм қилиб, ғалаба насиб айлади.

Довуд алайҳиссалом бир куни дуо қилаётганда: “Ё Рабби! Фарзандларимдан бир нечтаси туриб намоз ўқимаган бирон кеча, рўза тутмаган бирон кун бўлмаган” деганди. Бунга жавобан Аллоҳу таоло **“Мен хоҳламасам, куч ва имкон бермасам, буларнинг ҳеч қайсиси бажарила олмасди”** деди. Довуд алайҳиссаломнинг ушбу сўзи ғайрати илоҳияга тегиб, бошига тарих китобларида ёзилган турли ғам-ташвишлар тушишига сабаб бўлди.

Кибрга сабаб бўлувчи нарсаларни юқорида айтиб ўтгандик. Улар ужбга ҳам сабаб бўлади. Аллоҳу таолонинг неъматларига шукр қила олиш ҳам катта неъматдир.

Ужбнинг зарарлари-ю офатлари жуда кўп: Кибрга сабаб бўлади. Ўз гуноҳларини унутишга сабаб бўлади. Гуноҳ қалбни қорайтиради. Гуноҳларини доим ўйлаб юрган одам ибодатларини кўп деб билмайди. Аксинча ибодат қилиш ҳам Аллоҳу таолонинг эҳсони эканини ўйлайди. Ужб касаллигига чалинган киши Аллоҳу таолонинг макрини ва азобини унутади. Ўзгалардан моддий-маънавий фойдаланишдан маҳрум бўлади. Ҳеч ким билан маслаҳатлашмайди, насиҳатини қулоққа илмайди.

Ҳадиси шарифда: **“Уч нарса одамни ҳалокатга судрайди: Бухл, ҳаво ва ужб”** деб марҳамат қилинган.

Бухл соҳиби, яъни бахил, ҳасис одам Аллоҳга нисбатан ва бандаларга нисбатан вазифаларини ўташдан маҳрум бўлади. Ҳавосига, яъни нафсининг орзуларига учган ва ужбга чалинган, яъни ўз нафсини яхши кўрган одам албатта фалокатга дучор бўлади.

Имоми Муҳаммад Ғазолий (раҳима-хуллоҳу таоло) бундай деганлар: «Барча ёмонликларнинг боши, манбаи учта: ҳасад, риё ва ужб. Қалбингни шулардан тозалашга урин!» Ужб соҳиби фақат мен-мен дейдиган манманга айланади. Йиғинларда хамиша тўрда ўтиргиси келади. Нима деса десин, гапининг доим маъкул кўрилишини хоҳлайди.

Ҳадиси шарифда: **“Гуноҳ содир қилмасангиз, янада каттароқ гуноҳга уринишингиздан қўрқаман. У ҳам бўлса ужбдир”** деб марҳамат қилинган. Гуноҳ қилган кишининг боши эгилади. Шу боис тавба қилишга яқинроқ бўлади. Ужбга чалинган одам эса, ё илми билан, ё амали билан ғурурланади. Худбин, манман бўлиб, тавба қилишдан йироқлашади. Гуноҳ қилиб қўйганларнинг инграши Аллоҳу таолога тасбиҳ қилувчиларнинг кўксини кериб мақтанишидан севимлироқдир. Ужбнинг энг ёмони ўз хатоларини, нафсининг ҳавосини [истакларини] ёқтиришдир. Ундай киши фақат нафсига эргашади. Насиҳат қабул қилмайди. Ҳаммани жоҳил, нодон деб ўйлайди. Ҳолбуки, ўзи ўта кетган жоҳилдир. Бидъатчилар, мазҳабсизлар шу тоифадан бўлиб, нотўғри, бузук эътиқодлари-ю амалларини тўғри, яхши, саҳиҳ деб билиб, шуларга ёпишиб олади. Бундай ужбнинг давоси жуда кийин. “Моида” сурасининг **“Ўзларингга қаранглар. Ўзларинг тўғри йўлда бўлсанглар, ўзгаларнинг йўлдан адашиши сизга зарар бермайди”** маолидаги юз саккизинчи ояти каримасининг маъносини Расулulloҳдан сўрадилар. Жавобларида **“Исломининг амрлари ва тақиқларини ҳаммага етказинглар! Агар бирон кимса ужбга берилиб, қулоқ солмаса, унда ўз ҳолларингни тузатинглар, ислоҳ қилинглар”** -деб марҳамат қилдилар.

Ужб касалларининг давосини тайёрлаган олимлар аҳли суннат олимларидир. Лекин ундай касаллар кўпинча ўз касаллигидан беҳабар, ўзларини соғлом деб ўйлаганлари учун ушбу табибларнинг насиҳатлари-ю илмларини қабул қилишмай, фалокатда қолишади.

Ҳолбуки, бу олимлар Расулуллоҳдан (саллаллоҳу алайҳи васаллам) олган дориларни сира ўзгартирмасдан, бузмасдан нақл ва тақдим қиладилар. Нодонлар билан аҳмоқлар эса, тақдим қилинган дориворларни олимлар ўзи тайёрлаган, пайғамбардан ё китобуллоҳдан олинмаган деб ўйлайди. Шу менсинмас феъллари дастидан ўзларини ҳақ йўлда деб ўйлаб, ўзларига бино қўяди.

ҲАСАД

15. Ёмон хулқларнинг ўн бешинчиси ҳасад. Ҳасад – қизғаниш, кўролмаслик, ичи торлик бўлиб, Аллоҳ эҳсон қилган неъматнинг одамлардан кетишини хоҳламоқдир. Фойдасиз, зарарли нарсанинг кишидан соқит бўлишини хоҳлаш ҳасад эмас, **ғайрат** бўлади. Илмини мол-мулк ва обрў-эътиборга эришиш ёхуд гуноҳ ишларда фойдаланадиган дин ходимидан илмнинг йўқолишини хоҳлаш ҳам ғайрат бўлади. Бойлигини ҳаромга, зулмга, исломни бузишга, бидъат ва гуноҳларни ёйишга сарфловчи одамнинг мол-мулкани йўқотишини хоҳлаш ҳам ҳасад бўлмайди, балки дин ғайрати бўлади. Кишининг қалбида ҳасад бўлса-ю, ўзи бундан норози ва хафа бўлса, буни хоҳламаса, гуноҳ бўлмайди. Қалбдаги ўй-тушунча, хотира гуноҳ саналмайди. Чунки хотиранинг қалбга келиши инсон ихтиёрида эмас. Агар қалбида ҳасад борлигидан ғам чекмаса ёки ўз орзуси билан ҳасад қилса гуноҳ ва ҳаром бўлади. Шу ҳасадини гап-сўзлари ва ҳагги-ҳаракатлари билан маълум қилса, гуноҳи янада кўпаяди. Ҳадиси шарифда: **“Инсон уч нарсадан қутулолмайди: Суи зан [ёмон гумон], таяра [шумланиш] ва ҳасад. Суи зан, яъни гумонга берилсангиз, унга мос ҳаракат қилманг. Шумланган, хосиятсиз деб ҳисоблаган ишингизни Аллоҳу таолога таваккул қилиб бажаринг. Ҳасад қилган одамнингизни асло ранжитманг!”** деб буюрилган. Таяра – шумланиш, омадсизлик, хосиятсизликка ишонишдир. Суи зан бировни ёмон деб гумон қилишдир. Ушбу ҳадиси шарифдан англашиладики, қалбда ҳасад ҳосил бўлиши ҳаром эмас. Лекин шу ҳолга рози бўлиш, давомини хоҳлаш ҳаром бўлади.

“**Ҳадика**” китобида бундай дейилган: «Қалб [дил]га келадиган ўйлар беш даражада бўлади. Биринчиси дилда турмайди, даф

этилади. Бунга “хожис” дейилади. Иккинчиси қалбада маълум вақт қолади. Бунга “хотир” дейилади. Учинчиси қилсамми қилмасамми деб тараддудга туширади. Бунга “ҳадис-ун-нафс” дейилади. Тўртинчиси шуни қилишга мойиллик ҳосил қилади. Бунга “ҳамм” дейилади. Бешинчисида ушбу мойиллик кучайиб, қарор қилинади. Бунга “азм” ва “жазм” дейилади. Дастлабки уч даражани фаришталар ёзмайди. Ҳамм агар ҳасана [яхши] бўлса, ёзилади. Сайия [ёмонлик] бўлиб, тарк этилса, савоб ёзилади. Азм қилса, бир гуноҳ ёзилади.» Агар бош тортса, у ҳам афв этилади. Ҳадиси шарифда: *“Кўнгилга келган ёмон ўй айтилмагунча [оғиздан чиқмагунча] ва шунга мос ҳаракат қилинмагунча афв этилиб, кечирилаверади.”* деб марҳамат қилинган. Одам қалбига куфр ёки бидъат эътиқод туркумидан бирон ўй келганда бунга хафа бўлиб, дарров рад этса, ушбу қисқа ўй куфр бўлмайди. Лекин дилида йиллар ўтгач кофир бўлишга қарор қилса, ҳатто буни бирон шартга боғласа ҳам, қарор қилган заҳоти кофир бўлади. Бирнеча йилдан кейин бир кофирга турмушга чиқаман деб қалбига тугган аёл ҳам шундай бўлади.

[Ҳаромни содир қилишнинг гуноҳи, уни қилишга қарор беришдан ҳам каттароқдир. **“Ҳаром”** деб, Аллоҳу таоло тақиқлаган нарсага айтилади. Гуноҳ – **“исм”** бўлиб, ҳаром ишлаганга бериладиган жазо деганидир. “Гуноҳ қилди” дегани – жазо ва азобга сабаб бўладиган бирон иш қилмоқ, яъни ҳаром ишламоқ деганидир. **“Савоб”** – яхшилик, эзгулик ва ибодат қилган одамга охиратда бериладиган мукофот деганидир. Аллоҳу таоло дунёда яхшилик ва ибодат қилганларга охиратда савоб беришини ваъда қилган. Яхшилик ва ибодат қилганларга охиратда савоб берилиши аслида вожиб ҳам, лозим ҳам эмас. Лекин Аллоҳу таоло ўз лутфу карами, раҳми билан буларга охиратда савоб беришини ваъда қилган. Аллоҳу таоло ваъдасидан қайтмайди, муҳаққақ бажаради.]

Ҳадиси шарифда: *“Инсон ҳаром иш қилишни кўнглидан ўтказса-ю Аллоҳу таолодан қўрқиб қилмаса, ҳеч қандай гуноҳ ёзилмайди. Ҳаром ишни содир қилганида бир гуноҳ ёзилади”* дейилган.

Кофир [Аллоҳ душмани] бўлишга ва бидъатчи бўлишга ният қилиш ҳаром бўлиб, шу заҳоти нияти рўёбга чиқади. Чунки, бу икки ниятнинг ўзи аслан ёмон ва ҳаром. Ҳаромга ниятланиш эса, ҳаромга

сабаб бўлгани учун ёмон бўлади. Дилдаги ўй-фикрни ўзи эмас, балки уни содир қилиш, амалга ошириш ёмондир. Дилдаги ёмонлик содир қилинмаганда, бандага ҳаром ва гуноҳ бўлмаслиги Аллоҳу таолонинг раҳмидандир ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳурматига, ушбу раҳмати илоҳия ул зотнинг умматига махсус қилинган.

Киши ўзгада кўрган неъматнинг ундан кетишини истамай, ўзига ҳам насиб этилишини хоҳласа, ҳасад қилган бўлмайди. Бунга **“ғибта”** – интилиш, ҳавас дейилади. Ғибта чиройли ахлоқдан саналади. Ислом аҳкомига, яъни фарзларни бажариб, ҳаромлардан тийилишга риоя қиладиган солиҳ инсонга ғибта қилмоқ, яъни унга ўхшашга интилмоқ вожибдир. Ўзгалардаги дунёлик неъматларга ғибта қилиш танзихан макруҳ бўлади.

Ҳадиси шарифда: ***“Аллоҳу таоло мўмин [иймонли] бандасига ғайрат қилади. Мўмин ҳам мўминга ғайрат қилади”*** дейилган. Аллоҳу таоло мана шу ғайрати туфайли бандаларига фаҳш ишларни ҳаром қилган. Аллоҳу таоло: ***“Эй, Одам фарзандлари! Сизларни Ўзим учун яратдим. Бошқа ҳамма нарсани эса сизлар учун яратдим. Сен учун яратганларим, сени ўзим учун яратилганингдан ман, ғофил ва машғул қилмасин”*** дея буюрган. Бошқа бир ҳадиси шарифда: ***“Сени ўзим учун яратдим. Бошқа нарсаларга чалғима! Ризқингга кафилман, ўзингни қийнама!”*** деб марҳамат қилинган.

Юсуф алайҳиссаломнинг ҳамроҳига “Султон [Фиръавн] нинг ҳузурига чиққанда мени унга хотирлат!” дейиши ғайрати илоҳияга [Аллоҳнинг ғайратига] тегиб, неча йиллар зиндонда қолиб кетишига сабаб бўлганди. Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли Исмоил дунёга келганига севиниши ғайрати илоҳияга тегиб, уни қурбон қилиши буюрилди. Аллоҳу таолонинг суюкли бандаларига, баъзи авлиёларига мана шундай ғайрат қилган пайтлари кўп кузатилган.

Ғайрат - бир одамдаги ўз ҳаққига ўзгани шерик қилишни истамасликдир [яъни ундаги ҳақини ўзгадан қизғанишдир]. Аллоҳу таолонинг ғайрат қилиши [қизғаниши] - бандасининг ёмон, чиркин иш қилишига рози бўлмаслигидир. Банданинг вазифаси хоҳлаганини қилиш эмас, балки Аллоҳга қуллик қилиш, Унинг амрлари ва тақиқларига итоатдир. Хоҳлаганини яшаш, яратиш, содир қилиш Аллоҳга хос бўлиб, ёлғиз Унинг ҳақидир. Банданинг

ўз хоҳишларини қилиши, гуноҳ содир қилиши Аллоҳу таолонинг ҳақиға шерик бўлишга уриниш деганидир. Мўмин киши гуноҳ ишда ўз-ўзига ғайрат қилиши лозим. Бу ҳам гуноҳ қилаётганда ҳаяжон босиши, юрагининг така-пука бўлиши, сикилиши орқали амалга ошади. Мўминнинг қалби Аллоҳу таолонинг уйи бўлиб, чиройли хулқларнинг маконидир. Қалбида ёмон, жирканч хаёлларга жой берган киши жирканчларни гўзалларга шерик қилган бўлади. Шу пайтда қалбнинг бунга рози бўлмаслиги, гупиллаб уриб монелик қилиши ғайрат бўлади. Ансорлар раиси бўлмиш Саъд бин Убода (розиаллоҳу таоло анҳ) “Ё Расулаллоҳ (саллаллоҳу таоло алайҳи васаллам)! Завжамни бегона эркак билан бир тўшакда кўрсам, тўртта гувоҳ бўлмаса ҳам ўлдира олмайманми?” деб сўраганида, **“Ҳа, ўлдирилмайсан”** дедилар. Саъд бунга жавобан “Тўрт гувоҳ керак бўлса ҳам, мен бунга чидай олмайман. Шу заҳоти ўлдираман” деганида, Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) саҳобаларга: **“Раисларингизни сўзини эшитяпсизми! У жуда гаюр [ғайратли] экан. Мен ундан ҳам кўпроқ гаюрман. Аллоҳу таоло мендан ҳам гаюрроқдир”** дедилар. Яъни “бунақа ғайрат, бунақа рашк ўтмайди. Мен ундан ғайратлироқ бўлишимга қарамай асло ислом чегарасидан ташқарига чиқмайман. Аллоҳу таоло барчамиздан ғайратлироқ бўлса ҳам бундай фаҳшнинг жазосини дарров бермайди”, демоқчи бўлдилар. Саъдга ҳақли бўлган жазони шошилиб беришининг тўғри бўлмаслигига ишора қилдилар. Ҳаром иш қилинаётганда уни кўриб қолган ҳар бир мусулмоннинг таъзир жазоси бериши лозим. Кўрганларнинг шу иш қилиниб бўлгандан кейин жазо беришлари жоиз эмас. Бундай пайтда фақат ҳукумат ва ҳоким [судья]-нинг таъзир жазоси бериши лозим бўлади. Зино қилаётганда кўриб, ушлаб олиб ўлдирган киши маҳкама [суд]-да тўрт гувоҳ кўрсатиши лозим. Фақат қасам ичиши қабул қилинмайди. Тўртта гувоҳ топиб келолмаса, қотилликда айбланиб, ҳоким томонидан жазога маҳкум этилади.

Хотиннинг шеригини [кундошини] ғайрат қилиши, қизғаниши жоиз эмас. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бир кеча ҳазрати Оишанинг уйидан чиқдилар. Ҳазрати Оиша (розиаллоҳу таоло анҳо) ул зотни бошқа завжларидан бирининг ёнига кетаяптилар, деб ўйлаб ғайрат қилди. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) қайтиб келганларида хафалигини кўриб:

– **Ғайрат этдингми** [рашк қилдингми]? – деб сўрадилар.
– Мендек бечора, Сиздек жумла мавжудотнинг энг шарафлиси, жонзотларнинг энг марҳаматлиси бўлган Зотни қизганмайдими? – деб жавоб берди.

– **Шайтоннинг васвасасига учибсан.**

– Менинг ёнимда ҳам шайтон борми, ё Расулаллоҳ? – деб сўраганида

– **Албатта, бор,** – дедилар.

– Эй, Аллоҳнинг Расули, Сизнинг ёнингизда ҳам борми?

– **Ҳа, менинг ёнимда ҳам бор. Лекин Аллоҳу таоло мени унинг васвасаларидан муҳофаза қилмоқда,** – дедилар. Яъни “менинг шайтоним мусулмон бўлган. У мени хайрли ишларга ундайди” дедилар. Бир ҳадиси шарифда: *“Аллоҳу таоло ҳеч кимга эҳсон қилмаган икки неъматини менга эҳсон қилди: шайтоним кофир эди, уни мусулмон қилди. Исломни ёйишда барча завжаларимни менга ёрдамчи айлади”* – деб марҳамат қилинган. Одам алайҳиссаломнинг шайтони кофир эди. Завжаси ҳазрати Ҳавво жаннатда шайтоннинг онт ичганига алданиб, Одам алайҳиссаломнинг хато қилишига сабаб бўлди.

Одамларнинг Аллоҳу таолога нисбатан ғайратлари ҳаром ишлар содир бўлишини истамаслик орқали амалга ошади.

Ҳасаднинг зиддига **“насиҳат”** қилиш дейилади. Насиҳат - Аллоҳнинг бирон бандасига берган неъматини унда қолиб, дини ва дунёсига фойдали бўлишини хоҳлаш деганидир. Насиҳат қилиш барча мусулмонларга вожибдир. Ҳадиси шарифларда: *“Хайрли ишга сабаб бўлган одамга шуни қилган одамнинг ажрича савоб берилади”, “Ўзига хоҳлаганини дин биродарига ҳам хоҳламазан одам иймон келтирган бўлмайди”* ва *“Диннинг асоси насихатдир”*, - деб марҳамат қилинган.

Одамларга Аллоҳу таолонинг борлиги, бирлиги, барча камол ва жамол сифатларининг Унда жамланганини; Унга нолайиқ сифат, айб, камчилик ва нуқсонларнинг Унда йўқлигини; холис ният билан Унга ибодат қилиш лозимлигини; кучи етгунча Унинг розилигини олишга ҳаракат қилишни; Унга исён қилмасликни; дўстларига муҳаббат, душманларига муҳолифат қилиш кераклигини; Унга итоат қилганларни севиб, исён қилганларни севмасликни; неъматларини билиб шукр қилишни; барча махлуқотларига

меҳр-шафқат қилишни; Унда бўлмаган сифатларни Унга иснод қилмасликни ўргатмоқ, эслатмоқ, уқдирмоқ Аллоҳу таоло учун насиҳат қилиш бўлиб ҳисобланади. Шукр - Аллоҳу таоло берган неъматлардан исломиятга мос равишда фойдаланиш деганидир.

Қуръони каримда келган таълимотларга ишонишни; буйруқларни бажаришни; сураларни ўз қисқа ақли, шахсий тушунчаси бўйича таржима қилишдан тийилишни; уни кўп ва тўғри тиловат қилишни; таҳоратсиз унга қўл теккизиш жоиз эмаслигини одамларга ўргатмоқ Қуръони карим учун насиҳат қилиш бўлиб ҳисобланади.

Муҳаммад алайҳиссалом баён қилган нарсаларнинг ҳаммасига ишониш кераклигини; Зот ва исмларига ҳурмат лозимлигини; суннатларига риоя қилиш ва ёйишни; Расулуллоҳнинг чиройли ахлоқлари билан ахлоқланишни; ул зотнинг оиласи, саҳобалари ва умматини севишни одамларга гапириб бермоқ, Расулуллоҳ (саллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам) учун насиҳат қилиш бўлади. Ул зотни ҳурмат қиладиган, динини ҳимоя қиладиган, шу динга эргашишда, тоат-ибодатда халққа эркинлик берган ҳукуматларга ёрдам бермоқ; уларга ҳақни, тўғрини етказмоқ; мусулмонмонларнинг ҳақ-ҳуқуқига риоя қилишларини эслатиб турмоқ; уларга исён қилмаслик; қонунларга қарши чиқмаслик, уларнинг исломиятга ва аҳолига хизмат қилишлари учун дуо қилмоқ; орқаларида туриб намоз ўқимоқ; кофирларга қарши жиҳодларида мол, жон ва дуо орқали ёрдамга шошилмоқ; закот ва солиқларни тўламоқ; қурол билан ҳеч кимга ҳужум қилмаслик; зулм ва ҳақсизлик қилганларида ҳам исён қилмай, ширин сўз билан уларни тўғри йўлга, адолатга чорламоқ; уларга ялтоқлик қилмаслик; тўғри йўлдан чалғишларига сабаб бўлмаслик; ҳукумат раҳбарларига қарши чиқмаслик кераклигини ҳаммага уқдирмоқ; Аҳли суннат олимларининг (раҳматуллоҳи таоло алайҳим ажмаин) фикҳ, илмиҳол ва ахлоқ китобларига амал қилиш лозимлигини тушунтирмоқ, давлат учун насиҳат қилиш бўлади.

Одамларга дунё ва охиратда фойдали бўлган амалларни қилиш ва зарарлилардан тийилиш кераклигини; ҳеч кимга озор етказмаслик; кўнғил оғритмаслик; билмаганларини ўргатмоқ; айбларини яширмоқ; фарзларни амр этмоқ; ҳаромлардан қайтармоқ; булар ҳаммасини яхшилик ва мулојимлик билан ачиниб тушунтириш кераклигини; кичикларга раҳм, катталарга ҳурмат кўрсатилишини; ўзлари учун хоҳлаган муомалани ўзгаларга ҳам кўрсатиш кераклигини; ўзларига

раво кўрмаган ишларни ўзгаларга ҳам қилмасликларини; инсонларга баданлари, моллари билан қўмаклашишни ўргатмоқ, бутун одамзот учун насихат қилиш бўлади.

Ҳадиси шарифда: ***“Мусулмонларга ёрдам бермаган, уларнинг яхшилиги ва ҳаловати учун жсон кўйдирмаган одам улардан эмас. Кеча-кундуз, Аллоҳ учун ва Қуръони карим учун, Расулulloҳ учун ва давлат раиси учун ва барча мусулмонлар учун насихат қилмаган одам ҳам улардан эмас”*** деб марҳамат қилинган.

Ҳасад ибодатларнинг савобини кетказди. Ҳадиси шарифда: ***“Ҳасад қилишдан эҳтиёт бўлинглар. Билингларки, ўт ўтинни ёқиб йўқ қилганидай, ҳасад ҳам ҳасанотларни йўқ қилади!”*** дейилган. Ҳасадчи ҳасад қилган одамани ғийбат қилади, бошқаларга қарши гиж-гижлайди. Унинг молига, жонига тил ва қўл югуртади. Қиёмат куни шу зулмлари эвазига ҳасаноти [яхшиликлари] олиниб, ҳасад қилган одамига берилади. Ҳасад қилган одамидаги неъматларни кўрганида юраги қисилиб, ҳаёти азобда ўтади, уйқулари кочади. Хайр-ҳасанот қилганларга ўн барабар савоб берилади. Ҳасад шуларнинг тўққизини йўқ қилиб, атиги биттаси қолади. Куфрдан [Аллоҳга душман бўлмоқдан] бошқа ҳеч бир гуноҳ ҳасанот савобларининг барини йўқ қилмайди. Гуноҳ эканлигига ишонмай ёки исломни менсинмай ҳаром иш қилиш ва куфрга, диндан чиқишга сабаб бўлувчи ишларни содир қилиш савобларнинг ҳаммасини йўқ қилади. Чунки ундай қилганлар муртад бўлади. Ҳадиси шарифда: ***“Ўтган умматлардан икки ёмонлик сизларга ҳам юқди: Ҳасад ва тарош. Бу билан уларнинг сочларини тарош қилганини айтмоқчи эмасман. Балки, динларининг илдизини кавлаб, тарошлаб, йўқ қилганларини айтяпман. Қасам ичаманки, иймони йўқ кимсалар жаннатга кирмайди. Бир-бирингизни севмагунча, бир-бирингизга меҳр қўймагунча иймонга эриша олмайсиз. Ўзаро меҳр-оқибат пайдо қилишни истасанглар, қўп саломлашинглар!”*** деб марҳамат қилинган.

[Саломлашишнинг жуда муҳим эканлигини ушбу ҳадиси шариф кўрсатмоқда, саломлашишни буюрмоқда. Икки мусулмон учрашганда бирининг ***“Ассалому алайкум”*** дейиши суннат. Иккинчисининг жавобан ***“ва алайкум салом”*** дейиши фарз. Кофирларга хос сўзлар билан ва қўл, вужуд ҳаракатлари билан саломлашиш жоиз эмас. Учрашиб қолган икки мусулмон бир-биридан узоқроқда кетаётган

бўлса, овозлари бир-бирига эшитилмаслиги маълум бўлса, яна салом бериб, ўнг қўлини қоши чеккасига кўтаришнинг ҳам жоиз эканлиги таъкидланган. Кофирлар билан учрашганда мусулмон саломидан бўлак кўришиш-сўрашиш маъносидаги бошқа сўзлар ишлатиб саломлашиш орқали фитнага йўл бермаслик керак. Фитна уйғотиш ҳаромдир. Ундай ҳаромни олдини олиш катта савоб бўлади.]

“Мусулмонлар хайрли бўлади. Агар ҳасад қилса, хайри қолмайди” дейилди ҳадиси шарифда. Бошқа бир ҳадиси шарифда: **“Ҳасад, намима [гап ташиш] ва қаҳонат [фолбинлик] эгалари мenden эмаслар”** деб марҳамат қилинган. Намима - фитна, иғво чиқариш, нифоқ солиш мақсадида одамлар орасида сўз ташишдир. Коҳинлик билмаган нарсасини гапириб, ундан ҳукм, маъно чиқаришдир. [Номаълум нарсалардан ўзича хабар берадиган фолбинларга **“коҳин”** дейилади. Коҳинга ишонмаслик керак.] Ушбу ҳадиси шарифдан ҳасадчининг шафоатдан маҳрум қолиши аниқлашмоқда. Яъни шафоат тилашга ҳаққи бўлмайди.

Ҳадиси шарифда: **“Олти кимса олти нарсадан ҳисобга тортилиб, маҳшарда азоб тортгандан кейин жаҳаннамга таъналанади: Давлат боишчилари ва амалдорлар зулмдан, араблар уруғ-аймоқчилик ва ирқчиликдан, маҳалла-қўй оқсоқоллари кибрдан, савдо аҳли хиёнатдан, қишлоқ аҳли жаҳолатдан, олимлар ҳасаддан”** дейилган. Тижорат билан шуғулланадиганлар ёлғон сўзлаш, фоиз, хийла ва фосид [ношарий] сотиш орқали ўзганинг молини ўзлаштириш нималигини ва бу ҳаромлардан қутулиш чораларини ўрганишлари керак. Қишлоқ аҳли, яъни ҳар бир мусулмон аҳли суннат эътиқоди билан фикҳини ўзганиши лозим. Ушбу ҳадиси шариф ҳасаднинг дин ходимларида кўпроқ бўлишидан дарак бермоқда.

“Тафсири кабир”да бундай дейилган: «Ҳасад ўн қисмдан иборат. Улардан тўққизи дин арбобларида бўлади. Дунё ташвишлари ўн хил, тўққизи солиҳларда. Зиллат ўн қисм бўлиб, тўққизи яҳудийларда. Тавозу [камтарлик] ўн қисм, тўққизи насорода. Шаҳват ўн қисм. Тўққизси аёлларда, биттаси эркакларда. Илм ўн қисм, бири Ироқда. Иймон ўн қисм, тўққизи Яманда. Ақл ўн қисм, тўққизи эркакларда. Ер юзининг баракати ўн қисм, тўққизи Шомда.» Фахриддин Розий ҳазратлари ушбу тафсирида ўз замонидагиларни баён қилганлар.

Расулulloҳ (саллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам) дунёга ташриф

килишларидан олдин яҳудийлар жанг қилмоқчи бўлса “Ё Рабби! Юборишни ваъда қилган ва ҳаммадан кўп севишингни айтган ўша шарафли пайғамбар ҳурматига...” деб дуо қилишарди. Дуолари қабул бўлиб, Аллоҳу таоло уларга ёрдам берарди. Расулulloх (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) халқни исломга даъват қила бошлаганларида, ул зотнинг ваъда қилинган пайғамбар эканликларини тушундилар. Лекин ҳасад қилиб, кўролмасдан инкор этишди. Ҳасадлари ўзлари билан келажак авлодларининг абадий фалокатга, азобларга тушишларига сабаб бўлди.

Аллоҳу таоло шайтон шарридан [балосидан] эҳтиёт бўлишимизни буюрганидек, ҳасадчининг шарридан ҳам эҳтиёт бўлишимизни буюрди.

Ҳадиси шарифда: ***“Неъмат соҳибларидан илтимос қиладиган нарсаларингни яширинча сўранглар. Чунки неъмат эгаларига ҳасад қилинади”*** дейилган. Ҳожагингиз олиб берилгани маълум бўлганда сизга ҳам ҳасад қилинади. Сири бор одам хоҳласа уни айтади, хоҳламаса йўқ. Сирини очган одам кўпинча айтганига пушаймон бўлади, ғамга ботади. Инсон айтмаган сўзининг ҳокимидир. Айтса ҳам, айтмаса ҳам ўз эрки ўзида. Лекин айтган сўзининг маҳкуми [тутқуни]. “Кошки айтмасайдим”- дейди. Мол-мулк, пул-буюм сақлашда амин [ишончли] бўлган одамларнинг анчаси сир сақлашда амин эмаслар. “Заҳабингни, зиҳобингни ва мазҳабингни сир сақла!” деган машҳур сўз бор. [Заҳаб – олтин, зиҳоб – эътиқод, мазҳаб эса ишларида тутилган йўл, усул дегани.]

Ҳасад қилиш Аллоҳу таолонинг тақдирини ўзгартирмайди. Ҳасадчи бекорга ўзини қийнаган, чарчатган бўлади. Орттиргани фақат гуноҳ бўлади. Муовия (розиаллоҳу анҳ) ўғлига насиҳат тариқасида «Ҳасаддан жуда эҳтиёт бўл! Ҳасаднинг зарарлари сенда душманингга нисбатан олдинроқ ва кўпроқ ҳосил бўлади» деганлар. Суфён Саврий (рахматуллоҳи таоло алайҳ): «Ҳасад қилмаган одамнинг зеҳни очик бўлади», деганлар. Ҳеч қайси ҳасадчи муродига етмаган, ҳеч кимдан ҳурмат кўрмаган. Ҳасад асабларни бузади, умрни қисқартиради. Асмоъий бундай деганлар: «Бир қишлоқига дуч келдим. Юз йигирма ёшда эди. Узоқ умрининг сирини сўрадим. “Чунки, ҳеч ҳасад қилмаганман” деди.» Абуллайс Самарқандий (рахматуллоҳи таоло алайҳ): «Уч одамнинг дуоси қабул бўлмайди, улар: ҳаром еғучи, ғийбатчи ва ҳасадчи» деганлар.

Ҳасад қилинган одамга дунё ва охиратда бундан ҳеч қандай зарар етмайди. Ҳатто аксига фойдаси бор. Ҳасадчининг умри ғам-аламда ўтади. Ҳасад қилган одамида неъматлар камаймагани ва ҳатто кўпайганини кўриб, асаби ўйнаб, жиғибийрон бўлади. Ҳасаддан кутулиш учун ҳасад қилган одамига совға-салом бериш, насиҳат қилиш, уни мадҳ этиш керак. Уни олдида доимо тавозе кўрсатиши керак. Ундаги неъматларнинг ортиши учун дуо қилиш керак.

ҲИҚД

16. Ҳиқд қалб касалликларининг ўн олтинчисиدير. Ҳиқд – ўзгадан нафратланиш, қалбида унга нисбатан кин, адоват, душманлик бўлишидир. Насиҳат қилганларга ичида адоват сақлаш ҳаромдир. Насиҳат қилган одамга ҳиқд эмас, итоат қилмоқ лозим. Чунки, у Аллоҳнинг амрини бажарди. Уни севиш, хурмат қилиш керак. Зулм қилган одамга қарши ҳиқд ҳаром эмас. Қарз эгаси вафот этиб, ҳақи ворисларига қайтарилмаса, қиёматда тўлатилади. Золимни афв этиш афзалроқ. Уҳуд ғазосида Расулуллоҳнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) муборак юзи яраланиб, муборак тишлари синганида, Асҳоби киром (розиаллоҳу таоло анҳум ажмаин) қаттиқ қайғурдилар. Дуо қилин, Аллоҳу таоло жазосини берсин, дедилар. **“Лаънат қилиш учун юборилмадим. Хайр дуо қилиш учун, ҳар бир жонзотга раҳм қилиш учун юборилдим”** ва **“Ё Рабби! Уларга ҳидоят бер. Улар мени танимаяпти, билмаяпти”** деб марҳамат қилдилар. Шу тариқа душманларини афв этиб, лаънатламадилар.

Ҳадиси шарифда: **“Садақа бериш билан мол камаймайди. Аллоҳу таоло афв этувчиларни азиз қилади. Аллоҳ ризоси учун афв этганни Аллоҳу таоло юксалтади”** дейилган. Гулободий айтдиларки, «ушбу ҳадиси шарифда баён қилинган “садақа” фарз бўлган садақа дегани, яъни закот демақдир.» Тавозу қилганларнинг тоат-ибодатларига кўпроқ савоб берилиб, гуноҳлари ҳам тезроқ афв қилинади.

Одамнинг яратилишида ҳайвоний руҳ билан нафсоний орзулар мавжуд. Шу боис одамзот молни, пулни яхши кўради. Унда ғазаб, ўч-интиқом, кибр сифатлари кўрина бошлайди. Ушбу ҳадиси

шариф мана шу ёмон хулқларнинг давосини билдириб, садақа, закот беришни буюрмоқда. Афв этиш орқали қалбдан ғазаб билан ўч олиш ҳирсини кетказмоқда. Ҳадиси шарифда “афв этмоқ” мутлақ равишда, ҳеч қандай шартсиз билирилган. Мутлақ бўлган буйруқ муқайядни [бирон нарсага боғлиқликни] кўрсатмайди. Яъни ишни бирон шартга боғламайди. Мутлақ амрлар умумий бўлиб, бир неча нарсага махсус эмас. Ҳақини қайтариб олиш мумкин бўлмаган пайтларда ҳам, афв этиб кечиб юбориш яхши. Агар қайтариб олиши мумкин бўлса, ундан-да яхшироқ. Чунки, ҳақини қайтариб олишга кучи етиб турганида афв этиш, нафсга оғирроқ тегади. Зулм қилган одамни афв этиш – ҳилм [юмшоқлик], марҳамат [меҳрбонлик] ва шижоатнинг [мардлик] энг устун даражасидир. Яхшилик қилмаган одамга ҳадя бериш эса, эҳсоннинг [сахийлик] энг устун даражасидир. Ёмонлик қилган одамга яхшилик қилиш одамгарчиликнинг энг юксак даражасидир. Бу сифатлар душманни дўстга айлантиради.

Исо алайҳиссалом бундай деганлар: «Тиш синдирганнинг тиши синдирилади. Кулоқ-бурун кесганнинг кулоқ-бурни кесилади, дегандим. Энди эса, ёмонлик қилганга жавобан ёмонлик қилманглар. Ўнг юзингизга урган одамга, чап юзингизни тутинг, деяпман.»

Шайх Ибн-ул Арабий¹ (қаддасаллоҳу таоло сирра-хул азиз) бундай деганлар: «Ёмонлик қилганга яхшилик қилган одам неъматларнинг шукрини адо этган бўлади. Яхшилик қилганга ёмонлик қилган одам куфрони неъмат [кўрнамақлик] қилган бўлади.»

Ҳақ еган одамдан фақат ўз ҳақини қайтариб олиб, ортиғини олмасликка **“интисор”** дейилади. Афв этмоқ - адолатнинг баланд даражаси, интисор эса қуйи даражасидир. Адолат - солиҳларнинг энг юксак даражасидир. Афв этиш баъзан золимларга қарши ожизликни кўрсатиб, зулмнинг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Интисор эса, ҳар доим зулмнинг камайишига, ҳатто йўқолишига сабаб бўлади. Шундай пайтларда интисор қилиш, афв этишдан афзалроқ, савоблироқ бўлади.

Ўз ҳақидан ортиғини қайтариб олишга **“жавр”**, зулм дейилади. Жавр қилувчиларга азоб берилиши айтилган. Золимни афв этган одам Аллоҳу таолонинг муҳаббатига эришади. Золимдан ўз ҳақини кам-кўстсиз қайтариб олиш адолат бўлади. Кофирларга нисбатан

1. Мухйиддин ибни Арабий, ҳ. 638 [м.1240] йили Шомда вафот этган.

доим мана шундай адолат қилинади. Лекин кучи етиб турган ҳолда афв этмоқ чиройли ахлоқдандир. Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бир одамнинг золимга баддуо қилганини кўриб **“Интисор қилдинг”** деб марҳамат қилдилар. Афв этганида яхшироқ бўларди.

“Барика” китоби, биринчи жилдининг охиридаги ҳадиси шарифда: ***“Кимда қуйидаги уч нарса мавжуд бўлса, жаннатга хоҳлаган дарвозасидан кира олади: Қўл ҳақини тўлаган, ҳар намоздан кейин ўн бир марта “Ихлос” сурасини ўқиган, қотилини афв этиб ўлган”*** деб марҳамат қилинган.

Зулқарнайн пайғамбар эмасди, деган олимлар айтганлар: «Лекин унга пайғамбарларда бўлган сифатлардан тўрттаси берилганди. Улар: кучи етиб турса ҳам, афв этарди. Ваъдасини бажарарди. Доим рост гапирарди. Ризқини бир кун олдиндан тайёрламасди.» Зулмнинг оғирлигига қараб афв этишнинг савоби ҳам кўпроқ ё камроқ бўлади.

Ҳикддан ҳосил бўладиган ёмонликлар ўн битта: Ҳасад, шамотат, ҳижр, истисғор [камситмоқ, паст кўрмоқ], ёлғон, ғийбат, сирни фош этмоқ, масхара қилмоқ, азият бермоқ, ҳақ емоқ, мағфиратга тўсик бўлмоқ.

Ҳикд қилган одам тухмат, ёлғон, ёлғондан гувоҳлик, ғийбат, сирни фош этиш, масхара қилиш, ноҳақ хафа қилиш, ҳақини ейиш, муносабатни узиш гуноҳларига дучор бўлади. ***“Қуйидаги уч нарсадан пок одамнинг барча гуноҳлари афву мағфират бўлишига умид қилинади: Ширк билан куфр юқтирмай оламдан ўтиш, сеҳр-жоду қилмаслик ва диндош биродарига ҳикд қилмасликдир”*** деган ҳадиси шариф, сеҳр-жодунинг исломиятда ўрни йўқлигини кўрсатмоқда.

Сеҳр [афсун] қилиш ҳаромдир. Сеҳр қилган одамга форсчада **“жоду”** [ёки жодугар] дейилади. Сеҳр орқали хоҳлаган истагимга эришаман деб ишонган одам кофир бўлади. Сеҳрнинг таъсир қилишига ишонмаган одам ҳам кофир бўлади. У ҳолда, сеҳр худди дори-дармонлар сингари Аллоҳу таоло хоҳласагина, таъсир қилади деб ишониш керак. Ҳар истагини Аллоҳу таолонинг яратиб беришига ишониш куфр бўлмаса ҳам, катта гуноҳдир. Сеҳрнинг давоси ҳақида **“Саодати абадия”** китобида кенгроқ ёзилган.

Ҳадиси шарифда: ***“Аллоҳу таоло шаъбон ойининг ўн бешинчи кечасида барча қўлларига раҳм кўрсатади. Фақат мушрик билан***

мушоҳинни кечирмайди”, дейилган. Мушоҳин – бидъат аҳли, мазҳабсиз дегани.

[Аҳли суннат вал жамоат этикодида бўлмаган кимсаларга **“Бидъат аҳли”** дейилади. Тўрт мазҳабдан биттасида бўлмаган одам аҳли суннат фиркасидан айрилган бўлади. Аҳли суннат этикодида бўлмаган одам эса, ё кофир ёхуд бидъат аҳлидандир. Кофирларнинг турлари кўп бўлиб, энг ёмони мушриклардир. Мушрик - Аллоҳу таолога ва охират кунига ишонмайдиган кимса дегани. Атеист [дахрий], масон, коммунистлар ҳам мушрикдир. Бидъат аҳли кофир эмас. Лекин бузуқ этикодларида ҳадидан ошганлари, Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда очиқча билдирилган бирон масалани инкор этса, кофир бўлишини ислом олимлари таъкидлаганлар. Қуръони карим билан ҳадиси шарифларда “мушрик” сўзи “кофир” маъносида ишлатилган. Масалан, “мушрикни асло афв этмайман” дейилган бўлиб, бу, кофирларнинг ҳеч қайси турини кечирмайман деганидир. Бидъат аҳлидан ўз ўрнини билиб, ҳадидан ошмаганлари, кофир бўлмаганлари мусулмон ва **“Аҳли қибла”** ҳисобланади. Лекин уларнинг ислом динига етказётган зарарлари кофирлар бераётган зарардан кўпроқ. Мазҳабсиз домла, муллалар, Мавдудий издошлари, салафий деб номланувчи Ибн Таймиячилар, Саййид Қутбчилар шуларга ётади.

Ҳиндистон олимларидан муфтий Махмуд бин Абулғайюр Пешоварий (раҳима-хуллаҳу таоло) 1264 [м.1848] йили чоп эттирган **“Хужжат-ул-Ислом”** китобида **“Тухфат-ул араби ва ажам”** рисоласидан олиб, форсийда айтганларки: «Мусулмонларнинг мужтаҳидларни тақлид қилишлари вожибдир. Чунки “Наҳл” сурасининг қирқ учинчи ва “Анбиё” сурасининг еттинчи оятларида маолан **“Олимлардан сўраб ўрганинглари”** ва **“Тавба”** сурасининг юзинчи оятида маолан **“Илк муҳожирлардан, ансордан ва уларга тобе бўлганлардан Аллоҳ розидир”**, дейилган. Мазкур оятлар олимларга эргашишни, тақлид қилишни амр этмоқда.»

Муъоз бин Жабал (розиаллоҳу таоло анҳ) Яманга ҳоким тайинланганида «Китобда ва ҳадиси шарифда топа олмаган пайтимда ижтиҳод қилиб, тушунганим бўйича амр этаман», - дедилар. Расулуллоҳ (саллаллоҳу таоло алайҳи васаллам) бу жавобни маъқул кўриб, Аллоҳу таолога ҳамд айладилар.

Мисрдаги моликий олимлардан Аҳмад Шаҳобиддин Қарофий (раҳима-хуллоҳу таоло) 684 [м. 1285] йили вафот этган. Бу улут олимнинг «Янги мусулмон бўлган кишининг хоҳлаган олимни тақлид қилиши лозимлиги ҳақида ижмо ҳосил бўлган» деганини Жалолиддин Суютий (раҳима-хуллоҳу таоло) **“Жазил-ул-мавоҳиб”** китобида келтирганлар. Ҳадис имоми “саҳиҳ” деган бир ҳадисга мусулмонларнинг саҳиҳ дейишлари жоиз бўлганидек, фикҳ имоми “саҳиҳ” деган бир ҳукмга саҳиҳ дейишлари ҳам жоиз бўлади. “Нисо” сурасининг эллик тўққизинчи оятида маолан **“Келиша олмаган диний масалаларда китобга ва суннатга мурожаат қилинганлар!”** дейилган. Ушбу буйруқ мужтаҳид бўлган олимга амрдир. Ибн Ҳазм ва динда реформачиларининг “Тирик ёки ўлик ҳеч кимни тақлид қилиш ҳалол эмас. Ҳамма ўзи мустақил ижтиҳод қилиши керак” деган гапларининг киймати йўқ. Чунки улар аҳли суннат эмаслар. [Ибн Ҳазмнинг мазҳабсиз ва адашганлардан эканлиги **“Ашаддул-жиход”** китобимизнинг охирида қайд қилинган.] Муфтий бўлган кишининг мужтаҳид бўлиши вожиб. Мутлақ мужтаҳид бўлмаган муфтийнинг фатво бериши ҳаромдир. Ундай муфтийлар мужтаҳидларнинг фатволарини халққа нақл этишлари жоиз. Мужтаҳид бўлмаган муфтийдан янги фатво сўраш ҳам жоиз эмас.

“Кифоя”да рўза бобида бундай дейилган: «Мужтаҳид бўлмаган одамнинг эшитган бирон ҳадиси билан амал қилиши жоиз эмас. Чунки ўша ҳадис мансух [бекор қилинган] ёки таъвилли [изоҳга муҳтож] бўлиши мумкин. Фатво эса, ундай эмас. **“Тақрир”**да ҳам шундай ёзилган.» **“Тухфа”**дан таржима тамом бўлди.]

Ҳикднинг сабабларидан бири ғазабдир. Ғазабланган, аччиқланган, қизишган одам интиқом [ўч] ололмаганда ғзаби ҳикдга айланади. Ғазаб қон ҳаракатининг ошиши [қон босими] туфайли содир бўлади. Аллоҳ учун ғазабланиш яхши бўлиб, бу дин ғайратидандир.

*Расулulloҳ кундуз бўларди соим,
Кечаси намозга бўларди қоим.*

*Уммат бўлсанг ул Мужтабога,
Суннату макруҳга диққат қил доим.*

ШАМОТАТ

17. Шамотат – ўзгалар бошига тушган кулфатга, зарарга севинишдир. Ҳадиси шарифда: ***“Диндош биродарингизга шамотат қилманг! Шамотат қилсангиз, Аллоҳу таоло кулфатни ундан олиб сизга беради”*** деб марҳамат қилинган. Золимнинг зулмидан, ифвосидан қутулиш учун унинг ўлимига севиниш шамотат бўлмайди. Душман бошига келган ўлимдан бошқа кулфат-балоларга севиниш шамотат бўлади. Айниқса, ўша балолар келишида ўз ҳиссаси борлигини ўйлаб қувониш, масалан, (бад-)дуом қабул бўлди деб ўйлаб хурсанд бўлиш ундан ҳам ёмонроқ. Бу ужб деган ёмон хулқ орттиришига сабаб бўлади. Ундай пайтда ғаними бошига келган балонинг, ўзи ҳақида мақр ва истидрож бўлиши мумкинлигини ўйлаш керак. Ғанимидан бало-кулфатларнинг кетишига дуо қилиш лозим. Ҳадиси шарифда: ***“Муслмоннинг диндош биродарига ортидан қилган хайр дуоси қабул бўлади. Бир фаришта Аллоҳ шу эзгуликни сенга ҳам берсин, омин, дейди. Фариштанинг дуоси рад этилмайди”*** - деб марҳамат қилинган. Агар душман золим бўлиб, бошига келган бало бошқаларга зулм қилишига моне бўлса, унда балонинг келишига севиниш шамотат бўлмайди. Аксинча, дин ғайрати бўлади. Дин ғайрати, иймоннинг қувватли эканини кўрсатади. Аллоҳ учун ғайрат қилиш яхши. Ҳайвоний истаклар учун ғайрат қилиш яхши эмас. Аслида золимга ҳам бало келишига хурсанд бўлиш яхши эмас. Лекин одамларга зулм қилишига моне бўлгани ва бошқа золимларнинг ҳам ундан ибрат олишлари учун жоиз бўлмоқда.

ҲИЖР

18. Ҳижр - дўстликни узиш, аразлаш, айрилиш деганидир. Ҳадиси шарифда: ***“Мўминнинг мўминга, уч кундан ортиқ ҳижр қилиши ҳалол бўлмайди. Уч кечадан сўнг унга бориб салом бериши вожиб бўлади. Агар саломига алиқ олса, иккаласи савобда шерик бўладилар. Алиқ олмаса, гуноҳи унинг бўйнига ёзилади”*** деб марҳамат қилинган. Эр ё хотин киши бўлишидан қатъий назар, дунё ишларида мўминнинг мўминга араз қилиб, уни

тарк этиши, борди-келдини узиши жоиз эмас. Зиммий, яъни ғайри муслим, муомалотда мусулмон билан бир саналади. Ибодатлар билан никоҳдан бошқа ишларга **“муомалот”** дейилади.

[Ғайри муслим ватандошларга ҳам дунё ишлари учун араз қилиш жоиз эмас. Хушмуомала, ширинсўзлик билан, дилларини оғритмай, уларнинг ҳақларига ҳам риоя қилиш керак. Мусулмон ё кофир бўлишидан қатъий назар, ислом мамлакати ё дорул-ҳарбда, қаерда бўлмасин, ҳеч бир инсоннинг молига, жонига, шани ва номусига тегиш жоиз эмас. Исломи мамлакатада яшовчи кофирлар, чет эллардан келувчи кофир сайёҳлар, кофир тужжорлар муомалотда, мусулмонлар билан тенг ҳақ ва ҳурриятга эга. Улар ўз динларининг талабини адо этишда, ибодатларини бажаришда эркиндир. Исломият кофирларга ҳам ушбу эркинликни берган. Мусулмон одам Аллоҳнинг амрларига бўйсуниб, гуноҳ қилмаслиги; ҳукумат қонунларига ҳам риоя қилиб, қилмиш-жиноятга қўл урмаслиги керак. Асло фитнага сабаб бўлмаслиги, мусулмон-кофир барчага доимо яхшилик қилиши, ҳамманинг ҳаққига риоя қилиши лозим. Ҳеч кимга зулм, қийноқ ва зиён етказмаслиги керак. Мусулмонликнинг чиройли ахлоқини, шарафини, ҳар жойда, ҳаммага кўрсатиб, барча халқлар дилида ислом динига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром уйғота олиши керак.]

Аразлаган одамга уч кундан аввал бориб, ярашиб, тотувлашиш яхшироқ. Оғирлик қилмаслиги учун уч кун изн берилган. Шундан кейин гуноҳ ёзила бошлайди ва кун ўтган сайин ортади. Гуноҳнинг ортиши то ярашгунгача давом этади. Ҳадиси шарифда: **“Сендан аразлаганнинг олдида бор, яраш! Зулм қилганни афв эт. Ёмонлик қилганга яхшилик қил!”** дейилган.

“Ассалому алайкум” деган одамга ўнта савоб берилади. **“Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ”** деганга йигирма савоб берилади. **“Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ ва баракотух”** деганга ўттиз савоб берилади. Алик олишда ҳам савоблар худди шундай. Уч кундан ортиқ аразлаб юрган одамга агар шафоат қилинмаса, афв этилмаса, жаҳаннамда азоб чекади. Гуноҳ қилган одамга насиҳат, сабоқ бўлсин деган ниятда ҳижр қилиш [аразлаш, гаплашмай қўйиш] жоиз, ҳатто мустаҳабдир. Бу Аллоҳу таоло учун аразлаш бўлиб ҳисобланади.

Ҳадиси шарифда: **“Амалларнинг, ибодатларнинг энг қадрлиги**

хубби-филлоҳ ва буғзи-филлоҳдир” деб марҳамат қилинган. Хубби-филлоҳ - Аллоҳ учун севмоқ дегани. Буғзи-филлоҳ эса, Аллоҳ учун ёқтирмаслик, араз қилиш деганидир. Аллоҳу таоло Мусо алайҳисаломдан “Мен учун нима қилдинг?”- деб сўради. “Сен учун намоз ўқидим, рўза тутдим, закот бердим, исмингни кўп зикр қилдим”,- деганида, Аллоҳу таоло: “намоз сенга бурҳон – далилдир. У сени ёмон иш қилишдан сақлайди. Рўза - дўзах ўтидан ҳимоя қилувчи қалқондир. Закот - маҳшарда бошингга соя солиб, сенга роҳат бағишлайди. Зикр эса, сени маҳшарда зулматдан қутқариб, ёруғлик беради. Мен учун нима қилдинг?” – деди. “Ё Раббӣ! Сен учун қилинадиган иш нима эканини менга билдир”,- деб ялворгач, “Эй Мусо! Дўстларимни севдингми? Душманларимдан юз ўгирдингми?”- деди. Мусо алайҳиссалом Аллоҳу таолога энг хуш ёқувчи ибодатнинг хубби-филлоҳ ва буғзи-филлоҳ эканлигини тушунди.

Гуноҳга қўл урган, қабиҳлик қилган одамни узоқ вақт ҳижр қилиш [гаплашмай, борди-келдини узиб қўйиш] жоиз. Аҳмад бин Ханбалнинг (раҳима-хуллоҳу таоло) ҳаромдан келгани аниқ бўлган совғани қабул қилганлари учун ўз амакиси ва ўғилларига ҳижр қилганлари [гаплашмай қўйгани] тарихдан маълум. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам Табук ғазавотиға сабабсиз қатнашмаган уч киши билан завжаларини ҳижр қилганлар.

*Аллоҳға таваккул қилганнинг ёри Ҳақдир.
Ношод кўнғил бир куни шод бўлажақдир.*

ЖУБН

19. Жубн – кўрқоқлик дегани. Инсондаги ғазабланиш ва қаттиққўлликнинг керакли миқдорига “**шижоат**”, керагидан кам миқдорига “**жубн**” дейилади. Жубн ёмон хулқдир. Имом Муҳаммад бин Идрис Шофиъий (раҳима-хуллоҳу таоло) айтганларки: «Шижоат кўрсатиши керак бўлган жойда кўрқоқлик қилган кимса эшакка ўхшайди. Узр ва розилик сўралганда рози бўлмаган кимса шайтонга ўхшайди.» Кўрқоқ бўлган одам завжасига ва қариндошларига нисбатан ғайратсизлик ва ҳамиятсизлик кўрсатиб,

уларни ҳимоя қилолмайди. Зиллатга ва зулмга бўйин эгади. Ҳаром ишлар содир қилаётганларни кўриб индамайди. Ўзгалар молига тама қилади. Ишида сабот кўрсатмайди. Топширилган вазифанинг аҳамиятини англамайди. Аллоҳу таоло “Тавба” сурасида шижоатни, қаҳрамонликни мактаган. “Нур” сурасида зино қилганларга ҳад жазосини беришда раҳм қилинмаслигини буюрган.

Ҳадиси шарифда: *“Севимли қизим Фотима ўзрилиқ қилса, қўлини кесаман!”* дейилган. Аллоҳу таоло “Фатҳ” сурасида Асҳоби киромни (розиаллоҳу таоло анҳум ажмаин) **“Кофирларга ғазаб қилурлар”**, ҳарбда аёвсиз жанг қилурлар, деб мактаган. “Тавба” сураси етмиш тўртинчи ояти каримасининг маоли шарифида: **“Кофирларга қарши қаттиққўл бўл!”** Яъни ҳужум қилганларида қўрқма, дейилган. Бир ҳадиси шарифда: *“Умматимнинг хайрлилари темирдек матонатли бўлганларидир”* - деб марҳамат қилинган. Исломга, мусулмонларга душманлик қилаётган, ташланаётганларга қарши қаттиққўл ва матонатли бўлиш лозим. Улар олдида қўрқоқлик қилиш жоиз эмас. Қўрқиб қочиш Аллоҳу таолонинг тақдирини ўзгартирмайди. Ажали етган бўлса, Азроил алайҳиссалом одамни қаерда бўлмасин топади. Лекин ўзини хавф-хатарга ташлаш ҳам жоиз эмас. Хатарли жойларда ёлғиз қолиш, ёлғиз юриш гуноҳ бўлади.

ТАҲАВВУР

20. Ғазаб ва қаттиққўлликнинг меъёридан ошиб, зарарли бўлишига **“таҳаввур”**, отилувчанлик дейилади. Таҳаввур касалига чалинган одам баджаҳл ва ёвуз бўлади. Бунинг аксига “козм”, “ҳилм”, “юмшоқлик” ва “мулойимлик” дейилади. Ҳалим одам ғазабга сабаб бўлувчи нарсаларга дуч келганда қизишмайди, ҳаяжонланмайди. Қўрқоқ одам ўзига зарар етказди. Ғазабнок одам эса, ҳам ўзига, ҳам ўзгаларга зарар беради. Таҳаввур инсоннинг ақлини кетказиб, кўфргача олиб боради. Ҳадиси шарифда: **“Ғазаб иймонни бузади”** деб марҳамат қилинган. Расулulloҳнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) дунё ишларини деб ғазабланганлари ҳеч кузатилмаган. Аксинча, фақат Аллоҳ учун ғазабга келардилар. Ғазабли одам қаршисидаги кишининг қаршилиқ кўрсатиш

эхтимолини ҳам олдиндан ўйлаб қўйиши керак. Ғазабга минган одамнинг асаблари бузилиб, юрак касалига айланади. Шу бузуқлик ташқи қиёфасига ҳам акс этиб, афти чиркин ва кўрқинчли тус олади.

Ғазабни енгишга **“козм”** дейилади. Козм этиш катта савоб. Козм эгасининг, яъни ғазабини енгган одамнинг жаннатга бориши суянчиланди. Аллоҳ ризоси учун козим бўлган киши қаршисидаги одамни кечириб, унга жавоб қилмаса, Аллоҳу таоло у бандасини севади. Жаннат ана шундай одамлар учун тайёрланганлиги айтилган. Ҳадиси шарифда: ***“Бирон киши Аллоҳу таолонинг розилиги учун ўз ғазабини даф қилса, Аллоҳ ҳам азобини ундан даф қилади”*** дейилган. Яна бир ҳадиси шарифда: ***“Бир мусулмонда агар қуйидаги уч хусус мавжуд бўлса, Аллоҳу таоло уни муҳофаза ва ҳимоя қилади, уни севиб, раҳм кўрсади: Неъматга шукр қилмоқ; золимни афв этмоқ; ғазабланганда ғазабини енгмоқ”*** - деб марҳамат қилинган. Неъматга шукр қилиш, уни исломиятга мос ҳолда ишлатиш деганидир. Ҳадиси шарифларда: ***“Ғазабланган киши, хоҳлаганини қилишга қодир бўла туриб, мулойим ҳаракат қилса, Аллоҳу таоло унинг қалбини хотиржамлик ва иймон билан тўлдиради”*** ва ***“Бир кимса ғазабини яширса, Аллоҳу таоло унинг айблари-ю қабохатларини яширади”*** деб марҳамат қилинган.

Имоми Ғазолий (раҳима-хуллоху таоло): «Ҳилм [юмшоқлик] эгаси бўлиш ғазабни енгишдан қийматлироқ» деганлар. Ҳадиси шарифда: ***“Ё Раббӣ! Менга илм бергин, ҳилм билан зийнатлагин, тақво эҳсон айлагин! Офият ила мени ғўзллаштиргин”*** деб марҳамат қилинган. Абдуллоҳ ибни Аббос (розиаллоху таоло анхумо)ни бир киши сўқди. Унга жавобан «Бирон эҳтиёжинг бор бўлса сенга ёрдам берай» деб жавоб қайтардилар. Ҳалиги киши уялганидан бошини эгиб, узр сўради. Ҳазрати Хусайннинг ўғли Зайнал Обидин Али (розиаллоху таоло анхумо)ни ҳам бир одам сўқди. Дарровлибосини ечиб, унга совға қилдилар. Исо алайҳисалом яҳудийлар олдидан ўтиб бораётганларида, унга жуда жирканч сўзлар айтишди. Уларга яхши ва юмшоқ жавоблар қайтардилар. “Улар сизга ёмонлик қилишяптику, сиз эса ҳали хушмуомала бўляпсиз”, деганларида «Ҳар инсон ўзгага бисотидагидан беради» дедилар. Ҳалим-салим одам доимо хушчақчақ ва кўнгли тинч бўлади. Уни ҳамма мадҳ этади.

Ҳадиси шарифда: **“Ғазаб шайтон васвасасидан ҳосил бўлади. Шайтон ўтдан яратилган бўлиб, ўт сув билан ўчирилади. Ғазабланганда таҳорат олинглар!”** деб марҳамат қилинган. Шунинг учун ғазабга минганда “Аъзу бисмиллоҳ” билан икки “Қул аъзу”ни ўқиш керак. Инсон ғазабланганда ақл кочиб, одам Ислом ҳудуди ташқарисига тошади. Ғазабга келган одам тик турган бўлса ўтириши керак. Ҳадиси шарифда: **“Ғазабланган киши турган бўлса ўтурсин. Ғазаби давом этса, ёнбошласин”** деб марҳамат қилинган. Тик турган одамнинг ғазаб етовида ўч олиш, зарар етказиш эҳтимоли кўпроқ. Ўтириб олса, камаяди. Ғазаб кибрдан вужудга келади. Ётиш кибрнинг камайишига сабаб бўлади. Ғазабланганда **“Аллаҳуммағфир ли-занбий ва азҳиб гайза қалби ва ажирний минашшайтон”**ни ўқиш кераклиги ҳадиси шарифда буюрилди. Маъноси: “Ё Рабби! Гуноҳимни кечир. Мени қалбимдаги ғазабдан ва шайтон васвасасидан қутқар”, дегани. Ғазабга, асаб бузилишига сабаб бўлган кимсага нисбатан хушмуомала қилолмайган одам, унинг олдидан дарҳол кетиши, у билан учрашмаслиги керак.

На дунё учун, на охират учун ҳеч кимга аччиқланмаслик керак. **“Ло тағдаб”** ҳадиси шарифи қизишиб, ғазабланишни тақиқлаган. Киши тез-тез ғазабланса, барча асаблари бузилади. Айрим аъзоларида хасталик кузатилади. Шифокорлар унга даво тополмайди. Унинг ягона чораси **“Ло тағдаб”** ҳадиси шарифидир. Ҳа деб ғазабланаверадиган одам сўз ва хатти-ҳаракатлари билан ёнидагиларни хафа қилади. Улар ҳам асаб касаллигига чалинади. Уйда хузур-ҳаловат, тинчлик йўқолиб, асабийлик оиланинг бўлинишига, ҳатто қон тўкилишига ҳам олиб келади. Агар уйда ғазабланадиган асабий кимса бўлмаса, ўша хонадонда бахт-саодат, ҳузур-ҳаловат, яхши кайфият доим бор бўлади. Асабий одам бор жойда тинчлик ва ҳаловат бўлмайди. Ундай оилада эр-хотин ва она-бола орасида келишмовчилик, ҳатто нафрат кам бўлмайди. Ислом ҳукмларига итоат ва риоя қилишнинг инсонга бахту саодат, роҳат-фароғат, хуш кайфият олиб келиши шундан ҳам кўриниб турибди. Ислом ҳукмларига ўзи билмаган ҳолда риоя қилиб яшаган кофирлар ҳам дунё ҳаётида бахтга эришади.

Нодонлар билан аҳмоқлар, ғазаб ва таҳаввурни “шижоат”, “эркаклик”, “иззати-нафс”, “ғайрат” ва “ҳамият” деб атайди.

Чиройли номлар билан ёмон хулқни безатиб, гўзаллаштирмакчи бўлади. Яна ғазабланишнинг яхшилиги, фойдаси борлигини уқтиришга уриниб, Ислом улуғларининг ғазабланганлари ҳақидаги ҳикояларни мисол келтиришади. Бу эса, жаҳолат, нодонлик ва ақлнинг камлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам беморлар соғломларга, аёллар эркакларга, кексалар ёшларга нисбатан тез асабийлашади. Ўттиз ёшдан кичикларга “ёшлар”, ўттиз билан эллик орасидагиларга “катталар”, элликдан ошганларга шайх, яъни “кекса ёки қариялар” [етмишдан ошганларга пири фоний, яъни “оқсоқоллар”] дейилади.

Исломиятдан, китобдан олмай, ўз калласидан чиқариб шиддат ва ҳиддат билан ваъз айтувчиларни тингламаслик ҳам унинг ғазабига сабаб бўлади. Бунинг иложи, давоси: тўғрисини юмшоқлик ва ширинсўзлик билан айтишдир. Ҳазрати Ҳасан билан Ҳусайн (розиаллоҳу таоло анҳумо) чўлда кетаётиб, бир қариянинг пала-партиш таҳорат қилаётганини кўришди. Кекса бўлгани учун бундай таҳорат саҳиҳ бўлмайди дейишга уялишди. Ёнига бориб, “Афандим [жаноб]! Биз бир-биримиздан яхшироқ таҳорат олишимизни даъво қиляпмиз. Лекин баҳс тугамаяпти. Биз таҳорат олсак, сиз кузатиб туриб, қайси биримиз ҳақ эканимизни айтсангиз, илтимос”, дейишди. Аввал Ҳасан, кейин Ҳусайн чиройли таҳорат олишди. Қария диққат билан кузатиб турди. Охирида “Болаларим! Узр, мен таҳорат қилишни энди сизлардан ўргандим” деди.

Иброҳим алайҳиссалом икки юз мажусийга зиёфат бердилар. Улар мамнун бўлганларидан “Бизга нима буюрсанг, бажарамиз” дейишди. “Сизлардан бир тилагим бор” дедилар. “У қандай тилак?” деганларида, “Менинг Раббимга ҳам бир марта сажда қилинглар” дедилар Иброҳим алайҳиссалом. Оташпараастлар ўзаро маслаҳатлашиб, “бу қариянинг элга хайру-эхсонлари, меҳмондўстлиги ва зиёфатлари машҳур. Келинглар шу кексанинг кўнгли қолмасин, тилагини бажариб, унинг Худосига бир сажда қилайлик. Кейин яна ўз тангримизга сиғинаверамиз, битта саждани зиёни бўлмайди”, дейишди. Улар энди саждага бош қўйганларида Иброҳим алайҳиссалом “Ё Рабби! Кучимнинг етгани шу. Ундан ортиғига қодир эмасман. Бу бандаларингни ҳидоятга, саодатга етказишга фақат сен қодирсан. Буларга мусулмонликни насиб

айла!”- дедилар. Дуоси қабул бўлиб, ҳаммаси мусулмон бўлди. Ҳаром ишга қўл урмоқчи бўлган кимсага ҳеч ким йўқ жойда насихат қилинади. Ҳаром иш содир қилаётган одамга ширин сўзлар билан шу жойни ўзида айтилади. Ҳаммага олдин яширин, танҳода насихат қилиш таъсирлироқ бўлади.

Бировнинг гапини нотўғри тушуниш ҳам ғазабга сабаб бўлади. Ундай пайтларда қисқа, лўнда ва очиқ гапириш, мужмал сўзлар ишлатмаслик лозим. Гапни айлантириб, мавҳум ва усти ёпиқ ҳолда тушунтириш кўпинча тингловчини қийнаб, дилини хуноб қилади. Амри маъруфнинг учта шарти бор. Биринчиси, Аллоҳу таолонинг амри ва тақиқини билдиришга ният қилмоқ. Иккинчиси, айтганининг далили, ҳужжати, манбаини билмоқ. Учинчиси, ҳосил бўладиган ташвишларга сабр этмоқдир. Яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш пайтида доим юмшоқ гапириш, қўполликдан тийилиш керак. Қаттиқ, чақиб гапирадиган ва баҳслашадиган одам фитна чиқишига сабаб бўлади. Ҳазрати Умар халифалик йилларида бир кеча Абдуллоҳ ибн Масъуд (розиаллоҳу анҳум) билан бирга Мадина кўчаларини айланиб юрардилар. Бир эшикдан қўшиқ кўйлаётган хотин овози эшитилди. Эшик тирқишидан мўралади. Қўлида бир шиша шароб, бир қўшиқчи қиз билан ўтирган қарияни кўриб, жазолаш мақсадида деразадан бостириб кирдилар. Шошиб қолган қария жон ҳолатда: “Ё амир-ал муминин! Аллоҳу таолонинг ризоси учун олдин гапимга қулоқ солсангиз.” деди. “Хўш, эшитаман?”- дедилар. “Мен Аллоҳу таолога фақат бир марта исён қилдим. Лекин сиз унинг учта амрига исён қилдингиз” деди. “Қанақасига?” деб сўрагач, “Аллоҳу таоло бировнинг уйини пойламанглар, деб буюрган. Сиз эшик тирқишидан кузатдингиз. Аллоҳу таоло бировнинг уйига ижозат олмасдан кирманглар, деб буюрган. Сиз изнсиз кирдингиз. Аллоҳу таоло уйларга эшикдан киринг ва салом беринг, деб амр этган. Сиз эса деразадан кириб, салом ҳам бермадингиз” деди. Ҳазрат Умар (розиаллоҳу таоло анҳ) бунга адолат ва инсоф билан жавоб бериб “Тўғри айтдингиз” деб, ундан кечирим сўрадилар. Кейин йиғлаб ташқарига чиқдилар.

Насихат берувчига ва барча мусулмонларга доим ҳусни-зан, яъни яхши гумонда бўлмоқ, ўзларини ҳам, сўзларини ҳам яхши томондан қаршиламоқ керак. Гапларини борица яхшига йўйиш

лозим. Мусулмоннинг хайрли ва солиҳ эканлигига ишониш ибодат бўлади. Бирон мусулмон ҳақида суи-зан, яъни ёмон гумонга бориб, унга ишонмаслик ўзининг ёмон хулқли эканлигини англатади. Эшитилган гапни тўғри тушунишга уриниш, тушунмаган тақдирда сўраш керак. Дарров сўз эгаси ҳақида суи-зан қилмаслик керак. Шайтоннинг мўмин қалбларга соладиган васвасалари орасида энг кўп натижага эришгани суи-зан васвасасидир. Суи-зан қилиш ҳаромдир. Бирон гапдан яхши маъно чиқариш имкони топилмаса, хатолашиб ёки унутиб айтилган бўлса керак деб ўйлаш керак.

Фақир одам бойдан бирон нарса сўраганда бой бермаса, иккаласи ҳам ғазабга келиши мумкин.

Иш билан банд бўлган, ўйланиб ўтирган, қайғуга ботган, қийналиб турган одамга бирон нарса айтиш, ёки бирон нарса сўраш уни ғазабини келтириши мумкин. Чақалоқ йиғиси, бақириси, ҳайвоннинг бўқириси, маъраши, вовуллаши ҳам ғазаб кўзгаши мумкин. Лекин бу сабаблар туфайли ғазабланиш жуда чиркин ва ёмон. Жонсиз буюмларнинг ҳаракатидан ғазабланувчилар ҳам бор. Бу ундан ҳам ёмон. Кўйган нарсаси жойидан тойиб кетса, бир ҳамлада хоҳлагани бўлмай қолса, асабийлашиб, қизишиб сўкинадиган, уриб-кирадиган, синдириб ташлайдиган, ёқиб юборадиган кимсалар кузатилган. Халқ орасида ўзи қилган ишдан ғазабланиб, ўзини сўкиб-уришадиган, ҳатто ўзини урадиганлар ҳам йўқ эмас. Ибодатда камчиликка йўл қўйгани учун, ўз-ўзига ғазабланиш яхши, савобли иш. Бу кишининг дин ғайратини кўрсатади. Буйруқлари ёки тақиқларини деб, ҳукуматга, ҳукумат раҳбарига, Расулуллоҳга (саллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам) ва ҳатто Аллоҳу таолога ғазабланиш ҳаммасидан ёмонроқ бўлиб, куфрга сабаб бўлади. **“Ғазаб – иймонни бузади”** ҳадиси шарифи, Аллоҳу таолога ва Расулуллоҳга қарши ғаши келишнинг куфр эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳаром иш содир қилаётган одамни кўрганда унга ғазабланиш яхши иш. Бу одамнинг дин ғайратидандир. Лекин ғазабланганда ақл ва ислом чегарасидан ташқари чиқмаслик керак. Ҳаром иш қилаётган одамга кофир, мунофик, дайнос ва бошқа ёмон сўзлар билан ҳақорат қилиш ҳаром бўлади. Айтган одамнинг таъзир қилиниши, жазоланиши керак бўлади. Ҳаром иш қилаётганни кўрганда унга нодон ёки аҳмоқ дейишга рухсат берилган бўлса-да,

барибир юмшок, ширин сўзлар билан насиҳат қилган яхшироқдир. Ҳадиси шарифда: *“Аллоҳу таоло доимо мулойим гапиришни яхши кўради”* деб марҳамат қилинган. Ҳаром иш қилган, қонунни бузганларни ҳукумат ходими ёки полициянинг куч ишлатиб қайтариши, ман қилиши лозим. Лекин керагидан ортиқ калтаклаб, қийнашлари зулм ва гуноҳ бўлади. Давлат ходими йўқ жойда, кучи етган киши ҳам безорининг таъзирини бериб, ёмон ишидан қайтара олади. Ўлим жазоси, уйини буздириш, мулкани мусодара қилиш каби жазолар, фақат ҳукумат ва судя томонидан берилади. Керагидан ортиқ жазога ҳукм қилиш зулм саналади. Мухтасиблар, яъни амри маъруф ва наҳйи-мункар қиладиган ҳукумат ходимларининг айбдорларни қийноққа солиши ҳаромдир.

Ғазабнинг зидди, аксига ҳилм дейилади. Ҳилм [ювошлик] – ғазабни енгилдан ҳам афзалдир. Ҳилм - ғазабга келмаслик, аччиқланмаслик бўлиб, ақлнинг кўплигига далолатдир. Ҳадиси шарифларда: *“Ғазабга сабаб бўлувчи нарса олдида ҳилм кўрсатган бандани Аллоҳу таоло севади”* ва *“Аллоҳу таоло ҳаё, ҳилм ва иффат соҳибларини яхши кўради. Фуҳш [беҳаё] сўз айтувчиларни ва одамларнинг ортидан илашиб безор қиладиган тиланчиларни севмайди”* деб марҳамат қилинган. Иффат – ўзгалар молига кўз олайтмасликдир. Фуҳш – уятсиз, ҳаёсиз нарсалардир. Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Ё Рабби! Менга илм, ҳилм, тақво ва офият эҳсон қилгил”* дуосини кўп ўқирдилар. Илми нофий [фойдали илм] деб, калом, фикҳ ва ахлоқ илмларига айтилади. Офият дегани эса, дин ва эътиқоднинг бидъатлардан, амал ва ибодатнинг офатлардан, нафснинг шахватлардан, қалбнинг кибру ҳаво ва васвасадан, баданнинг хасталиклардан соғлом ва омон бўлиши деганидир. Расулуллоҳдан (саллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам) *“Дуоларнинг энг афзали қайси?”* деб сўралганида *“Аллоҳу таолодан офият сўранглар. Иймондан кейин офиятдан ҳам улугроқ неъмат йўқ”* деганлар. [Офиятга эришиш учун кўп тавба-истигфор қилиш керак.] Ҳадиси шарифда: *“Илм ва сакина соҳиби бўлинглар! Ўрганаётганда ва ўргатаётганда юмшоқ гапиринглар! Илм билан такаббурлик қилманглар!”* дейилган. Сакина – вазмин, жиддий ва виқорли бўлишдир. Ҳадиси шарифда: *“Исломиятга амал қилган ва юмшоқ табиатли бўлган кишини жаҳаннам*

ўти ёқмайди” ва “Ювош бўлиш инсонга барака олиб келади. Ишларида ҳаддан ошиш ёки сусткашлик гафлатга сабаб бўлади” дейилган. Ҳадиси шарифда: *“Рифқ эгаси бўлмаган одамдан хайр келмайди”* ва *“Рифқ инсонга зийнат бериб, айбларини кетказади”* деб марҳамат қилинган. [Рифқ деб, юмшоқ феълли бўлишга айтилади.]

Душманга ғазабланмай, паст овозда “Аллоҳ жазонгни берсин” деган маъқул. Аллоҳу таоло ноҳақ бўлган бандасига жуда оғир жазо беради.

Ҳадиси шарифда: *“Илм – ўрганиш орқали, ҳилм эса гайрат қилиш орқали ҳосил бўлади. Аллоҳу таоло хайрли нарсага интилган бандасини мақсадига етказади. Ёмонликдан эҳтиёт бўлган бандасини ундан ҳимоя қилади”* деб марҳамат қилинган.

ҒАДР

21. Ғазабни уйғотадиган сабаблардан бири **ғадр**, яъни аҳди ва ваъдасида турмасликдир. Бир томоннинг сўз беришига **“ваъда”** дейилади. Икки кишининг ўзаро келишувига **“аҳд”** дейилади. Қасам билан маҳкамланган ваъда **“мийсоқ”** деб аталади. Икки томонлама ваъдалашиб, аҳдлашгач, иккинчи томонга хабар бермасдан аҳдини бузиш ғадр бўлади. Давлат бошлиғи четэллик кофирлар билан тузган аҳдномани бузиш зарурлигини тушунса, уларга хабар бериши вожибдир. Хабар бермасдан аввал бузиши жоиз эмас. Ҳадиси шарифда: *“Ғадр қилган одам қиёмат кунини ёмон тарзда жазоланади”* дейилган. Ғадр қилиш ҳаром. Кофирларга берилган аҳдига ҳам риоя қилиш вожиб.

Ҳадиси шарифда *“Амин [ишончли] бўлмаган одамда иймон ҳам бўлмайди. Аҳдини бузган одамнинг динини йўқ”* дейилган. Ушбу ҳадиси шариф, омонатга хиёнат қилган одамнинг иймони комил эмаслигини, агар бунга аҳамият бермаса, иймонини йўқотишини билдирмоқда.

* * *

Аллоҳумма иннака афуввун, Кариймун туҳиббул афва фаъфу анний!

ХИЁНАТ

22. Қалб касалликларининг йигирма иккинчиси хиёнатдир. Хиёнат қилиш ҳам ғазабга сабаб бўлади. Хиёнат ҳаром бўлиб, мунофиқлик аломатидир. Хиёнатнинг зидди омонат, яъни амин бўлмоқдир. Хиёнат - бировга ўзини амин, ишончли қилиб танитгандан сўнг шу ишончни бузадиган иш қилиш дегани. Мўмин деб, ҳамманинг моли ва жонини бемалол ишониб омонат қила оладиган ишончли одамга айтилади. Омонат ё хиёнат мол-мулкда бўлганидек сўзда ҳам бўлади. Ҳадиси шарифда: **“Машварат [маслаҳат] қилинадиган одам амин, ишончлидир”** деб марҳамат қилинган. Яъни унинг тўғри гапиришига ва сўралганни ўзгалардан яширишига ишонилиб, сир, савол, мушқил ё мақсад омонат қилинади. Ундай кишининг тўғри гапириши вожиб. Инсон мол-мулкни ишонган одамига топширганидек, тўғри гапиришига амин бўлган одам билан машварат қилади. “Оли Имрон” сураси юз эллик тўққизинчи оятида маолан **“Қиладиган ишингни аввал кенгаш, маслаҳатлашиб ол!”** деб буюрилган. Кенгашиш, машварат, яъни маслаҳатлашиш одамни пушаймон бўлишдан муҳофаза қиладиган қалъага ўхшайди. Кенгашиладиган киши, одамларнинг ҳол-аҳволини, давр ва мамлакат шароитини билиши лозим. Бунга сиёсат билими дейилади. Ундан ташқари ақлли, фикри ўткир, узоқни кўра оладиган, ҳатто соғлиги жойида бўлиши керак. Маслаҳат сўраб борилган одамнинг, ҳожат эгасига билмаганини ёки билганининг аксини айтиши гуноҳ бўлади. Хатолашиб айтиши гуноҳ бўлмайди. Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган одам билан машварат қилинса, кенгашилса, икки томонга ҳам гуноҳ бўлади. Дин ва дунё ишларида билмасдан туриб фатво берган кимсани фаришталар лаънатлайди. Бирон киши зарарли эканини билиб туриб буйруқ берса, хиёнат қилган бўлади.

[**“Ҳадиқа”** китобида ёзилишича, Абдуллоҳ бин Масъуд (розиаллоху таоло анҳ) бундай деганлар: «Динингиздан илк йўқотадиган, айрилиб қоладиган нарсангиз – омонат [ўзаро ишонч] бўлади. [Иймон намоздан аввал йўқолади] Энг охириги бўлиб намозни йўқотасизлар. Дини [иймони] йўқ бўлишига қарамай намоз ўқийдиган кимсалар кўпаяди.» Ҳадиси шарифда: **“Дўстлик қурган одамни ўлдирган кимса менинг умматимдан эмас. Ўлдирилган киши кофир бўлса ҳам шундай”** деб таъкидланган.]

ВАЪДАДА ТУРМАСЛИК

23- Ваъдасида турмаслик ҳам ғазабга сабаб бўлади. Бир томонлама берилган сўзга **“ваъда”**, икки томонлама ваъдалашишга **“аҳд”** дейилиши юкорида айтиб ўтилганди. Зарар етказаман, азоб бераман деб сўз беришга **“ваъид”** дейилади. Ваъидида турмаслик **“карам”**, яъни эҳсон бўлади. Ёлгондан ваъда бериш ҳаромдир. Ундай ёлгон ваъдани бузиш ҳам алоҳида гуноҳ бўлади. Агар ёлгондан сўз бериб, лекин устидан чиқса, ёлгончилик гуноҳини йўқ қилади. Фосид сотиш ҳам шундай бўлиб, ундай байни [сотишни] бузиш, сотишдан воз кечиш вожиб бўлади. Сотишни бекор қилиб, тавба қилсалар, гуноҳлари қолмайди. Ундай сотишни бекор қилишмаса, гуноҳлари икки қат ортади. Ваъдага вафо қилмоқ, сўзда турмоқ лозим.

Ҳадиси шарифда: **“Мунофиқлик аломати учта: ёлгон гапирмоқ, ваъдасида турмаслик, омонатга хиёнат қилмоқ”**- дейилган. Агар ваъдасида туришга қодир бўлмаса, мунофиқлик аломати бўлмайди. Мол, сўз ёхуд сир омонат қилинган кимсанинг буларга хиёнат қилиши мунофиқлик бўлади.

Бухорийда ёзилган, Амр ибни Оснинг (розиаллоҳу таоло анх) ўғли хабар берган ҳадиси шарифда: **“Тўрт нарса мунофиқлик белгисидир: омонатга хиёнат қилмоқ, ёлгон сўзламоқ, ваъдасини бузмоқ, аҳдига задр этмоқ ва маҳкамада [судда] ҳақиқатни яширмоқ”** дейилган. Ибни Ҳожар бундай деганлар: «нифоқ, яъни мунофиқлик – зоҳирнинг [ташки кўринишнинг] ботинга [ички ниятга] мос келмаслиги деганидир. Ундайларнинг сўзи ишига тўғри келмайди.» Эътиқод қилинадиган хусусларда мунофиқлик [иккиюзламачилик] қилиш куфр бўлади. Иш ва сўзларда мунофиқлик қилиш эса ҳаром бўлади. Эътиқод ва иймонда мунофиқлик бошқа куфрлардан ҳам оғирроқдир. Устидан чиқиш, бажариш нияти билан ваъда бериш жоиз, ҳатто савоб бўлади. Шундай ваъдани бажариш вожиб эмас, мустаҳаб; бажармаслик танзихан макруҳ бўлади. Ҳадиси шарифда: **“Бир одам амалга ошириш ниятида берган ваъдасини бажара олмаса, гуноҳ бўлмайди”** дейилган. Ҳанафий ва Шофиъий мазҳабларида аҳдни бузиш узрсиз бўлса, макруҳ; узрли бўлса, жоиздир. Лекин аҳдни бузмоқчи эканлигини шеригига олдиндан хабар бериши вожибдир. Ханбалий мазҳабида ваъдага вафо вожиб, бажармаслик ҳаром

бўлади. Қилиниши тўрт мазҳабда ҳам саҳиҳ бўлган бирон ишни бажариш тақво бўлади.

Ҳар бир мусулмоннинг тўрт мазҳаб мансубларидан барчасини севиши, ҳаммасига хайр дуо қилиши, битта мазҳабда таассуб [фанатиклик] қилмаслиги вожибдир. Тўрт мазҳабни “**талфик**” қилиш иттифоқ билан жоиз эмас. **Талфик** - бир иш ё бир ибодатни адо этаётганда тўрт мазҳабнинг рухсат ва қулай томонларини йиғиб, бир ибодатда жамлаш деганидир. Шу ҳолда қилинган ибодат тўрт мазҳабнинг ҳеч қайсисида саҳиҳ бўлмайди. Фақат бир мазҳабнинг рухсатларини жамлаб, амал қилиш жоиз.

[Бирон ибодат ё ишни адо этиш учун тўрт мазҳабдан бирини тақлид қилган ҳолда, ўша мазҳабга мослаб бажариш лозим. Тўрт мазҳабнинг ҳар бирида бир ишни адо этишнинг қулай ҳамда қийин йўллари бор. Биринчи йўлга “**рухсат**”, иккинчисига “**азимат**” йўли дейилади. Куч-қуввати жойида, имкони бор кишиларнинг доимо азимат билан амал қилишлари афзалдир. Қийинроқ ишни бажариш нафсга оғирроқ келиб, нафсни кўпроқ эзиб, заифлаштиради. Барча ибодатлар нафсни бўйсундириш, заифлатиш учун буюрилган. Чунки нафс ҳам инсоннинг, ҳамда Аллохнинг душмани. Уни заифлатиб, исёнига тўғаноқ бўлиш лозим. Лекин бутунлай ўлдириб, йўқотилмайди. Зеро, нафс баданнинг хизматчиси бўлиб, аҳмоқ ва нодондир. Бадани заиф, бемор, танг аҳволда бўлган одамларнинг ибодат ва ишларида, азимат йўлини тарк этиб, рухсат йўлидан фойдаланишлари лозим. Ўз мазҳабининг рухсатлари билан адо этиши ҳам машаққатли бўлса, нариги уч мазҳабдан бирини тақлидан бажариши жоиз бўлади.]

СУИЗАН (ЁМОН ГУМОН)

24. Қалб касалликларининг йигирма тўртинчиси “суизан”дир. Гуноҳим кечирилмайди деб гумон қилиш – Аллоху таолога нисбатан суизан [ёмон гумон қилиш] бўлади. Барча мусулмонларни ҳаром иш қилувчи фосиқ, гуноҳкорлар деб гумон қилиш уларга нисбатан суизан бўлади. Суизан ҳаромдир. Кишининг ҳаром иш қилаётганини билиб, кўриб, уни ёқтирмаслик суизан бўлмайди, аксинча буғзи-

филлоҳ [Аллоҳ учун ёқтирмаслик] ва савоб бўлади. Диндош биродарининг айбини кўрганда, унга хуснизан [яхши гумон] қилиб, бирон узрли сабаби бордир деб оқлашга ҳаракат қилиш керак. Уни ислоҳ қилиш лозим. Қалбга келган ёмон ўй-фикр дарров суизан бўлиб қолмайди. Зан этиш, гумон қилиш, яъни қалбнинг ўша ёмон фикрга майл қилиши суизан бўлади. “Хужурот” сурасининг ўн иккинчи оятида маолан: **“Эй, иймон келтирганлар! Гумонга берилишдан ўзларингни ҳимоя қилинглар! Чунки айрим гумонлар гуноҳдир!”** - деб буюрилган. Ҳадиси шарифда: **“Гумон қилманглар. Гумон нотўғри қарор беришингизга сабаб бўлади. Одамларнинг яширин нарсаларини суриштирманглар, айб қидирманглар, муноқаша қилманглар, ҳасад этманглар, бир-бирларингга душманлик қилманглар, бир-бирларингни гиж-гижламанглар, ака-укадек меҳр-оқибатли бўлинглар. Мусулмон мусулмоннинг қариндошидир. Қариндошлар бир-бирига зулм қилмайди, ёрдам беради, биродарини ўздан наст кўрмайди”** - деб марҳамат қилинган. Мусулмоннинг мусулмонни ўлдириши ҳаромдир. Бир ҳадиси шарифда: **“Мусулмон мусулмоннинг молига, жонига ва номусига қасд қилмайди. Аллоҳу таоло баданларингизни қувватига, чиройига, бичимига қарамайди. Амалларингизга ҳам қарамайди. Қалбларингизга қарайди”** - дейилган. Аллоҳу таоло қалблардаги ихлосга ва Аллоҳ кўркувига қарайди. Амал ва ибодатларнинг қабул бўлиши учун, яъни уларга савоб ёзилиши учун, ҳам шартларига мос бўлиши, ҳамда ихлос билан ният қилинган бўлиши керак. “Ибодат саҳиҳ бўлса, бас, қабул бўлади. Ниятга қаралмайди” дейиш илҳод [дин чегарасидан ошиш] ва зиндиклик [динсизлик] бўлади. Аллоҳ ризоси учун қилинмаган ҳеч қайси хайр-ҳасанот ва ибодатлар қабул бўлмайди. “Аллоҳу таоло қалбга қарайди. Яхши ният бўлса бас, ҳамма нарсани қабул қилади” дейиш ҳам жоҳил шайхлар билан жоҳил тариқатчиларнинг сўзидир.

[Улар кўнглимиз тоза, қалбимиз пок деб баъзи ҳаром, чиркин ва ёмон нарсаларни қилиб, “яхши ният билан қилинган ҳамма нарса яхшилик ва ибодат бўлади”, - дейишмоқда. Мана шундай очикча гуноҳ қиладиганларни ва мусулмонларни алдаб ўзларига мурид, тарафдор йиғувчиларни ёқтирмаслик, уларга эргашмаслик керак. Уларнинг фосиқ эканликларини айтиш суизан бўлмайди.]

Ҳадиси шарифда: **“Аллоҳу таолога хуснизан** [яхши гумонда

бўлинглар] **қилинглар**” дейилган. “Зумар” сураси эллик учинчи оятида: “Эй гуноҳи кўп бўлган бандаларим! Аллоҳнинг раҳматидан умидларингни узманглар! Албатта Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилади. У чексиз мағфират ва бениҳоя марҳамат соҳибидир.” дейилган. Шартларига мос тавба қилинса, ҳар қандай куфр ва гуноҳни албатта кечиради. Хоҳласа, куфрдан ўзга гуноҳларни тавбасиз ҳам кечиради. Ҳадиси қудсийда: **“Бандам мени қандай деб гумон қилса, унга ўзи гумон қилгандай муомала қиламан”**- деб марҳамат қилинган. Қабул бўлишини гумон қилиб, тавба этган одамни кечиради.

[Аллоҳу таолонинг пайғамбарларга (салавотуллоҳи таоло ва таслимотуху алайҳим ажмаин) хабар юборишига, билдиришига **“ваҳий”** дейилади. Ваҳий икки хил бўлади: Жаброил исмли фаришта Аллоҳу таолодан олган хабарларни элтиб пайғамбарга ўқийди. Бунга **“ваҳий-и матлу”** дейилади. Бу ваҳийнинг калималари ҳам, маънолари ҳам Аллоҳдан келган бўлиб, Қуръони Карим ваҳий-и матлудир. Ваҳийнинг иккинчиси **“ваҳий-и ғайри матлу”** деб номланиб, у Аллоҳу таоло тарафидан тўғридан пайғамбарнинг (алайҳиссалоту вассалом) қалбига билдирилади. Пайғамбар бу ваҳийни ўз сўзлари билан ёнидагиларга айтиб беради. Бу сўзларга **“ҳадиси қудсий”** дейилади. Ҳадиси қудсийнинг сўзлари пайғамбарга, маъноси Аллоҳга оиддир. Пайғамбарнинг (алайҳиссалоту вассалом) сўзлари ҳам, маънолари ҳам ўзига тегишли бўлган сўзларига **“ҳадиси шариф”** дейилади.]

Ҳадиси шарифларда: *“Аллоҳу таолога ҳуснизан қилмоқ ибодатдир”*; *“Ундан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳу таолога қасам ичаманки, Аллоҳу таоло унга ҳуснизан билан қилинган дуони, албатта қабул қилади”*; *“Қиёмат куни Аллоҳу таоло бир бандасининг жаҳаннамга ташланишини буюради. Дўзахга олиб кетилаётганда қул орқасига ўгирилиб: Ё Раббӣ! Дунёда доим сенга ҳуснизан қилгандим деганида, “Уни жаҳаннамга элтманглар! Бандамни менга бўлган гумони бўйича кутиб оламан, деб буюради”*- деб марҳамат қилинган.

Солиҳ ёки фосиқлиги номаълум мўмин ҳақида доим ҳуснизан [яхши гумон] қилиш керак. Агар кишининг фосиқ ва солиҳ бўлиш эҳтимоли тенг бўлиб қолса, бунга **“шак”**, шубҳа дейилади. Тенг бўлмаса, оғир босган томонига **“зан”** [гумон], камига **“вахм”** [вахима] дейилади.

*Бу ёшга келибсан, не амал қилдинг?
Умринг ўтиб кетди, пушаймон бўлдинг?
Ҳузуримга қайси юзинг-ла келдинг?-
деса Аллоҳ, сен қандай жавоб берасан?*

*Икки йўлни кўрсатдим, ҳам ақл бердим,
Биттасин танлашинг-чун эркингга қўйдим.
Шариатни тарк этиб, нафсингга уйдинг,-
деса Аллоҳ, сен қандай жавоб берасан?*

*Таҳорат олмадинг, иссиқ-совуқ деб,
Намоз ўқимадинг ҳеч, дунё гамин еб,
Ғусл нима билмадинг, жанобат кезиб,-
деса Аллоҳ, сен қандай жавоб берасан?*

*Нега ўқимадинг ҳеч, покланиб намоз,
Ёлвориб Холиққа, этмадинг ниёз?
Ғусл олиш керак, доим қиш ва ёз,-
деса Аллоҳ, сен қандай жавоб берасан?*

МОЛГА МУҲАББАТ

25. Ҳаром йўл билан топилган пул билан мол, инсонга мулк бўлмайди. Ундан фойдаланиш ҳаром бўлади.

Ҳалол мол-мулк ва пулни ҳам ўз эҳтиёжидан ошириб йиғиш макруҳдир. Закотини бермаса, азобга сабаб бўлади. Ҳадиси шарифда: **“Олтин билан қумушининг қулига айланганларга лаънат бўлсин!”**- дейилган. Қул ҳамиша хўжайинининг кўнглини овлашни ўйлайди. Дунёмоли ортидан кувиш, нафсининг шаҳватлари [истаклари] кетидан югуришдан ҳам ёмонроқдир. Мол-дунё билан пул кетидан кувиш, шояд инсонга Аллоҳу таолонинг амрларини унутдирса, унга **“дунё муҳаббати”** дейилади. Аллоҳ зикридан [тушунчаси] холи қалбга шайтон жойлашади. Шайтоннинг энг катта ҳийласи - инсонга хайрли ишларни қилдириш орқали ўзини солиҳ, яхши одам қилиб кўрсатишидир. Ундай одам ўз-ўзига маҳлиё бўлиб, ўз шахсининг қулига айланади. Ҳадиси

шарифда: *“Ўтган умматларнинг ҳар бирига фитналар берилди. Менинг умматимнинг фитнаси мол-мулк ва пул ортдириш бўлади”*- деб марҳамат қилинган. Яъни бу уммат дунёлик ортида юриб, охиратини унутади.

Ҳадиси шарифда: *“Аллоҳу таоло инсонларни яратаётганда ажалларини, умрларини ва ризқларини тақдир қилган”*- деб марҳамат қилинган. Одамнинг ризқи ўзгармайди, камаймайди, кўпаймайди ҳамда вақтидан ҳам кечикмайди. Инсон ризқини излаганидек, ризқ ҳам эгасини қидиради. Кўп фақирлар борки, бойлардан ҳам яхшироқ ва бахтлироқ кун кечиради. Аллоҳу таоло ундан қўрққанларга, динини маҳкам ушлаганларга кутмаган жойларидан ризқ ато этади. Ҳадиси қудсийда: *“Эй дунё! Менга хизмат қилгувчига хизмат қил! Сенга хизмат қилгувчига заҳмат бер”* деб буюрилган. Бир ҳадиси шарифда: *“Ё Раббӣ! Мени севганларга хайрли мол-мулк бер. Менга душманлик қилганларга кўп мол билан кўп фарзанд бер!”* деб марҳамат қилинган.

Бир яҳудий ўлиб, ортида битта кўшк билан иккита ўғли қолди. Кўшкни тақсимлашда келиша олмадилар. Шунда девордан бир овоз келиб: “Мени деб бир-бирингга душман бўлманглар. Мен бир юртнинг подишоҳи эдим. Узоқ яшадим. Мозорда юз ўттиз йил ётдим. Кейин тупроғимдан лой қориб, идиш-товоқ ясашди. Қирқ йил уйларда мендан фойдаландилар. Синдим. Мени кўчага ташлашди. Сўнг мендан ғишт қуйдилар. Шу деворнинг иншоотида ишлатишди. Бир-биринг билан жанжаллашманглар. Сенлар ҳам мендай бўласанлар”,- деди.

Ҳасан Чалабий (раҳима-хуллоҳу таоло) **“Мавоқиф”** китобининг хошиясида бундай дейди: «ҳазрати Ҳасан билан ҳазрати Хусайн касал бўлиб қолишди. Ҳазрати Али, ҳазрати Фотима (розиаллоҳу таоло алайҳим ажмаин) ва хизматкор қиз, болалари тузалиб кетса, уч кун рўза тутишни назр қилдилар. Болалар соғайди. Ифторга егуликлари йўқ эди. Бир яҳудийдан уч қадок арпа қарз олдилар. Ҳазрати Фотима бир қадок арпадан ун уғиб, бешта нон пиширди. Бир фақир келиб, “Менга бирон егулик беринглар, илтимос”- деди. Нонларни унга бериб, оч ётишди. Эртаси окшом бир етим келди. Кейинги ёпган нонларини унга бериб, ўзлари тагин оч ётишди. Учинчи куни эса, бир асир келиб егулик тиланди. Охирги нонларини ҳам унга беришди. Аллоҳу

таоло Расулуллоҳга (саллаллоҳу таоло алайҳи васаллам) ояти карима нозил қилиб, уларнинг назрлари билан ийсорини [ўзига ҳожат молдан садақа] мадҳу сано айлади.» Ризқнинг [яъни, пулни, молни] зарурат миқдорида ўзида қолдириб, ортиғини тарқатишга **“зўҳд”** дейилади.

[Биродамнинг ҳақини ўзига қайтариб бериш, унга бўлган қарзини тўлаш **“адолат”** бўлади. Ҳақидан ортиғини бериш **“эхсон”** қилиш бўлади. Ризқининг, яъни ўзи муҳтож бўлган молнинг ҳаммасини ўзгага бериб юборишга **“ийсор”** дейилади.]

Зоҳид бўлган олимнинг икки рақъат намози, зоҳид бўлмаган кишининг бир умр ўқиган намозидан хайрлидир. Асҳоби киромдан баъзилари (розиаллоҳу таоло анҳум ажмаин), тобеиндан баъзиларига «Сиз Расулуллоҳнинг (саллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам) Асҳобидан ҳам кўпроқ ибодат қиляпсиз. Лекин уларнинг зўҳдлари сизларникидан кўпроқ бўлгани учун улар сиздан хайрлироқ эди», - деганлар. Дунё муҳаббати, яъни дунёга ружу қилиш, нафс истакларини, унга ёқимли туюлган нарсаларни ва уларга эришишнинг воситаси бўлган пулни ҳаром йўллардан топишга уриниш деганидир. Дунёга берилиш – хом хаёл ортидан қувишдир. Чунки дунё лаззатларининг зарарлари фойдаларидан кўпроқ. Фойдаси ҳам қўлда қўп турмайди, ўткинчи. Уларга эришиш эса, жуда қийин. Умуман фойдаси йўқ ишларга **“лаъб”**, яъни ўйин ва **“лаҳв”**, яъни кўнгил очар эрмак дейилади.

[Инсонни ўлимдан, бирон аъзосини йўқотишдан ва шиддатли оғриқдан қутқарувчи воситаларга **“зарурат”** дейилади. Руҳий ва баданий роҳатлигига асқотадиган; садақа, хайр-ҳасанот, закот бериш, ҳаж, курбон, қарз беришда керакли бўлган воситаларга **“эхтиёж”** дейилади. Эхтиёждан ортиқ бўлиб, инсонга ёқимли-хуш ёқувчи нарсаларга **“зийнат”** дейилади. Эхтиёждан ортиқ молни **“такаббурлик”** учун, ўзини кўз-кўз қилиш, мақтаниш учун ишлатиш зийнат эмас, ҳаром бўлади. Доимо зарурат миқдорида пул топиш учун ишлаш фарздир. Эхтиёж миқдорида пул ишлаб топиш суннатдир. Бунга **“қаноат”** дейилади. Зийнат бўлган нарсаларни қозониш, ортдириш мубоҳдир. Эхтиёж ва зийнат буюмларини исломиятга мос равишда ишлаб топиш ибодат бўлади. Буларга эришиш учун исломият чегарасидан ташқарига чиқиш ҳаром бўлади. Бундай йўл билан топилган бойликлар дунёлик [ҳаром

мол] ҳисобланади. **“Аҳкоми исломия”**- Аллоҳу таолонинг амрлари билан тақиқлари деганидир.]

Ҳадиси шарифда: **“Дунёлик бўлган нарсалар малъундир. Аллоҳ учун бўлган, Аллоҳу таоло рози бўлган нарсалар малъун эмас”**- дейилган. Дунёлик бўлган нарсаларнинг Аллоҳу таоло наздида заррача қадри-қиймати йўқ. Аҳкоми исломияга мувофиқ равишда ишлаб топиладиган ва қўлланиладиган ризқ дунёлик бўлмайди, балки дунё неъматлари бўлади. Дунё неъматлари ичида энг улуғи солиҳа хотиндир. Иймони бор ва исломга амал қиладиган одамга **“солиҳ”** [яхши инсон] дейилади. Солиҳа хотин завжини [эрини] ҳаром иш қилишдан ҳимоя қилиб, хайр-ҳасанот ва ибодат қилишига ёрдам беради. Солиҳа бўлмаган хотин зарарли ва дунёлик бўлади. Ҳадиси шарифда: **“Дунё неъматларидан менга завжаларим билан хуш ифторлар севдирилди”**- деб марҳамат қилинган. Яна бир ҳадиси шарифда: **“Дунёлик нарсаларнинг Аллоҳ олдида чивин қанотичалик қадри бўлганда, кофирларга бир қултум сув ҳам бермасди”**- дейилди. Кофирларга дунёликни кўп бериш орқали, уларни фалокатга гирифтор қилмоқда. Ҳадиси шарифда: **“Мўминнинг Аллоҳ наздидаги қадр-қиймати йиққан дунёлиги қадар озаяди”** ва **“Қалбда дунё севгиси ортган сайин, охиратга етказадиган зарари ҳам ортади. Охират севгиси ортган сайин дунёнинг унга етказадиган зарари камаяди”**- дейилган.

Ҳазрат Али (розиаллоҳу таоло анҳ) айтганларки: «Дунё билан охират шарқ билан ғарбга ўхшайди. Бирига яқинлашган одам иккинчисидан йироқлашади.» Ҳадиси шарифларда: **“Дунёлик кетидан қувиш сув юзида юришга ўхшайди. Унинг оёқлари ҳўл бўлмаслиги мумкинми? Исломиётга бўйсунушга моне, тўсиқ бўлган нарсаларга дунёлик дейилади”**; **“Аллоҳу таоло бир бандасини севса, уни дунёда зоҳид ва охиратга розиб [рағбатини орттиради] қиладди. Айбларини унга билдиради”**; **“Дунёда зоҳид бўлган кишини Аллоҳ севади. Одамларга тегишли мол-мулкда зоҳид бўлган кишини одамлар севади”**; **“Дунёлик излаб чиққан одамнинг унга эришиши қийин. Охират излаб чиққан одамнинг унга эришиши осон”** ҳамда **“Дунёликка ружу қилиш хатоларнинг бошидир”**- деб марҳамат қилинган. Яъни дунёликка [ҳаром ва макруҳларга] берилиш ҳар хил хато-ю

гуноҳларга сабаб бўлади. Дунёлик кетидан қувган киши аввал шубҳали нарсаларга, кейин макруҳларга, ундан кейин ҳаромларга, ҳатто куфрга ботади. Ўтган умматларнинг ўз пайғамбарларига (алайҳимуссалавоту ваттаслимот) иймон келтиришдан маҳрум қолишларига сабаб дунёга берилганликлари эди. Дунё муҳаббати худди шаробга ўхшайди. Ундан ичганлар фақат ажал етганда ўзига келади. Мусо алайҳиссалом Тур тоғига бораётганда бир одамнинг ҳўнграб йиғлаётганини кўрдилар. “Ё Рабби! Банданг сенинг кўркувингдан йиғлапти”- дедилар. “Қон йиғласа ҳам уни кечирмайман. Чунки у дунёга берилган”- деган жавоб олдилар. Ҳадиси шарифларда: ***“Дунёни ҳалолдан топганларга охирабда ҳисоб; ҳаромлардан топганларга азоб бор”*** ва ***“Аллоҳу таоло бир бандасини севмаса, молини ҳаромларга сарфлатади”***- деб марҳамат қилинган. Такаббурлик учун бино қуриш мана шунга киради. Бир ҳадиси шарифда: ***“Бир одам ҳалол пулига бино қурса, одамлар ундан фойдаланган муддат давомида унга савоб берилади”***- дейилган. Заҳдан, чангдан йироқ бўлиш, тоза ҳаво олиш ниятида баланд иморат қуриш жоиз. Такаббурлик учун, мактаниш учун баланд бино қуриш ҳаром. Имоми аъзам Абу Ҳанифа айтганлар: «Нодонларнинг тил текказа олмаслиги ва душманларга ҳайбатли, қувватли кўрина олиш учун олимлар билан амирларнинг либос ва бинолари зийнатли бўлгани маъқул.”

***Инсоннинг шарафи - илму адабдир,
Ўйламаки, шараф - молу насабдир!***

ТАСВИФ

26. Хайрли ишларни кейинга қолдиришга “тасвиф” дейилади. Ибодатлар билан хайрли ишларни қилгани шошилишга ***“мусораот”*** дейилади. Ҳадиси шарифда: ***“Ажал келмасдан олдин тавба қилинлар. Хайрли ишларни қилишга тўсиқ пайдо бўлмасдан олдин тезроқ бажаринлар. Аллоҳу таолони кўп эсга олинлар. Закот ва садақа беришда шошилинлар. Шу тариқа Раббингизни ризқларига ва ёрдамига эришасиз!”***, ***“Беш нарса келмай туриб, беш нарсанинг қадрини билинлар: Ўлмасдан олдин ҳаётнинг қадрини, хасталикдан олдин соғлиқнинг***

қадрини, дунёда охиратни қозониш қадрини, қариликдан олдин ёшликнинг қадрини, фақирликдан олдин бойликнинг қадрини”- деб марҳамат қилинган. Закотини бермаган ва молини охират йўлида сарфламаган одам фақир бўлиб қолса, каттиқ пушаймон бўлади. Ҳадиси шарифда: **“Тасвиф қилган ҳалок бўлади”** дейилди.

[Имоми Раббоний (рахматуллоҳи алайҳ) холижойга киргач кўп ўтмай эшикни тақиллатиб, хизматчисини чақирадилар. Хизматкор таҳорат суви ёки сочикни тайёрламадим шекилли деб югуриб боради. Эшик тирқишидан кўйлагини узатиб “Мана буни ол, фалончи фақирга ҳадя қил” дейдилар. “Хўжайин, буни хожатхонадан чиққандан кейин буюрсангиз бўлмасмиди? Ўзингизни нега бундай ноқулай аҳволга солдингиз?”- дейди. “Кўйлагимни фақирга ҳадя қилиш хожатхонада эсимга келди. Ташқари чиққунча тасвиф қилсайдим, шайтон васваса бериб, мени бу хайрли ишдан воз кечиришидан ҳадиксирадим”- дедилар.]

ФОСИҚЛАРНИ СЕВИШ

27. Ҳаром иш қиладиган кимсага **“фосиқ”** [ёмон одам] дейилади. Фосиқликнинг энг ёмони зулм қилишдир. Чунки зулм гуноҳи очиқча қилинмоқда ҳам-да унга қул ҳаққи ҳам аралашмоқда. “Ол-и Имрон” сурасининг эллик еттинчи ва юз қирқинчи оятларида маолан: **“Аллоҳу таоло золимларни севмайди”** - дейилган. Ҳадиси шарифда: **“Золимнинг умри узоқ бўлсин деб дуо қилиш Аллоҳу таолога исён қилинишини хоҳлаш деганидир”** - деб марҳамат қилинган. Суфён Саврийдан (рахима-хуллоҳу таоло) “Чўлда бир золим чанқоқдан ўладиган аҳволда ётибди. Унга сув берайликми?” – деб сўраганларида “Йўқ, берманглар!”- деб буюрдилар. Золим яшаётган уйини кимдандир зўравонлик қилиб тортиб олган, қўрқитиб, алдаб ўзлаштирган бўлса, шу уйга кириш ҳаром бўлади. Фосиққа тавозу [камтарлик, эҳтиром] қилган одамнинг динининг учдан иккиси кетади. Золимга тавозу қилганнинг ҳоли нима бўлишини шундан ҳам билса бўлади. Золимнинг кўлини ўпиш, олдида таъзим, қўл ковуштириш гуноҳ бўлади. Булар одил кишига

нисбатан жоиздир. Абу Убайда бин Жарроҳ, ҳазрати Умарнинг (розиаллоҳу анҳумо) қўлларини ўпганлар. Топган-тутганининг [даромади] кўпи ҳаромдан келган одамнинг уйига бориб ўтириш, меҳмон бўлиш жоиз эмас. Уни сўз билан ёки ҳатти-ҳаракатлар билан мадҳ этиш ҳаромдир. Фақат ўзини ёки бошқаларни унинг зулмидан қутқариш учун ёнига, уйига бориш жоиз бўлади. Ёнига борганда ёлғон гапирмаслик ва уни мақтамаслик керак. Қулоқ солади, қабул қилади деб гумон қилинса, насиҳат берилади. Золим сенинг олдинга келганда, ўрнингдан туриб, қарши олиш жоиздир. Лекин диннинг иззати ва зулмнинг ёмонлигини билдириш мақсадида ўрnidан турмаса яхши бўлади. Иложи бўлса, унга насиҳат қилинади. Золимдан ҳамма вақт олисроқ юриш яхшироқдир. Ҳадиси шарифда: **“Мунофиқ билан гаплашаётганда жаноб** [сингари ҳурмат маъносидаги сўз] **деманглар!**” - деб буюрилган. Золимга, кофирга ҳурмат кўрсатиш, эҳтиром билан салом бериш, устозим дейиш куфр бўлади.

Аллоҳу таолога исён қиладиган кишига **“фосиқ”** [ёмон одам] дейилади. Ўзгаларнинг ҳам исён қилишига, фисқ-гуноҳнинг ёйилишига сабаб бўлаётган кимсага **“фожир”** дейилади. Ҳаром иш содир қиладигани билиниб турган фосиқни севишга, ҳурмат қилишга бўлмайди. Халқ орасида бидъатни, яъни бузуқ оқим-ақидаларни ёювчилар билан динни ўрганишга тўсқинлик қилувчиларни севиш гуноҳдир. Ҳадиси шарифда: **“Фосиқнинг фисқига монелик қилишга кучи етиб туриб, ҳеч ким моне бўлмаса, Аллоҳу таоло уларнинг ҳаммасига дунё ва охирада азоб беради”** - дейилган. Умар бин Абдулазиз (рахима-хуллоҳу таоло): «Аллоҳу таоло бир кимсанинг гуноҳи учун бошқаларни жазоламайди. Лекин, очикча гуноҳ қиладиганларни кўриб туриб қўй дейилмаганда, ҳаммасига азоб беради.»- деганлар. Аллоҳу таоло Юшаъ пайғамбарга (алайҳиссалоту вассалом) ваҳий юбориб: **“Қавминдан қирқ минг солиҳ одамни ва олтмиш минг фосиқ кимсани азоблайман”**- деди. “Ё Рабби! Фосиқлар азобингни қилмишлари билан ҳақ этганлар. Солиҳларга азоб беришингни боиси нимада?” деб сўраганида **“Менинг ғазаб қилганларимга улар ғазаб қилмади. [Борди-келдини узмай] Бирга еб-ичди”**- деди. Молига, жонига, бола-чақасига

ва мусулмонларга зарар етадиган, яъни фитнага сабаб бўладиган пайтларда бидъатчилар билан золимларга амри маъруф қилиш керак эмас. Очикча гуноҳ қилувчи фосиқларни фақат қалб билан севмаслик етарлидир. Ширин ва мулойим сўзлар билан насихат қилиш лозим.

Бир кимса ҳам ибодат қилса, ҳамда фисқ билан шуғулланса, кўпроқ қилаётган иши билан номланади. Иккаласи тенг бўлса, ибодати учун ҳурмат кўрсатилади, фисқи учун кўрсатилмайди. Бошқаларни гуноҳга чорлаётган, фисқларига сабаб бўлаётган одамга фақат ҳукумат ходимлари жазо бериб, тўсиқ бўлади.

[Аллоҳу таолонинг муҳаббатига эришиш учун исломиятга амал қилиб, бир муршидни севадиган одамга **“солиҳ”** [яхши инсон] дейилади. Шу муҳаббатга эришган одамга **“валий”** дейилади. Бошқаларни ҳам унга эриштириш учун ҳаракат қилаётган валийга **“муршид”** дейилади. **“Исломиятнинг асли, тамали учта: илм, амал ва ихлос”**. Исломилмлари иккига ажралади: Динилмлари ва фан илмлари. Дин реформистлари диний илмларга **“схолистик билимлар”**, фан илмларига **“рационал билимлар”** дейишади. Дин илмлари одам калласига худди дарахтдан олма тушгандек бирон жойдан кириб қолмайди. Аксинча, ҳақиқий муршиднинг сўзлари, ҳоллари ва ҳаракатларидан, аҳли суннат олимларининг **“Илми ҳол”** китобларидан ўрганилади. Қиёмат яқинлашган сайин, ҳеч қаерда ҳақиқий муршид топилмайди, аксинча нодон, ёлғончи, фосиқ дин пешволари кўпаяди. Улар Аллоҳу таолонинг муҳаббатига эришиш учун эмас, пул, мансаб ва шуҳрат қозониш учун меҳнат қилади. Бойларга, амалдорларга ёндашади. Ундай дин ўғриларига алданиб қолмаслик, саодатга эришиш учун машхур аҳли суннат олимларининг китобларини ўқиш керак. Давримизда ҳам, ҳар даврда ҳам гуноҳларнинг энг зарарлиси дин илмларни ўрганишга монелик қилишдир. Зарарли ўйинларни томоша қилиш, диний китобларни ўқишга монедир. Ёшлар диний китоб ўқимагач, диндан беҳабар, бесавод қолиб, динсиз ва иймонсиз бўлиб етилади. Мусулмон ота-оналар, ўз фарзандларини ушбу фалокатдан қутқаришлари лозим. Бунинг учун **“Ҳақиқат китоб уйи”** нашр қилган китобларни топиб, фарзандларига ўқитишлари керак. Ота-оналар мана шу вазифаларини бажармасалар, фарзандлари кофир бўлиб, жаҳаннамга кетади.]

ОЛИМЛАРГА ДУШМАНЛИК

28. Ислом илмларини ва ислом олимларини (раҳима-хумуллоҳу таоло) мазах қилиш куфр бўлади. Ислом олимини сўккан, ёмонлаган одам кофир бўлиб, муртад ҳисобланади. Олимни фисқи [гуноҳи] ёки бидъати туфайли севмаслик лозим. Лекин дунё ишлари туфайли севмаслик гуноҳ бўлади. Солиҳларни севмаслик ҳам шундай. Ҳадиси шарифларда: ***“Уч нарса иймоннинг лаззатини орттиради: Аллоҳу таолони ва Расулини ҳамма нарсадан ортиқ севмоқ, сени ёқтирмаган мусулмонни Аллоҳ ризоси учун севмоқ ва Аллоҳу таолонинг душманларини севмаслик”, “Ибодатларнинг энг фазилатлиси ҳубби-филлоҳ [Аллоҳ дўстларини севмоқ] ва бугзи-филлоҳдир [Аллоҳ душманларини ёқтирмаслик]”*** деб марҳамат қилинган. Ибодати кўпроқ мўминни ибодати камроқ бўлган мўминдан ортиқроқ ҳурмат қилиш лозим. Исёни кўпроқ бўлган, куфр билан фаҳшни ёйиб юрган кофирларни кўпроқ ёмон кўриш керак. Аллоҳ учун душманлик қилишимиз керак бўлганларнинг бошида ўз нафсимиз туради. Севмоқ дегани – уларнинг изидан, йўлидан юриш деганидир. Иймоннинг аломати ***“ҳубби-филлоҳ ва бугзи-филлоҳ”***дир. Бир ҳадиси шарифда: ***“Аллоҳу таолонинг баъзи бандалари бор. Улар пайғамбар эмас. Пайғамбарлар билан шаҳидлар қиёмат кунда уларга ҳавас қиладилар. Улар бир-бирини танимайдиган, бир-биридан олисда яшайдиган, лекин Аллоҳ учун бир-бирини севадиган мўминлардир”***- деб марҳамат қилинган.

Бир ҳадиси шарифда: ***“Инсон дунёда кимни яхши кўрса, охиратда шунинг ёнида бўлади”***,- дейилган. Агар севаман деган зотининг йўлида бўлмаса, унда севгиси саҳиҳ бўлмайди. Одам динига ва омонатига ишонадиган солиҳ кишилар билан дўстлик қилиши керак. Яҳудий билан насронийлар доим ўз пайғамбарларини (алайҳимуссалавоту ваттаслимот) севишларини айтади. Лекин уларнинг изида эмас, балки дин пешволари бўлмиш раввин ва роҳиблар тўкиб чиқарган нотўғри йўлда бўлганликлари учун, охиратда у пайғамбарларнинг ёнида бўла олмайди. Ҳатто жаҳаннамга кетишади. ***“Жавоб бера олмади”*** китобимизда яҳудийлар ва насронийлар ҳақида кенг маълумот берилган.

Даражаси баланд бўлган руҳлар, ўзлари севган руҳларни юқорига тортади. Олчоқ руҳлар эса, севганларини пастга тортади. Одам ўлгач ўз руҳининг қаерга кетишини, дунёда севган инсонларининг ҳолидан била олади. Бир инсон бир инсонни табиий эҳтиёжи туфайли ё ақли маъқул топгани учун ёки бирон яхшилиги эвазига ёхуд Аллоҳу таолонинг ризоси учун севади. Ўзаро дўстлашган, севишган инсонларнинг руҳлари дунёда бир-бирини жазб этганидек қиёматда ҳам бир-бирини жазб этади [тортади]. Анас бин Молик (розиаллоҳу таоло анх): «Мусулмонларни юқоридаги ҳадиси шарифчалик ҳеч қандай хабар севинтирмаган.»- деганлар. Кофирларни севган, меҳр қўйган одам улар билан бирга жаҳаннамга кетади. Севганига тобе бўлмаслик, унга ўхшашга интилмаслик одамнинг ихтиёрида эмас. Севгининг энг кучли аломати, севгилисининг севганларини ҳам севмоқ, душманларини душман билмоқдир. Яъни “дўстимнинг дўсти менинг ҳам дўстим, душмани душманимдир!” қондасига амал қила олган одамдан ўзгаси ёлғончидир.

ФИТНА

29. Одамларни ташвишга солиш, балога дучор қилиш, ихтилолга, яъни кўзғолону тартибсизликка сабаб бўлиш, фитна чиқариш деганидир. Ҳадиси шарифда: ***“Фитна уйқуда. Уни уйғотганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!”*** дейилган. Халқни ҳукуматга қарши, қонунларга қарши исёнга чақириш фитна бўлади. Фитна чиқариш ҳаром бўлиб, ноҳақ одам ўлдиришдан ҳам оғир гуноҳдир. Золим бўлган ҳукуматга қарши исён қилиш ҳам ҳаромдир. Эзилган мазлумлар исён кўтарса, уларни қўллаб-қувватлаш ҳам ҳаром бўлади. Исён қилишнинг зарари билан гуноҳи, зулмнинг зарари ва гуноҳидан ҳам оғирроқ.

Имомнинг жамоат намозларида қироатни суннат бўлган миқдоридан ортиқ ўқиб, намозни чўзиши ҳам фитна чиқариш бўлади. Жамоатнинг ҳаммаси рози бўлсагина, узоқ ўқиш фитна эмас, жоиз бўлади. Воиз ва дин ходимларининг курсида жамоат тушунмайдиган масалалар ҳақида гапириш ва ёзишлари ҳам фитна бўлади. Ҳар кимга у тушуна оладиган миқдорда гапириш керак.

Мусулмонларга улар бажара олмайдиган ибодатларни буюрмаслик лозим. Заиф қавл бўлса ҳам, бажара оладиган ишларини айтиш керак. Амри маъруф қилаётганда фитна чиқариб қўймасликка эътибор бериш керак. Амри маъруф қиламан деб ўзини хавф-хатарга қўйиш буюрилмаган. Ваъз қиламан деб динга ва одамларга зарар етказиб, дунё фитнасига ҳам сабаб бўлмаслик керак. Фақат ўзига дунёвий зарари тегадиган амри маъруфни қилиш жоиз ва жиҳод саналади. Сабр қила олмаса, уни ҳам қилмаслиги лозим. Фитна пайтида уйидан чиқмаслик, ҳеч ким билан кўришмаслик керак. Фитнага дуч келганда, сабр қилиш лозим.

Имоми Раббоний (рахима-хуллоху таоло) иккинчи жилд олтмиш саккизинчи мактубида бундай деганлар: «Жон болам! Қайта-қайта ёзаман, ҳозир гуноҳларимизга тавба қиладиган, Аллоҳимиздан афв тилайдиган замондамиз. Фитналар кўпайган ушбу даврда уйга камалиб, ҳеч ким билан кўришмаслик керак. Фитналар ёмғирдек ёғиб ҳамма ёқни қоплаб оладигандай бўлди. Ҳадиси шарифда марҳамат қилиндики: ***“Қиёмат қойим бўлмасдан аввал ҳамма жойни фитналар қоплайди. Фитналарнинг зулмати чор-атрофни қоронғи кечадай босади. Шу кунларда уйидан мўмин бўлиб чиққан одам кечқурун кофир бўлиб уйига қайтади. Кечқурун мўмин бўлиб уйига кирган одам, тонгда кофир бўлиб ўрнидан туради. Ундай пайтларда ўтирмақ тик турмоқдан хайрли. Юрганлар югурганлардан яхшироқдир. У даврларда ўқ-ёйларингни синдирунлар! Қиличларингни тошга урунлар! У пайтларда уйингизга биронтаси келса, ўзингизни Одам набийнинг икки ўғлидан яхшисидек тутсин!”*** Асҳоби киром (розиаллоху таоло анҳум ажмаин) буни эшитгач, “У замонда яшайдиган мусулмонларга нима қилишларини буюрасиз?”- дедилар. Жавобида ***“Уйингизнинг буюмидек бўлинг!”***, бошқа бир ривоятда ***“Ундай фитна пайтида уйингиздан ташиқарига чиқманг!”***,- деб буюрдилар. [Бу ҳадиси шариф Абу Довуд ва Термизийда мавжуддир.] Шу кунларда Дорул-ҳарб кофирларининг Негрекут шаҳрида мусулмонларга, ислом мамлакатларида қилган зулмларни, қийноқларни эшитгандирсиз. Улар мусулмонлар бошига мисли кўрилмаган азоб-укубатларни солди. Шундай пасткаш ишлар охир замонда кўп содир бўлади.» Олтмиш саккизинчи мактубдан таржима тугади.

“Тазкирани Қуртубий” мухтасарида бундай дейилган: «Ҳадиси шарифда: *“Фитна чиқарманглар! Сўз билан чиқарилган фитна қилич билан чиқарилган фитна билан бир. Золимларни, фожирларни халққа гиж-гижлаш, ёлгон ва тухмат қилиш орқали содир қилинган фитна қилич билан чиқарилган фитнадан зарарлироқдир”*,- деб марҳамат қилинди. Олимларнинг аксарияти иттифоқ билан айтганларки, золим раҳбарлар дастидан моли ва жонини омон олиб қолишга мажбур бўлган аҳолининг ҳам исён қилмаслиги, ҳукумат билан қонунларга қарши бормаслиги керак. Чунки золим бўлган ҳукуматнинг зўравонлигига сабр қилиш кераклигини ҳадиси шарифлар буюрган. Расулulloҳнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) *“Аллоҳумма инни асъалука фиълал хайрот ва таркалмункарот ва ҳуббал-масокин ва изо арадта фитнатан фи қавми фа-таваффани гайра мафтун”* дуосини ўқиганларини имоми Муҳаммад (раҳима-ҳуллоҳу таоло) билдирганлар. Ушбу дуонинг маъноси: “Ё Рабби! Менга хайрли ишлар қилишни, ёмон ишларни тарк этишни ва фақирларни севишни насиб айла! Қавмим орасида фитна чиқаришни тақдир қилганингда, фитнага аралаштирмай жонимни ол!” Имоми Қуртубий (раҳима-ҳуллоҳу таоло) айтдиларки, бу ҳадиси шариф фитнадан эҳтиёт бўлиш, унга аралашмаслик лозимлигини, фитнага аралашгандан кўра, ўлиш хайрлироқ эканлигини очикча кўрсатмоқда.»

“Мишкот”даги ҳадиси шарифларда бундай марҳамат қилинган:

“Фитна пайтларида мусулмонларга ва уларнинг раҳбарларига тобе бўлинглар. Агар ҳақ йўлдагилар топилмаса, фитначилар билан исёнчилар орасига аралашманглар! Ўлгунча фитнага иштирок этманглар!”

“Фитна замонларида ўз ҳукуматингизга тобе бўлинг. Ҳукуматингиз сизга зулм қилиб, молларингизни тортиб олса ҳам унга итоат этинг!”

“Фитна замонида исломиятни маҳкам тутинглар. Ўзларингни қутқаринглар! Ўзгаларга ақл ўргатманглар! Уйларингдан чиқманглар! Тилларингга эга бўлинглар!”

“Фитна чиққан пайтда кўп одамлар ўлдирилади. Уларнинг орасига аралашмаганлар омон қолиб, қиргиндан қутулади”.

“Фитначиларга қўшилмаганлар саодатга эришади. Фитнага учраб, сабр қилган одам ҳам саодатга эришади”.

“Аллоҳу таоло қиёмат куни бандасидан: Гуноҳ қилаётган кимсани кўрганингда нега мене бўлмадинг, деб сўрайди. Ҳалиги банда: Унинг зараридан, душманлик қилишидан ҳайиқдим. Сенинг афву мағфиратингга ишондим, дейди”.

Бу ҳадиси шариф душман кучли бўлган пайтларда амри-маъруф ва наҳйи-мункар қилишни тарк этиш жоизлигини кўрсатмоқда.

“Ширъатул-ислом” шарҳида бундай дейилган: «Одамларга фарзни бажариш ва ҳаромдан тийилиш кераклигини амр этиш фарзи кифоядир. Суннатни бажаришни буюриб, макруҳдан қайтариб, ман қилиш суннатдир. Ҳаром иш қилаётган одамни қўл билан эмас, балки сўз билан қайтариш керак. Яъни қилаётган ишининг ёмонлигини, зарарини тушунтириш лозим. Ҳаром иш қилишга киришмоқчи бўлиб турган одам қўл билан қайтарилади. Сўз билан, қўл кучи билан қайтаришда фитна чиқармаслик, зарар етказмаслик лозим. Ёмонликдан наҳй, яъни қайтариш, тақиқлашнинг фойдаси тегишига олдиндан кўз етказиш, билиш керак. Занни ғолиб, яъни кўпроқ гумон қилиш ҳам билиш деганидир. Хубби-филлоҳ билан бугзи-филлоҳ бўлмагунча бажарилган ибодатларнинг фойдаси бўлмайди. Бирон юртда амри маъруф узрсиз тарк қилинса, у ерда дуолар қабул бўлмайди, хайру барака қолмайди. Уруш ва мушқил ишларда ғалаба насиб бўлмайди.

Яширинча қилинган гуноҳ уни содир қилганга зарар беради. Очiqча қилинган гуноҳнинг зарари ҳаммага тегади. Бир кишининг ёмонлаганига қараб, бир одамни ёмон деб билмаслик лозим. Бир кишининг ёмонлаши ғийбат бўлади. Унга қулоқ солиш ҳаром бўлади. Кишининг фосиқ эканлиги иккита одил гувоҳнинг уни тақиқланган ишни қилганини кўрдик дейиши орқали ёки ўз тажрибаси билан аниқланади. Гуноҳ қилаётган одамни кўриб, куч-қуввати етиб тургани ҳолда наҳй қилмаслик, қайтармаслик **“мудоҳана”** саналади. Мудоҳана (дунё роҳати учун диннинг емирилишига кўз юмиш) қилганларнинг мазорларидан маймун ва чўчка қиёфасида чиқишлари ҳадиси шарифда хабар берилган. Амри маъруф қиладиган кишини дўстлари яхши кўрмайди. Мудоҳана қиладиганларни яхши кўришади. Золим ҳукумат ходимларига сўз билан амри маъруф қилиш жиҳоднинг энг қадрлигидир. Насихат беришга кучи етмаса, қалби билан рад этиш ҳам жиҳод бўлади. Давлат раҳбарлари қўл кучи билан, олимлар сўз кучи билан, бошқа мусулмонлар қалблари

билан амри маъруф қилади. Амри маъруфни Аллоҳ ризоси учун қилиш ва айтганларининг китобдан далилини билиш ҳамда фитнага сабаб бўлмаслик керак. Сўзи таъсир қилмаслигини ва фитна чиқишига сабаб бўлишини билган кимсанинг амри маъруф қилиши вожиб эмас. Ҳатто баъзан ҳаром бўлади. Ундай пайтларда фитнага сабаб бўлмаслик учун уйдан чиқмаслик керак. [Яъни фитначилар орасига аралашмаслик керак.] Фитна чиқса ёки ҳукумат зулм қилиб, фасод чиқарса ўша шаҳардан, яшаб турган жойидан ҳижрат қилиш керак бўлади. Ҳижрат қилиш имкони бор пайтларда, ҳукуматнинг мажбурлаши гуноҳга қўл уришга узр бўлолмайди. Ҳижрат, яъни кўчиб кетиш мумкин бўлмаса, четга чиқиб, ҳеч кимга аралашмаслик керак. Сўзи таъсир қилишини лекин фитнага сабаб бўлишини билса, барибир амри маъруф қилиш вожиб бўлмайди. Фитна агар калтакланиш сингари енгил кечса, унда амри маъруф қилиш мустаҳаб бўлади. Фитна катта ва хатарли тус олгудек бўлса, амри маъруф қилиши ҳаром бўлади. Амри маъруфни мулойимлик билан ширинсўз ҳолда қилиш вожибдир. Уришиб, кўрслик билан қилинса, фитнага сабаб бўлади. Мусулмонга ва зиммий кофирга қурол ўқталмаслик, уларга ҳам зулм ва азият қилмаслик керак.» **“Ширъа”**дан таржима тугади.

МУДОҲАНА ВА МУДОРО

30. Кучи-кудрати етиб турса ҳам, ҳаром иш қилаётган кимсага монe бўлмаслик мудохана бўлади. [Мудохана – хушомадгўйлик, лаганбардорлик ва ғайратсизлик деганидир.] Ҳаром иш қилувчига ёки ёнидагиларга бўлган ҳурмати ёхуд диний ғайратининг заифлиги мудоханага сабаб бўлади. Фитна чиқмайдиган, яъни дини ё дунёсига ёхуд ўзгаларга зарар етмайдиган пайтда, ҳаром ва макруҳ иш қилувчиларга монe бўлмоқ лозим. Тўсқинлик қилмаслик, жим туриш ҳаром бўлади. Мудохана [лаганбардорлик] қилиш, ҳаром ишланишига розиликни билдиради. Сукут сақлаш кўп жойда яхши. Лекин ҳақни, хайрни айтиш керак бўлган жойда сукут сақлаш яхши эмас. “Ё Расулаллоҳ! Ўтган умматлардан бир қисмига зилзила билан азоб берилди. Уларни ер ютди. Ахир ораларида солиҳлар [яхши одамлар] бор эди-ку!,”- дейилганда **“Ҳа, солиҳлар ҳам бирга**

ҳалок бўлди. Чунки Аллоҳга исён қилинаётганда улар индамай, сукут сақлаб турди. Осийлар билан ораларига масофа қўйиб, улардан айрилмади”- деб жавоб бердилар. Ҳадиси шарифларда: *“Умматимдан бир қисми қабрларидан маймун ва чўчқа қиёфасида чиққайлар. Улар Аллоҳу таолога исён қилганларнинг орасида бўлиб, улар билан бемалол еб-ичганлардир”* ва *“Аллоҳу таоло бир олимга илм эҳсон қилаётганда, худди пайғамбарлардан олганидекундан ҳам мийсоқ [ваъда] олади”* деб марҳамат қилинган. Олим, илмини керак бўлган жойда айтишдан чекинмасликка сўз беради. *“Бир кимса, Аллоҳу таоло эҳсон қилган илмини керак бўлган пайтда ишлатмаса, қиёмат куни бўйнига оловдан тасма илинади”* ҳадиси шарифи билан “Бақара” сурасининг: *“Ўзларига илм ва ҳидоят ато қилганимиздан кейин илмларини халқдан беркитган кимсаларга Аллоҳнинг ва лаънат қилгучиларнинг лаънатлари бўлсин!”* маолидаги юз эллик тўққизинчи ояти каримаси мудохана қилишнинг ҳаром эканлигини кўрсатмоқда.

Мудохананинг зидди, акси **“ғайрат”** ва салобатдир. “Моида” сурасининг эллик тўртинчи ояти каримасида маолан **“Аллоҳ йўлида жиҳод қилурлар, маломатдан, ёмонланишдан қўрқмайдилар”** деб марҳамат қилинган. Динда ғайрат ва салобати борларнинг мол-мулк, жон, сўз ва қаламлари билан Аллоҳ ризоси учун жиҳод қилишлари кераклиги ушбу ояти каримада билдирилмоқда. Ҳадиси шарифда: *“Жуда аччиқ бўлса ҳам ҳақни гапиринглар”* деб буюрилган. Бир зоҳид, Умавий халифаларининг тўртинчиси Марвоннинг¹ ҳузурида чолғу чалаётган созандаларни кўриб, чолғу асбобларини синдириб ташлади. Марвон аччиқланиб, зоҳидни арслонлар орасига ташлашни буюрди. Зоҳид арслонлар ёнида дарҳол намозга киришди. Арслонлар уни ялай бошлади. Соқчилар эртасига уни арслонлар ёнидан чиқариб, халифа ҳузурига элтишди.

- Арслонлардан қўрқмадингми,- сўради халифа.
- Йўқ, қўрқув ҳаёлимга ҳам келмади. Лекин кечаси билан ўйланиб чиқдим.
- Нимани ўйладинг?
- Арслонлар мени ялади, ажабо сўлаклари нажсмиди? Аллоҳу таоло намозимни қабул қилдими ёки йўқ?– деб ўйладим.

1. Марвон бин Ҳакам 65 (м.683) йили ўлдирилди.

Ўзига ёки ўзгаларга зарар етиш эҳтимоли бор деган андишада яхшиликни буюриш ва ҳаромни ман этиш мумкин бўлмаса, ундай фитнанинг олдини олиш мақсадида сукут сақлашга **“мудоро”** қилиш [вазиятни идора қилиш] дейилади. Қалби ҳаромни ман этгиси келиб туришига қарамай, мудоро қилиш жоиздир. Ҳатто бундан садақа савоби ҳосил бўлади. Мудоро қиларкан мутабассим ва хушмуомала бўлмоқ лозим. Талабага дарс, сабоқ бераётганда ҳам мудоро қилинади. Имоми Ғазолий (раҳима-ҳуллоҳу таоло) айтдиларки: «Инсонлар уч хилдир: Биринчи хили озикдек бўлиб, ҳаммага ҳамиша керак. Иккинчи хили худди дори-дармонга ўхшайди. Фақат эҳтиёж пайтида керак бўлади. Учинчи хили касалликка ўхшайди. Уларга асло эҳтиёж бўлмайди. Лекин ўзлари одамларга осилиб, мусаллат бўлишади. Ундайлардан кутулиш учун мудоро қилмоқ лозим.» Мудоро қилиш жоиз, баъзида мустаҳаб бўлади. Уйида завжасига мудоро қилмаган эрнинг турмушида ҳузур-ҳаловат бўлмайди. Расулulloҳга (саллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам) бир меҳмон келди. **“Ичкари киритинглар! У ёмон одам”**- дедилар. Ҳалиги одам киргач, унга хушмуомала кўрсатдилар. Меҳмон кетгач, мулоимлик билан суҳбатлашганларининг боисини сўрашди. **“Қиёматда энг ёмон жойда бўладиган одам, дунёда зараридан ҳимояланиш учун икром қилинган кишидир”** дедилар. Ҳадиси шарифда: **“Ҳеч кимдан уялмай очикча ҳаром иш қиладиган кимсани гийбат қилиш жоиз бўлганидек, балосидан қутулиш учун ундайларга мудоро қилиш ҳам жоиздир. Лекин мудоро, муҳофизатга айланиб кетмаслиги керак”**-деб марҳамат қилинган. Мудоро - дини ёки дунёсини зарардан ҳимоя қилиш учун дунё манфаатидан бериш деганидир. Золимга мудоро қиладиганда унинг шахси ва зулмларини мадҳ этиб бўлмайди.

ЎЖАРЛИК ВА МУКОБАРА (КИБР)

31. Қалб касалликларининг ўттиз биринчиси ўжарлик ва мукобара [кибр] бўлиб, ҳақ, тўғри гапни эшитиб қабул қилмаслиқдир. Абу Жаҳл ва Абу Толиб ўжарлик қилиб, Расулulloҳнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) пайғамбар эканликларига ишонмай, инкор қилди. Ўжарлик риёдан, ҳикдан, ҳасаддан ёки тамадан ҳосил бўлади.

Ҳадиси шарифда: *“Аллоҳу таоло энг ёмон кўрадиган кимса, ҳақни қабул этишида ўжарлик қилувчи одамдир”*- дейилган. Яна бир ҳадиси шарифда: *“Мўмин виқорли ва мулойим бўлади”*- деб марҳамат қилинган. Виқорли киши дунё ишларида осон мурсага келиб, қулайлик кўрсатади. Дин ишларида эса, худди мустаҳкам қоя сингаридир. Тоғ вақт ўтиши билан емирилиши мумкин, лекин мўминнинг дини асло емирилмайди.

НИФОҚ

32. Нифоқ – мунофиқ бўлиб, ичи ташқарисига мос келмасликдир. Қалбида қуфри бор одамнинг мўмин эканлигини даъво қилиши динда нифоқ бўлади. Қалбида адовати бор одамнинг, ўзини дўст қилиб кўрсатиши дунё нифоқи бўлади. Қуфрнинг энг ёмони динда нифоқ қилишдир. Мадина шаҳридаги мунофиқлар раиси Абдуллоҳ бин Убай бин Салул эди. Улар, мусулмонларнинг Бадр ғазовотидаги зафарларини кўриб, “биз ҳам мусулмон бўлдик”- деб айтишди. Лекин қалблари билан ишонмадилар. Ҳадиси шарифда: *“Мусулмонларга сўз орқали дўстлик кўрсатиб, хатти-ҳаракатлари орқали душманлик қилувчиларга Аллоҳу таоло билан фаришталар лаънат айласин”* ва *“Мунофиқнинг учта белгиси бор: ёлгон гапиради, сўзида турмайди ва омонатга хиёнат қилади”* деб марҳамат қилинган. Ундай одамлар мусулмон эканлигини айтса ҳам, намоз ўқиса ҳам мунофиқдир.

ТАФАККУР ҚИЛМАСЛИК

33. Инсоннинг ўз гуноҳларини ўйлаб, уларга тавба қилмоғи, тоат-ибодатларини ўйлаб, уларга ҳам шукр қилмоғи лозим. Махлуқлардаги ва ўз баданидаги нозик санъатларни, интизомни, ўзаро боғлиқликларни ўйлаб, Аллоҳу таолонинг борлигини ҳамда қудратини англамоғи керак. Махлуқлар ва мавжудотларнинг барчасига **“олам”** дейилади.

[Олам уч қисмдан иборат: **“Олами ажсод”** [моддий], **“Олами арвоҳ”** [руҳий] ва **“Олами мисол”**. Булардан олами мисол - вужудий

олам эмас, балки кўриниш олами бўлиб, ҳар мавжудотнинг ушбу оламда бир кўриниши бор. Олами арвоҳ – Аршдан ўзгалар олами бўлиб, моддий эмас. Унга **“олами амр”** ҳам дейилади. Олами ажсод – модда оламидир. Унга **“олами халқ”** ҳам дейилади. Бу ҳам иккига бўлинади: Инсонга **“олами сағийр”** [кичик олам] дейилади. Инсондан ўзга мавжудотнинг барчасига **“олами кабийр”** [катта олам] дейилади. Олами кабийрда бор бўлган ҳамма нарсанинг олами сағийрда биттадан намунаси, ўхшаши бўлади. Инсон қалби руҳ оламига очилган бир эшиқдир. Кофирларда бу эшик ёпиқ, хароб бўлган. Шунинг учун кофирларнинг руҳ оламидан хабарлари йўқ ва бўлмайди ҳам. Қалбнинг ҳаёт топиши, руҳ оламига очилиши учун ягона чора - иймон келтириб, мусулмон бўлишидир. Мўминнинг қалб эшигидан олами амрга кириб, ушбу оламда чексизлик сари, абадий ҳаёт томон илгарилар олиши учун иш, амал қилиши лозим. Исломиётнинг саккиз асосий илмидан бири бўлмиш **“тасаввуф”** илми мана шу иш-амалларни ўргатадиган улуғ илмдир. Ушбу илм соҳаси мутахассисларига **“валий”** ва **“муршид”** дейилади. Муршидларнинг энг машҳури имоми Раббоний Аҳмад Форуқийдир. Ҳижрий 1034 (м. 1624) йили Ҳиндистонда вафот этган.

Тиббиёт ва фан факультетларида ўқиб, махлуқлардаги санъат инжаликларини, ораларидаги ҳисобли боғлиқликларни кўриб, англай олган эс-хуши жойида бўлган одамнинг Аллоҳу таолонинг борлигига, бирлигига, буюклигига, илмига, куч-қудратига ишонмаслиги мумкин эмас. Ишонмайдиган кимсанинг анормал, хомкалла, жоҳил бўлиши ёки ўжар, шахватига берилган тентак бўлиши ёхуд нафсининг асири бўлган, халқни қийнашдан завкланадиган золим садист бўлиши тақозо қилади. Кофирларнинг ҳаётлари таҳлил қилинса, юқоридаги уч қисмдан бирига дахлдор эканликлари маълум бўлади.]

Ҳадиси шарифда: **“Мавжудотлардаги низомни ўйлаб, Аллоҳу таолога иймон келтиринглар!”** деб марҳамат қилинган. Астрономияни ўқиб, ер курраси, ой, қуёш ва барча юлдузларнинг муаллақ айланишларида ҳамда ораларидаги масофаларидаги интизомни, мувозанатни тушунган одамнинг иймони кучаяди. Тоғлар, маъданлар, дарё-денгизлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва ҳатто микробларнинг яратилишида беҳисоб фойдалар мавжуд. Ҳеч қайсиси бекорга, кераксиз, шунчаки яратилмаган. Булутлар, ёмғирлар, чакмоқ ва яшинлар, ер ости сувлари ва энергия моддалари,

ҳаво, хуллас ҳар бир модда ва жисм маълум хизматлар билан муайян вазифаларни бажаради. Одамзот мана шу сон-саноксиз махлуқотнинг беҳисоб хизматларидан бугунгача жуда оз қисмини англай олган. Махлуқларни тушуниб етмаган инсон ақли, уларнинг холиқини, яратувчисини қандай тушуна олади? Унинг улуғлиги билан сифатларини бироз англай олган ислом олимлари ҳайратга тушганлар: «Уни тушуниш умуман англашила олмаслигини тушунишдир»- деганлар.

Мусо алайҳиссалом умматидан бири ўттиз йил ибодат қилади. Бир парча булут унга соя солиб офтоб тигидан ҳимоя қилиб туради. Бир куни булут келмай ҳалиги одам офтобда қолиб кетади. Сабабини онасидан сўрайди.

- Ҳар ҳолда бирон гуноҳ қилгандирсан,- дейди онаси.
- Йўқ, гуноҳ қилмадим, - дейди ўғли.
- Осмонга, гулларга қарамадингми? Уларни кўриб, яратганнинг азаматини [улуғлигини] фикр қилмадингми?
- Қарадим. Лекин тафаккурда қусур қилдим, чамаси.
- Ундан ҳам катта гуноҳ бўладими? Дарров тавба қил! - дейди онаси.

Ақли жойида бўлган ҳар бир одам, тафаккур вазифасини асло қанда қилмаслиги керак. Эртага ўлмаслигидан амин одам борми? Аллоҳу таоло ҳеч нарсани ботил, фойдасиз қилиб яратмаган. Одамзот тушуниб етмаган, илғамаган фойдалар тушуна олганларидан анча кўп. Тафаккур тўрт хил бўлади, деганлар. Аллоҳу таолонинг махлуқотдаги беқиёс санъатини, фойдаларини тафаккур қилиш, Унга ишонишга ва севишга сабаб бўлади. Ваъда қилган савобларини тафаккур қилиш, ибодатга сабаб бўлади. У хабар берган азоблар ҳақида тафаккур, Ундан қўрқишга, ҳеч кимга ёмонлик қилмасликка сабаб бўлади. Шунча неъматларига, эҳсонларига қарамай, нафсига берилиб, гуноҳ қилганини, ғафлатга ботганини тафаккур қилиш эса, Аллоҳдан ҳаё қилишга, уялишга сабаб бўлади. Аллоҳу таоло еру осмонларда жойлашган махлуқоту мавжудотлар ҳақида ўйлаб, ибрат оладиганларни севади. Ҳадиси шарифларда: **“Тафаккурдек қийматли ибодат йўқ”** ва **“Бир зумлик тафаккур олтмиш йиллик ибодатдан хайрлироқдир”**- деб марҳамат қилинган. Имоми Ғазолийнинг форсий “Кимёи саодат” китобида тафаккур мавзуси кенг ёритилган.

МУСУЛМОНГА БАДДУО

34. Ҳадиси шарифларда қуйидагича марҳамат қилинган: **“Ўзларингга, фарзандларингга ёмон дуо қилманглар. Аллоҳнинг тақдирига рози бўлинглар. Неъматларини орттириши учун дуо қилинглар”** ва **“Она-отанинг ўз боласига ва мазлумнинг золимга қилган баддуолари [қарғишлари] рад этилмайди”**.

Бирон мусулмоннинг кофир бўлиши учун дуо қилган кишининг ўзи кофир бўлади. Бирон золимнинг кофир бўлиб ўлиб, абадий азоб чекишини исташ куфр бўлмайди. Мусо алайҳиссаломнинг шундай қилгани Куръони каримда келтирилган. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (раҳима-хуллоҳу таоло) «Бирон мўминнинг кофир бўлишини истамоқ куфр бўлур»- деганлар. Золимдан ўзгаларга баддуо қилиш ҳаромдир. Золимга фақат зулми миқдорича баддуо қилиш жоиз бўлади. Жоиз бўлган ишнинг миқдори, узрнинг миқдорича бўлади. Лекин золимга ҳам баддуо қилмай, сабр этиш ва ҳатто афв этиш яхшироқдир. Зиммийга, [мусулмон давлатнинг кофир халкига] ва ҳар қандай кофирга “Аллоҳ умр берсин” деб хайр дуо қилиш жоиз эмас. Мусулмон бўлиши учун ёки жия [солик] тўлаб мусулмонларнинг қувватланиши учун шундай дуо қилиш жоиз бўлади. Кофирга ҳурмат билан салом берган киши кофир бўлади. Кофирга ҳурмат-эҳтиром билдирувчи сўз айтмоқ, масалан, “устозим” деб улуғлаш куфр бўлади.

МУСУЛМОНГА ЁМОН ЛАҚАБ ҚЎЙИШ

35. Мусулмонга ёмон лақаб тақиш ёки ўзгалар таққан ёмон лақаб билан чақириш жоиз эмас. Кишига фамилия ва мустаор исм [тахаллус] қўйиш жоиз. Масалан: Сиддиқ Гумуш – Ҳусайн Ҳилми Ишикнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) мустаор номлари, яъни таҳаллусидир. Ҳадиси шарифда: **“Исми ёмон бўлган одам уни чиройли исмга алмаштирсин!”** деб марҳамат қилинган. Масалан, Осия [осий] исмини Жамила [гўзал] деб алмаштирган маъкул. Мусулмонга чиройли исм қўйиш жоиз. Лекин болага мадҳ этувчи исмлар қўймаслик керак. Масалан, болага Рашид, Амин исмини қўймаслик лозим. Мухйиддин [динни тирилтувчи],

Нуриддин [диннинг нури] сингари исмлар ҳам ёлгон ва бидъат бўлади. Фосиқлар, жоҳиллар ва муртадларни бундай исмлар билан аташ, чақириш макруҳ бўлади. Чунки булар мадҳ этувчи, мактовчи исмлар бўлиб, уларни мажозий маънода ишлатиш ҳам тўғри эмас. Ўз фарзандларига бу исмларни тафаул қилиб [омадли бўлсин деган яхши ниятда] қўйиш жоиз бўлади дейилган. Солиҳликлари билан машҳур бўлган олимларни шу исмлар билан аташ жоиз ва фойдалидир.

[Ибн Обидин (раҳима-хуллоху таоло) бешинчи жилдда бундай деганлар: «болага қўйиладиган исмлар орасида энг афзали Абдуллох, сўнгра Абдуррахмон, кейин Муҳаммад, сўнгра Аҳмад, ундан кейин Иброҳимдир. Аллоху таолонинг исмларидан бўлмиш Али, Рашид, Азиз каби исмларни қўйиш ҳам жоиз. Лекин бу исмларни тилга олганда ҳурмат билан гапириш лозим. Билиб туриб ҳурматсизлик қилган одам кофир бўлади. Масалан, Абдулқодир деган одамни ҳазиллашиб Абдулқўйдир деб чақириш, Ҳасанни “Ҳассо”, Иброҳимни “Ибо” дейиш, бу исмларни масхара қилиш бўлади. Нияти масхара қилиш бўлмаса, куфр бўлмаса ҳам, куфрга яқин нарсани гапиришдан эҳтиёт бўлиш керак. Бола туғилгандан кейин ўлса, исм қўймасдан дафн этилмайди. Абдуннабий [пайғамбар қули] деган исм жоиз бўлса ҳам, эҳтиётган қўймаган маъқул.»

Саййид Абдулҳаким Арвосий ҳазратлари хижрий камарий 1362 (м. 1943) йилда вафот этгунларигача Истанбулда, Боязид жомесида сешанба, пайшанба ва шанба кунлари пешин намозидан кейин йигирма беш йил давомида ваъз ва иршод қилганлар. Бир ваъзларида: «Фарзанднинг ота-онаси зиммасида уч ҳаққи бор: туғилганида мусулмон исми қўймоқ; оқил бўлганида китобат, илм ва санъат ўргатмоқ; балоғатга етганида дини ва ахлоқи чиройли мусулмон топиб, уйлантирмоқдир»-, деганлар. Қизларини шундай турмушга берган ота-она, хатто ҳар бир ақробою аҳбоблар ва хаттоки қўшнилари ҳам жуда катта савоб қозонадилар. Европада, Америкада дин, адаб душмани қилиб вояга етказилган юзлаб таги пастларга сохта диплом берилиб, профессор деган ном ва этикетлар ёпиштирилиб, ислом мамлакатларига юборилмоқда. Бу жоҳил кофирлар лицейлар билан университетларга муаллим ва домла бўлиб жойлашмоқда. Улар, тузоқларига туширган мусулмон фарзандларини динсиз, мазҳабсиз қилиб етиштирмоқда. Ана шундай ажнабий фикриёт таъсирида етилган авлодлар осонгина хоинга, қотилга айланмоқда.]

УЗРНИ РАД ЭТИШ

36. Мусулмоннинг узрини рад этиш макрух. Ҳадиси шарифда: *“Мусулмон биродарининг узрини қабул қилмаслик гуноҳ бўлади”*- деб марҳамат қилинган. Узрни қабул қилиш ва айбларни кечириш Аллоҳу таолонинг сифатларидандир. Ана шундай ҳулқда бўлмаган кимсага Аллоҳу таоло ғазаб ва азоб қилади. Узр сўраш уч хил бўлади: “Нега қилдим? Ёки шунинг учун қилдим. Кошки қилмасайдим”- дейиш ёки “қилдим, бошқа қилмайман”- дейиш. Ёхуд “қилмадим”- деб инкор қилишдир. “Қилдим, бошқа қилмайман”- дейиш тавба ҳисобланади. Мўмин афв этиш учун узр сўралишини кутади. Мунофиқ айбларнинг ошкор бўлишини хоҳлайди. Ҳадиси шарифларда: *“Иффатли бўлинглар. Жирканч ишлар қилманглар. Хотинларингни ҳам афиф [иффатли] қилинглар”* ва *“Иффатли бўлсанглар, хотинларинг ҳам ор-номусли, иффатли бўлади. Она ва оталарингга эҳсон қилсанглар, болаларинг ҳам сенларга эҳсон қилади. Дин биродарининг узрини қабул қилмаган одам кавсар ҳовузидан ичмайди”*- деб марҳамат қилинган. Ушбу ҳадиси шариф, дин биродарининг ёмонлик қилганини ва узрининг ёлғонлигини билмаган одамларга тегишли. Чунки унинг узрини рад этиш мусулмонга суи-зан [ёмон гумон] қилиш бўлади. Ёлғон гапираётганини билиб туриб узрини қабул қилиш афв бўлади. Афв этиш вожиб эмас, мустаҳабдир.

ҚУРЪОНИ КАРИМНИ НОТЎҒРИ ТАФСИРЛАШ

37. Тафсир — “баён қилиш”, “кашф этиш”, билдириш ва очиқлаш [изоҳлаш] деганидир. **Таъвил** - ружуъ этмоқдир. Тафсир бир маъно бермоқдир. Таъвил — турли маънолар орасидан бирини танламоқдир. Ўз райи, ўз тушунчаси билан тафсир қилиш жоиз эмас. Тафсир ривоят билан амалга оширилади. Таъвил диroyат [ақл-фаросат] билан бажарилади. Ҳадиси шарифда: *“Қуръони каримни ўз тушунчаси билан изоҳлаган одам, тўғри айтган бўлса ҳам, хато қилган бўлади”*- деб марҳамат қилинган. Расулуллоҳдан (саллаллоҳу алайхи ва саллам), Асҳоби

киромдан (розиаллоху анҳум) келган хабарларга, олимларнинг тафсирларига ҳамда тафсир илмининг усулига қарамасдан, Қурайш луғатини [тилини] билмасдан, ҳақиқат ила мажозни ўйламасдан, мужмал, муфассал, умумий, хусусий бўлганларни бир-биридан фарқламасдан, ояти карималарнинг нозил бўлиш сабабларини ҳамда носих [аввалги бир ҳукми бекор қилувчи] ва мансух [бекор қилинган ҳукм] бўлганларини тадқиқ қилмасдан берилган маънони, Аллоҳу таолонинг каломи сифатида тақдим қилиш тўғри бўлмайди. **Тафсир** - каломи илоҳийдан [илоҳий сўздан] муроди илоҳийни [илоҳий мақсадни] англамоқ деганидир. Ўзлигидан берган маъно тўғри бўлса ҳам, машру ва ҳақ йўлдан чиқарилмагани учун хато бўлади. Агар берган маъноси нотўғри бўлса, кофир бўлади. Ҳадиси шарифларни ҳам саҳиҳ ёки бузуқ эканлигини билмасдан гапириш саҳиҳ бўлса ҳам, гуноҳ бўлади. Ундай одамларнинг ҳадиси шариф ўқишлари жоиз бўлмайди. Ҳадис китобларидан ҳадис нақл эта олиш учун ҳадис олимларидан ижозат олган бўлиш лозим. Ҳадиси шарифда: **“Ўзи тўқиган бир гапни ҳадис сифатида айтган одам жаҳаннамда азоб тортади”** - дейилган. Куръони каримни тафсир олимларидан, ижозати йўқлар эса, тафсир китобларидан олиб айтиши ва ёзиши жоиз. Юқорида билдирилган тафсир қилиш шартларига жавоб бера оладиган одам, ёзма ижозати бўлмасдан тафсир ва ҳадис нақл эта олади. Ижозат [диплом] бериш учун пул олиш жоиз эмас. Салоҳияти [лаёқати] бор одамга ижозат бериш вожибдир. Салоҳияти йўқ талабага ижозат бериш ҳаром бўлади.

Ҳадиси шарифларда: **“Куръони каримга салоҳияти бўлмасдан маъно берган одам жаҳаннамда азобга учрайди”**, **“Билмаганини ҳадис деб гапирувчи одам жаҳаннамда азобланади”**, **“Куръони каримга ўз тушунчаси бўйича маъно берган одам жаҳаннамга кетади”** – деб, огоҳлантирилган. Бидъат оқимларидаги кимсаларнинг ўз бузуқ эътиқодларини исботлаш учун ояти карима ва ҳадиси шариф келтиришлари мана шунга мисол бўлади. [Шиалар, ваҳҳобийлар, табиғи жамоатчилар, Мавдудийчилар, Саййид Қутбчилар шу жумладандир. Юсуф Набҳоний (рахматуллоҳи алайҳ) шундай бузуқ тафсирларни **“Шавоҳид-ул-ҳақ”** китобида кенг изоҳлаганлар. “Куръони каримнинг ташқи маъноси бўлганидек ички маъноси ҳам бор”, деб ўзларича

маъно берувчилар [зиндиклар] ҳам шундайдир. Калималарнинг ўз даврларидаги, ўз жамиятларидаги маъноларига кўра тафсир қилувчилар ҳам адашувчилардир.

Усманий давлатидаги олимлардан Нух бин Мустафо Қўнявий (рахима-хуллоху таоло) х.1070 [м.1660] йили Қоҳирада вафот этган. Муҳаммад Шаҳристонийнинг (рахима-хуллоху таоло) “**Милал ва Ниҳал**” китобида қилган таржимасида бундай деганлар: «**Исмоилия** фирқасида бўлганлар “имоми Жаъфар Содиқнинг тўнғич ўғли Исмоилнинг йўлидамиз” деганлари учун шундай номланганлар. Уларга **Ботиния** фирқаси ҳам дейилади. Чунки “Қуръони каримнинг зоҳирий маъноси бўлганидек ботиний маъноси ҳам бор. Зоҳирий маъноси фикҳчилар қолиплаштирган маълум ва чекланган ишлардир. Ботиний маъноси эса, Қуръоннинг ички маъноси бўлиб, у чексиз денгиз”, - дейдилар. Зоҳир маъносини ташлаб, ботин деб атаган ўз тўқиганларига ишондилар.» Холбуки, пайғамбаримиз (саллаллоху алайҳи ва саллам) Қуръони каримнинг зоҳир, очиқ маъносини билдирганлар. Қуръоннинг зоҳир маъносини кўйиб, унга ички маъно тўқиш куфр ва зиндиклик бўлади. Шу ҳийлалари орқали исломиятни йўқотишга уриндилар. Чунки “**мажусийлар**”, яъни оташпарастлар исломнинг ёйилишини олдини олиш учун пешволари Ҳамдан Қурмут бошчилигида ўша фитнани оловлантириб, **Қаромита** давлатини қурди. Ҳожиларни қатл этиб, ҳажар-ул-асвадни Каъбадан олдириб Басрага келтирди. “Жаннат – дунё лаззатларидир, жаҳаннам эса шариатга итоатдир” деб жар солдирди. Ҳаром ишларни “чиройли санъатлар” деб номладилар. Ислом дини жирканч, фахш деб таърифлаган беҳаёликни мораль [ахлоқ] таълими деб ёшларни сафолатга – уятсизликка ўргатдилар. Давлатлари исломиятга катта зарар етказди. Ҳижрий 372 [м.983] йили ғзаби илоҳийга учраб, маҳв бўлдилар.]

Тафсирни нақлга суянган ҳолда қилиш керак. Тафсир қила олиш учун қуйидаги ўн беш илмни билиш лозим: Луғат, наҳв [синтаксис], сарф [морфология], иштикок [сўз ясалиши], маъоний, баён, бадий, қироат, усули дин, фикҳ, асбоби нузул, носих ва мансух, усули фикҳ, ҳадис, илми қалб. Бу илмларни билмаган одамнинг тафсир қилиши жоиз эмас. Ислом аҳкомига амал қилувчи росих илмли олимларга Аллоху таолонинг бевосита

эхсон қиладиган илмига “мавҳиба” ёки “қалб илми” дейилади. Ҳадиси шарифда: *“Илми билан амал қилган одамга Аллоҳу таоло билмаганларини билдиради”* деб марҳамат қилинган. Юқоридаги ўн беш илмга молик бўлмаган кишининг тафсирга қўл уриши катъиян жоиз эмас. Агар қўл урса, ўз калласидан ва шахсий фикри бўйича тафсир қилган бўлиб, жаҳаннамда ёнишга мустаҳақ бўлади. Ҳадиси шарифда: *“Қирқ кун ихлос билан исломиятга амал қилган одамнинг қалбини Аллоҳу таоло ҳикматга тўлдиради. Энди у ҳикмат айта бошлайди”* деб марҳамат қилинган. Муташобих [маъноси очиқ бўлмаган] оятларга маъно берган одам ўз калласидан тафсир қилган бўлади. Барча бидъат оқимларининг тафсирлари ана шундай ёзилган.

Қуръони каримдаги маълумотлар уч қисмдан иборат: Бир қисмини ҳеч бир бандасига билдирмаган. Зоти билан сифатларининг ҳақиқати ҳақида ва ғойибдан хабар бериш туркумидаги маълумотлар мана шу қисмдандир. Иккинчи қисм, ёлғиз пайғамбарига билдирган сирларидир. Буларни пайғамбар (алайҳиссалом) фақат Аллоҳу таоло изн берган инсонларгагина билдиради. Учинчи қисм маълумотларни пайғамбарига (алайҳиссалоту вассалом) билдирган бўлиб, бутун умматга етказишини буюрган. Мана шу учинчи қисм ҳам ўз ичида иккига бўлинади: Биринчиси фақат эшитиш орқали ўрганилади. Қиёмат ҳоллари шу жумладан. Иккинчиси кўриб тадқиқ қилиш ва ўқиб маъносини уқиш орқали ўрганилади. Иймон ва ислом илмлари шундай. Мужтаҳид имомлар ҳам нассларда очиқ билдирилмаган масалаларни катъий равишда тушуна олмай, ихтилофга тушганлар. Шу тариқа амалда турли мазҳаблар вужудга келган. Юқорида қайд қилинган ўн беш илмга эга олимларнинг чиқарадиган маъноларига тафсир эмас, **таъвил** дейилади. Чунки бу маъноларга барибир шахсий раъйлари аралашади. Яъни тушунган турли маънолари орасидан биттасини танлашда ўз раъйларидан фойдаланади. Агар танлаган маъно, ояти карималар билан ҳадиси шарифларнинг очиқ маъноларига ёки ижмога мос келмаса, фосид бўлади [ҳеч нарсаса ярамайди]. **“Барийқа”** китоби охирида рақснинг ҳаромлиги баҳсида бундай дейилган: «Биз - мусулмонларга тафсир китобларига қараб амал қилишимиз буюрилмаган. Фикҳ китобларига тобе бўлишимиз буюрилган.»

ҲАРОМ ИШ ҚИЛИШДА ИСРОР

38. Гуноҳ ишга қасд қилиш, оз ишласа ҳам, исрор [ўжарлик] этиш бўлади. Қасд қилмоқ – кўнглига туғиш, ният қилиш, ирода қилиш ва қарор бериш орқали амалга ошади. Қарор бергач бир марта шу ишни қилса ҳам исрор [оёқ тираб туриб олиш] бўлади. Ҳеч қилмаса, доим қилишни кўнглига туғиб юриши, қарор бериши исрор бўлмайди. Давомли қилишга қарор бериб, ортидан гуноҳни қилиб, кейин пушаймон бўлиб, тарк этса, исрор бўлмайди. Такрор қилиб, яна тавба қилса, яна исрор бўлмайди. Бир кунда бир неча марта гуноҳ қилиб, ҳар биридан кейин тавба қилиш гуноҳда исрор [гуноҳда оёқ тираб туриб олиш] бўлмайди. Тавба қилаётганда гуноҳ содир қилганига пушаймон бўлиб қайғуриш ва гуноҳдан дарров воз кечиб, энди гуноҳ қилмасликка қарор бериш шарт. Мана шу уч шартни бажармасдан ёлғиз тил билан тавба қилиш ёлғончилик бўлади. Кичик гуноҳларда оёқ тираб, ўжарлик билан исрор қилиш катта гуноҳ бўлиб, бир катта гуноҳни бир марта қилишдан ҳам каттароқ гуноҳга айланади. Тавба қилса, катта гуноҳ ҳам афв этилади. Кичик гуноҳни кичик ва арзимас деб билиш катта гуноҳдир. Кичик гуноҳ қилганини айтиб мақтаниш катта гуноҳ бўлади. Кичик гуноҳ содир қилган одамни олим ва солиҳ деб ўйлаш ҳам катта гуноҳдир. Кичик гуноҳ содир қилиб қўйганда ҳам Аллоҳу таолодан ва азобидан ҳайиқиш керак. Аллоҳу таолодан уялмаса ва азоб берилишини ўйлаб кўрмаса, катта гуноҳ қилган бўлади.

Қалби нопок кимсага обрў берурми мансаб?

Тилла эгар урсанг ҳам, эшак ҳамон эшакдир!

ҒИЙБАТ ҚИЛМОҚ

39. Маълум бир мўмин ёки зиммий кишининг [ғайри муслим ватандош] айбини уни ёмонлаш мақсадида орқасидан гапириш ғийбат бўлади. [Ёмонлаётган сўзлар тўғри бўлса **ғийбат**, ёлғон бўлса, **туҳмат** бўлади. Ғийбат ва туҳмат сўзлар айтиш катта гуноҳ бўлганидек, уларни тинглаш ҳам ҳаромдир. Айтган ва тинглаган одам жаҳаннамда ёнади. Айтган одамни жим бўлишга ундаш керак. Жим бўлмаса у ердан туриб кетиш лозим. Ва уларга хайр

дуо қилиш керак. Дўст-ёрлар исмини ёзиб деворга осиш, шу исмларни ҳар кўрганда, исм эгаларига хайр дуо қилиш лозим. Мозорлар бошига тош ўрнатиб, майит исми ёзилади, ўтиб кетаётиб кўрганлар, шу майитга раҳмат ва истиғфор ўқийдилар. Йиллар бўйи шундай дуоларга қовушган майитлар қабр азобидан қутулади.] Ғийбат ҳаромдир. Тинглаётган одам ғийбат қилинаётган кимсани танимаса, ғийбат бўлмайди. Ғийбат қилинган кимса бунини эшитса, хафа бўлади. Баданида, насабида, ахлокида, ишида, сўзида, динида, дунёсида ва ҳатто кийимида, уйида, ҳайвонида мавжуд бирон камчилик орқасидан гапирилганда эшитиб хафа бўлса, айтилганлар ғийбат бўлади. Қоғозга ўраб, киноя билан, имо-ишора, хатти-ҳаракат билан билдириш, ёзиб етказиш ҳам ғийбат ҳисобланади. Бир мусулмоннинг гуноҳи ва камчилиги гапирилганда қорилар, дин арбоблари, имомларнинг “алҳамдулиллоҳ биз ундай эмасмиз” дейишлари ғийбатнинг энг ёмони бўлади. Бирон киши ҳақида гап кетаётганда “алҳамдулиллоҳ Аллоҳ бизни ҳаёсиз қилмади” қабилида уни ёмонлаш энг жирканч ғийбатлардандир. “Фалончи ўзи яхши одам, лекин ибодатда фалон айби бўлмаса, ундан ҳам яхши бўларди”, дейиш ғийбатдир. “Ҳужурот” сураси ўн иккинчи оятида маолан **“Бир-бирингнинг ғийбат қилманглар!”** деб буюрилган. Ғийбат одамларни бир-бирига гиж-гижлаш деганидир. Ўзгани ғийбат қилиш - ўлган одамнинг гўштини еган билан бир, дейилган. Ҳадиси шарифда: **“Қиёмат кунини бир банданинг савоб дафтари очилади. “Ё Раббим! Дунёда мен фалон ибодатларни қилгандим. Саҳифада булар ёзилмай қолибди, дейди. Улар дафтарингдан ўчирилиб, ғийбат қилган одамларингнинг дафтарига ёзилди, дейилади”** ва **“Қиёмат кунини бир кимсанинг ҳасанот [яхшилиқ] дафтари очилади. Қилмаган ибодатларининг савобини у ерда кўради. Булар сени ғийбат қилганларнинг савобларидир, дейилади”**- деб марҳамат қилинган.

Абу Хурайра (розиаллоҳу анҳ) айтадилар: «Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан ўтирган эдик. Орамиздан бири туриб кетди. Ё Расулаллоҳ! Ёқтирмагани учун кетди, дейишди. **“Шеригингизни ғийбат қилдингиз, гўштини едингиз”**, дедилар.» Оиша (розиаллоҳу анҳо) айтадилар: «Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида бир хотиннинг бўйи узунлигини айтдим. **“Оғзингиздагини чиқариб ташла!”** дедилар.

Туфладим. Оғзимдан бир парча гўшт тушди.» Аллоху таоло сифат ва хусусиятларни жисм тариқасида кўрсатишга қодир. Ғийбат - диндош биродари ёки зиммий эшитса хафа бўладиган бир камчилигини орқасидан гапиришдир. Аллоху таоло Мусо алайҳиссаломга ваҳий юбориб бундай деди: “Ғийбат қилиб, тавба этган банда жаннатга ҳаммадан кейин киради. Ғийбат қилиб, тавба этмаган банда жаҳаннамга ҳаммадан олдин киради”. Иброҳим Адҳам (раҳима-хуллоху таоло) бир зиёфатга таклиф қилинганди. Меҳмонга чақирилганлардан бири ҳали келмагани айтилганда “у ўзи шунақа кечикиб юради” дейилди. Иброҳим бин Адҳам (раҳима-хуллоху таоло) бу ерда ғийбат қилинди, деб зиёфатдан туриб кетдилар. Ҳадиси шарифда: ***“Бир кимса ҳақида айтилган қусур унда бор бўлса, бу сўз ғийбат бўлади. Йўқ бўлса, бўҳтон, ифтиро, яъни тухмат бўлади”*** деб марҳамат қилинган. Кишининг диндаги қусурларини айтиш, масалан, “намоз ўқимайди, шароб ичади ёхуд ўғрилиқ қилади, гап ташийди” ва дунёвий қусурларини айтиш, масалан, “қулоғи кар, кўзи ғилай”,- дейиш ғийбат бўлади. Диндаги камчиликлари агар уни ёмонлаш мақсадида айтилса, ғийбат бўлади. Унинг ислоҳини ўйлаб айтилса, ғийбат бўлмайди. Ачиниб айтилса ҳам ғийбат бўлмайди, дейилди. “Бу маҳаллада бенамозлар бор ёки коммунистлар [динсизлар] бор, ўғрилар бор”, дейиш ғийбат бўлмайди. Чунки, аниқ бир шахс айтилмаяпти.

Бир киши намоз ўқиб, рўза тутиб юриб қўли билан одамларга зарар етказса. Масалан, калтакласа, молларини зўравонлик билан тортиб олса, ўғирласа. Ёки тили билан халққа зарар етказса. Масалан, сўкса, иғво қилса, ғийбат қилса, гап ташиша, булар ҳаммаси ошқора қилинаётган гуноҳга ётади. Кишининг ҳеч кимдан яширмай, ошқора қилаётган фисқу фасоди ва ҳаромлари ҳақида гапириш ғийбат бўлмайди. Ундайларни тегишли жазо бериши учун ҳукуматга [органларга] арз қилиш гуноҳ бўлмайди. Бир киши отасидан яшириб ҳаром ишлар қилса, отасининг уни йўлга сола олишини билган одам, уни отасига айтиши ёки ёзиб хабар бериши лозим. Агар йўлга сола олиши номаълум бўлса, хабар бериш жоиз бўлмайди. Чунки душманликка сабаб бўлади. Кишининг ёмонлигини, зарарларини унга ачинганидан ёки ўзгаларнинг ундан эҳтиёт бўлишлари учун айтса, ғийбат бўлмайди. Уни ёмонлаш учун айтса, ғийбат бўлади. Олти ҳолатдаги одамнинг камчилик ва

айбларини орқасидан айтиш ғийбат бўлмайди: Унга ачинганидан айтиш; унга чора кўришлари учун айтиш, фатво олиш учун айтиш; мусулмонларни унинг ёмонлигидан эҳтиёт қилиш учун айтиш. Ўша айб унга ном бўлиб қолган бўлса, уни шу ном билан танитиш мажбуриятида бўлиш. Ҳамма биладиган фиски [гуноҳи], бидъати ва зулмини айтиш. Аччиқкланиб, уни ёмонлаш ниятида айтилса, ғийбат бўлади. Сотувдаги молнинг айбини харидорга айтиш сотувчини ғийбат қилиш бўлмайди. Уйланадиган йигитга никоҳига олмоқчи бўлган қизнинг айбларини айтиш ғийбат эмас, насихат бўлади. Бир нарсадан беҳабар одамга насихат бериш вожибдир. Очикча ҳаром иш қиладиган, зулм ўтказадиган кимсанинг очик бўлмаган бошқа айбларини айтиш ғийбат бўлади. Ҳадиси шарифда: **“Ҳаё жилбобини ечган одам ҳақида гапириш ғийбат бўлмайди”** деб марҳамат қилинган. Жилбоб – аёлларнинг кенг бош ёпинчиғи, рўмоли. Бу ерда “ҳаё жилбобини ечиш” ҳеч кимдан яширмай очикчасига ҳаром иш қилиш дегани. Ҳадиси шариф, ундай кимсаларнинг ҳаёси йўқлигига ишора қилмоқда. Имоми Ғазолий ва баъзи олимлар (раҳима-ҳумуллоху таоло) «очикча гуноҳ қилувчининг ва бошқаларнинг айбини айтиш ғийбат бўлиши учун уни ёмонлаш шарт эмас», деганлар. Шунинг учун ғийбатдан жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Инсонни ғийбат қилишга ундовчи сабаблар кўп. Бу ерда шулардан ўн биттасига тўхталиб ўтилади: Унга нисбатан адоват; ҳамсуҳбатларининг фикрига қўшилиш тушунчаси; ёқтирмаган кимсани ёмонлаш; ўзининг ўша гуноҳни қилмаганини билдириш; ўзининг ундан ортиқ эканлигини кўз-кўз қилиш; уни ҳасад қилиш; ҳамсуҳбатларини кулдириш; ҳазиллашиш; уни масҳара қилиш; кутмаган одамнинг ҳаромга қўл урганига ҳайратини, унга хафа бўлганини, унга ачинганини айтиш; ҳаром иши учун уни ёмон қўриб қолганини айтиш.

Ғийбат ўз савоблари камайиб, бошқаларнинг гуноҳлари зиммасига ортилишига сабаб бўлади. Буларни ҳамиша ўйлаб юриш ғийбат қилишга моне бўлади.

Ғийбат уч хилдир: Биринчисида, “мен ғийбат қилмадим, унда бор нарсани гапирдим”, дейди. Бундай гапириш куфр бўлади, чунки ҳаромга ҳалол деган, бўлади. Иккинчисида, ғийбат қилинаётган кимсага эшиттирилади. Бу жуда катта гуноҳ ва ҳаром бўлади.

Тавба билан кечирилмайди. У билан ҳалоллашиш ҳам керак бўлади. Учинчисида, ғийбат қилинаётган кимсанинг бундан хабари бўлмайди. Бу тавба-истиғфор қилиш ва унга хайр дуо қилиш билан афв этилади.

Ёнида ғийбат қилинаётганини эшитган одам дарров унга моне бўлиши керак. Ҳадиси шарифларда: *“Дин биродарига, унинг хабари бўлмасдан ёрдам берган одамга Аллоҳу таоло дунёда ва охиратда ёрдам беради”* ва *“Ёнида дин биродари ғийбат қилинганда, кучи етгани ҳолда унга ёрдам бермаган кимсанинг гуноҳи дунёда ва охиратда ўзига кифоя қилади”, “Бир одам дунёда дин биродарининг ирзини (обрў-номуси) ҳимоя қилса, Аллоҳу таоло бир фаришта юбориб, уни дўзах азобидан ҳимоя қилади”, “Бир кимса дин биродарининг ирзидан (обрў-номуси) бирон нарсани ҳимоя этса, Аллоҳу таоло, уни жаҳаннам азобидан ҳимоя қилади”* деб марҳамат қилинган. Ғийбат қилинаётганда ўша ерда бўлган одам кўркмаса сўз билан, кўркса қалби билан рад этмаса, ғийбат гуноҳига шерик бўлади. Гапини бўлиш ёки ўрнидан туриб кетиш мумкин бўлса, шундай қилиш керак. Қўли, боши, кўзи билан ман қилиши етарли бўлмайди. Очикча “ёп оғзингни, жим бўл!” дейиши керак.

Ғийбат қилишнинг каффорати - пушаймон бўлиш, тавба қилиш ва у билан ҳалоллашишдир. Пушаймон бўлмасдан ҳалоллашиш риё бўлиб, яна бир гуноҳ қилган бўлади. [Ўлган одамни ва зиммий кофирни ғийбат қилишнинг ҳаром эканлиги Ибн Обидин, 5-жилд, 263-бетида ёзилган.]

*Ҳақ ирода айласа, йўл бергай ҳамма сенга,
Халқ этиб сабабларин, мўл бергай ҳарна сенга.*

ТАВБА ҚИЛМАСЛИК

40. Тавба - ҳаром ишга қўл ургандан кейин пушаймон бўлиб, Аллоҳу таолодан кўркмоқ, қайталамасликка азм этмоқ, қарор бермоқдир. Дунёда зарари тегишидан кўрқиб, пушаймон бўлмоқ тавба ҳисобланмайди. Ҳар хил гуноҳ содир қилиб юрган банда, уларнинг баъзисини тарк этмай, айримларига тавба қилиши саҳиҳ бўлади. Тавба қилгандан кейин яна шу гуноҳни содир қилган

кишининг такрор тавба қилиши саҳиҳдир. Шу тарзда кўп марта тавба қилиши ҳам саҳиҳ бўлади. Катта гуноҳнинг афв этилиши учун тавба қилиш шарт. Беш вақт намоз, жума намози, рамазони шариф рўзаси, ҳаж қилиш, истиғфор айтиш, катта гуноҳлардан тийилишдек ибодатлар кичик гуноҳларнинг афв этилишига сабаб бўлади. Шартларга мос равишда тавба қилинса, куфр ва гуноҳлар албатта афв этилади. Шартларга мос равишда ва ихлос билан бажарилган ҳажга **ҳажжи мабрур** дейилади. Ҳажжи мабрур қилинганда қазога қолган фарзлардан ва қул ҳақларидан бошқа гуноҳларнинг кечирилишига сабаб бўлади. Бу иккисининг кечирилиши учун қазо намозлари билан қул ҳақларини ҳам ўташ лозим. Ҳаж қилиш билан фарзларни қазога қолдириш гуноҳи афв этилмаса-да, вақтида бажармасликнинг, вақтидан кейинга қолдиришнинг гуноҳи кечирилади. Ҳаждан кейин фарзларнинг қазосини дарҳол ўташга киришмаса, кечиктириш гуноҳи такрор бошланиб, кун сайин қатма-қат ортаверади. Кечиктириш катта гуноҳ бўлади. Буни яхши тушуниб олиш керак. **“Ҳажжи мабрур қилган банданинг гуноҳлари кечирилиб, худди янгидан дунёга келгандай бўлади”** ҳадиси шарифи қазо намозлари билан қул ҳақларидан бошқа гуноҳларнинг кечирилишини кўрсатмоқда. Расулulloҳнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) арафа кечасида, Муздалифада ҳожиларнинг гуноҳларининг афви учун қилган дуолари ҳам шундай эканлиги билдирилган. ‘Ҳаж қилганда қазо намозлари билан қул ҳақлари ҳам кечирилади’ деган олимлар бор бўлса ҳам, улар тавба қилиб қазодан ва ўташдан ожиз бўлганларга тааллуқлидир. “Худ” сурасининг юз ўн бешинчи ояти каримасида маолан: **“Хайр-ҳасанот гуноҳларни йўқ қилади”**- деб марҳамат қилинган. Ушбу ояти каримага “қазосини ўтагач афв қилинади” деган маъно берилган. Ғийбат қилинган одамнинг буни эшитиб, хафа бўлиши ҳам шу ғийбатни қилган одамга алоҳида катта гуноҳ бўлиб ёзилади. Ўша гуноҳнинг кечирилишига сабаб бўладиган ҳасанот - у билан ҳалоллашиш, яъни узр сўраб розилигини олишдир.

Гуноҳдан кейин дарҳол тавба қилиш фарз. Тавбани кечиктириш эса, шу гуноҳни қилишдан каттароқ гуноҳдир. Ушбу гуноҳ ҳар кун бир мисли кўпаяди. У учун ҳам алоҳида тавба қилиш керак. Бир гуноҳга тавба қилинганда, унинг

тавбасини кечиктириш гуноҳларининг ҳаммаси афв этилади. Фарзни адо этмасликнинг тавбаси фақат қазосини ўташ орқали саҳиҳ бўлади. Ҳар қандай гуноҳнинг кечирилиши учун қалб билан тавба қилиш, тил билан истиғфор айтиш ва бадан билан қазосини ўташ лозим. Ундан ташқари юз марта тасбиҳ айтиш, яъни *“Субҳоналлоҳи ва би-ҳамдиҳи субҳоналлоҳил-аъзим”* дейиш, садақа бериш ва бир кун рўза тутиш жуда яхши бўлади.

“Нур” сурасининг ўттиз биринчи оятида маолан: **“Эй мўминлар! Аллоҳга тавба қилинглар!”** деб буюрилган. “Таҳрим” сураси, саккизинчи ояти каримасида: **“Аллоҳга тавбаи насух қилинглар!”** деб буюрилган. “Насух” калимасига йигирма уч маъно берилган. Улардан энг машҳури – пушаймон бўлиб, тили билан истиғфор айтиш ва гуноҳни бошқа такрорламасликка қарор беришдир. “Бақара” сурасининг икки юз йигирма иккинчи оятида маолан: **“Аллоҳу таоло тавба қилганларни севади”**- деб марҳамат қилинган.

Ҳадиси шарифда: *“Энг яхшиларинг гуноҳдан кейин дарҳол тавба қилганларингдир”*,- деб марҳамат қилинган. Гуноҳларнинг энг каттаси куфр, мунофиқлик ва иртидод, яъни диндан чиқишдир.

[Мусулмон бўлмаганга **кофир** дейилади. Мусулмонларни алдаш учун ўзини мусулмон қилиб кўрсатувчи кофирга **мунофиқ** ва **зиндик** дейилади. Мусулмон ҳолидан кофир бўлган кимсага “иртидод қилди”, яъни “диндан чиқди”,- дейилади. Иртидод қилган кишига **муртад** дейилади. Мана шу уч кимса, агар қалбдан ишониб холис иймон келтирса, муҳаққақ мусулмон бўлади.

“Бариқа” билан **“Ҳадика”** китобларининг “тил офатлари” баҳсида ва **“Мажмаул-анхур”** китобида бундай дейилган: «Эркак ё хотин мусулмон, олимларнинг иттифоқ билан куфрга сабаб бўлишини айтган бир сўз ёки ишнинг куфрга сабаб бўлишини билиб туриб атайлаб, таҳдид қилинмасдан, ўз хоҳиши билан ёхуд ҳаммани кулдириш учун айтса ё қилса, маъносини билмаса ҳам иймони кетиб, **муртад** бўлади. Бунга **“куфри инодий”** [ўжарлик билан кофир бўлмоқ] дейилади. Агар унинг куфрга сабаб бўлишини билмасдан

атайлаб, ўз ихтиёри билан айтган ёки ишлаган бўлса, барибир муртад бўлади. Билмасдан содир қилинган бундай қилмишга **“куфри жаҳлий”** [саводсизлик билан кофир бўлмоқ] дейилади. Чунки ҳар бир мусулмоннинг билиши керак бўлган масалаларни ўрганиши фарздир. Билмаслик узр эмас, аксига катта гуноҳ бўлади. Куфри инодий ва куфри жаҳлий орқали муртад бўлган кишининг никоҳи бузилади. Завжасидан ваколат олиб, икки гувоҳ ёнида ёки масжидда жамоат олдида **“таждиди никоҳ”** қилиши [никоҳини янгилаши] керак бўлади. Иккидан ортиқ таждид қилишга **ҳулла** лозим эмас. Куфрга сабаб бўлган сўзни, хатолашиб, [яъни атайлаб эмас] янглишиб ёки таъвилли [изоҳлай оладиган] ҳолда ёхуд таҳдид қилиниб айтса, муртад бўлмайди, никоҳи ҳам бузилмайди. Куфрга сабаб бўлиши олимлар орасида ихтилофли бўлган сўзни атайлаб айтган одам муртад бўлмаса-да, унинг тавба ва истиғфор қилиб, никоҳ янгиллагани эҳтиётлироқдир.» Масжидларга қатновчи намозхонларнинг куфри инодий ва куфри жаҳлий билан муртад бўлиши имконсиз. Лекин охирги кўринишда муртад бўлиш эҳтимоли бор бўлгани учун имомлар жамоатга **“таждиди иймон”** дуосини, яъни **“Аллоҳумма инний уриду ан ужаддидал-иймона ван-никоҳа таждидан би-қавли ло илоҳа иллаллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ”**ни ўқитиб, тавба ва таждиди никоҳ қиладилар. Шу тариқа **“Ло илоҳа иллаллоҳ деб таждиди иймон қилинлар [иймон янгиланлар]!”** ҳадиси шарифдаги амр бажо келтирилган бўлади. [Ҳамиша ҳар бир завжа эрига “Орамиздаги никоҳни таждид қилиш [янгилаб туриш] учун сени вакил этдим” дейиши, эр ҳам “ушбу ваколатни қабул қилдим” дейиши керак. Имом ҳар жума намозида дуодан кейин таждиди иймон дуосини ўқиши, жамоат ҳам унга жўр бўлиб ўқиши лозим. Шунда ҳаммасининг иймонлари билан никоҳлари янгиланган бўлади.]

Аҳли суннат олимларининг (раҳима-хумуллоҳу таоло) иттифоқ қилмаган ҳолда айтганларига мос тушмайдиган ақидага **“бидъат”** ва **“залолат”** дейилади. Куфрдан кейинги энг катта гуноҳ бидъат ақидага эга бўлишдир. Улардан бидъатини ёйиш учун, мусулмонларга юқдириш учун ҳаракат қиладиган зиндикларнинг гуноҳи ҳаммасидан кўпроқдир.

Ҳукумат ундайларни оғир жазога тортиши; олимларнинг сўз ва ёзув орқали насиҳат қилишлари; оми халқ ҳам улар билан учрашмаслиги, китоб ва мажмуаларини ўқимаслиги керак. Уларнинг ёлғонларига, бўҳтонларига, жўштирувчи оташин нутқларига учмаслик учун жуда ҳушёр бўлиш керак. Ҳозирги даврда мазҳабсизлар, Мавдудийчилар, Саййид Қутб тарафдорлари, “Жамоати таблиғия” деган жоҳиллар, ваҳҳобийлар, шиалар, нусайрийлар ва ҳар хил номларда пайдо бўлаётган сохта тариқатчилар, қалбаки шайхлар ўз бузук эътиқодлари билан нотўғри фикрларини халқ орасига ёйиш учун ҳар турли воситалардан фойдаланмоқда. Мусулмонларни алдаш, аҳли суннатни эзиб, йўқотиш учун нафсларининг, шайтоннинг ва инглизларнинг ёрдами билан ақлу ҳаёлга сиғмайдиган тузоқлару ўйинлар курмоқда. Молларини, миллионларини сарфлаб аҳли суннатга қарши совуқ урушларини давом эттирмоқда. Ёшлар ислом динини, ҳақ йўлни, Аҳли суннат олимларининг китобларидан ўқиб, ўрганишлари лозим. Ким ўрганмаса, куфр, бидъат ва залолат ботқоғига ботиб, дунё ва охиратини куйдиради. [“Ҳақиқат китоб уйи” нашриёти фақат Аҳли суннат китобларини нашр қилмоқда. Шу китобларни олиб ўқиганларга суюнчилар бўлсин!] Бидъат оқимларининг етакчилари Қуръони каримга нотўғри, қийшиқ маънолар бермоқда. Ўша бузук маъноларни олға суриб, бузук фикрларини оят ва ҳадис билан исбот қиляпмиз деб даъво қилмоқда. Фақат аҳли суннат китобларини ўқиб ҳақиқатни тушунганлар уларга алданишдан омон қолади. Ҳақ ва ҳақиқатни ўқимаганларнинг бидъатчиларнинг залолат гирдобларига, тузоқларига тушмасликлари имконсиздек. Агар бидъатчиларнинг бузук эътиқодлари Қуръони карим билан ҳадиси шарифларда очиқ баён қилинган ва мужтаҳид имомларнинг иттифоқ билан айтганларига ҳамда мусулмонлар орасида кенг ёйилган иймон масалаларига мос келмаса, кофир бўладилар. Куфрнинг бу кўринишига **“илҳод”** [ҳаддан ошиш], ўзларига эса **“мулҳид”** [ислом ҳудудидан чиққанлар] дейилади. Мулҳидларнинг мушрик эканликлари, яъни китобсиз кофир тоифасига кириши ақоид китобларида ёзилган.]

Бидъат эгалари билан муртадларнинг ҳам тавбалари қабул бўлади. Уларнинг тавба қилиши учун Аҳли суннат эътиқодини

қисқача ўрганиб ишонишлари, бузуқ эътиқодларидан пушаймон бўлиб, тар этишлари керак.

Фарзларга аҳамият бериб, лекин танбаллик қилиб бажармаган одам муртад бўлмайди, иймони кетмайди. Лекин битта фарзни бажармаган мусулмон иккита катта гуноҳ қилган бўлади. Биринчиси, ўша фарзнинг вақтини ибодатсиз, фойдасиз ўтказиш, яъни фарзни кечиктириш гуноҳидир. Бунинг афв этилиши учун **тавба қилиш**, яъни пушаймон бўлиб, афсусланиши, бошқа кечиктирмасликка қарор бериши керак. Иккинчиси, бир фарзни тарк этиш, бажармаслик гуноҳидир. Бу катта гуноҳнинг афв этилиши учун ўша фарзни дарҳол қазосини бажариш, яъни вақтидан кейин тезроқ ўташи лозим. Қазони кечиктириш ҳам алоҳида катта гуноҳ бўлади.

[Улуғ ислом олими, XIV асрнинг мужаддиди, зоҳирий ва ботиний илмлар мутахассиси, мадрасат-ул-мутахассисин мударрисларидан тасаввуф кафедраси профессори Саййид Абдулҳаким Арвосий (раҳима-хуллоҳу таоло) дарсларида, жомелардаги ваъзлари ва суҳбатларида тез-тез: «Бир фарзни узрсиз вақтида бажармаслик катта гуноҳдир», - дер эдилар. Қазога қолган фарзни вақтидан кейин дарҳол ўтамаслик ундан ҳам каттароқ гуноҳ эканлиги китобларда ёзилган. **“Фарзнинг вақти ўтгач, шу фарзни бажаришга кетадиган вақт мобайнида мазкур фарз яна узрсиз қазо қилинмаса, уни кечиктириш гуноҳи [6 дақиқада] бир мисли ортади. Шундан кейин яна шу қадар вақт ичида қазо этилмаса, яна бир мисли ортади. Шу тарзда фарзни бажаришга кетадиган вақтларнинг ҳар қайси бири [яъни ҳар 6 дақиқа] ўтган сайин гуноҳлар қат-қат ортиб, санаб ва ўйлаб бўлмайдиган даражада кўпаяди”**. Битта фарзнинг қазоси узрсиз ўталмаганда гуноҳи шундай ортаверади. Беш вақт намознинг ҳар бири ҳар куни фарз бўлгани учун ҳар бир қазонинг гуноҳи ҳар куни янгидан бошланади. Беш вақт намоз учун ҳар куни юқорида бир фарз ҳақида билдирилган гуноҳ беш мисл кўпаяди. Ойлаб, йиллаб ўқилмаган намоз гуноҳларининг қанчалик кўп бўлишини шундан билса бўлади. Шундай даҳшатли гуноҳлардан қутулиш учун ҳар қандай чорани кўриш лозим. Иймони бор, эс-ҳуши жойида бўлган одамнинг кеча-ю кундуз қазоларини ўқиб, дўзахда намозни тарк этиш азобларидан ўзини

қутқаришга ҳаракат қилиши керак. Чунки, узрсиз, дангасалик билан, эриниб ўқилмаган ҳар бир намоз учун етмиш минг йил жаҳаннамда азоб тортилажаги хабар берилган. Мана шундай сон-саноксиз намоз гуноҳлари дастидан жаҳаннамда қанчалик кўп азоб тортишини ўйлаб кўрган мусулмоннинг уйкуси қочиб, иштаҳаси бўғилиб, ҳаёти зиндондек туюлади. Тўғри, намозни менсинмаган, уни вазифа деб тан олмаган одам кофир ва муртад бўлади. Муртадлар жаҳаннамда абадиян азоб тортади. У зотан жаҳаннамга ҳам, азобга ҳам, намознинг аҳамиятига ҳам ишонмайди. Дунёда ҳайвондек яшаб, фақат завку сафосидан ва завкига эриштирадиган пул, мол-давлат йиғишдан бошқа нарсани ўйламайди. “Ҳар нима бўлса ҳам, кимга қандай зарарзиён етса ҳам, фақат менга келса бўлди” – унинг ҳаётдаги шиори шу. Унинг завку сафоси учун бутун одамзоту мол-давлатнинг фидо бўлиши парвойига ҳам келмайди. Чунки иймон ва ақлдан бебаҳра. Ундай одамда меҳр бўлмайди, жамиятга зарари йиртқич ҳайвондан ҳам кўпроқдир. Унинг одамгарчилик, меҳр-оқибат, халқ ва давлатпарварлик ҳамда эзгуликдан гапириши худди ҳавога ёзув ёзишдек бемани гап. Булар ўз манфаати, ҳайвоний ва шахвоний орзуларига эришиш учун бир тузоқ ҳолос.

Йилларча ўқилмаган намозларни қазо қилиш ҳозир гўё имконсиздай кўринади. Одамлар исломиятни тарк этганлари учун, яъни Аллоҳу таолонинг амрлари билан тақиқларига бўйсунмаганлари учун ва ислом дини кўрсатган роҳат ва ҳузур-ҳаловат йўлидан айрилганлари учун дунёда барака қолмади. Ризқлар қамайди. “Тоҳо” сурасининг юз йигирма тўртинчи ояти каримасида маолан: **“Мени унутсанглар, ризқларингни қисаман”** дейилган. Шу туфайли иймон ризқи, соғлиқ ризқи, озиқ-овқат ризқи, одамийлик ва марҳамат ризқи ва яна қанча ризқлар қамайди. “Ҳошо, (Аллоҳ сақласин) зулм этмас қулига асло Худоси, ҳар кимнинг чеккани ўз қилмишин жазоси” байти “Наҳл” сурасининг ўттиз учинчи оятидан олинган. Ҳозирги куфр зулмати ва Аллоҳу таолони, пайғамбарни (саллаллоҳу таоло алайҳи ва саллам), исломиятни унутишнинг баракатсизликлари-ю ташвишлари қуршовида ер юзи аҳолиси кеча-кундуз эр-хотин барчаси ишлаб, бир оиланинг нафақасини, роҳат яшашини таъминлай олмайдиган ҳолга келди. Аллоҳу

таолога ишонмагунча, У буюрган ислом динига риоя қилмагунча, севиқли пайғамбарининг чиройли ахлоқи билан безанмагунча, беш вақт намозни вақтида адо этмагунча залолат, фалокат оқавасини тўхтатиш имконсиз.

Намозларнинг қазоларини ўтай олиш учун ҳар куни бомдод намозидан ташқари, тўрт вақт намознинг суннатларини ўқиётганда илк қазога қолган намознинг қазосини ўташга ҳам ният қилмоқ лозим. Шу тариқа ҳар куни бир кунлик намоз қазоси ўталган бўлади. Устига устак суннат ҳам бажо келтирилган бўлади. Қазоларни мана шундай ният билан адо этиш йўл-йўриғи **“Саодати абадия”** китобида кенг ёритилган. Гуноҳларга бир марта тавба қилиш орқали уларнинг ҳаммаси афв этилиши билдирилган. Намоз тавбасининг саҳиҳ бўлиши учун тарк этилган ҳар бир намознинг қазоларини ўташ керак. Қазо ўқишга киришиб, тавба қила бошлаган киши, умри бўйича, яъни қазоларини тугатгунгача қазоларини ўташга ният қилибди демақдир. Улгурмай вафот этса, Аллоҳу таоло бу майитнинг шу нияти бўйича барча қазоларини афв этади. Худди шунингдек, истиғфор ўқишда давом этаётган кишининг барча гуноҳлари ва кофирлар иймонга келганда ўтмишдаги барча гуноҳлари кечирилади. Иймон келтирмаганларга жаҳаннамда абадий азоб берилади.

Бундан асрлар аввал фикҳ китоблари ёзилаётган пайтларда мусулмонларнинг иймон қуввати, Аллоҳу таолодан ва жаҳаннам азобидан қўрқувлари кўп эди. Намозни узрсиз тарк этиш хотирларига ҳам келмасди. Намозни тарк этувчилар чиқади, деб ўйлашмасди ҳам. Ўша пайтларда узр билан жуда оз сонда намоз **“фавт”** этиларди, яъни ўқилмай қоларди. У ҳам бир мусулмон учун катта мотам, қайғу бўларди. Намознинг қазога қолиши учун узрлар: ухлаб қолиш, унутиш, жангда ва сафарда ҳатто ўтириб ўқишга ҳам имкон тополмасликдир. Мана шу узрлардан бири туфайли намознинг фавт [вақтидан кечиктирилиши] этилиши гуноҳ бўлмайди. Лекин узр тугагач, қазога қолган намозни дарҳол адо этмоқ фарз бўлади. Узр билан фавт қилинган намозларнинг қазоларини бола-чақасининг нафақасини топиб келгунга қадар кечиктириш жоиз бўлади. Узрли сабаблар билан қазога қолдирилган намозларнинг

қазоларини муаккад суннатлар ўрнига адо этиш керак эмас. Фикҳ китобларида “муаккад суннатлар ўрнига ўқимаслик яхшироқ бўлур” дейилиши узр билан ўқила олмаган намозларга тегишли. Узрсиз тарк этилган фарзларни дарҳол қазо қилмоқ фарз. Буларни суннат ўрнига ҳам ўқиш лозим. Имоми Раббоний 123-мактубда: «Нофила ибодат агар битта фарзни тарк этишга сабаб бўлса, ибодат бўлмайди, балки мо-ло-яъни [бекор, фойдасиз иш бўлиб], зарарли бўлади»- деганлар.

[Улуғ олим Ибн Обидин (рахматуллоҳи алайҳ) бундай деганлар: «Масжидга киргач, икки ракъат намоз ўқиш суннат. Бунга **“таҳиятул масжид”** дейилади. Масжидга кирганда фарз, суннат, қазо сингари хоҳлаган намозни ўқиш таҳиятул-масжид ўрнига ўтади. Буларга алоҳида “таҳиятул-масжид ўқимоққа” деб ният қилиш шарт эмас. Ҳолбуки, бир вақтнинг фарзи ва суннاتини ўқимоққа деб икки ният қилинган намоз ундай бўлмайди. Бунда фақат фарз намози саҳиҳ бўлади. Масжидга кириб, хоҳлаган намоз ўқилганда алоҳида ният қилмаса ҳам, шулар орқали таҳиятул-масжид намози ҳам ўқилган бўлади. Лекин савоб ҳосил бўлиши учун алоҳида ният қилинади. Чунки, ният қилинмаган ибодатга савоб берилмайди.» Абдулҳаким Арвосий (рахматуллоҳи алайҳ) бундай деганлар: «Суннат намоз дегани фарздан ташқари ўқиладиган намозлар деганидир. Фарздан олдинги ёки кейинги суннатлар ўрнига қазо намози ўқиган одам, шу намози орқали, суннат намозининг таърифига мос тушгани учун, суннатларни ҳам ўқиган бўлади.» Кўриниб турибдики, суннат ўрнига қазо ўқилганда суннат тарк этилган бўлмайди. Агар “қазони ва суннатни ўқимоққа” деб ният қилинса, суннат савоби ҳам ҳосил бўлади.]

Қазоларини юкорида кўрсатилгандек ўташга ният қилиб киришган киши оғир касал бўлса, вафотидан кейин намоз каффорати қилиниши учун **“васият”** қолдириши, валийси [яқини] ҳам шу васиятни адо этиши лозим. Валий - васият қилинган одам ёки ворисларидан [меросхўрларидан] бири деганидир. Намоз ўқилаётганда унинг вожибларидан бири тарк этилган ёки макруҳга йўл кўйилган бўлса, ўша намозни вақти ичида иёда қилиш [қайта ўқиш] вожиб бўлади. Нофила намозни ўқиётганда ҳам фосид бўлса, яъни бузадиган бир ҳол рўй берса, уни иёда

қилиш вожиб бўлади. Закот, садақаи фитр, назр ва қурбонни ҳам ҳамиша қазосини ўташ керак. Кейинчалик фақир бўлиб қолган кишининг “**ҳийлаи шаръия**” деган қулайликдан фойдаланиб, буларнинг қазосини ўташи лозим бўлади. Агар фақир бўлмаса, ҳийлаи шаръия қилиши макруҳ бўлади.

Аллоҳу таоло билан банда орасидаги гуноҳлар, яъни ўзгалар ҳақи [қул ҳақи] аралашмаган гуноҳларнинг афв этилиши учун яширинча тавба қилиш кифоя. Буни ўзгаларга хабар бериш, имомга айтиш лозим эмас. Пул бериб, роҳибларга [попларга] гуноҳини кечиртириш христианликда бор. Исломиятда ундай нарсa йўқ. Жунуб ҳолда Қуръони каримни ўқиш ва масжидда ўтириш; масжидда дунё ишларидан гаплашиш, ейиш, ичиш, ухлаш; Қуръони каримни таҳоратсиз ушлаш; чолғу чалиш; шароб ичиш; зино қилиш; хотинларнинг бош, соч, қўл, болдирлари очик ҳолда кўчага чиқишлари қул ҳақи аралашмаган гуноҳларга киради. Ҳайвон ҳақи аралашган гуноҳларни кечиртириш жуда қийин. Ҳайвонни бекорга ўлдириш, калтаклаш, юзига уриш, тоқатидан ортиқ юргизиш, оғир юк ортиш, еми билан сувини вақтида бермаслик гуноҳдир. Бундай гуноҳга ҳам тавба қилиш ҳамда истиғфор айтиб ёлвориш керак.

Қул ҳақлари беш хил бўлади: Молий [пул], нафсий [ҳаёт], ирзий [обрў], маҳракий [номус] ва диний ҳақлар.

Ўғрилиқ, ғасб [тортиб олиш], алдаб ва ҳийла билан мол сотиш, қалбаки пул бериш, бировнинг молига зиён етказиш, ёлғон гувоҳлик ёки золимга чақиб ёхуд пора бериш орқали кишининг мол-мулкига зарар етказиш молиявий қул ҳақларига киради. Бир тийинлик, битта дондай молга ҳам тавба қилиб, эгаси билан ҳалоллашиш керак. Молий ҳақларда ҳақ еган кишининг ўзи йўқ бўлса болалари ҳам ҳалоллашиб, ўташлари керак. Агар дунёда розилик олиб ҳалоллашилмаса, охиратда савоблари мол эгасига берилиб ҳалоллаштирилади. Мол эгаси ўлган бўлса, ворисларига тўланади. Вориси йўқ бўлса ёки мол эгаси номаълум бўлса, фақирга ҳадя қилиниб, савоби мол эгасига юборилади. Агар солиҳ [беш вақт намоздаги] мусулмон фақир топилмаса, исломиятга ва мусулмонларга хизмат қилаётган хайрия ташкилотлари билан вақфларга берилади. Ўзининг солиҳ қариндошларига, фақир ота-онасига, болаларига ҳадя қилиб бериш ҳам жоиз. Фақирга совға

деб берилган нарса садақа бўлиб, садақа савоби ҳосил бўлади. Буларни қилишга қурби етмаса, мол эгасининг ва ўзининг афви учун дуо қилади. Кофирнинг ҳақи ўтиб кетганда ҳам у билан ҳалоллашиб, розилик олиш керак. Қўнгли олинмаса, охиратда кечирилиши жуда қийин бўлади.

Нафсий, яъни ҳаётий гуноҳ - одам ўлдириш, бирон аъзосини талаф қилиш демақдир. Бунга аввало тавба қилиш, кейин унинг валийсига [яқинларига] бориб таслим бўлиш керак. Валийси хоҳласа кечиради. Истаса мол эвазига битимга келади. Хоҳласа судга бериб, жазоланишини талаб қилади. Айбдорга ўзи чора кўриши жоиз эмас. [Исломиятда конга кон даъвоси йўқ.]

Иргза [обрў] тегишли кул ҳақлари ғийбат, туҳмат, ҳақорат, масҳара қилиш, сўкиш сингари қилиқлардир. Шулар орқали кишининг ҳамиятига тажовуз қилинганда тавба қилиш ва кишидан розилик, кечирим олиш лозим. Бу ишларда ворис [меросхўрлар] билан ҳалоллашиш дуруст эмас.

Маҳрабий [ор-номус] ҳақлар - бировнинг завжасига, болаларига хиёнат қилишдир. Ушбу ҳақларни поймол қилган одам тавба ва истиғфор қилади. Фитна чиқиш эҳтимоли бўлмаса, эгасидан кечирим сўраб розилигини олади. Агар нима қилганини очик айтиб кечирим сўрайдиган бўлса ундан ҳам катта фитна ва жанжал чиқиш эҳтимоли бўлса, бориб ҳалоллашиш ўрнига унга дуо қилади ва у учун садақа беради.

Диний ҳақлар - ўз оиласи, қариндошлари ва қўл остидагиларга динни ўргатмаслик. Буларнинг ва барча одамларнинг диний таълим олишларига ва ибодат қилишларига тўғанок бўлиш, одамларга кофир, фосиқ дейиш сингари гуноҳлар киради. Улардан кечирим сўраётганда гуноҳини санаб ўтирмай, мендаги ҳақларингни кечир дейиш жоиздир.

Факир бўлган қарздорни кечириш катта савоб.

Ҳадиси шарифда: **“Тавба қилган одам гуноҳ қилмагандай бўлади”, “Гуноҳига пушаймон бўлмай, фақат тилида истиғфор айтган одам гуноҳига давом этувчидир. У Раббини калака қилмоқда”** - деб марҳамат қилинган. Истиғфор айтиш **“астағфируллоҳ”** дейишдир. Маъноси: “Мени афв эт Аллоҳим”, деганидир. Муҳаммад Усмон Ҳиндий (қуддуса сиррух)¹

1. Муҳаммад Усмон 1314 [м.1896] йили вафот этган.

форсий “**Фавойиди Усмония**” китобида бундай деганлар: «Шифо учун ўқиладиган дуо ёзишимни илтимос қилибсиз. Шифо учун [тавба қилинг ва] истиғфор дуосини кўп ўқинг.» [яъни, *Астағфируллоҳал-аззим аллазий ло илоҳа илло ҳув ал ҳаййал қайюма ва атубу илайҳ*, денг!]

Ўлимдан бошқа барча дардларга, касалликларга фойдалидир. Ўлим тўшагида ётган беморнинг оғриқлари, санчиқларини йўқ қилади, қийналмай жон таслим қилишини таъминлайди. Бу дуо “**Ҳақ сўзнинг васиқалари**” китобининг 344-саҳифасида кенг ёзилган. “Худ” сурасининг эллик иккинчи оятида маолан: “**Тавба-газарру қилиб, истиғфор ўқинглар! Шунда ёрдам бераман**”- дейилган. Ҳадиси шарифда: “*Истиғфор айтишида давом этган бандани Аллоҳу таоло дардлардан фориғ қилади*” деб марҳамат қилинган. Ҳамма вақт, ҳамма жойда, намозлардан кейин ҳамда ухлагани ётганда маъноларини ўйлаб кўп бора: “*Астағфируллоҳ мин кулли мо қариҳаллоҳ*” ёки қисқача “*Астағфируллоҳ*” дейиш керак. Аллоҳу таоло шифо бериб, дарддан халос қилиб, тилақларини эҳсон қилади. Муҳаммад Маъсум ҳазратларининг 6-жилд, 121-мактубидаги ҳадиси шарифда: “*Қалбим устида парда ҳосил бўлмоқда. Шу боис ҳар куни етмиш марта истиғфор айтияман!*” деб марҳамат қилинган. Холид бин Зайд масжидининг муаззинлари ҳар намоздан кейин қуйидаги дуони ўқишарди: “*Раббано аманно би мо анзалта ваттабаъ наррасула фактубно маъаш-шоҳидин*”.

Ҳар бир эр киши ҳар доим қуйидаги мағфират дуосини ўқиши керак: “*Аллаҳуммағфир лий ва ли-обоий ва уммаҳотий ва лий абноий ва банотий ва ли-ихватий ва ахавотий ва ли-аждодий ва жаадотий ва ли-аъмомий ва аммотий ва ли-аҳволий ва ҳолотий ва ли-завжатий ва абавайҳо ва ли-асотизатий ва лил-муъминина вал-муъминот вал ҳамду лиллоҳи Раббиллоламин!*” Бу дуони аёл киши ўқиса, *завжатий* ўрнига *завжий* ва *абавайҳо* ўрнига *абавайҳий* дейиши лозим.

Ҳадиси шарифларда: “*Аллоҳу таоло гуноҳ қилиб, ортидан пушаймон бўлган бандасини, истиғфор айтишидан олдин афв этади*” ва “*Гуноҳингиз кўп бўлиб осмонга етса, тавба қилсангиз, Аллоҳу таоло тавбангизни қабул қилади*”-деб марҳамат қилинган. Ушбу ҳадиси шарифлар қул ҳақи

аралашмаган гуноҳларга тегишли. Ҳадиси шарифда: ***“Гуноҳ уч хил бўлади: Қиёматда мағфират қилинмайдиган, тарк этилмайдиган ва Аллоҳу таоло хоҳласа кечирадиган гуноҳлар”*** дейилган. Қиёмат куни муҳаққақ кечирилмайдиган гуноҳ ширкдир. Бу ерда “ширк” ҳар хил куфр ишлар дегани. Тавбасиз, яъни ҳалоллашмагунча кечирилмайдиган гуноҳ - кул ҳақи аралашган гуноҳлар ва намоз қазосидир. Аллоҳу таоло хоҳласа кечирадиган гуноҳ - кул ҳақи аралашмаган гуноҳлардир.

ЖУДА МУҲИМ ЭСЛАТМА

Хоҳ эр, хоҳ аёл киши, ҳар мусулмоннинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ишида Аллоҳу таолонинг амрларига, яъни фарзлари билан тақиқларига [ҳаромларга] риоя қилиши лозим. Бир фарзни бажаришга, бир ҳаромдан тийилишга аҳамият бермаган кишининг иймони кетиб, кофир [Аллоҳнинг душмани] бўлади. Кофир ҳолда ўлган одам қабрда азоб тортади, охиратда эса дўзахга боради. Жаҳаннамда абадий ёнади. Иймонсизларнинг афв этилишига, жаҳаннамдан чиқишига имкон ва эҳтимол йўқ. Кофир бўлиш жуда осон. Ҳар бир сўз ва ҳар бир ишда кофир бўлиш эҳтимоли кўп. Куфрдан кутулиш ҳам жуда осон. Куфрнинг сабаби билинмаса ҳам, ҳар кун бир марта “Ё Рабби! Билиб ёки билмай куфрга сабаб бўлувчи бирон сўз айтган ёхуд бирон иш қилган бўлсам надоматдаман, пушаймон бўлдим, мени афв этгин”- деб тавба қилиб, Аллоҳу таолога ёлворса, муҳаққақ афв этилиб, жаҳаннамга тушишдан омон қолади. Жаҳаннамда абадий ёнмаслик учун ҳар куни албатта тавба қилиш керак. Тавбадан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Такрор таъкидлаймизки, кул ҳақи аралашган гуноҳларга тавба қилаётганда, шу ҳақларни эгаларига ўташ ва қазога қолган намозларга тавба қилаётганда уларнинг қазосини ўташ лозим. ***“Саодати абадия”*** китобини 276-дан 287- бет ўртасигача ўқинг!

ИСЛОМ АХЛОҚИ

Иккинчи қисм

Ислом ахлоқи уч фаслга бўлиниб тадқиқ этилади. Лекин уларни англай олиш учун олдин ёрдамчи билимларни ўрганиш керак. Шунинг учун мақоламизни бир муқаддима билан уч фасл ҳолида тартибладик. Биз ушбу китобимизда ўқувчига фақат биринчи фаслни тақдим этамиз.

МУҚАДДИМА

Ахлоқ илмини ўрганиш хоҳиш-истакка боғлиқ, зўрлик билан бўлмайди. Ҳар бир ихтиёрий иш, одатда икки нарсани билгач амалга ошади: Аввало, ўша ишнинг моҳиятини билиш; кейин шу ишдан келадиган фойдаларни билиш. Ундан ташқари, ҳар бир илмни осонгина ўзлаштира олиш учун баъзи ёрдамчи билимларни олдиндан ўрганиш ҳам усулга айланган. Биз ҳам муқаддимада мана шу уч мақсадни уч баҳсда изоҳлаймиз. Муқаддимага яна иккита илова ҳам қўшамиз.

БИРИНЧИ БАҲС: Ислом ахлоқи учга бўлинади:

1. Одамга ёлғиз пайтда, бошқани ўйламасдан ишларининг яхши ёки ёмонлигини ўргатувчи илмга **“Илми ахлоқ”** дейилади. Киши ёлғиз пайтларида ҳам ишларини ўз одати, ўз ўргангани бўйича қилади. Масалан, юмшоқ табиатли, сахий, ҳаёли одамлар ёлғиз пайтда ҳам, ўзгалар олдида ҳам доим шундай бўлади. **“Илми ахлоқ”** одамнинг ана шундай ҳеч ўзгармайдиган ишларини ўргатади.

2. Одамнинг уй ичида, оиласи ва бола-чақасига нисбатан хатти-ҳаракатларини тадқиқ этиб, ўргатади. Бунга **“Тадбири манзил”** ва **“Уй бошқариш одоби”** дейилади.

3. Инсоннинг жамиятдаги вазифаларини, муносабатларини, ҳаммага фойдали бўлишини ўргатади. Бунга **“Сиёсати мадина”**, яъни **ижтимоий** тарбия дейилади.

“Ахлоқи Носирӣ” китобида бундай дейилган: «Инсон яхши-ёмон ҳар бир ишини бирон сабаб билан қилади. Ушбу

сабаб ё табиийдир. Ёхуд бирон буйруқ ё қонун туфайлидир. Табиати сабабли қилган ишлари ақли, фикри ва тажрибалари натижасида содир қиладиган феълларидир. Бу тарз ишлар вақт ўтиши билан ва жамиятнинг таъсири билан ўзгармайди. Иккинчи сабабга таянувчи амр ҳамда қонун эса, ё бир жамоат, бир миллатнинг муштарак дунёқарашидан вужудга келади. Бунга **“русум”** ва **“одаг”** дейилади. Ёки бирон таниқли олим, тажрибали, обрў-эътиборли мутафаккир томонидан ўртага ташланади. Пайғамбарлар, авлиё ва қироллар, диктаторлар шундай одамлар сирасига киради. Пайғамбарлар (алайҳимуссалавоту ваттаслимот), авлиё ва олимлар томонидан таблиғ қилинган Аллоҳу таолонинг буйруқлари ҳам учга бўлинади: Биринчиси, ҳар кимнинг шахсан ўзи бажариши керак бўлган буйруқлар бўлиб, уларга **“аҳком”** ёки **“ибодатлар”** дейилади. Иккинчиси, одамлар орасида икки томонлама риоя қилиш керак бўлган амрлардир. **“Муноқаҳот”**, яъни уйланиш, турмуш қуриш, оила ришталари ва **“муомалот”**, яъни савдо-сотиқ ишлари шунга киради. Учинчиси, мамлакатларни, жамиятларни қамрайдиган амрлар бўлиб, улар **ҳудуд**, яъни **“ҳукуқий”** ва **“сиёсий”** ишлардир. Мана шу уч илмнинг тўпламига **“фикҳ”** илми дейилади. Фикҳ масалалари билан шу масалаларни тартибга солувчи амрлар ёки фикҳий ҳукмнинг татбиқ қилиниши, бажарилиши мамлакатларга, миллатларга қараб ва вақт ўтиши билан ўзгаради. Бундай ўзгаришлар ҳам фақат Аллоҳу таолонинг буйруғи билан амалга ошади. Аллоҳу таолонинг динларда қилган насҳлари [ҳукми бекор қилиш], ўзгартиришлари ана шундай амрлар борасида бўлган. Масалан, Одам алайҳиссалом замонида одамларнинг кўпайиши керак эди. Бу учун бир эркакнинг ўз синглисига уйланиши ҳалол ва жоиз эди. Одамлар кўпайгач, унга ҳожат қолмади. Ҳаром қилинди.

ИККИНЧИ БАҲС: Ахлоқ илмининг фойдалари: Инсон атрофини, масалан ер, осмон ва биз юлдузлар деб атайдиган миллиардлаб осмон жисмларининг муаллақда айланишларини, асрлар бўйи тўқнашмаганини, ер юзида иссиқлик, босим, ҳаво, сув миқдори, тузилиши, ҳаракатларининг инсон ҳаётига тўла мос равишда созланганини, одамлар, ҳайвонот, наботот дунёсининг, жонсиз моддалар, атомлар, ҳужайралар, ҳуллас мактаб ва

университетларда ўқиётган, тадқиқ этилатган сон-саноксиз мавжудотнинг тузилишлари ва ҳаракатларидаги низомни, тартибни, уйғунликни кўриб, буларни ясаган, яратган, қудратли, илмли бир эганинг борлигини тан олишга, ишонишга мажбур бўлади. Ақли жойида бўлган одам, коинотдаги ва баданидаги бу улўғворликни, бу интизомни кўриб, дарров Аллоҳу таолонинг борлигига ишониб, **мусулмон** бўлади. Негаки, 1966 йилда мусулмон бўлган швейцариялик фалсафа профессори журналистларнинг саволларига жавоб бераётганда “Ислом китобларини тадқиқ қилиб ҳақ йўлни тушундим, ислом олимларининг буюклигига қойил қолдим. Агар Ислом дини ўз ҳолича эгиб-букмай тушунтирилса, бутун дунёда барча оқил инсонлар ўз ихтиёрлари билан мусулмон бўлади”- деган эди.

Бир одам табиатни ва ўзини тадқиқ қилиб, дарҳол мусулмон бўлганидан кейин аҳли суннат олимларининг (раҳима-хуллоҳу таоло) китобларидан Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёти ва чиройли ахлоқини ҳам ўрганса, иймони қувватланади. Ахлоқ илмини ўрганиб, яхши-ёмон хулқларни, фойдали ва зарарли ишларни тушунади. Яхши ишларни қилиб, дунёда комил, қийматли инсонга айланади. Барча ишлари тартибли ва осон ҳал бўлади. Ўзи эса, дунёда хузур-ҳаловатда умр кечиради. Уни ҳамма ҳурмат қила бошлайди. Аллоҳу таоло ундан рози бўлади. Охиратда ҳам Аллоҳу таолонинг марҳамати билан мукофотига эришади.

Яна таъкидлаймизки, саодатга эришиш учун икки нарса керак: Масъуд ва бахтиёр киши шу икки нарсага эришган кишидир. Улардан биринчиси тўғри илм ва иймон соҳиби бўлишдир. Бу ҳам фан дарслари билан Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётини, ахлоқини ўрганиш орқали қўлга киритилади. Иккинчиси, хушхулқ ва хушфёъл инсон бўлишдир. Бу эса, фикр билан ахлоқ илмларини ўрганиб, уларга риоя қилиш орқали қўлга киритилади. Мана шу икки хислатга эга бўлган одам Аллоҳу таолонинг ризоси билан муҳаббатига сазовор бўлади. Чунки Аллоҳу таоло чексиз илми билан ҳамма нарсада олимдир. Фаришталар билан пайғамбарларга кўп илм берган. Уларда ҳеч қандай айб, нуқсон ҳамда чиркинлик бўлмайди. Одамзотнинг илми эса жуда кам, иймонлари ё нотўғри ёки ёмон хулқлар билан булғаниб, ёмон амаллар билан қирланган. Шунинг учун одамзот Аллоҳу таолодан, фаришталардан ва

пайғамбарлардан жуда олис бўлиб, уларга қовушиш шарафидан маҳрумдир. Инсон агар фан соҳаларида, табиатни ўрганишда дангасалик қилиб саводини очмай, ҳақиқий иймону эътиқодга эришмаса ва Муҳаммад алайҳиссаломни тўғри таниб, иймонини кучайтмаса, чексиз ташвишу фалокатлар гирдобиди қолади. Агар ҳақиқий иймонга эришса, нафсига бўйсунмай аҳкоми исломияга, яъни Аллоҳу таолонинг амри билан тақиқларига риоя қилса, абадий саодатдан ва Аллоҳу таолонинг раҳмати билан афвидан маҳрум қолмайди. Лекин қилган ёмонликлари туфайли шунга яраша азобга, оташга дучор қилиниб, Аллоҳу таолонинг раҳматига эришиши қийинлашади. Иймонли бўлгани учун охирида барибир раҳматга эришади. Жаҳаннам олови ёмонликларини, ифлосликларини ёндириб, тозалаб, уни жаннатга киришга лойиқ ҳолга келтиради.

Кўриниб турибдики, барча саодату роҳатликларнинг боши комил иймон соҳиби бўлишга боғлиқ. У ҳолда ҳар бир инсон ўз қалбини нотўғри эътиқодлар билан шубҳалардан тозалашга уриниши лозим. Агар бир киши, тўғри иймонга эришиб, ахлоқи чиройли ва амаллари яхши бўлса, олий руҳларга, яъни пайғамбарлар билан авлиёга ҳамда фаришталарга ўхшай бошлайди ва улар мартабасига яқинлашади. Модданинг тортиш қонуни сингари улар томонидан тортилади. Тоғдай улкан магнит ёки юқори қувватли электромагнит майдон бир игнани қандай ўзларига тортса, уни ҳам олий инсонлар юксакларга тартадилар. Сирот кўпригидан яшиндек суръатли ўтади. Жаннат боғларида ўзига муносиб, қалби ва руҳига лойиқ бўлган неъматлар оғушида абадий ҳузур қилувчилардан бўлади. Байт:

***Олиму омил бўлганлар тортмас азоби алим,
Жаннатга ҳам эришурлар, золикал-фавз-ул-ъазим!***

Ахлоқ илми - қалб ва руҳ тозалиги билими дегани. Бу худди тиббиёт илмининг бадан соғлиги билимига ўхшайди. Чунки ёмон ахлоқ қалб билан руҳнинг касалликлари, зарарли ишлар эса, шу касалликларнинг белгилари, аломатларидир. Ахлоқ илми жуда шарафли, қийматли ва инсонга энг керакли илмдир. Зеро қалб ва руҳнинг ёмонликлари мана шу илм орқали йўқотилиши мумкин. Қалб билан руҳнинг чиройли хулқлар ёрдамида сихҳат ва қувват топиши мана шу илм орқали амалга ошади. Қувватли қалблар билан

руҳлар шу илм ёрдамида покланиб, чиройли ахлоққа эришади. Эзгу, пок қалблар билан руҳлар ҳам шу илмнинг баракати орқали поклигини орттириб, чиройли ахлоқни ўзида мустаҳкамлайди.

[Қалб ва руҳ бир-бирига жуда ўхшаб кетадиган иккита алоҳида мавҳум. Ушбу китобда “руҳ” деганда икковини бирга тушуниш керак.]

Хулқ ўзгарадими? Инсоннинг ўз хулқини ташлаб, ўзгача хулқ эгаси бўлиши мумкинми? Бу масалада ҳар хил сўзлар, бир-бирига зид фикрлар айтилган бўлса-да, ҳаммасини уч марказда жамлаш мумкин:

1- Инсоннинг ахлоқи асло ўзгармайди. Чунки хулқ, инсон кучи ўзгартира олмайдиган хусусиятдир.

2- Хулқ икки хил бўлади. Бири инсон билан бирга яратилган бўлиб, уни ўзгартириб бўлмайди. Иккинчиси, кейинчалик ҳосил бўлган кўникма бўлиб, унга “одат” дейилади. Мана шу хулқ ўзгариши мумкин.

3- Хулқ-атворнинг ҳаммаси кейиндан ҳосил бўлади ва ўзгартира олинади. Ташқи таъсирлар ёрдамида ўзгаради.

Ислом олимларининг аксарияти учинчи фикрда иттифоқ қилганлар. Пайғамбарларнинг (алайҳимуссалом) динлари, шу сўзнинг тўғрилигига асосланмоқда. Тасаввуф буюклари билан дин олимларининг ўз шогирдларига тарбия учун қўйган усуллари шу сўз ҳақлиги асосида самара бермоқда.

Одамлар қандай хулққа мойил бўлиб дунёга келади? Бу савол ҳам ҳануз аниқ жавобини топмаган. Аксар олимлар фикрига кўра, одамлар яхшиликка, юксалишга мойил ҳолда туғилади. Кейинчалик нафснинг ёмон истаклари, чиройли ахлоқни ўрганмаслик ва ёмон дўстлар даврасига тушиб қолиш ҳоллари ёмон ахлоқни вужудга келтиради. Ҳадиси шарифда: ***“Ҳар бир инсон мусулмон фитратида дунёга келади. Уларни кейинчалик ота-оналари яҳудий, христиан ёки мажусийга айлантиради”*** деб марҳамат қилинган.

***Ўз қўлинг-ла бузмоқдасан ўзингни!
Йўқса, Холиқ гўзал яратган сени!***

Баъзиларнинг фикрича, инсон руҳи ифлос ҳолатда дунёга келган. Руҳнинг ўзи пок бўлса ҳам, баданга киргач баданнинг эҳтиёжлари уни йўлдан адаштирган. Аллоҳу таоло ҳидоят насиб

этган бандалар туғилган пайтларидаги ифлослигича қолмай, яхшиликка юзланадилар.

Баъзилар, руҳ яратилишда яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Кейинчалик ҳар икки шаклга ҳам айлана оладиган ҳолдадир,- деди. Яхши хулқлар билан чиройли амалларни ўрганган одам саодатга, камолга эришади. Ёмонлар орасида қолиб, ёмон хулқ билан чиркин ишларни ўрганган одам эса, шақий ва ёмон бўлади,- дедилар.

Қадимги юнон табибларидан Галенга [Calinus] кўра, инсон руҳи уч хил бўлиб, бир қисми яхши, иккинчиси ёмон қилиб яратилган. Учинчиси яхши ҳам, ёмон ҳам эмас. Лекин кейинчалик иккаласидан бирига айланиши мумкин. Яратилишдан яхши одамлар кам бўлади. Яратилишдан ёмон бўлиб, фақат ёмонлик қилишни истовчилар кўпроқдир. Ёмонлар орасида ёмон, яхшилар орасида яхши бўла олган одамлар сони аввалги иккитаси орасидадир,- деди. Унга кўра, баъзи кимсаларнинг хулқлари ўзгара олади. Кўпларнинг хулқи эса ўзгармайди. [Юнон файласуфлари инсон қалбидан беҳабар бўлганлари учун фақат руҳдан гапирганлар, ахлоқ китобларини ёзган мусулмонларнинг бир қисми ҳам уларга тобе бўлган.]

Олимларнинг аксариятига кўра, ҳамманинг ахлоқи ўзгаради. Ҳеч кимнинг хулқи яратилган пайтидагидек ўзгарувсиз қолмайди. Кейинчалик ўзгаради. Агар ахлоқ ўзгармасайди, пайғамбарлар (алайҳимуссалом) олиб келган динлар бекор ва кераксиз бўлиб қоларди. Олимларнинг иттифоқ билан жорий қилган тарбия ва жазо усуллари фойдасиз бўларди. Барча илм аҳли ўз фарзандларига илм билан адаб ўргатганлар ҳамда тарбиянинг фойдали натижалар бериши доим кузатилган. У ҳолда ахлоқнинг ўзгариши куёшдек равшандир. Шуниси ҳам борки, баъзи хулқлар инсонга шунчалик чуқур ва маҳкам ўрнашиб олиб, руҳнинг хоссасидай бўлиб қолган. Ана шундай хулқларни ўзгартириш ёки йўқотиш жуда мушқил кечади. Ундай ахлоқ кўпинча жохил, нодон, ёмон кимсаларда бўлади. Улардаги ёмон хулқни ўзгартириш учун оғир риёзат ва кўп мужоҳада қилиш лозим.

Нафснинг зарарли, ёмон истакларини бажармаслик учун оёқ тираб туришга **“риёзат”** дейилади. Нафс хоҳламайдиган фойдали, яхши амалларни қилиш учун ғайрат сарф этишга **“мужоҳада”** дейилади. Нодонлар билан ахлоқлар хулқ ўзгармайди деб, ўз нафсларига қарши мужоҳада ва риёзат қилмайди [курашмайди],

ёмон хулқларини тузатишга уринмайди. Ҳамма нарса ўз ҳолича қолдирилиб, яхши-ёмон демай бир хилда қабул қилинса, ҳар ким ўз ҳавойи нафсига [орзусига] қўйиб қўйилса, айбдорларга жазо берилмаса, одамзот тубанлик сари кетади. Шунинг учун Аллоҳу таоло бандаларига марҳамат қилиб, уларни тарбиялаш, яхши ва ёмон хулқларни ўргатиш учун пайғамбарлар (алайҳимуссалом) юборган. Ўша муаллимларнинг энг олийси қилиб, ҳабиби бўлмиш **Муҳаммад** (алайҳиссалом)ни танлади. Ул зотнинг дини орқали аввал юборган барча динларни алмаштирди. Ул зотнинг дини барча динларнинг охиргиси бўлди. Шу тариқа, эзгуликларнинг барчаси, тарбия усулларининг жумласи, Ул зотнинг порлоқ динида жамланди. Яхшини ёмондан фарқлай оладиган ақлли инсонларнинг, ушбу диндан олинган ахлоқ китобларини ўқиб-ўрганиб, ишларини шунга қўра тартибга солиб, дунё ва охиратда роҳат-фароғатда, ҳузур-ҳаловатда яшаши, саодатга, нажотга эришиши, шу тариқа оила ва жамият ҳаётининг интизомига ёрдам бериши лозим. Инсоннинг биринчи вазифаси ҳам шу. **“Ислом ахлоқи”** деб номлаган ушбу китобни Аллоҳу таолонинг лутфи билан ўзида ёрдамчи маълумотларни ҳам жамлагани учун, ҳамманинг аҳамият бериб ўқиб, ўрганиши лозим.

Агар оқил эрсанг, Исломиётга боғлан!

Исломнинг асоси Ҳадис ила Қуръон!

УЧИНЧИ БАҲС: Ислом ахлоқини учга ажратгандик. Уларни пухта ўзлаштириш учун ёрдамчи маълумотларни ҳам изоҳлаб ўтайлик. Ҳар бир илмнинг, ҳар бир фаннинг ўз ичида бўлимлари, тармоқлари, шохобчалари бўлади. Ана шу шохобчалар бирлашган нукталар ҳам бўладик, мазкур нукталарда ўша илмнинг барча тармоқлари ягона бир бутунликни ташкил этади. Мана шу ягона нукта ўша илмнинг мавзусидир. Масалан, тиббиёт илмининг турли тармоқлари бор. Лекин барча тармоқлар инсон вужудининг касаллик ва соғлиқ масаласида бирлашади. Бу эса, ўша илм шуғулланадиган мавзу деганидир. Хоҳлаган илмни қулай ўзлаштира олиш учун аввал унинг мавзусини тушуниш керак. Ахлоқ илмининг мавзуси инсон руҳи бўлиб, у руҳни [ва қалбни] ёмон хулқлардан тозалашни ва яхши хулқлар билан безатишни ўргатади. Бу учун аввало руҳни, ундан кейин яхши ва ёмон хулқларни таниш лозим. Қуйидаги байтни имом Шофийий айтганлар:

*Ёмонликни ўргандим, ёмон бўлмоқ учунмас,
Ёмонликни билмаган, уққин, унга учрар, бас!*

Қалб билан руҳни мумкин қадар танита билиш, кўринадиган ва кўринмайдиган қувватларини таърифлаш, саодати ва фалокатининг нималарда эканлигини тушунтириш учун урта мақом ёзамиз:

Биринчи мақом: Қалб [кўнгил, дил] ва руҳ нима? Бу икки мавҳумни қадимги юнон файласуфлари билан уларнинг тақлидчилари **“Нафси нотиқа”** ёки қисқача “нафс” деб атаганлар. [Ҳолбуки, тасаввуф ва ахлоқ илмлари мутахассиси **Имоми Раббоний** (раҳима-хуллоҳу таоло) нафс, қалб ва руҳнинг бири-биридан фарқли мавжудотлар эканлигини, **“Нафси нотиқа”** эса, нафснинг оти эканлигини билдирганлар.] “Исро” сурасининг саксон бешинчи оятида маолан: **“Сендан руҳ ҳақида сўрайдилар. Руҳ Раббим яратган мавжудотлардан биридир,- деб жавоб бергин”** дейилган. Ушбу ояти карима руҳнинг қандай эканлигини тушунтиришни ман этган. Шу сабабли, туруқи олия [олий тариқатлар] машойихи [шайхлари] ва исломолимларининг аксарияти руҳнинг қандай эканлиги ҳақида гапиришдан тортинганлар. Лекин Қуръони каримдан тушуниладики, руҳнинг фақат ҳақиқатини, қандай эканлиги ҳақида гапириш тақиқланган. Йўқса, хоссалари, хусусиятларини тушунтириш тақиқланмаган. Шунинг учун олимларнинг аксарияти шогирдларига ва савол берганларга қалб билан руҳнинг жисм эмаслигини, **“жавҳари басит”** [оддий жавҳар] эканлигини айтганлар. Ақл етадиган илмларни англовчи, сезиш органларидан мияга келадиган туйғуларни қабул қилувчи, бадандаги барча қувватлар ва ҳаракатларни бошқарувчи ва ишлатувчи қувват - руҳ билан қалбдир. Тасаввуф улуғлари ва калом олимлари шундай деганлар. [Қалб ва руҳ ҳақида кенгроқ маълумот олишни хоҳлаганларга, Шофиъий мазҳаби олимларидан шайх Шаҳобиддин Умар Суҳравардийнинг **“Авориф-ул-маъориф”** китобини ва Имоми Раббоний Аҳмад Форуқий Сарҳандийнинг **“Мактубот”** китобини ўқиш тавсия этилади. Суҳравардий ҳижрий-қамарий 539 [м.1145] йили таваллуд топиб, 632 [м.1234] йили Бағдодда вафот этган. Абдулқодир Гейлонийдан файз олган. Имоми Раббоний ҳижрий қамарий 971 [м.1563] йили Ҳиндистонда

Сарҳанд шаҳрида таваллуд топиб, х.1034 [м.1624] йили ўша ерда вафот этган. Абдулқодир Гейлоний ҳижрий қамарий 561 йили Бағдодда вафот этган.]

Қалб ва руҳнинг таърифини олти модда ҳолида изоҳлаймиз:

1- Аввало қалб ва руҳнинг мавжуд эканлигини баён қилайлик. Руҳнинг бор эканлиги ҳаммага аён. Маълум бўлган нарсани исботлашнинг ҳожати йўқ. Одамга энг аён нарса ўз борлигидир. Инсон бир зумга ҳам ўз борлигини унутмайди. Уйкуда, мастликда ҳам руҳ ўзини унутмайди. Инсонга ўз-ўзини таништириш учун ҳеч нарсани исботлашнинг кераги йўқ. Лекин, руҳ моддами, эмасми? Ўз-ўзига мавжудми? Ёки бирон нарсага суянган ҳолда бор бўлиб турибдими? сингари яна бошқа сифатларини исботлаш жоиздир. Кўпи ҳаммага маълум бўлса ҳам, яна бир бор эслатган маъкул. Шу боисдан куйидаги беш модда зикр қилинади.

2. Қалб ва руҳ жавҳардир [субстанция]. Яъни ўз-ўзларига мавжуд нарсалар. Руҳга форсийда **“жон”** дейилади. Ҳайвон ўлса, **“жони чиқди”** дейилади. Бу руҳи баданидан айрилди дегани. Ҳар бир маҳлук ё жавҳар ёки ораздир. Борликда тура олиш учун бошқа бирон маҳлукқа муҳтож бўлмай, ўз-ўзича алоҳида бор бўлган нарсаларга **“жавҳар”** дейилади. Бор бўлиш учун бошқа маҳлукларга муҳтож бўлса, унга **“ораз”** ёки **“сифат”** дейилади. Модда билан жисм жавҳарга ётади. Бир жисмнинг ранги, ҳиди, шакли эса ораз, яъни хусусиятга ётади. Ранг жисм билан бор. Жисм бўлмаса, ранг бўлмайди. Жавҳар икки хил бўлиб, биринчиси **“мужаррад”**, яъни моддий бўлмаган нарсадир. Мужаррад борлиқнинг оғирлиги (вазни), шакли, ранги ва сезги органларига таъсири бўлмайди. Иккинчиси моддадир. Мужаррад бўлган жавҳар сезги органлари орқали сезилмайди, парчаларга ажралмайди. Ақл билан руҳ шундай. Модда эса сезилади ва парчаларга ажралади. Жисм – модданинг шаклга кирган ҳолидир. Руҳнинг жавҳар эканлиги бир неча йўللار билан исбот қилинган. Энг оддий йўли шуки, ораз, яъни хосса бирон жавҳарда мавжуд бўлади. Жавҳар оразни олиб юради. Ҳис этилган, ўйланган ҳар бир мавҳумни руҳ ўзи билан олиб юради. Шунинг учун руҳ билан қалб жавҳар бўлиб, ораз эмас. **“Ораз [сифат], оразда [сифатда] ҳам бор бўла олади”** деб, масалан **“тезлик ҳаракатда намоён бўлади”**- деб, ушбу исботни қабул қилмайдиганлар ҳам бор.

3. Қалб ва руҳ басит, яъни содда жавҳардир. **“Басит”** - парчаларга ажралмайдиган дегани. Бунинг аксига **“мураккаб”** дейилади. Кимёда “содда” деб юритиладиган элементлар ушбу таърифга кўра “мураккаб”га айланади. Чунки ҳар бир соф элемент атомларга ёки газ молекулаларига ажрала олади. Руҳнинг басит, содда эканлигини шундан ҳам билса бўладики, содда эканлиги маълум бўлган нарсаларни руҳ тушунмоқда. Агар қалб ва руҳ мураккаб бўлиб, парчалана олганда эди, содда ва парчаланмайдиган нарсалар уларда жойлаша олмасди. Чунки руҳ парчаланса, унга жойлашган содда нарсанинг ҳам парчаланиши керак бўларди. Содда, басит нарсалар парчаланмайди.

4- Қалб ва руҳ – жисм эмаслар. Эни, бўйи, баландлиги бор бўлган жавҳарга, яъни бирон шаклга эга моддага **“жисм”** дейилади. Жисмда жойлашган нарсаларга “жисмоний” дейилади. Ораз, яъни хусусиятлар жисмларда бор бўлгани учун жисмоний ҳисобланади.

5- Қалб ва руҳ – англоvчи ва бошқарувчи қувватлардир. Ўзларини билади. Ўзини билишини ҳам билади. Кўз орқали рангларни, кулоқ орқали товушларни идрок этади. Асабларни ишга тушириб, мушакларни ҳаракатга келтиради. Шу тариқа баданга иш қилдиради. Шундай ишларга **“ирода”**, яъни “ихтиёрий ишлар” дейилади.

6. Руҳ – сезги органлари орқали сезилмайди, туюлмайди. Жисм ва жисмоний бўлган нарсалар сезилади.

Иккинчи мақом: Одам ўлгач, руҳи нима бўлади? Одам ўлиб, жасад чириганда қалб ва руҳ йўқолмайди. Ўлмоқ – уларнинг бадандан айрилишидир. Бадандан айрилгач, улар мужаррад, яъни моддий бўлмаган оламга ўтиб кетади. [Қиёматгача] йўқ бўлмайди. Дин олимлари, файласуфлар ва мутаассиб [нодон, кайсар] бўлмаган фан арбоблари шундай деганлар. Табиатшунослардан оз бир қисми ушбу иттифоқдан айрилиб, йўлдан адашган. Улар инсонни чўлдаги ўтларга ўхшатиб: “Инсон худди ўт-ўлан сингари униб-ўсади, охирида йўқ бўлади, руҳи ҳам қолмайди”,- деганлар. Шундай деганлари учун улар **“ҳашхаший”**лар, яъни **“гиёҳий”**лар деб аталган. Дин олимлари ва файласуфлар гиёҳчиларнинг фикрларини турли далиллар билан рад этди.

[Аллоҳу таоло ҳозирда фанга маълум 105та элементни яратиб,

ҳар бирига фарқли хоссалар ато этган. Ҳар бир элемент атомлардан ташкил топган. Ҳар бир атомни худди микро-динамодек улкан энергия манбаига айлантирган. Атомларнинг бир-бирлари билан бирикишидан молекулалар ёки ионлар, шу тариқа органик ва аноорганик мураккаб жисмлар, ҳужайралар, турли тўқималар ва тизимларни яратган. Буларнинг ҳар бирида ақллари хайратга соладиган қонунлар, низомлар мавжуд. Масалан, микроскоп орқали кўриш мумкин бўлган кичик бир ҳужайра, ҳар хил ишлаб чиқариш тармоқларига эга муаззам фабрикага ўхшайди. Инсон ақли бугунгача ушбу фабриканинг фақат бир неча дастгоҳини кўра олган, холос. Инсон вужудидаги миллионлаб ҳужайранинг ишлай олиши, ҳам ички, ҳам ташқи муҳитда минглаб шароитларнинг мавжудлигига боғлиқ. Агар ўша минглаб шартлардан ва низомлардан биронтаси бузилгудек бўлса, инсон вужуди ишламай қолади, тўхтади.

Ҳар нарсага қодир ва олим бўлган **Аллоҳу таоло** шу чексиз низомни яратиб, бадан машинасининг автоматик равишда ишлашини таъминламоқда. Қалб билан руҳ мана шу машинанинг электр қувватига ўхшайди. Моторда кичик носозлик юз берганда электр оқими тўхтаб қолганидек инсон вужудининг ички ва ташқи тизим, низомларида ҳосил бўладиган бузилиш ҳам, қалб билан руҳнинг бадандан ажралишига туртки бўлиб, одам ўлади. Дунёда ҳеч қандай машина ё мотор абадий ишламайди, ейилиб, синиб, яроқсиз ҳолга келади. Бу умумий қонун. Вужуд машинаси ҳам ейилиб, яроқсиз ҳолга келади. Инсон қабрда чириганида ҳеч қайси зарраси, ҳеч қайси элементи йўқолмайди. Чириш - баданни ташкил этувчи органик молекулаларнинг аноэроб микроблар ва тупроқ таъсирида парчаланиб, карбонат ангидрид, аммонияк, сув сингари майда молекулалар билан эркин азотгача ажралиш жараёнидир. Бу парчаланиш физикавий ва кимёвий ҳодисалардир. Физикавий ва кимёвий реакцияларда модданинг йўқолиб кетмаслиги ҳозир қатъий равишда аниқланган. Лавуазье деган француз кимёгари **“Кимёвий реакцияларда модда ғойиб бўлмайди ва йўқдан бор бўлмайди”** деган фикрни тажрибаларда исботлаган бўлса-да, ҳамма нарса кимёвий реакция ва кимёвий қонун орқали пайдо бўлган, деб ўйлаб **“табиатда йўқ нарса яратилмайди ва бор нарса йўқ қилина олмайди”**- деган. Замонавий фанда янги кашф

этилган ядровий ходисалар, термоядро реакциялари модданинг энергияга айланиб, йўқолиб кетишини ва Лавуазьенинг адашганини кўрсатмоқда.

Бугун фан арбоблари бир нарсани аниқ кўриб турибдики, фан ривожланган сайин, фан соҳасида олға қўйилган ҳар бир қадам ислом динини қувватламоқда, ислом душманларининг туҳматларини пучга чиқармоқда, моддага сигинадиган атеистларни шарманда қилмоқда. Лекин афсуски, фан арбоби қиёфасидаги университетда ўқиган баъзи диний саводсизлар фанда ортда қолишни баҳона қилиб, исломга душманлик қилмоқда. Ўша дипломли кофирлар соф ёшларни алдаш учун “Исломият қоқоқликдир. Тараққиётга тўсқинлик қилмоқда. Христианлар ривожланиб, ҳар хил фанний воситалар ишлаб чиқмоқда. Тиббиётда, ҳарбий соҳада, ахборотда ишлатаётган янги асбоб-ускуналари кўз қамаштирмоқда. Фандаги ривожланишдан мусулмонларнинг хабари ҳам йўқ. Биз христианларга эргашишимиз керак” қабилида ёлғонлар ёғдириб, исломдаги чиройли ахлоқ билан меҳр-оқибатни ташлаб, европаликлар билан америкаликларга ўхшаб ҳаёсиз турмушни замонавийлик дейишмоқда. Ёшларни ўзларидек ислом душманига айлантириб, фалокат сари судрашга уринишмоқда.

Ҳолбуки, исломият фанда, санъатда илғор бўлишга чакиради.

Христианлар билан барча кофирлар ота-бобо ва устозларидан ўрганганларини қилишмоқда. Аввалги насллар ишлаб чиққан ускуналарни майда-чуйда иловалар билан қайта ишлашмоқда. Аввалгилар ясамаганда, кейингилар буни такрорлай олмасди. **“Такмили саноат талоҳуқи афкор иладир”** [Саноатнинг такомиллашиши фикр-(идея)ларнинг бир-бирига қўшилишидан юзага келади] деган сўз бир неча асрлар олдин айтилган. Тарихдан маълумки, фандаги янгиликлар аксарият мусулмонлар томонидан амалга оширилган. Мусулмонлар фанни, фан асбоб-ускуналарини юз йил аввалги ҳолигача ривожлантирди. Ушбу тараққиётларга ислом дини ва бу динни татбиқ қилган ислом давлатлари сабаб бўлди.

Христианлар салб юришлари орқали ислом давлатларини қулата олмаганлари учун сиёсий ўйинлар, ёлғонлар, хийлалар орқали уни ичкаридан емирди. Давлати инкирозга учраган бошсиз юртларда ўз миллатидан ҳазар қиладиган илмоний [ғарбчи], масон [динсиз]

кимсаларни ҳукумат тепасига ўтказдилар. Лекин исломиятни барибир йўқота олмадилар. Инқилобдан аввалги мусулмонлардан қолган фандаги кашфиётларга иловалар қилиш орқали эришган ҳозирги тараққиётларини ипидан игнасигача ўзлариники деб ўйлашмоқда.

Фақатгина ўз кайфу сафосини, завқини, манфаатини ўйлайдиганлар, шу ёмонликларини фош қилгани учун илм-фан билан ҳунар-саноатни буюрувчи исломиятга қолоқлик деб туҳмат қилмоқда. Барча яҳудий, христиан, ҳатто бутпарастлар, ҳуллас бутун дунё жаннат-жаҳаннамга ишонади, черковлар билан хавралар [синагога] тўлиб тошмоқда. Охиратга ишонувчи мана шунча миллиардлаб халқларга “қолоқ” дея олмаётганларига қараганда, уларнинг “замонавийлик” деганлари ҳам илм-фан ва саноат эмас экан, балки завқу сафо билан беҳаёликлар экан. Мана шундай асоссиз ва ҳақсиз равишда ифлос бўҳтону ёлғонлар билан исломиятга илк ҳужум қилганлар инглизлар эди. **“Инглиз жосусининг эътирофлари”** китобимизни ўқин! Ҳозир ҳам, мусулмонларнинг бирлашиб, ота-боболаридек исломият буюрган дин ва фан илмларини ўзлаштириб, янада каттароқ саноат қуришлари, янги воситалар ишлаб чиқариб, христианлардан ўзиб, бутун башариятни саодатга эриштиришлари лозим.

Инсон вужудидаги моддалар тупроқ, сув ва ҳаводан таркиб топган. Жонзотнинг эҳтиёж моддалари мана шу уч унсурдан ҳосил бўлмоқда. Одам ўлиб чириганда ҳосил бўладиган моддалар яна ўша уч унсурга ажралади. Қиёматда қайта тирилиш шу моддаларнинг ёки шуларга ўхшашларнинг қайта бирлашуви орқали юз беради.

Қалб, рух ва фаришталар ўз ҳолларича тараққий қила олмайди. Яратилган мартабаларида қолади. Қалб ва рух бадан билан бирлашгач, уларда тараққий қилиш, ривожланиш, юксала олиш ёхуд пасайиш хоссалари пайдо бўлади. Демак, бадандаги рух билан қалб ё тараққий топиб такомиллашади ёхуд кофир бўлиш, гуноҳга ботиш туфайли пасткашлашиб, хароб бўлади.

Бу дунёда ҳар бир жисм ўзига хос сифатлари билан танилади. Ҳар бир жисм элементлар билан бирикмалар йиғиндисидир. Элементлар бир бирикмадан иккинчи бирикмага ўтиб, ўрин алмаштираркан ҳар жисмнинг таркиби бузилиб, сифатлари йўқолиб, бошқа сифат билан бошқа жисмга айланади. Мана шу

узлуксиз ўзгаришларда модда йўқ бўлиб кетмаса ҳам, жисмлар вақти-вақти билан ўзгариб, йўқолиб, бошқа жисмлар ҳосил қилмоқда. Қадимги кимёда моддага “**хайула**” дейишарди. Жисмга, яъни модданинг бирон шаклга киришига “**сурат**” дейишарди.

Қалб билан руҳ парчаланмагани ва парчалардан иборат бўлмагани, яъни, мужаррад бўлганликлари учун ҳеч ўзгармайди, бузилмайди, йўқ бўлиб кетмайди. Физикавий ҳодисаларда жисмларнинг шакли ва ҳолати ўзгаради. Масалан, сув иссиқлик энергияси туфайли қайнаб, буғга айланади. Суюқ ҳолатдан газ ҳолатига ўтади. Сув жисми йўқ бўлиб, буғ жисми бор бўлади. Кимёвий реакцияларда эса, жисмнинг структураси [тузилиши, таркиби] ўзгаради. Шу жисмнинг моддаси йўқ бўлиб, бошқа модда пайдо бўлади. Физикавий ҳодисаларда жисм ўзгаради, модда ўзгармайди. Кимёвий реакцияда жисм йўқолади, модда ўзгаради. Лекин иккаласида ҳам модда йўқ бўлмайди. Термоядро реакцияларида эса модда ҳам йўқолиб, энергияга айланиб кетади.]

Учинчи мақом: Қалб ва руҳнинг ўзларига махсус қувватлари бўлади. Бу қувватлар наботий [ўсимлик] ва ҳайвоний қувватларга сира ўхшамайди. Наботот билан ҳайвонотнинг ҳам ўзларига яраша руҳлари бор. Қалб фақат инсонда бўлади. Ҳар бир жонзотда “**наботий руҳ**” бўлади. Туғиш, ўсиш, озикланиш, зарарли моддаларни ташқарига чиқариш, кўпайиш ва ўлиш сингари жонзот ишларини “**наботий руҳ**” бажаради. Бу ишлар одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларда ҳам амалга ошмоқда. Бунинг қандай бажарилиши табиатшунослик дарсларида ўргатилади. Буларда ўсиш жараёни бутун ҳаёт бўйича давом этмайди. Муайян бир микдорга етгандан сўнг бу иш тўхтади. Бу микдор одамларда ўртача йигирма тўрт ёшга етгунга қадардир. Тўлишиш ва семириш ўсишга қирмайди. Озикланиш ўлгунга қадар давом этади. Чунки озуқасиз яшаб бўлмайди.

Ҳайвонлар билан инсонларда “**ҳайвоний руҳ**” ҳам мавжуд. Унинг ўрни кўкрақдир. Ихтиёрий ҳаракатларни қилдирувчи қувват мана шу руҳдир. Одамларда бу ҳаракатлар қалбнинг амри билан бошқарилади.

Одамларда ундан ташқари яна бир руҳ бор бўлиб, “**руҳ**” деганда қалб билан бирга ана шу руҳ тушунилади. Ақлни

ишлатиш, ўйлаш ва кулиш каби жараёнларни бошқарадиган қувват мана шу руҳдир. Ҳайвоний руҳда икки қувват бор: Бири мудрика [интеллект] қуввати, иккинчиси ҳаракат қувватидир. Мудрика қуввати идрок этиш, англаш қувватидир. Англаш ҳам икки йўлдан амалга ошади: зоҳирӣ, ташқи сезги органлари орқали англаш. Ботинӣ, яъни кўринмайдиган ички сезги аъзолари орқали англаш. Ташқи сезги органлари бешта: Биринчиси тана терисидир. Тери орқали иссиқ, совуқ, ҳўл, курук, юмшоқ, қаттиқ нарсалар сезилади. Бирон жисм терига текканида ҳайвоний руҳ шу жисмнинг иссиқ ё совуқлигини сезади. Бу сезги ҳовуч [кафт] ичида кўпроқ бўлади. Иккинчиси хид сезиш туйғусидир. Хид бурун орқали сезилади. Учинчиси таъм билиш туйғуси бўлиб, тилдаги асаблар орқали билинади. Тўртинчиси эшитиш бўлиб, қулоқдаги асаблар орқали туюлади. Бешинчиси кўришдир. Уни кўздаги асаблар амалга оширади.

Кўринмайдиган ички ботинӣ ҳис аъзолари ҳам бешта: Биринчиси **“ҳисси муштарак”**дир. Бу туйғу миянинг олд қисмида жойлашган. Сезги органларидан миядаги сезиш марказларига келувчи ташқи таъсирларнинг барчаси мана шу ерда тўпланади. Иккинчиси **“хаёл”** бўлиб, унинг ўрни миянинг биринчи бўшлиғи олдидир. Ҳисси муштаракда тўпланиб, англашилган, сезилган маълумотлар шу ерда сақланади. Бир жисмга қараганимизда ушбу жисм ҳисси муштаракда сезилади. Жисм кўз олдимиздан кетса, ҳисси муштаракдаги сезгиси ҳам йўқолади. Лекин хаёлга келган таъсири узоқ вақт сақланиб қолади. Хаёл бўлмаганда, ҳамма бир-бирини унутиб, ҳеч ким ҳеч кимни таний олмасди. Учинчиси **“ваҳима”**. У сезги органлари орқали сезила олмаган, лекин сезилганлардан чиқарилувчи маъноларни тушунади. Масалан, душманлик ва тўғрилиқ каби хусусларни бирон орган орқали сезиб бўлмайди. Лекин дўст, душман бўлган одамларни кўриб, тушуниш мумкин. Улардаги дўстлик ёки душманликни англовчи қувватга ваҳима дейилади. Ваҳима қуввати бўлмаганда қўй бўрининг душман эканлигини англамас, ундан қочмасди. Кўзисини ҳам ҳимоя қилмасди. Тўртинчи қувват **“ҳофиза”** бўлиб, ваҳима қуввати томонидан тушунилган маъноларни сақлайди. Бешинчи қувватга **“мутасаррифа”** дейилади. Ушбу қувват тушунилган сезги, туйғу ва маъноларни қиёслаб, янги маънолар

чиқаради. Масалан, зумраддан тоғ тасаввур қилади. Шоирларда бу қувват кўпроқ бўлади.

Ҳайвоний руҳнинг иккинчи қуввати бўлган ҳаракат қуввати ҳам икки хилдир: Биринчиси **“шахвоний”** қувват. Одамлар ва ҳайвонлар шахват қувватлари ёрдамида ўзларига ширин туюлган ва муҳтож бўлган нарсаларига интилади. Бунга **“баҳимий”** [яъни, ҳайвоний] қувват ҳам дейилади. Иккинчиси **“ғазабий”** қувват. Бу қувват ёрдамида ўзларига зарарли бўлган, ёқимсиз нарсаларни даф қилиб, ёнларидан қувади. Буларга **“ваҳший”** қувватлар ҳам дейилади.

Ҳаракат қувватлари мудрика [интеллект] қувватларига доимо муҳтождир. Чунки бирон нарсага интилиш ёки қочиш учун аввало сезги органлари орқали унинг яхши ёки ёмон эканлиги англашилмоғи керак. Ушбу сезги, туйғу ва ҳаракатларнинг ҳаммаси нерв, яъни асаблар орқали бажарилади. Инсоний қалб билан руҳ фақат одамларда бўлади. Бу руҳнинг ҳам иккита қуввати бор. Инсон шу икки қувват билан ҳайвонлардан фарқланади. Бу икки қувватдан биринчиси идрок этувчи бўлмиш **“қувваи олима”** ва **“мудрика”** деган билувчи қувватдир. Иккинчиси **“қувваи омила”** деган бажарувчи қувватдир. Билувчи қувватга **“нутқ”** ва **“ақл”** дейилади. Бу қувват иккига бўлинади: Бири **“ҳикмати назарий”** бўлиб, **“тажрибий”** илмларни, яъни фан илмларини ўзлаштиришга ярайдиган қувватдир. Иккинчиси **“ҳикмати амалий”** бўлиб, **“ахлоқ”** илмларини ўзлаштиришга хизмат қиладиган қувватдир. Тажрибий, яъни фан илмларини ўрганадиган қувват, модданинг ҳақиқатини тушунишни таъминлайди. Ахлоқ илмларини ўрганувчи қувват эса, яхши хулқлар билан фойдали ишларни ёмон хулқлар билан чиркин ишлардан фарқлай олишни таъминлайди.

Руҳнинг бажарувчи қуввати фойдали, эзгу ишларнинг бажарилишини таъминлайди. Билувчи қувватлар орқали орттирилган маълумотлар бўйича иш қилади. Ҳайвон руҳидаги ҳаракат қуввати эса, ваҳима қуввати яхши деб топган нарсаларга интилиб, зарали деб топганларини ўзидан даф этади. Инсон руҳининг бажарувчи қуввати ақлга суянади. Агар бирон ишда яхшилик, фойда борлигини **“ақл”**и билан англаса, шуни қилади. Охири вой, нуксон ёки зарарли бўлишини англаса, у ишни

қилмайди ёки даф этади. Буларни ва ҳайвоний руҳнинг шаҳвоний ва ғазабий қувватларини қалб орқали бошқаради.

Кўплаб одамлар борки, кўп ишларини нафсининг ёки ҳайвоний руҳнинг қувватларига тобе бўлган ҳолда бажаради. Яъни ваҳм ва ҳаёлга суяниб иш қилади.

Имоми Муҳаммад Ғазолий ва тасаввуф улуғларидан бир қисмининг таъкидлашича, «Руҳнинг ушбу қувватлари аслида малоика [фаришталар]дир. Аллоҳу таоло лутфу марҳамати билан малакларни руҳнинг амрига берган. Улар кичик қиёматгача, яъни руҳ бадандан айрилгунча руҳнинг буйруғи остида бўлади. Ҳадиси шарифларда ҳам бунга ишоралар бор. Баъзи кимсаларнинг кутилмаганда тажрибали инсонларни ҳайратда қолдирган ҳунарлар кўрсатиши ҳам шунга далолат қилмоқда.» Инсоннинг камолга етиши руҳнинг икки қуввати орқали амалга ошади.

ЭСЛАТМА: Муҳаммад Маъсум ҳазратлари **“Мактубот”**нинг иккинчи жилд, 80-мактубида бундай деганлар: «Балолар билан ғам-ташвишни кетказиш учун **“истигфор”** ўқиш жуда фойдали бўлиб, тажриба қилинган. Буни ҳадиси шарифлар ҳам таъкидлайди. Бу фақир [камина] ҳар фарз намоздан кейин уч марта истиғфор дуоси, яъни **“Астағфируллоҳал-ъазийм аллазий ло илоҳа илло ҳув ал-хайл-қайюма ва атубу илайҳ”**ни ўқийман кейин [тасбиҳот ва дуодан кейин эса] охирида 67 марта фақат **“Астағфируллоҳ”**ни ўқиб, етмишга тамомлайман.”

*Қилолмас мингларча қурол-аслаҳа,
Кўз ёшининг саҳар пайти қилганларини.
Ёв ўқталган найзаларни, қўп дафъа,
Тўзонга белайди мўмин дуоси.*

МУҚАДДИМАНИНГ БИРИНЧИ ИЛОВАСИ

Бу иловада инсоннинг маҳлуқот [яратилган]лар ичида энг устуни ва энг шарафлиси эканлиги баён қилинади.

Барча жисмлар моддий томондан бир-бирларидан фарқ қилмайди. Ҳаммасининг оғирлиги ва ҳажми бор. Инсон ва ҳайвон ҳам шу жиҳатдан жонсизлар билан бир хил. Лекин жисмлар ўзига хос хоссалари билан бир-биридан фарқ қилади.

[Ҳар бир модда **“атом”**дан ташкил топган. Битта чангнинг ўзи миллионлаб атом йиғиндисидан иборат. Оз ва муайян миқдордаги атом бир-бири билан бирлашиб, бир **“молекула”** ҳосил қилади. Моддалар асосан иккига бўлинади: Соф модда ва аралаш модда. Муайян хоссаларга эга бўлган моддага **“соф модда”** дейилади. Масалан, мис сим ва ёмғир суви софдир. Чунки ер юзининг ҳамма жойида, доим бир хил хоссаларга эга бўлиб, қайнаш-эриш даражалари маълум ва ўзгармайди. Муайян хоссаларга эга бўлмаган моддаларга **“аралашма”** дейилади. Сут, тахта, бензин, денгиз суви арлашмадир. Чунки булар ҳар хил хоссаларга эга бўлиб, маълум бир қайнаш, эриш, иссиқлик даражасига эга эмас. Сигир сути бошқа, қўй сути бошқа ҳароратда қайнайди. Қора денгиз сувининг шўри камроқ. Ўртаер денгизи сувининг шўри кўпроқ.

Соф моддалар ҳам икки хил бўлади. Агар ҳар хил хоссаларга эга моддаларга ажралмаса, **“оддий модда”** ёки **“элемент”** дейилади. Олтин, олтингугурт, йод, кислородлар мустақил элементдир. Бугунги кунда бизга юз бешта элемент маълум. Ҳар хил таркибдаги оддий моддаларга ажрала оладиган жисмларга **“мураккаб”** ёки **“бирикмалар”** дейилади. Масалан, шакар, ёмғир суви, спирт мураккаб жисмдир. Чунки шакар оловда қиздирилса, углерод, сув яна бошқа парчаларга ажралади. Сув эса, электр токи ёрдамида кислород ва водород деган икки хил газга ажралади. Бугунги кунда биз миллионлаб мураккаб жисмларни биламиз. Мураккаб жисм, икки ёки ундан кўп элемент атомларининг ўзаро бирлашувидан ҳосил бўлади.

Битта модда табиатда қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатида учраши мумкин. Масалан сув, муз ҳолида қаттиқ, сув ҳолида суюқ, буғ ҳолида бўлса, газдир. Газ аниқ бир ҳажм ва шаклга эга бўлмаган, ҳаво сингари учувчи деганидир.

Оддий жисм, яъни элемент учга бўлинади:

1. Ҳақиқий маъданлар. Буларга металл ҳам дейилади.
2. Маъдан бўлмаганлар. Буларга аметалл [металмас] ҳам дейилади.
3. Ярим маъданлар [ярим металллар].

Ҳақиқий металллар 78 та бўлиб, 77 таси оддий шароитда қаттиқ ҳолатда, фақат симоб суюқ ҳолатда учрайди. Симоб 357,3

даражада қайнайди, -39,4 даражада қотади. Қаттиқ металллар болға билан урилса, эзилиб, яссиланади. Майдаланиб кетмайди. Металл атоми бошқа атомлар билан бирлашганда мусбат (+) зарядли ионлар ҳосил қилади. Манфий заряд ҳосил қилмайди. У ҳолда икки металл бир-бири билан бирика олмайди. Чунки мусбат зарядли икки атом бир-бирини тортмайди, итаради.

Аметаллар ўн еттита бўлиб, биттаси суюқ, бештаси қаттиқ, ўн биттаси газ ҳолатда учрайди. Қаттиқлари зарба таъсирида яссиланмайди, майдаланиб кетади. Соф ўтин кўмири [писта кўмир] металмасдир. Бунга кимё тилида углерод дейилади. Металмас атомлар бирикма ҳосил қилганда, мусбат зараядли ҳам, манфий зарядли ҳам бўла олади. У ҳолда бир нечта аметалл атоми бир-бири билан бирлашиб, битта молекула ҳосил қила олади.

Бирикмалар икки хил бўлади. Таркибида углерод ва водород атоми бор бўлган бирикмаларга **“органик”** ёки **“узвий”** моддалар дейилади. Булар ёнувчи бўлиб, жонлиларда ҳосил бўлади. Ҳозир фабрикаларда ҳам баъзиларининг синтезлари қилинмоқда. Ёғ, шакар, ацетон, хинин органик моддаларга киради. Таркибида ҳам углерод ҳамда водород атоми бирга мавжуд бўлмаган бирикмаларга **“анорганик”** ёки **“узвий бўлмаган”** моддалар дейилади. Булар ер қобиғида ва эриган ҳолда денгизда бўлади. Ош тузи, сув, оҳак тош, кум шуларга киради.

Барча жонсиз моддалар муносиб бир тарзда бирикма ва аралашма ҳосил қилиб, тирик организмларнинг таркибий қисми бўлган **“хужайралар”**ни пайдо қилади. Хужайра тирик системадир. Ўсимлик хужайраси ҳайвон хужайрасига ўхшамайди. Инсон хужайраси ҳайвон хужайрасига ўхшайди. Хужайраларнинг бирлашувидан **“насж”** яъни **“тўқима”** вужудга келади. Турли жинсдаги тўқималар бирикиб, аъзолар **“орган”**лар ҳосил бўлади. Органлар йиғиндисидан **“жиҳоз”**лар, яъни **“системалар”** вужудга келади. Хужайра, тўқима, аъзо ва системалар йиғиндиси эса, ё бир ўсимлик **“набот”** ёки **“ҳайвон”** ёхуд **“инсон”** пайдо қилади.

Бутун мавжудот **жонсизлар, наботот** ва **ҳайвонот** бўлиб уч жинсга бўлинади. Ҳайвон жинсининг энг қадрли, энг олий ва энг шарафлиси инсон навидир. Ҳар бир жинснинг навлари

орасида ўзаро бир-биридан устунлик поғонаси бўлади. Яъни, ҳар бир нав бошқа навлардан устунроқ ёки қуйироқ поғоналарни эгаллайди. Бир жинс ичидаги энг устун нав ўзидан устунроқ жинснинг энг қуйи навиға яқин хусусиятлар намоён қилади. Ҳатто баъзи сифатлари муштарак ҳам бўлади. Масалан, маржон жонсизлар жинсидаги тошға ўхшайди. Лекин жонзотлар сингари кўпаяди ва ўсади. Набототдан хурмо дарахти билан ҳашаротхўр ўсимликлар худди ҳайвонлардек сезади ва ҳаракат қилади. Хурмо дарахтларининг бир қисми эркак, бир қисми урғочи бўлиб, эркак дарахт урғочи дарахтға қараб эгилади. Эркак дарахтдан бир модда урғочига ўтмагунча урғочиси мева бермайди. Аслида, барча ўсимликларда бу икки орган мавжуд бўлиб, ўзаро чангланади. Лекин хурмо дарахтида бу жараён худди ҳайвонлардагидек амалға ошади. Ҳатто, хурмо дарахти учидаги оппоқ ўсимтаси ҳайвонлар юрагидек вазиға бажаради. Шу қисмға зарар етса ёки сувда қолиб кетса дарахт қурийди. Ҳадиси шарифда: **“Аммангиз бўлмиш хурмо дарахтиға эҳтиром кўрсатинг! Чунки илк хурмо дарахти Одам алайҳиссалом лойининг ортиқларидан яратилди”**- деб марҳамат қилинган. Эҳтимол бу, хурмонинг ўсимликлар жинсидаги энг устуни эканлигига ишорадир.

Ҳайвонот жинсининг энг қуйи нави порифера (кўп ҳужайрали умуртқасиз ҳайвон). Оппоқ бўлиб, денгизларда яшайди. Ихтиёрий, истакли ҳаракат қилади. Сувда яшовчи мингларча ибтидойи жонивор мавжуд. Ҳар бир навадан янада илғор, янада устун бошқа бир нав яратилган. Уларнинг ўзаро устунлик поғоналари табиатшунослик китобларида мавжуд. Ҳайвонларнинг ҳар бир навида бир-биридан фарқли озикланиш ва ҳимояланиш аъзолари бор. Бир хилиға ўқ, бир хилиға тиш, бир хилиға панжа, бир хилиға шох, бир хилиға қанот, бир хилиға суръат [тезлик], тулқиға ўхшаганларға эса, ҳийла ато этилган. Ҳар синфдаги ҳайвон зоти ва нави ўзига хос ҳимояланиш воситаси билан таъминланиб, яшашлари учун ҳар бириға инсон ақлини ҳайратға соладиган нарсалар илҳом қилинган. Асалари муҳандисдек олти бурчакли уя қуради. Агар уясини цилиндр кўринишида ясаганда, ҳар катак орасида бўш жой қоларди. Олтибурчакли призмалар орасида жой зое кетмайди. Тўртбурчак бўлганда ҳажмлари кичикроқ бўлиб қоларди. Буни одамлар ўқиш,

ўрганиш орқали тушунади. Ўрганмаган одам тушунмайди. Хўш, арига буним ким ўргатган? Аллоҳу таоло арига “илҳом” берган. Илҳомга ҳозир “инстинкт” дейилмоқда.

Ҳайвонларнинг даража-даража бир-биридан устунроқ яратилганига эътибор берсак, одамга энг яқинлари - от, маймун, фил ва қушлардан тўти, энг устунлари ҳсобланади. Маймун ва филнинг зукколиги [топқирлиги] кўп одамларникидан кам эмас. Дарвин деган бир доктор ҳайвонлар орасида ўзаро устунлик рўйхатини тузиб, энг устуни маймун деган хулосага келган. Уни ўқиган ислом душманлари, ўзларини замонавий деб ҳисоблайдиган, хомкалла фан нодонлари “Дарвин, ҳайвонларнинг бир-бирига айланишини, шу тариқа тараққий этиб охирида одамга айланишини ёзган,”- дейди. Шу фикрни илгари суриб, Одам алайҳиссаломнинг тупроқдан яратилганини инкор қилиб, мусулмон болаларини алдамоқда. Ҳолбуки, Дарвин китобида ҳайвонлар бир-бирига айланади деб ёзмаган. Балки “Яратилишларида бир такомил, яъни устунлик поғонаси бор”- деб, қуйи поғонадагиларнинг юқорида поғонадагиларга озик, ем бўлишини ёзган. Бу жараёни ислом олимлари анча олдинроқ баён қилган бўлиб, арбобига маълум эди. Яъни янгилик эмасди. Чунки, Дарвин х.1224 [м. 1809] йили туғилиб, х.1299 [м.1882] йили вафот этган. Ҳайвонларнинг устунлик поғонаси ва энг устунларини юқорида ёзилгандек тасвирлаб ёзиб қолдирган киши - Али бин Амруллоҳ (раҳима-ҳуллоҳу таоло) ундан анча олдин, яъни х.916 йили таваллуд топиб, х.970 [м.1570] йилда вафот этган. Дарвиннинг ўша маълумотларни ислом китобларидан олгани кўриниб турибди.

Ҳайвонлар жинсининг энг юқорги поғонасида инсон навининг энг қуйи тоифалари жойлашган. Улар чўлларда, ўрмонларда, қутбларда яшовчи қабилалардир. Одамларнинг энг устунлари ўрта иқлимларда, яъни 23 даража билан 66 даража кенгликлар орасидаги шаҳарларда яшовчилардир.

Яратилиш жиҳатидан юзага келган ушбу устунлик фарқларидан ташқари одамзот орасида меҳнат қилиш орқали моддий ва маънавий [ахлоқий] томондан ривожланиш фарқлари ҳам бор. Баъзи одамлар заковатларини ишга солиб, меҳнат қилиб, кўпгина иш асбоблари ясаган, баъзилари эса, шунга қўшимча

равишда ақлий илмларда, фан-техникада ҳам ривожланган. Энг устунларига келсак, булар техника, илм-фанда ривожланиш билан бирга ахлоқда ҳам камол топиб, валийлик ёки Аллоҳу таолога яқинлик деган одамийликнинг энг олий даражасига эришганлар. Булар ўзларидан қўйи поғоналардаги одамларни тўғри йўлга бошлаб, ўғит бериб иршод қилиш орқали раънақ топтирадилар. Буларнинг энг юксаги пайғамбарлардир (алайҳимуссалавоту ваттаслимот). Улар Жаброил алайҳиссалом деган фаришта орқали Аллоҳу таолодан буйруқ ва хабар олиш шарафига муяссар бўлганлар. Ўша фаришта олиб келган амр ва хабарларга **“вахий”** дейилади. Пайғамбарлар (алайҳимуссалавоту ваттаслимот) ўзларига келган ваҳийларни одамларга етказиб, уларга юксалиш, камол топиш йўлини кўрсатганлар. Пайғамбарлар кўрсатган юксалиш ва ривожланиш йўлига **“дин”** дейилади.

Одамзотнинг камол топиб, етадиган даражалари фаришталарнинг даражаларидан ҳам юқоридир. Пайғамбарлик мақоми ҳам тўрт даражадан иборат бўлиб, биринчиси **набийлар**, иккинчиси **расуллар**, учинчиси **улулазм** пайғамбарлардир. **Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо** ва **Мухаммад** (алайҳимуссалом) шу даражададир. Тўртинчи даража **хотам-ул анбиё** бўлиш, яъни энг охириги бўлиб келиш даражасидир. Бу энг олий даража фақат Мухаммад алайҳиссаломга махсус. **“Сен бўлмаганингда, сен бўлмаганингда ҳеч нарсани яратмас эдим”** илтифоти, одамзотнинг фаришталардан устунроқ эканлигига ҳужжат бўлган.

Одамзотнинг даражаси ва ўрни барча махлуқотнинг қоқ ўртасида жойлашган. Исломиятга риоя қилиб яшаганлар тараққий топиб, малоикадан ҳам юқорига чиқа олади. Нафслари билан ёмон дўстларига эргашиб, исломиятдан йироқлашганлар тубанлашади. Чунки руҳнинг соф эканлигини, бадан эса ҳар хил хусусиятларга эга моддалар йиғиндиси эканлигини юқорида баён қилган эдик. Одам руҳи томонидан фаришталарга, бадан тузилиши жиҳатидан ҳайвонларга ўхшайди. Ким руҳини қўллаб қувватласа, малоикадан ҳам устунроқ бўлади. Чунки бадан инсонни фаришталардан узоқлаштириб, ҳайвонларга

яқинлаштираётганда, шу тубанлашишга қарши курашиб юксалган. Фаришталарда ҳайвонлаштирувчи бадан йўқ. Улардаги яхшилик фаришталик сифатлари билан бирга яратилган.

Агар киши баданини парваришлаб, нафсини қўллаб-қувватласа, ҳайвонлардан ҳам паст поғоналарга тушади. Аллоҳу таоло “Аъроф” сурасининг юз етмиш саккизинчи оятида ва “Фурқон” сурасининг қирқ тўртинчи оятида: **“Улар ҳатто ҳайвонлардан ҳам тубанроқдир”** дея буюриб, ундай одамларнинг ёмонликларини баён қилган. Чунки, ҳайвонларда ақл бўлмайди. Фаришталарга ўхшаган руҳлари ҳам йўқ. Шу боис ҳайвонларнинг шахватлари етовида яшаши айб, уят саналмайди. Инсонларга ақл чироғи берилгани боис нафсларига бўйсуниб, тўғри йўлдан оғишлари жуда ёмон бўлади.

***Қоришмадир Одамзот,
Малаклик ва ҳайвонликдан.***

***Кимки малагига уйди,
Устун бўлди ҳатто ундан.***

***Кимки бўлса ҳайвон ҳулқли,
Қуйи тушгай ҳар маҳлукдан!***

Ҳайвонларнинг яшай олишлари учун керакли нафас оладиган ҳавоси, озиғи, ичимлиги, кийими, бошпана ва жуфти сингари омилларнинг барчаси тайёр ҳолда яратилган.

[Шулардан яшаш учун энг зарури - ҳаво. Ҳайвонот ҳавосиз бир неча дақиқадан ортиқ чидай олмай, шу заҳоти ўлади. Агар ҳаво излаб топиш, заҳмат билан қўлга киритиладиган омил бўлганда, уни излашга кетадиган муддатча ҳам яшай олмасди. Шу қадар зарур моддани Аллоҳу таоло ҳамма жойда топиладиган ва маҳлуклар ўпкасига ўзлигидан кира оладиган хоссада яратган. Яшаш учун сув ҳавочалик зарур эмас. Инсонлар билан ҳайвонлар сувни излаб топишга кетадиган вақт миқдорича бемалол яшай олади. Шу боис сув, излаб топиладиган қилиб яратилган. Ҳайвонларда ақл йўқлиги ва бир-бирига ёрдам бериш қобилиятлари берилмагани

учун ейдиган ва киядиган нарсаларини ўзлари тайёрлай олмайди. Шу туфайли озиқларини пиширишлари, тайёрлашлари шарт эмас. Ўт-ўлан, ўлакка каби нарсалар улар учун тайёр озиқ саналади. Тук, жун, қиллари уларга кийим вазифасини ўтайди. Ҳимоя воситалари ҳам ўз таналарида яратилганидан бир-бирларига мухтож эмас.

Одамлар эса, буларнинг барчасини тайёрлашга, ўйлашга мажбур. Экиб-тикмагунча, нон пиширмагунча тўйишлари мумкин эмас. Ип йигириш, тўкиш ва тикиш ишларини бажармагунча кийина олмайди. Ҳимояланиш учун ҳам ақл-заковатларини ишга солишлари, илм-фан ўрганишлари, саноат куришлари керак. Ҳар бир ҳайвонда бор бўлган баъзи устунликлар инсонда бир орага жамланган. Инсон, ўз вужудида яратилган ушбу устунликларни юзага чиқариш учун ақлини ишлатиши, бош қотириши, ҳаракат қилиши керак. Саодат ва фалокат эшикларининг калитлари инсон қўлига берилган. Унинг юксалиши ёки тубанлашиши кучини сарфлашига ва тер тўкишига боғлаб қўйилган. Ақлу фикрини ишга солиб, саодат йўлини топиб, шу йўлдан юришга интилса, вужудида яратилган яширин юксакликлар билан фазилатларни қўлга киритади. Уфқдан-уфққа юксалиб, фаришталар поғонасига қўшилади. Аллоҳу таолонинг ризосига, меҳрига эришади. Йўқ, агар нафснинг зарарли хоҳишларига эргашиб, илк яратилган ҳолича ҳайвонлик даражасида қолиб кетса, иши чаппасига айланиб, тобора тубанлашиб, асфал-ус-софилинга [тубанларнинг тубанига] тушади. Фалокатдан фалокатга отилиб, жаҳаннамгача судралади.

Инсон яратилишдан икки томонли яратилган. Унга ҳидоят, устунлик томонларини танитиб, шу томонига қувват беришини таъминлаш учун бир муаллим, устоз керак. Баъзи болалар насиҳат, мулойим сўз билан ва мукофот берилса, йўлга келади. Баъзилари эса, қаттиқ ва аччиқ сўз билан ёки жазо бериш орқали тарбияни қабул қилади. Устоз моҳир бўлиб, боланинг яратилиш табиатини фаҳмлаб, уни меҳр-шафқат билан, ширин ёки аччиқ таъсирлар орқали тарбиялаши керак. Шундай моҳир ва мушфиқ мураббий бўлмагунча, бола илм билан ахлоқ ўрганмайди, камол топа олмайди. Раҳбар, яъни илм ва ахлоқдан сабоқ берувчи зот болани фалокатдан қутқариб, саодатга эриштиради.]

*Ҳақ таоло илмни мадҳ этди қўп Қуръонда,
Расулнинг илмни буюрган сўзлари ҳам майдонда.*

*Исломнинг энг ашаддий душмани бил, жаҳолат,
Чунки жаҳл микробининг касаллиги - фалокат!*

*“Жаҳолат бор жойдан дин йўқолар”- деди Набий,
Динни севган киши, лозим севмоғи илму фанни!*

*“Жаннат қилич соясида” демаганимиди ҳадис,
Атом кучи, реактивга ушбу буйруқ, ҳўб ваҷиз!*

*Исломнинг зиллатига бесаводликдир иллат!
Эй жаҳолат иллоти, сенга чалиниб, бу миллат!*

*Шундай ҳолга солдингки, на номус қолди, на дин,
Эй ислом сийнасига заҳарли тиг урган хоин.*

*Эй золим душман, сени йўқотмоқ керак дарров,
Сенсан куффор аҳлини бизга ҳолиб қилган ёв!*

*Эй халқ, уйғон, нодонлик қурбони бўлмоқдасан,
“Ислом қолоқлик” деган тамга урдирмоқдасан!*

*Аллоҳдан уял, қўй динни, гар илм ўқимасанг,
Ўзинг кир, динни тортмай, ерга кирмоқчи бўлсанг!*

*Лекин бу сўзим ҳам таъсир қилмаски жоҳилга,
Аллоҳдан уялмоқ ҳам, бўлур албат илм ила¹.*

1. Садри аъзам Мустафо Рашид пошо масон эди. Инглизлардан олган буйруққа биноан мадрасалардан фан дарсларини олиб ташлади. Мовароуннаҳр мадрасалари ҳам фанни тарк этди. Оқибатда фан арбоблари етилмай қолиб, замонавий қурол-аслаҳалар ясалмади. Шундан кейинги урушларда доим мағлубиятга учрадик. Инглизларнинг исломга қилган энг катта душманлиги шу бўлди.

МУҚАДДИМАНИНГ ИККИНЧИ ИЛОВАСИ

Бу ерда руҳнинг юксалиш ва пасайишининг нима эканлиги изоҳланади:

Рухнинг юксалишига ва фалокатга тушишига сабаб бўлувчи омилларни юқорида баён қилгандик. Бу ерда янада очиб изоҳлаймиз. Ҳар бир моддада оғирлик, ҳажм сингари умумий хусусиятлар бўлганидек фақат ўша моддага хос бўлиб, уни ўзгалардан ажратиб турадиган хусусиятлари ҳам бўлади. Масалан, ҳар бир элементнинг ўзига хос аниқ атом оғирлиги мавжуд. Ҳар бир суюқликнинг қайнаш ва музлаш ҳарорати, каттиқ моддаларнинг маълум эриш температураси, шуъаларнинг [ёруғлик] маълум тўлқин узунликлари бор. Шунингдек, жониворларнинг ҳам ўзларига хос муайян сифатлари, хоссалари, фарқлиқлари бўлади. Масалан, Дигитал [тўқ қизил, қўнғирокгул ангишвонагул] деган гиёҳ ўсимликлар орасида юракка таъсири билан танилади. От эса, минувчисига итоати ва чопқирлиги билан танилган. Агар отда шу хусусият бўлмаса, унга эшак сингари юк ортишарди.

Инсон кўп томонлардан ҳайвонларга, ҳатто баъзи сифатлари билан ўсимликка ёки жонсизларга ўхшаса-да, одамни жониворлардан ажратиб турувчи маълум хусусий одамий сифатлари ҳам бор. Унга одамзот деган шараф ана шу ўзига хос хусусиятидан келади. Ушбу хусусият **“нутқ”**, яъни руҳнинг идрок этиш [тушуниш, ўйлаш] қувватидир. Сўз сўзлашга ҳам “нутқ” дейилса-да, бу ўринда у маънони англамаймиз. Тилсиз одам сўзламайди. Лекин, барибир, инсондир. Чунки нутқ эгасидир. Яъни, тушунади ва ўйлайди. Тўти куш ҳам сўзлайди. Лекин инсон эмас. Чунки нутқи, яъни идроки, ақли, фикри, ўйлаши йўқ. Яхши хулқларни ёмонларидан, эзгу ишларни чаккиларидан ажратувчи қувват мана шу нутқдир. Аллоҳу таоло бу хусусиятни инсонга берди, токи у Яратганни англасин, тушунсин. Қалб билан руҳ мана шу қуввати билан, яъни нутқ, ақл неъматни орқали еру осмонларни [модда оламини, физика, кимё қонунларини, ҳаёт фаолиятларини] тадқиқ қилиб, Аллоҳу таолонинг борлигини, олий сифатларини тушунади. Кейин амрлари билан тақиқларига, яъни исломиятга амал қилиб,

дунё ва охират саодатига эришади. Фалокатлардан қутулади. “Зориёт” сурасининг эллик олтинчи оятида маолан: **“Одамлар билан жинларни менга ибодат қилишлари учун яратдим”** - деб буюрилган. Бу ояти каримадаги “ибодат қилишлари учун” ифодаси “мени танишлари учун” деганидир. Яъни, Аллоҳу таолони таниш, ишониш учун яратилдик. Одамларнинг ҳайвонларга ўхшаш томонлари ҳайвоний руҳдан чиқувчи шахват ва ғазаб қувватларидир. Бунинг иккаласи ҳам инсон руҳи учун кадр-қийматги эга эмас. Бу қувватлар ҳайвонларда ҳам бор. Ҳатто ҳайвонларда одамдагидан анча қувватлироқ. Масалан, ҳўкиз ва эшак одамдан кўпроқ еб-ичади. Чўчка ва қушлар инсонга нисбатан анча шахватлироқ. Арслон, кўтос, фил одамга қараганда анча кучли. Бўри, қоплонлар йиртқичликда одамдан анча устун. Сичқон, мушук, ит қоронғида ҳам кўради, узоқдан ҳидни дарров сезади. Ушбу қувватларнинг ҳеч қайсиси инсон учун шараф ва фазилат бўлолмайди. Булар обрў ҳисобланганда, юқорида саналган ҳайвонлар одамдан ҳам фазилатли, шарафли, обрўли бўларди. Инсоннинг шарафи руҳидаги иккита қувватдан келади. Қалб билан руҳ, илм ва нутқ қуввати орқали фазилатларни, устунликларни тушунади. Амалий қувватлари орқали уларни ўзлаштириб, ёмонликлардан тийилади.

Аллоҳу таолога маърифат ҳосил қилиш [танимоқ], унга ишониш куруқ сўз билан бўлмайди. Балки иймоннинг олти [мовароуннаҳрда етти] шарти бўлган **“Оманту”**нинг маъносига қалб билан ишониш орқали бўлади. Шу олти шартнинг бешинчиси **“Қиёмат”** кунига, яъни, ўлгандан сўнг тирилишга ишонишдир.

Ислом душманлари: “Жаннат неъматлари барра гўштлар, мевалар, сут, тоза асал, кўшқлар, ҳурий қизлар сингари баданга ҳуш ёқувчи нарсалар билан таърифланган. Булар шахват билан ҳайвоний хирсларни қондирувчи нарсалар-ку. Руҳнинг саодати инсоннинг олийлиги, маърифат ва ақл ёқтирган нарсалар бўлишига қарамай жаннатда улар унутилиб, ҳайвоний завқлар руҳнинг завқини босиб кетади. Бу ҳол дунёдаги олий одамларнинг, пайғамбарлар (алайҳимуссалавоту ваттаслимот), валийлар ва олимларнинг (раҳима-ҳумуллоҳу таоло) жаннатда энг тубан инсон, ҳатто ҳайвон даражасига тушишларини

кўрсатмайдими? Ундан ташқари баданнинг завқ, лаззат олабилиши учун аввало алам, ташвиш чекиши керак. Бадан қийналмагунча ҳеч нарса талаб қилмайди. Масалан, очлик ҳиси бўлмаса ейиш, ичиш лаззати сезилмайди. Чарчок, уйқусизлик ташвиши бўлмаса, дам олиш ва уйқу лаззати билинмайди. Жаннатда ҳеч қандай ташвиш бўлмагани учун демак, баданнинг ушбу лаззатларни сезишига ҳам имкон йўқ”- дейди. Ҳатто Ибн Сино **“Шифо”** ва **“Нажот”** китобларида қиёмат куни ҳақида ёзган бўлишига қарамай, **“Муод”** деган китобида унга ишонмаслигини айтган. Насируддин Тусий ҳам **“Тажрид”** китобининг баъзи жойларида қайта тирилишни баён қилган бўлса ҳам, бошқа жойларида бунинг аксини ёзган.

Аҳли суннат олимлари иттифок билан таъкидлаганларки, Қиёмат куни мана шу бадан қайта пайдо бўлади. Лекин жаннат неъматлари билан лаззатларини фақат баданнинг лаззати деб тушуниш мутлако нотўғри. Дунёда камолот сари юксала бошлаган руҳ бадандан айрилгач, қиёматгача ҳар он юксалишда давом этади. Жаннатда бадан абадий яшай оладиган хусусиятда дунёдагидан бутунлай бошқа хоссаларга эга қилиб яратилади. Юксалган руҳ мана шу бадан билан бирлашиб қиёмат ҳаёти бошланади. Жаннатда бадан билан руҳнинг ҳар бирига тегишли алоҳида-алоҳида неъматлар, лаззатлар бўлади. Даражаси баланд бўлган инсонлар жаннатда ҳам руҳнинг лаззатларига кўпроқ аҳамият беради. Руҳнинг лаззати баданнинг лаззатларидан фарқли ва бекиёс зиёда бўлади. Руҳ лаззатларининг энг тотли, энг юксаги эса Аллоҳу таолонинг жамолини кўриш бўлади. Олий инсонлар, орифларнинг дунё ҳаётида-ёқ руҳ жаннатига киришлари, охиратдаги руҳ лаззатларидан бир қисмига эришишлари жоиз, дейилган. Лекин бадан жаннатига дунёда эришиб бўлмайди. Жаннат лаззатлари билан дунё лаззатлари бирдай эмас. Ҳатто дунё лаззатларига сира ўхшамайди. Аллоҳу таоло жаннатдаги лаззатларни дунёдаги одамлар тушуна олиши учун дунёда шуларга ўхшаган лаззатлар яратди. Шу тариқа ўша лаззатларга эришиш учун ҳаракат қилишимизни буюрди. Жаннат лаззатларининг мазасини татиб кўриш учун аввало қийинчилик-ташвиш тортиш шарт эмас. Чунки жаннатдаги баданнинг тузилиши дунёдаги баданга ўхшамайди. Дунёдаги

бадан тақрибан юз йилга чидамли соғломликда, охирида йўқ бўлиб кетадиган қилиб яратилган. Жаннатдаги бадан эса, абадий яшайдиган, асло қаримайдиган даражада мустаҳкам яратилади. Орасидаги ўхшашлик инсон билан унинг ойнадаги акси орасидаги ўхшашликдай бўлади. Инсон акли киёматдаги мавжудотларни англай олмайди. Ақл фақат, сезги органлари орқали сезиладиган нарсалар билан уларнинг ўхшашларини англай олади. Жаннат неъматларини, лаззатларини дунёдагиларга ўхшатиб, улар устида мантиқ, фикр юритиш одамни нотўғри натижаларга элтади. Номаялум нарсаларни маълумларга ўхшатиш орқали фикр юритиш ботилдир.

Тасаввуф улуғлари билан аксарият олимларга кўра (раҳима-ҳумуллоҳу таоло), дунёда **“олами мисол”** деб аталувчи учинчи олам бор. Бу олам биз кўриб турган **“жисмлар олами”**дек моддий эмас. **“Рухлар олами”**дек мужаррад ҳам эмас. Яъни моддасиз ҳам бўлмай, балки иккаласи орасидадир. У ердаги махлуқлар бўлакларга ажрала олгани учун моддий оламга ўхшайди. Оғирлиги бўлмагани, ер қопламагани учун ўхшамайди. Дунёдаги ҳар бир модда ва ҳар бир маънонинг ушбу оламда бир мисоли, шакли мавжуд. Сувнинг мисоли у оламда ҳам сув. Илмнинг мисоли у ерда сут. Яхши хулқлар билан эзгу амалларнинг у ердаги кўриниши боғу бўстон, гул ва мева сингари лаззатли нарсалардир. Ёмон хулқлар билан ёмон қилиқларнинг у оламда кўриниши зулмат, илон, чаён сингари зарар етказувчи нарсалардир. Ҳамма кўрадиган тушлар ўша оламдандир. Тасаввуф уламосига кўра, олами мисол ҳам иккига бўлинади. Тасаввуфчилар у оламга хаёл қуввати орқали кирса, унга **“хаёлга боғлиқ”** олами мисол дейилади. Хаёл ва бошқа ички ҳис органларининг алоқаси бўлмасдан ҳосил бўлса, унга **“мутлақ”** олами мисол дейилади. [**“Мактубот”** китобининг иккинчи жилдидаги эллик саккизинчи мактубда олами мисол ҳақида кенг маълумот берилган. Ўша узун мактубнинг таржимаси **“Саодати абадия”** китоби биринчи қисм, 39-моддасида мавжуд.]

Тасаввуфчилардан баъзилари **“риёзат”** чекиб ва **“мужоҳада”** қилиб олами мисолга кирганларини ва у ерда кўрган-кечирганларини хабар берганлар. Дин олимлари ҳам ушбу оламнинг мавжудлиги ва баъзи сирлари ҳақида ёзганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос (розиаллоҳу анҳумо) бундай деганлар: «Шу кўриб турган оламдан бошқа яна битта олам бор. Бу оламда бор бўлган ҳамма нарсанинг у ерда биттадан ўхшаши бор. Ҳатто у ерда менга ўхшаган битта ибни Аббос ҳам бор.»

Тасаввуф мутахассислари (раҳима-хумуллоҳу таоло) бундай деганлар: «Одам ўлганида руҳи бадандан айрилади. Инсоннинг дунёда қилган яхши амаллари, иймони, чиройли ахлоқи нурларга, боғу бўстонлар, гуллар, ҳурийлар, сарой ва кўшқлар, инжуларга айланади. Одамнинг жоҳиллиги, бузуклиги, ёмон хулқлари эса, оловлар, зулмат, чаёнлар, илонлар қиёфасида кўринади. Иймонли ва хушхулқли руҳ неъматларни жаннатларга ўзи олиб боради. Кофир ва фосиқ руҳлар ҳам, олов, азобларни ўзи билан олиб боради. Руҳ мана шу моддий оламда юрган муддати мобайнида, зиммасига юклаб бораётган ушбу нарсаларни фаҳмлай олмайди. Баданга бўлган боғлиқлиги ва моддалар оламига ғарқ бўлиши уларни тушунишига тўскинлик қилади. Руҳ қачон бадандан айрилса, бу тўсиқлар қолмайди. Ўшанда ўзида бор бўлган яхши ва ёмон юкларни ўзларига мос қиёфаларида кўра бошлайди. Инсоннинг дунёдаги аҳволи худди сархуш одамга ўхшайди. Ўлим – сархушнинг мастлиги тарқаб, хушига келиши дегани. Сархушнинг ёнига яхши кўрган одамлари тўпланиб, ёктирган совғалари берилса ёки қўйнига чаёнлар, илонлар кирса ҳеч қайсисини сезмайди. Мастлиги тарқагач, буларни кўриб, фарқига боради, тушунади. Мана шу “охират ҳоллари”, олами мисол ҳолларига ўхшайди.»

Саъдуддин Тафтазоний (раҳима-хуллоҳу таоло) **“Шарҳи мақосид”** китобида олами мисолини тушунтиргандан сўнг, буларни исбот қиладиган далил, ҳужжат бўлмаганидан кейин ҳақиқий олимлар бунга аҳамият бермадилар, деган. “Ҳақиқий олим” деб, ақл эриша оладиган ҳар бир нарсани ақлга қабул қилдиришга уринувчи олимларни назарда тутган. Ҳолбуки, ақлни биринчи ўринга қўядиган одам, ўзи шу оламга эриша олмаса ҳам, уни ҳеч бўлмаса “бор бўлиши мумкин эмас”, деб рад этмаслиги лозим. Негаким, ақлни биринчи ўринга қўювчиларнинг етакчиларидан бўлган Ибн Сино: «Бор бўлолмаслиги исбот қилина олмаган нарсага “бўлиши мумкин эмас” деб айтиш нотўғри. Чунки исбот қилмай туриб “бўлмайди” дейиш, худди

тушунмагани учун ишонмаслик сингари айб ва хатодир»- деган.

Шаҳобуддин Суҳравардий (рахматуллоҳи алайҳ): «Миллионларча юлдузнинг бир орага келиб, улкан система ташкил қилганини ва ҳар бир системанинг муаллақда тўкнашмай ҳаракат қилаётганини айтган астрономларнинг гапларига кўрмасдан ишонганимиздек тасаввуфчилар кашф қилиб, айтган олами мисол билан руҳ оламига ҳам ишониш керак»- деганлар. Табиатан инкорчиларга эмас, балки хабар берувчиларга ишониш тўғрироқ бўлади. [Ақл-хуши жойида, илм-фандан хабардор одам Аллоҳу таолонинг борлигини, бирлигини тезда тушунади ва исботлайди. Лекин охиратга ишониш ундай эмас. Унга Аллоҳу таоло хабар бергани учун ишонилади.]

Одамлар тўрт қисмга бўлинади:

1. Пайғамбарга ишонади ва унга эргашади. Булар дунёда ҳузур-ҳаловатда яшайди. Охиратда, тўғри жаннатга боради. Нафсига эргашиб содир қилган гуноҳлари қалб билан тавба, тил билан истиғфор айтиш орқали ёки дунёда бошига солинган ғам-ташвишлар чекиш орқали кечирилади. Шу тариқа тўғри жаннатга кириб, неъматлар оғушида абадий яшайди. Буларга **“солиҳ банда”** дейилади.

2. Пайғамбарга ишонади ва унга эргашади. Дунёдаги умри дард, ғам-ғусса ва касаллик билан ўтади. Дардларига сабр ва шукр қилади. Сабрлари даражаси билан абадий неъматларининг ортишига сабаб бўлади. Булар нафсларига эргашмайди. Буларга **“валий”** дейилиб, ҳаётда жуда кам учрайди.

3. Пайғамбарга ишонади. Лекин пайғамбарга эмас, нафсига эргашади. Дунёда кўп ташвиш тортади. Булар нафсларига эргашиб содир қилган гуноҳларига яраша жаҳаннамда ёнгандан кейин жаннатга киради. Буларга **“фосиқ банда”** дейилади. Ўта пасткаш кимсаларнинг баттар йўлдан озишлари учун ишларида омад, қулайлик ва роҳатлик ҳам берилади. Ислоннинг атиги битта амрини ёқтирмаган кимса кофир бўлади. Кофирлар жаннатга асло кирмайди. Мангу дўзахда ёнади.

4. Пайғамбарга ишонмайди. Исломият буюрган ва тақиқлаган ишларни ўз ақли, ўз тажрибаси билан топиб, шуларга амал қилган ва мусулмонларга ўхшаб яшаган кофирлар дунёда бахту саодатга эришади.

ИЛМИ АХЛОҚ ВА ИСЛОМИЯТДА АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

Қалб билан руҳнинг ҳолларини ва ишларини баён қилувчи илмга **“Ахлоқ илми”** дейилади. Инсон ёлғиз пайтида, ушбу ҳол ва ишлар тўққиз бобда изоҳланади. [Биз китобимизга шулардан фақат олти бобини олдик.]

БИРИНЧИ БОБ

Бу ерда хулқларнинг навлари, яхши ва ёмон турлари ҳақида гап боради. Хулқ – қалб билан руҳнинг малакаси, яъни кўникмаси демакдир. Шу кўникма туфайли ўйлаб ўтирмасдан ҳам ишларини қилаверади. Маҳкам ўрнашган хулққа **“малака”** дейилади. Ўткинчи хулққа **“ҳол”** дейилади. Масалан, кулиш ё уялиш ўткинчи ҳолдир. Мардлик, жасорат эса, малака ҳисобланади. Ахлоқ, яъни, хулқ деганда малака тушунилади. Онда-сонда эзгулик, хайр-ҳасанот қилиб туриш хулқ эмас. Агар доимо хайрли ишлар қилиб юрса, жўмард, яъни сахий хулқли дейилади. Ҳар доим, лекин ўзини мажбурлаб хайрли ишлар қилса, яна сахий хулқли бўлмайди. Бир иш ўз ихтиёри билан, интилиб, хурсанд бўлиб ишланса, хулқ бўлади.

Хулқ – яхши ёки ёмон иш қилишга сабаб бўлади. Ёхуд яхши ҳам, ёмон ҳам бўлмаган нарсага сабаб бўлади. Биринчисига **“фазилат”** ёки яхши ахлоқ дейилади. Сахийлик, шижоат, яъни жасорат, мулойимлик шулардандир. Иккинчисига **“разолат”** ёки ёмон ахлоқ дейилади. Хасислик, эркакларда кўрқоқлик шунга киради. Учинчисига фазилат ҳам, разолат ҳам дейилмайди. Унга **“санъат”**, яъни касб-ҳунар дейилади. Тикувчилик, деҳқончилик ана шулардан. Ушбу китобда биринчи ва иккинчиси ҳақида гап кетади.

Қалб билан руҳнинг иккита қуввати борлигини муқаддиманинг охирги саҳифасида айтиб ўтгандик. Биринчиси **“қувваи олима”** ва **“мудрика”** деб номланувчи “тушуниш қуввати” эди. Бу қувватга **“нутқ”** ва **“ақл”** дегандик. Ушбу қувват орқали ақл етган нарсалар тушунилади. Иккинчиси, ҳаракат қилдирувчи **“қувваи омила”**, яъни иш қилувчи “бажарувчи қувват” эди.

Ҳар иккала қувват ҳам икки қисмдан иборат. Ақлнинг биринчи қисмига **“ҳикмати назарий”**, иккинчи қисмига **“ҳикмати амалий”** дейилади. Бажарувчи қувватнинг биринчи қисми **“шаҳват”** бўлиб, баданга завқли, ширин, ёқимли туюлган нарсаларга етишни хоҳловчи

қувватдир. Иккинчи қисми **“ғазаб”** бўлиб, ёқтирмаган нарсалардан узоқлашишни хоҳловчи қувватдир. Мана шу тўрт қувватдан ҳар хил ишлар вужудга келади. Агар бу ишлар ақлга мос, чиройли, нуқсонлик ё ортиқчаликдан холи мўътадил бўлса, уларни амалга оширган хулқ фазилат бўлади. Меъёридан кам ёки ортиқ ишларни амалга оширган хулқ разолат бўлади. Агар ақлнинг назарий қуввати меъёрида бўлса, у хулққа **“ҳикмат”** дейилади. Иккинчи қуввати бўлмиш **“ҳикмати амалий”** қуввати меъёрида бўлса, у хулққа **“адолат”** дейилади. Қалб билан руҳнинг бажарувчи қувватларидан шахвоний қуввати мўътадил бўлса, бу хулққа **“иффат”** дейилади. Ғазабий қисми мўътадил бўлса, у хулққа **“шижоат”** дейилади. Инсондан содир бўладиган барча яхши иш ва эзгуликларнинг боши мана шу тўртта мўътадил хулқдир. Адолатнинг ози-қўпи бўлмайди. Қолган учтасининг меъёридан ортиқ ё нуқсон кўринишлари бўлиб, унга разолат дейилади. Ҳикматнинг нормадан ортиғи **“жарбаза”** яъни салбий маънода **“билимдолик”**, ками **“балодат”**, яъни, тентаклиқдир. Адолатнинг ортиғи ё ками бўлмайди. Фақат зидди, тескарисиси бор бўлиб, унга **“зулм”** дейилади. Иффат қувватининг меъёридан ошиб кетгани **“фужур”**, **“сафохат”**, яъни кайфу сафочилик, меъёрига етмай қолган кўриниши эса **“хумуд”**, яъни кучсиз ва лапашанглиқдир. Шижоат қувватининг нормадан ортиғи **“таҳаввур”**, яъни зўравонлик, уришқоқ ва қутуриш, ками эса, кўрқоқликдир. Ахлоқнинг мана шу турлари имоми Ғазолий ҳазратларининг **“Ихё”** китобида худди шундай таърифланган. Абдулғани Наблусийнинг¹ **“Ҳадийқат-ун-надия”** китобида ҳам шундай ёзилган. Бу китоб арабча бўлиб, Истанбулда **“Ҳақиқат китоб уйи”** томонидан офсет усулида чоп этилган. Баъзиларга кўра, ҳикмат, иффат ва шижоат хулқлари бир кишида жамланса, **“адолат”** ҳосил бўлади.

Жарбаза [билимдонлик] хулқли одам, руҳнинг қуввати бўлмиш ақлини ҳийла, шов-шув, масхарабозлик қилишда ишлатади. Балодат [тентак] хулқли кимса ҳақиқатларни тушунмайди, яхши-ёмонни фарқиға бормайди. Таҳаввур [қутурган, уришқоқ] хулқли кимса, ўзини хавф-хатарга қўйиб, кучи етмайдиган душман билан олишишга уринади. Кўрқоқ хулқли одам сабр-тоқат қилолмайди, чидамсиз бўлади, ҳақини талаб қила олмайди. Фужур [кайфу сафо] хулқли кимса еб-ичиш ва уйланишда макруҳлар билан ҳаромларга ботиб, ифлос, ёмон феъллардан завқланади. Хумуд [кучсиз, лапашанг] хулқли одам эса, ўзига ҳалол бўлган завқларини, ҳақли орзуларини

1. Абдулғани Наблусий ҳ.1143 (м.1731) йили Шомда вафот этди.

ҳам бой бериб, ё ўзи ҳалок бўлади ёки насли кесилади.

Одамларда мавжуд бўлган барча чиройли мизож билан хуш хулқлар, юқорида таърифланган тўртта яхши асосий хулқдан ҳосил бўлади. Ҳамма ана шу тўрт хулқи билан мақтанади. Ҳатто аждоди билан, яқинлари билан ифтихор қилувчилар ҳам, уларда ўша хулқлар борлиги туфайли мағрурланади.

ИККИНЧИ БОБ

Бу ерда тўртта асосий яхши хулқнинг қисмлари баён қилинади. Тўрт асосий хулқдан туғиладиган яхши хулқлар чексиз даражада кўп. Уларнинг ҳар бирини тушунтиришга инсон кучи етмайди. Бу ўринда ислом ахлоқчилари урғу берган энг машҳур хулқларни билдирамыз.

Ҳикматдан етти яхши хулқ вужудга келади:

1. Биринчиси – **“зако”** [кўпликда заковат] бўлиб, малака ва кўникмадир. Заковат ёрдамида одам маълум нарсалардан номаълумларини чиқаради. Далилларни бир орага жамлаб, излаётган нарсасини топади. Закога эришиш учун маълум нарсалар ёрдамида мажҳул [номаълум] нарсаларни топишга ҳаракат қилиш, ҳисоб [математика] ва ҳандаса [геометрик] масалаларини ечиш керак.

Одамларнинг зақолари ҳар хил миқдорда бўлади. Законинг энг юқори даражасига **“даҳо”** [дохийлик] дейилади. Зако **“тест”** усули билан ўлчанади. XX асрнинг таникли руҳиётчиларидан [психологларидан] америкалик Термен¹¹: «Тест усули орқали заковатни ўлчашни илк дафъа усмонийлар амалга оширди.»- деган.

Усмоний қўшинлари Европада тинмай илгарилар, Вена қўлдан кетиш арафасида эди. Агар Вена бой берилса, Европанинг мусулмонлар ҳокимиятига ўтиши ҳеч гап эмасди. Усмонийлар Европага ислом маданиятини элтаётган эди. Илм-фан, ахлоқ зиёси христианлик зулмати остида увишиб қолган юртларга жонланиш, инсонпарварлик, ҳузур-ҳаловат ва бахт сочарди. Асрлар бўйи диктаторлар, капиталистлар ва руҳонийлар зулми остида эзилиб, ваҳшийлашган Европа ислом адолати, ислом илмлари, ислом ахлоқи билан инсоний ҳақ-ҳуқуқларга эришаётган эди. Европа диктаторлари, айниқса черковлар Усмоний қўшинларига қарши охириги куч-ғайратларини сарфларди. Бир куни Истанбулдаги инглиз элчиси Лондонга тарихий бир мактуб юборди: **«ТОПДИМ... ТОПДИМ!.. Усмоний қўшинларининг доим олға юришларининг сабабини топдим.**

1. Терман 1380(м.1960) йили ҳаёт эди.

Уларни тўхтатиш йўлини топдим»- дейди. У бундай деб ёзган эди:

«Усманийлар қўлга киритган ҳар бир ўлкада аҳолини дини ва ирқига қарамай, болаларнинг заковатини ўлчайдиган тестлар ўтказмоқда. Заковатли, зукколарини мадрасаларда ўқитиб, ислом тарбияси билан етиштирмоқда. Битирувчилар орасидан саралаб олганларини саройдаги **АНДАРУН** деган олий ўқув юртига йўлламоқда. У ерда ўсмирларга замоннинг энг илғор билимлари ўргатилмоқда. Хуллас, Усманий давлатининг барча сиёсат арбоблари, лашкарбошилари шундай сараланган, пухта етиштирилган ўткир зехнли закий шахслардан иборат. Соколлу, Қўпрули сингари қудратли давлат арбоблари ана шундай етиштирилган. Усманий оқинларини [ҳарбий ҳаракатларини] тўхтатиб, христиан дунёсини улардан сақлаб қолишнинг ягона чораси – Андарун мактаблари билан мадрасаларни ёпиш ёхуд ичкаридан емиришдир.» Шу хатдан кейин, Британияда “Мустамлакалар назорати” [вазирлиги] ташкил этилди. У ерда тайёрланган жосуслар, миссионерлар, масонлар ёлғон ташвиқотлар, баландпарвоз ваъдалар билан тузоқларига туширган жоҳилларни Усманий давлатининг энг нуфузли лавозимларига жойлаштиришга ва шу қўғирчоқлари орқали мадрасалардан фан, ахлоқ дарсларини, ҳатто олий дин билимларни олиб ташлаб, мусулмонларни саводсиз, нодон қилиб битиртиришга бел боғлашди. Шу айёрона мақсадлари йўлида танзимотдан кейин чинакам муваффақият қозонишди. Ислом давлати қулатилиб, Исломият ер юзига тарқатаётган саодат, ҳузур нурлари сўнди.

2. Иккинчиси - суръати фаҳм бўлиб, бунга **“суръати интиқол”** ҳам дейилади. Эҳтиёж пайтида керакли нарсани дарҳол англовчи малакага айтилади. Бир нарсани эшитганда унинг аксини, тескарисини ҳам дарҳол фаҳмлайди. Зако ўйлаб, мулоҳаза қилишда ва уни таҳлил этишда, яъни фикрда ва назарда бўлади. Яъни, маълум нарсаларни таҳлил қилиб, улардан номаълум натижалар чиқаради. Суръати фаҳм эса, фикр ва назардан бошқа ишларда асқотади.

3. **Зехн ўткирлиги:** Хоҳлаган нарсасини тез тушуниб, англашдир.

4. **Дикқат:** Ҳар хил ўй-фикрга чалғимай, хоҳлаган нарсасига таважжуҳ қила олиш, яъни дикқатини жамлай олишдир.

5. **Тааққул:** Керакли маълумотларни ўрганаётганда, ҳар бир нарсанинг чегарасини, ҳаддини ошмасликдир. Ушбу хулқ соҳиби керакли бўлганни тарк этмайди, кераксизи билан машғул бўлиб, вақт ўлдирмайди.

6. **Таҳаффуз**, яъни унутмаслик: Руҳнинг ақл етган, ақл англаган нарсаларни унутмаслигидир.

7. **Тазаккур**: Ҳофизасидаги маълумотларни хоҳлаган пайтда эслай олиш малакасидир.

Шижоатдан ҳосил бўлувчи хулқлар ўн битта:

1. **Вазминлик**: Мақталганда севинмаслик, ёмонланганда хафа бўлмаслик малакасидир. Ушбу хулқ эгаси гадо билан бойни тенг кўради. Ҳаёт кувончлари билан ташвишларини ажратмайди. Ҳодисалар ўзгарганда, хавфли, оғир, ташвишли вазиятларда ҳам вазифасини ташлаб қўймайди.

2. **Наждат**, яъни мардлик. Таҳликали ҳолларда, ташвишли ишларда сабр ва сабот қилишдир. Бундай хулққа эга бўлган шахс, мушқил пайтларда дод-вой кўтармайди, ноўрин ва ножўя иш қилмайди.

3. **Ҳиммат**: ҳимматли, ғайратли бўлиш. Бундай хулқ эгасига дунёнинг мавқе-мартабаси, амал-лавозими, обрў-обрўсизлиги, бойлиги таъсир қилмайди.

4. **Сабот**: Мақсадига эришиш йўлида меҳнат қилаётганда, дуч келадиган қийинчиликларга чидай олиш малакасидир.

5. **Ҳилм**: Руҳнинг сокин бўлиши, қизишмаслиги, юмшоқ хулқли бўлишдир.

6. **Сукун**. Ватани, дини ва миллатини ҳимоя қилиш учун бўлган уруш-жангларда ғайрат ва матонат кўрсатиб, душманига кулги қилдирмаслик хулқидир.

7. **Шаҳомат**: Эзгу ишлар қилиш, баланд мартабаларга эришишни хоҳлашдир. Ушбу хулқ эгаси хайрли амаллари билан ёдда қолишни, савоб орттиришни хоҳлайди.

8. **Таҳаммул**: Чиройли ахлоққа, хайрли амаллар эгаси бўлишга эришиш учун интилишдан қайтмасликдир.

9. **Тавозуъ**: Дунёвий мартабаларда ўзидан пастроқ турганларга катталиқ қилмаслик хулқидир. Чунки эришган атоқ-унвонларини Аллоҳу таолонинг лутфи билан эҳсони деб, ўз қўлида ҳеч нарса йўқ деб билади. Амалдор ва бойларнинг тавозуъ қилишлари яхшироқ ва савоб бўлади. Бирон манфаат учун ёки бирон зарардан ҳимояланиш учун тавозуъ кўрсатишга **“табасбус”**, яъни ялтоқланиш, лаганбардорлик дейилади. Масалан тиланчиларнинг тавозуълари шундай. Ҳушомадгўйлик гуноҳ.

10. **Ҳамият**: Динини, миллатини ҳимоя қилишда, шарафини мудофаа этишда дангасалик қилмай, бор кучи билан ғайрат қилиш малакасидир.

11. **Риққат:** Одамлардан етувчи зиён-заҳматларга хафа бўлмаслик, улар туфайли иш ва ҳаракатларида ўзгариш бўлмаслиги, яхшилик қилишни тўхтатмасликдир.

Иффатдан ўн иккита яхши хулқ юзага келади.

1. **Ҳаё:** Ёмон иш қилганда уялиш.

2. **Рифқ:** Рифқ - исломиятга амал қилиш. Калима маъноси раҳм, яхшилик қилиш дегани.

3. **Ҳидоят:** Яхши ахлокли бўлишга ҳаракат қилиш.

4. **Мусоламат:** Фикрлар айрилган, сўзлар кўпайган пайтда муноқаша қилмаслик, зидлашиш, бўлиниш, айрилишни хоҳламай, уюшиш, ярашиш тарафдори бўлиш.

5. **Нафсига ҳоким бўлмоқ:** Шаҳват пайтида нафсга бўйсунмаслик, иродасига ҳоким бўлиш.

6. **Сабр:** Ҳаромдан тийилиб, нафснинг ёмон хоҳишларини бажармаслик. Шу тариқа, охири пушаймонлик бўлган лаззатлардан юз ўгиради. Сабр икки хил бўлади: Бири гуноҳ қилмаслик учун сабр қилиш. Шайтон, инсон нафси ва ёмон дўстлар одамга гуноҳ қилдиришни хоҳлайди. Уларга қулоқ солмай, сабр қилиш катта савоб. Бу ерда зикр қилинган сабр, мана шу сабрдир. Иккинчиси – дарду балоларнинг азобларига сабр қилиб, дод-фарёд қилмасликдир. Кўплар сабр деганда мана шу сабрни тушунади. Бу сабр ҳам катта савоб. Яъни сабрнинг иккаласи ҳам фарз.

7. **Қаноат:** Нафақада, яъни еб-ичиш, кийим-кечак ва бошпана масаласида зарурат миқдорига рози бўлиб, ортиғига ҳавас қилмаслик. Йўқса, совға қилинган ва сўрамасдан берилган неъматни олмаслик дегани эмас. Берилган нарсани олмаслик одатига тақтир [совға олмаслик] дейилиб, ақл ҳам, ислом ҳам ёқтирмаган ёмон хулқлардандир. Қаноат эса, яхши ахлоқдир. [Ўлмаслик ё бирон аъзоси нобуд бўлмаслиги учун керакли нарсага “зарурат” дейилади. Нафақа учун ва баданни бирон ташвишдан фориг қилиш учун керакли нарсага “эҳтиёж” дейилади. Эҳтиёждан ортиқ бўлиб, хуш ёқадиган ва одамнинг қадр-қийматини, шарафини ҳимоя қиладиган нарсаларга “зийнат ашёси” дейилади. Зийнат ашёсини мақтаниш, кўз-кўз қилиш, ўзгалардан баланд кўриниш учун ишлатишга “тафоҳур” [мақтанчоқлик] дейилади. Зарурат ва нафақа ашёсига етгудек пул ишлаб топиш фарз. Нафақадан ортиқ бўлган эҳтиёж ашёсини, масалан дори-дармон ва табиб харажатига етадиган пул ишлаб топиш суннат. Зийнат жоиз. Тафоҳур эса ҳаром.]

8. **Викор:** Ўз эҳтиёжлари билан қийматли нарсаларни ишлаб

топишда шошиб-пишмай, охиста ҳаракат қилиш. Виқор, вазминлик деганидир. Йўқса, фурсатни бой бериб, манфаатини олдириб қўядиган даражада лапашанглик, бўшанглик эмас.

9. **Вараъ:** Исломият ҳаром қилган ва ҳаром шубҳаси бор нарсалардан тийилиш ҳамда буюрилган амалларни, ҳаммага фойдали ишларни қилиб, қусурли ва сусткаш бўлишдан тийилишдир.

10. **Интизом:** Ишларни навбати билан тартибга солган ҳолда бажариш.

11. **Хуррият:** Мол-мулки, пулини ҳалол йўлдан топиш ва яхши жойларга сарфлаш, барчанинг ҳақиқа риоя қилиш. Хуррият – бошбошдоқлик ва қўнгли тусаган ишни қилиш дегани эмас.

12. **Саховат:** Пулни, бойликни хайрли ишларга сарфлашдан лаззат олиш, завқланиш, ислом буюрган жойларга жон-жон деб сарфлаш. Саховат – чиройли хулқларнинг энг олийларидан бўлиб, жўмард, сахий, қўли очиқ бўлиш деганидир.

Ояти карималар билан ҳадиси шарифларда мадҳ этилган сахо хулқидан қўпгина яхши хулқлар пайдо бўлади. Улардан саккизтаси машҳур:

1. **Карам:** Ҳаммага нафи тегадиган, яхши, фойдали, моддий [пул] ёрдамлар қилишни ёқтириш хислати.

2. **Ийсор:** Ўзи муҳтож бўлган нарсасини ўзга муҳтожларга бериб, йўқлигига сабр қилиш. Яхши хулқлар ичра энг қийматлиги бўлиб, ояти карималарда мадҳ этилган.

3. **Афв:** Душманидан ёки айбдордан ўч олишга қодир бўла туриб, бундай қилмаслик. Ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтариш афвдан ҳам яхшироқ хислатдир.

***Осон эрур ёмонликка ёмонлик бирлан жавоб,
Ёмонлик қилганларга, яхшилик – мардлик, савоб!***

4. **Мурувват:** Муҳтожларни керакли нарсалар билан таъминлаш. Одамларга яхшилик қилишни яхши қўриш хислати.

5. **Вафо:** Танишлари, яқинлари ва дўстларининг рўзғорига ёрдам бериш.

6. **Мувосот:** Танишлари, яқинлари ва дўстларини ўз неъматларига шерик қилиб, бирга баҳам қўриш, хуш муносабат ўрнатиш.

7. **Самоҳат:** Бериши лозим ҳам, вожиб ҳам бўлмаган нарсаларни ўз хоҳиши билан чин дилдан атрофига бериш.

8. **Мусомаха:** Тарк этиши лозим бўлмаган нарсаларни ўзгалар фойдаси учун тарк этиш. Ўзгаларнинг айбини, қабоҳатини кўрмаслик дегани.

Адолатдан ўн икки чиройли хулқ вужудга келади:

1. **Садоқат:** Дўстини яхши кўриш, унинг яхшилигини, тинчлигини хоҳлаш. Уни зарар-зиёндан ҳимоялаш, хурсанд қилишга уриниш.

2. **Улфат:** Бир гуруҳ инсоннинг динда, дунёвий тушунчаларда ва ишонч-эътиқодларида бир-бирларига мос, мувофиқ бўлиши.

3. **Вафо:** Тотувлик ва меҳр-оқибат. Бунга сўзида туриш ва ҳаққа риоя қилиш ҳам деганлар.

4. **Шафқат:** Ўзгалар бошига кулфат, дард-фалокат келишидан изтироб чекиш. Ҳамманинг ташвишдан қутулишига ҳаракат қилиш.

5. **Силаи раҳм:** Қариндошлари ва яқин биродарлари билан алоқани узмаслик, ҳол-хотир сўраб, зиёрат қилиб ёрдамга муҳтож бўлса ёрдам бериш. Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи васаллам) бир ҳадиси шарифларида: *“Бутларни, ҳайкалларни синдириш ва қариндош-уруғларга яхшилик қилиш учун юборилдим”* деганлар.

6. **Мукофот:** Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш.

7. **Хусни ширкат:** Қул ҳақиға риоя қилиб, доимо адолатли бўлиш.

8. **Хусни қазо:** Ҳар кимнинг, ҳар бир масалада ҳақиға риоя қилиб, миннат қилмаслик ва пушаймон бўладиган иш қилмасликдир.

9. **Таваддуд:** Муҳаббат маъносида бўлиб, дўст-ёрларини севиб ҳаёда улашиш, ўзини севдиришдир.

10. **Таслим:** Ислоннинг амрлари, тақиқлари ва ислон ахлоқини, ҳатто оғир келса ҳам қабул қилиб, рози бўлиш.

11. **Тавакқул:** Инсон иродаси ва имкони ташқарисида жараён этувчи ҳамда ўзгартириб бўлмайдиган қайғули ҳодисаларни, азалдан тақдир қилинган, ёзилган деб билиб хафа бўлмаслик, Аллоҳу таолодан эканлигини ўйлаб, яхши қарши олиш.

12. **Ибодат:** Ҳамма нарсани йўқдан бор қилган ва ҳар жонзотни ҳар он кўринар-кўринмас бало-қазолардан асраб турган ҳамда ҳар дам турли неъматлар, яхшиликлар бериб парваришлаб турган Аллоҳу таолонинг буйруқ ва тақиқларини бажо келтириш. Яратганга хизматда камчиликка йўл қўймасликдир. Аллоҳу таолонинг муҳаббатига эришган расулларга, набийларга (алайҳимуссалавоту ваттаслимот), валийларга, олимларга (раҳима-хумуллоҳу таоло) ўхшашга тиришмоқдир.

[Мусулмонлар ҳавос [олимлар] ва авом [жоҳиллар] бўлиб, икки қисмга бўлинади. Туркча “**Дурри якто**” китобида бундай дейилган: «Авом - сарф, наҳв ва адабиёт илмларининг усулларини, қоидаларини билмайдиган кишилардир. Булар фатво китобларини умуман тушунмайди. Буларга “**иймон**” ва “**ибодат**” масалаларини

излаштириб, сўраб ўрганишлари фарз. Олимларга эса, сўзлари, ваъзлари ва асарлари билан аввало иймон, сўнгра диннинг асоси бўлмиш беш ибодатни ўргатишлари фарз. **“Заҳийра”** ва **“Татархония”** китобларида энг биринчи бўлиб иймоннинг шартлари билан **“Аҳли суннат эътиқоди”**ни ўргатиш лозим эканлиги баён қилинган.» Шу боисдан буюк олим, зоҳир ва ботин илмларининг мутахассиси саййид Абдулҳаким Арвосий (рахматуллоҳи алайҳ) вафотига яқин «Истанбул масжидларида ўттиз йил фақат аҳли суннат олимларининг китобларида ёзилган иймонни, яъни аҳли суннат эътиқоди билан исломнинг чиройли ахлоқини ўргатишга ҳаракат қилдим. Аҳли суннат олимлари ушбу маълумотларни Асҳоби киромдан, улар эса Расулulloҳдан ўрганганлар,»- деган эди. Иймон масалаларига **“ақоид”** ва **“эътиқод”** дейилади. Шунинг учун биз ҳам барча китобларимизда Аҳли суннат эътиқодини, исломнинг чиройли ахлоқини, ҳаммага яхшилик қилиш ва ҳукуматга ёрдам бериш кераклигини ёзмоқдамиз. Саййид Кутб ва Мавдудий сингари чаламуллалар, **“Таблиғи жамоат”** сингари бидъат оқимлари, яъни мазҳабсизларнинг халқни ўз ҳукуматларига қарши исёнга, биродарларни бир-бирига душман бўлишга чақирувчи бузғунчи мақола ва ташвиқотларини қўлламаймиз. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи васаллам) **“Дин қиличларнинг сояси остидадир”**- деб, мусулмонларнинг фақат ҳукумат ва қонун ҳимоясида тинч ва осуда ҳаёт кечири олишларини таъкидлаганлар. Хоҳлаган давлатда ҳукумат кучли бўлган сайин у ерда тинчлик, ҳузур-ҳаловат ортади. Европа, Америка каби кофир ўлкаларда роҳат яшаб, диний вазифаларини эмин-эркин бажараётган мусулмонлар ҳам ўзларига шу ҳурриятни таъминлаган ҳукуматга, қонунларга қарши бормасликлари, фитнага, анархияга сабаб бўлмасликлари керак. Аҳли суннат олимлари (рахима-ҳумуллоҳу таоло) ана шундай бўлишимизни буюрган. Ибодатнинг энг устуни, энг қийматлиси фитна-фасод ўти билан ўйнамаслик ва исёнчилар билан фитнакор, бузғунчилар ноғорасига ўйнамаслик, **“Аҳли суннат эътиқоди”**ни ўрганиб, иймонини шунга мослашга ҳаракат қилишдир. Иймонини шу тарзда тузатиб, **“бидъат аҳли”** деб аталувчи етмиш икки адашган оқимнинг бузуқ ақидаларидан халос бўлгандан кейин ибодатларда ҳам бидъат ишлардан эҳтиёт бўлиш керак. Исломият буюрмаган ишларни ибодат деб ўйлаб, бажаришга **“ибодатда бидъат”** дейилади. Аллоҳу таолонинг амрлари билан тақиқларига **“Аҳкоми исломия”** [дин, шариат] дейилади. Аҳкоми исломияга амал қилишга **“ибодат**

қилиш” дейилади. Ибодатларнинг тўғри ва саҳиҳ адо этилишини ўргатувчи **“тўрт мазҳаб”** бор. Тўртталаси ҳам ҳақ ва тўғри бўлиб, улар: Ҳанафий, Шофийий, Моликий, Ҳанбалий мазҳабларидир. Ҳар бир мусулмоннинг ушбу тўрт мазҳабдан бирига оид **“Илмиҳол”** китобини ўқиб, ибодатларини шу китобдагидай бажариши лозим. Шу тариқа ўша мазҳабга кирган, амал қилган бўлади. Шу тўрт мазҳабдан бирига кирмаган одамга **“мазҳабсиз”** дейилади. Мазҳабсизлар қатъиян аҳли суннат, яъни сунний эмаслар. Аҳли суннат бўлмаган одам эса, ё **“бидъат аҳли”** ёки кофир бўлади.

Ҳазрати Али (каппамаллоҳу ваҷҳаҳ) бундай деганлар: «Ўлгандан кейин қайта тирилишга ишонмайдиган кимсани кўрсанг, унга айт: “мен ишонаман. Бордию сенинг айтганинг тўғри чикса, менга ҳеч қандай зарари бўлмайди. Агар менинг айтганим тўғри бўлса, сен абадиян ўтда ёнасан!» Европа ва Америкада барча фан арбоблари, давлат раҳбарлари, профессорлар, ҳарбийлар охират ҳаётига ишонишади. Ҳаммаси черковларга бориб сиғинишади. Яҳудийлар, буддистлар, брахманлар, оташпарастлар, бутпарастлар, маданий-вахший ҳамма қавмлар ўлимдан кейин ҳаёт борлигига ишонади. Фақат бир неча коммунист мамлакатни бошқараётган ёлғончи, золим диктаторлар билан атрофидагилар ва ўзга юртлардаги пулга сотилган малайлари ишонмайди. Жиғилдони ва кайфу сафоси учун дин душманлиги қилаётган бир неча саводсиз аҳмоқнинг дунё аҳолисининг тўқсон фоизини ташкил этувчи ишонувчилар қаршисида ҳақли эканлигига эҳтимол бериб бўладими?

Иймонсиз кимса ўлса, ўз ишончи бўйича йўқ бўлади. Лекин ишонганларга кўра жаҳаннамда чексиз азоб тортади. Ишонадиган бир одам ўлса, иймонсизларга кўра, йўқ бўлади. Лекин ўз эътиқоди бўйича чексиз завқлар, неъматлар оғушида яшайди. Ақли ва билими бор одам шу икковидан қайси бирини танлайди? Албатта, иккинчисини эмасми? Дунё ишларидаги ва модда оламидаги интизом, Аллоҳу таолонинг мавжудлигини ақл эгаларига хабар бермоқда. Охиратнинг ҳақ эканлигини эса, Аллоҳу таоло хабар бермоқда. У ҳолда, ақли, илми бор киши Аллоҳнинг борлигига ва бирлигига ишониши керак. Ишонмаслик - аҳмоқлик ва жоҳиллик бўлади. Аллоҳу таолога иймон келтириш - унинг **“Улуҳият сифатлари”**га [илоҳлик сифатларига], яъни, Унинг **“Сифати зотия”**си билан **“Сифати субутия”**сига ҳамда берган хабарларига ишониш ва Унинг динига амал қилишдир. Исломиятга бўйсунган одам дунёда ҳам роҳат ва бахтиёр ҳаёт кечириб, ҳаммага яхшилик қилади. Аллоҳу таоло бандаларига ғоят кўп раҳм

қилгани учун фойдали нарсаларни ишлашларини буюрган. Шу буйруқларга **“фарз”** дейилади. Зарарли нарсаларни тақиқлаган. Уларга **“ҳаром”** дейилади. Фарзлар билан ҳаромлар йиғиндисига **“Аҳкоми исломия”** [дин, шариат] дейилади. Динлар - Аллоҳу таолонинг бандаларига раҳмати ва эҳсонидир. Динларга ишониб бўйсунган халқлар дунё ва охирагда Аллоҳу таолонинг эҳсонларига эришиб, масъуд бўлади. Ишонмаганлар эса, ақллари ёрдамида диннинг баъзи фойдалари борлигини тушуниб, унга фақат дунёвий ишларида риоя қилса, бу дунёда бахтли, роҳат ҳаёт кечиради. Ҳозир европаликларнинг бир қисми шунинг учун роҳат-фароғатда яшаяпти, исломиятга риоя қилмаган мусулмонлар ночор, залил ва ҳақир яшаяпти.]

УЧИНЧИ БОБ

Бу ерда ёмон ахлоқ баён қилинади. Чиройли хулқларнинг негизи тўртта яхши хулқ эди. Ёмон хулқларнинг асоси ҳам тўртта:

1. Разолат – ҳикматнинг зидди.
2. Жубн – қўрқоқлик, юраксизлик, шижоатнинг зидди.
3. Фужур – нафсга берилиш, гуноҳ қилиш, иффатнинг зидди.
4. Жавр – зулм. Адолатнинг зидди.

Ҳар бир яхши хулққа зид бўлган сон-саноксиз ёмон хулқлар мавжуд. Чунки яхшилик том маънода ўрта йўл деганидир. Ўртанинг ўнгида ё чапида бўлиш яхшиликдан ажралиш бўлади. Ўртадан узоклашган сайин хулқнинг яхшилиги камаяди. Ҳақ йўл битта. Адашган, бузук, нотўғри йўллар эса кўп. Ҳатто чексиз. Тўғри йўлга эришгандан кейин шу йўл устида қолиш, ундан оғмаслик жуда қийин. **“Худ”** сурасининг юз ўн учинчи оятида маолан: **“Сизга амр этилганидек тўғри йўлда бўлинг!”** деб буюрилган. Бу ояти карима нозил бўлганида Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) **“Худ сураси соқолимга оқ туширди”** деганлар. Ояти каримада амр қилинган истиқоматни [ҳақ йўлни] бажо келтириш учун пайғамбарлар (алайҳимуссалавоту ваттаслимот), валийлар, сиддиқлар (раҳима-ҳумуллоҳу таоло) саросимага тушишган. Шу юк ва даҳшатдан, афзали коинотнинг (саллаллоҳу алайҳи васаллам) муборак соқолларига оқ тушган эди. Тўғри йўлдан адашмай юриш жуда қийин бўлгани учун **“Сирот кўприги қилдан ингичка, қиличдан ўткир”** дейилган. **“Фотиҳаи шарифа”** сурасидаги ояти кариманинг маоли **“Тўғри йўлга солишини Аллоҳу таолодан сўранглар”**дир. Мўминга бу дунёда тўғри йўлдан адашмаслик лозим. Қиёмат куни сирот кўпригидан ўта олиш учун

дунёда тўғри йўлда бўлиш керак.

Авлиёнинг улуғлари (рахима-хумулоху таоло) айтганларки: «Мухбири содиқ, [яъни доим тўғри сўзловчи] (саллаллоху алайҳи ва саллам) қиёматдаги неъматлар ва азоблардан нима хабар берган бўлсалар, барчаси инсоннинг бу дунёда қозонган хулқ-атвор, ахлоқ ва амалларининг суратлари бўлиб, нариги дунёдаги кўринишларидир. Ахлоқ билан амалда тўғри йўлда бўлишнинг нариги дунёдаги сурати сирот кўпригидир, дейилди. Бу дунёда тўғри йўлда бўлганлар, исломиятдан айрилмаганлар у ёқда сирот кўпригидан тез ўтиб, маърифат ва етуклик жаннатлари билан яхши амалларнинг боғ-роғларига эришадилар. Бу дунёда, динга риоя қилишда сусткаш бўлганлар у ёқда сирот кўпригидан уриниб-қоқилиб зўрға ўтади. Исломиёт кўрсатган тўғри эътиқод ва амаллардан айрилганлар, ўнгачага оғиб кетганлар, сиротдан ўтолмай, жаҳаннамга қулайди.»

“Зухруф” сурасининг ўттиз олтинчи оятида маолан: **“Нафсига бўйсуниб, Аллоху таолонинг динидан юз ўгирганларга, дунёда бир шайтонни ҳамроҳ қилиб қўямиз”** деб буюрилган. Ушбу ояти каримани ўқиган баъзи олимлар бундай деганлар: «кишига хайрли ва камол ишларни қилдирувчи малакани бир фаришта ҳосил қилади. Ўрта йўлдан оздирадиган, ёмон ишлар қилдирадиган малакани эса бир шайтон ҳосил қилади. Шу икковидан бири қиёматда ўша одамга шерик, ҳамроҳ бўлади.» У ҳолда ҳар ким ўз хулқига ва амалига қараб охиратда ҳамроҳининг қандай бўлишини била олади.

Ўрта йўл деганда икки нарсa тушунилади: Биринчиси ҳамма тушунгандек ҳар бир нарсанинг қоқ ўртасидир, яъни доиранинг маркази, диаметри шундай. Иккинчиси эса изофий, эътиборий ўртадир. Яъни, маълум бир нарсанинг ўртасидир. Ўша нарсанинг ўртаси бўлгани учун ҳамма нарсанинг ҳам ўртаси бўлиши шарт эмас. Ахлоқ илмида ишлатиладиган ўрта – иккинчи маънодаги ўртадир. Шунинг учун яхши хулқ ҳар одам учун ҳар хил бўлиши мумкин. Ҳатто замон ва маконга қараб ўзгаради. Бир минтақада яхши бўлган хулқ, бошқа минтақада ёмон бўлиши мумкин. Бир пайтда яхши деб саналган хулқ бошқа пайтда яхши бўлмаслиги мумкин. У ҳолда яхши хулқ дегани одам мижозининг қоқ ўртада бўлиши эмас, ўртача, мўътадилроқ бўлиши деганидир. Ёмон хулқ шу ўртача миқдордан икки томонга оғишидир. **“Ишларнинг энг яхшиси уларнинг ўртачасидир”** ҳадиси шарифи ҳам буни тасдиқлайди. Шу боис ҳар бир яхши хулқ қаршисида доим иккита ёмон хулқ туради. Тўртта асосий яхши хулққа нисбатан саккизта ёмон хулқ бор:

1. Жарбаза: ҳикматнинг ҳаддан ошган кўриниши бўлиб, ахлоқ билан ишларни таҳлил қилиш, изоҳлаш, англаш қувватини кераксиз жойларда ишлатишдир. Ҳийла-найранг, алдаш, ҳаром ишларни ёйиш шу жумладандир. Руҳнинг фан қувватини [яъни ақлни] ҳаддан зиёд ишлатиш жарбаза эмас, ёмон эмас. Дин илмларини, фан илмларини ва математикани пухта ўзлаштириш учун қанчалик кўп изланса, таҳлил, тадқиқ этса шунча яхши бўлади.

2. Балодат, аблаҳлик: ақлни ишлатмасликдир. Бу хулққа аҳмоқлик ё хомкаллалик ҳам дейилади. Бундай хулқдаги одамнинг ўрганиши, ишлари доим қусурли, хатоли бўлиб, яхшини ёмондан ажратолмайди. Ояти карималар билан ҳадиси шарифлар илмни кўп мактаган. Санаб адоғига етиш қийин.

3. Таҳаввур: ғазаби тез, жаҳлдорликка айтилади. Бу “шижоат” деган яхши хулқнинг меёридан ошган кўринишидир. Бу хулқ эгаси ақли расо кишиларга ёқмайдиган ишларни қилишга уриниб, руҳи ёки баданини бекорга чарчатади.

4. Жубн: кўрқоклик бўлиб, “шижоат” хулқининг меёридан кам бўлишидир. Бу хулққа мубтало бўлганлар кўркиш жоиз бўлмаган жойда кўрқоклик қилади.

5. Фужур: “Иффат” деган чиройли хулқнинг ҳаддидан ошган иффатсиз кўриниши бўлиб, дунё лаззатларига ўч бўлади. Бундай хулқ эгаси исломият ва ақл ёқтирмайдиган безбетликларни содир қилади.

6. Хумуд: иффатнинг меёридан кам бўлиши, лапашанглик. Бундай хулқ эгаси исломият ва ақл рухсат берган табиий орзуларига ҳам интилнимай маҳрум қолади. Бадани, қуввати кетиб, касал бўлади. Насли тугайди.

7. Зулм: адолат чегараларини ошиб кетишга айтилади. Бу хулқдаги кимса, ўзгалар ҳақ-ҳуқуқига тажовуз қилади. Бировнинг молига, жонига, номусига зарар етказди.

8. Хайсиятсизлик: оёқости бўлмоқ, шармандалик. Ўзига нисбатан қилинган зулм, жабр ва ҳақоратларга индамай гўл ва латталиқ қилишдир. Бу кишида адолат хулқининг камлигини кўрсатади. Адолатда барча яхшиликлар жамланганидек зулмда ҳам барча ёмонликлар жамланган. Шу боисдан баъзи олимлар дилни ранжитмайдиган нарсалар гуноҳ бўлмайди, деганлар. Масалан, Абдуллоҳ Ансорий (қуддиса сирруҳ) бундай деганлар:

*Ҳақ йўловчиси асло дил озғитмас,
Чунки ундан катта гуноҳ бўлмас!*

Абдуллоҳ Ансорий сўфияи олиянинг [улуғ тасаввуф олимларининг] улуғларидан бўлиб, шайхулислом эдилар. Ҳижрий 396 йили Ҳиротда таваллуд топиб, 481 [м.1088] йили яна шу ерда вафот этганлар. Баъзи адашганлар бу буюк зотнинг гапини нотўғри тушуниб, ўзгаларга ёмонлик қилмагину, ўзингга нима қилсанг қилавер, деб ўйлади. Шу тариқа ибодатларни тарк этиб, ҳар гуноҳни қилиб, ҳеч кимга зараримиз йўқ, деб мақтандилар. Ҳатто:

Хоҳла кофир бўлу хоҳла Каъба ўртагил,

Хоҳ майхўрлик қилу, фақат дил оғритмагил! –

деб исломиятдан айрилдилар. Ҳолбуки, дин ҳаром қилган ҳар бир иш зулм саналади. Хоҳ ўзгага, хоҳ ўз-ўзига қилиши ҳаром бўлган ҳамма нарса зулмдир. Золимлар кўпинча мол-мулки кўп, мавқе-мартабаси баланд кишилардан чиқади. Мазлумларнинг аксарияти эса фақир-фуқаролар, яъни камбағал-қашшоқлардир. Ўрта ҳолли инсонларнинг кўпи адолатга риоя этувчилардир.

Яхши хулқ-атворларнинг ҳаммаси васатий [ўртача] миқдордадир. Ҳар бирининг ошиб ё етмай қолган кўринишлари биттадан ёмон хулққа тўғри келади. Мана шу ёмон хулқларни номлашга балки ҳамма тилларда сўз ҳам топилмас, лекин ўйлаб кўрилса [нима маънога келишлари] осон тушунилади.

Кишида бўлиши керак бўлган чиройли ахлоқдан баъзилари борки, одамлар уни қанчалик кўп бўлса, кишининг яхшилиги ҳам шунчалик ортади, деб ўйлайди. Аслида, ундай эмас. Ҳар бир яхши хулқнинг ўз чегараси бўлади. Ўша чегара ошилганда яхшилик йўқолиб, ёмонлик пайдо бўлади. Яхши хулқнинг озлиги, етишмовчилиги ёмонлик эканини ҳамма осон тушунади. Шижоат ва саховат буларга мисол бўлади. Шу икки хулқ меёридан ошганда таҳаввур [жаҳлдорлик] ва исрофга айланади. Нодонлар, айниқса ислом ахлоқидан беҳабар кимсалар исроф аҳлини жуда сахий, қўли очик деб ўйлаб, мақтайди. Таҳаввур қилганларни эса, довюррак, ботир, қаҳрамон деб билади. Ҳолбуки, қўрқоқ ва хасис одамни ҳеч ким қаҳрамон ва мард демайди.

Инсонда бўлиши керак бўлган чиройли ахлоқдан яна баъзилари борки, у қанчалик камроқ бўлса, шунчалик яхши деб тушунилади. Ошиб-тошиб кетса ёмонлиги билиниб қолади. Тавозуъ шундай. Одамда кибрнинг йўқлигини англатади. Тавозуънинг кам бўлиши тазаллул хулқини пайдо қилади. Тазаллулни тавозуъдан фарқлаш анча қийин. Ҳатто, кўплар тиланчининг зиллатини [ҳокисорлигини] олимнинг тавозуъси билан чалкаштиради. Чунки тиланчи ҳам кибрсиз бўлиб кўринади. Шу сабабли уни ҳам яхши ахлоқли экан деб ўйлашади.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Ушбу бобда яхши ахлоққа ўхшайдиган ёмон ахлоқни ва уларни яхши хулқлардан қандай фарқлаш мумкинлигига тўхталамиз.

Кўп инсонлар тоза олтинни латун деган сариқ маъдандан ажрата олмайди. Мовий, яъни зангори мунчокни гавҳар деб ўйлайди. Худди шунингдек, ёмон хулқни яхши деб ўйлайди. Шунинг учун ахлоқ илмини пухта ўрганиш, ишлар замиридаги яширин айбларни, камчиликларни кўра билиш, яхшини ёмондан ажратишда уста бўлиш керак.

1. Ҳикматга ўхшайдиган ёмон ахлоқни олайлик: Ақл ўлчовларидан, фан илмларидан ёки тасаввуф маърифатларидан бир нечтасини одамлар оғзидан эшитиб олиб ёки газета-журналдан ўқиб, радиодан тинглаб, буларни ҳар жойда айтиб, баҳслашиб юрадиган кимсаларни ақлли, илмли, шайх, фан арбоби, мутахассис ва муршид деб ўйлайдиганлар оз эмас. Ҳолбуки, у одам гапираётган масалаларидан биронтасининг ечимини, маърифатлардан биронтасининг маъносини билмайди. Унинг олимларга, муршидларга ёки фан арбобларига ўхшаши тўтикушнинг одамдек гапиришидан ортиқ эмас. Чунки ҳикмат деган хулқ инсоннинг миясида, руҳида бўлади. Таъсири, нурлари ҳис органлари орқали сезилмайди. Зиёли ва замонавий бўлиб танилган кўп одамлар борки, на ҳикматдан, на қийматдан беҳабар бўлиб, илмсиз ва ёмон хулқлидир. Илм ва ахлоқ билан алоқалари ҳам йўқ. Оғизларидан яхши хулқли бирон сўз чиқмайди. Лекин эгниларига қимматбаҳо либослар, пўрим кийимлар кийишади. Амалдор ва бойлар олдида эгилишни жуда дўндиришади. Айниқса каттаконларнинг айш-ишрат, ракс-ашула йиғинларидан қолмайди. Базмларда соқийлиги [ҳамманинг қадаҳига ичкилик куйиш одати] тутиб қолади. Кўпинча халқ олдида каттакон амалдор, зиёли ёхуд бирон арбоб киёфасида чиқади.

2. Иффатга ўхшайдиган ёмон хулқ ҳам бор. Ундайлар ҳамманинг олдида ёмон иш қилмайди, шаҳвати ортидан қувмайди. Эс-хушли, фазилатли, илмли ва чиройли ахлоқ эгаси бўлиб кўринади. Одамлар уни доим мактайди, ҳар даврада ҳурмат-эътиборда бўлади. Бойлар ва амалдорлар олдида гапи ерда қолмайди. Унга аталган совға-салом ва ҳадяларнинг кети узилмайди. Назр, закот пуллари олдларига йиғилади. Лекин ўзлари фарз ва суннатларни бажаришда жуда сусткашдирлар. Ўзгалар олдида ҳа деб нофила ибодат қилаверганидан озиб кетса ҳам, нафси амморалари семириб, қувватланган бўлади. Улар одамлар орасида ишончли-амин, аммо Аллоҳ назарида хоиндир. Сохта тариқатчилар, қалбаки шайхлар ва мол-дунёга ружу қўйган мулладар ана шундай.

Баъзи саҳроийлар шаҳардаги овқатларни емайди. Баъзилари эса, пулини қизғаниб, қиммат овқат олмайди. Уларни кўрганлар такводор, дарвеш экан деб ўйлайди. Ҳаммага қаноаткор ва ифбатли бўлиб кўринади. Аслида қаноатсиз ва ифбатсиздир. Қилган ишлари хўжақўрсин, ёлгон ва риёдир.

3. Саҳийликка ўхшаб кетадиган ёмон хулқ куйидагидай бўлади: Молдавлатни пешона тери билан топмаган, текин меросга эга бўлган ёки контрабанда, чайковчилик, судхўрлик орқали ёхуд лотерея, қимордан бойлик орттирган бўлади. Бойликнинг қадрини билмайди. Ҳаромларга, кераксиз жойларга сарфлайди. Пулини ақл ва ислом мақбул кўрмаган ишларга сочади. Аҳмоқлар уни саҳий, қўли очик деб ўйлайди. Холбуки, унда саховат деган яхши хулқдан асар ҳам йўқ. Пул топиш, бойиш тоққа юк чиқаришга, сарфлаш эса тоғдан пастга тош юмалатишга ўхшайди. Фақирлик [камбағаллик] кўпларнинг яхши одам бўлишига тўсқинлик қилади. Ҳаётда кўп одамлар фақирлик ташвишидан иймонидан айрилиб, муртад бўлган. **“Ромузул-аҳодис”** китобидаги ҳадиси шарифда **“Асҳобим учун фақирлик саодатдир. Охир замондаги умматим учун бой бўлмоқ саодатдир”** деб марҳамат қилинган.

Пухта билдим, узоқ таҷриба бирла:

Одам илм-ла ўлчанур, илм эса мол бирла!

Молни ҳалолдан, саҳиҳ савдо-сотик билан топиш қийин. Ҳалол йўлдан, исломиятга риоя қилган ҳолда пул топаётганлар оз бўлади. Ҳалол мол томчи-томчи, ҳаром мол эса селдай оқиб келади. Мол тарқатишда саховат яхши. Исроф эса, ёмон бўлиб, ҳаромдир. Саховат деб, сахо хулқини қозониш ва ҳасислик деган ёмон хулқдан қутулиш учун молини беришга айтилади. Дунёлик бирон нарсани қўлга киритиш учун ва нафснинг ёмон истагига эришиш учун мол беришга сахо [саҳийлик] дейилмайди.

4. Шижоатга ўхшайдиган ёмон хулқ: Бундай хулқ эгаларининг ҳар жойда мардлик қилишларидан мақсад шижоат хулқини қозониб, таҳаввур ва қўрқоқлик деган ёмон хулқлардан қутулиш эмас. Ундайлар аслида дунёлик ва мансаб-мартаба қўлга киритиш учун хавф-хатарга отилади. Ёки шон-шухрат орттириш илинжида бўлади. Мол жамғариш учун мусулмонларнинг йўлини тўсади, молларини тортиб олади, уйига бостириб киради. Шуларни қила олиш учун ўзини таҳликага қўяди. Улар орасида қўлга тушганлар қийноқларга чидаб, ҳатто мол-жонлари кетишини билиб туриб, шерикларини сотмасликни мардлик, шижоат деб ҳисоблайди. Холбуки, у пасткашларда шижоатдан асар ҳам бўлмайди. Шижоат эгаси бўлган одам ақл ва дин маъқул кўрган

ишни бажариш учун илгари отилади. Миллатга, ҳукуматга хизмат қилиш, савоб қозонишни истади. Шижоат деган яхши хулқни эгаллаб, Аллоҳу таолонинг ризосига етишни ёқтиради. Бўри, қоплон ҳужумлари ҳам қаҳрамоннинг ҳужумига ўхшаса-да, унинг шижоатга алоқаси йўқ. Ҳайвонлар қувват ва яратилишлари ижобидан атрофига зарар беради. Яхши ўйда, хайрли иш қилиб, савоб қозониш учун илгари отилмайди. Ўзларидан ожизларга ҳужум қилади. Қуролли, кучли одамнинг қуролсиз оч-яланғоч кимсага ҳужум қилиши ҳам шундай. Бу эса шижоат саналмайди. Шижоат дегани ақли, фикри ва билими билан ҳужум қилишни маъқул топиш, дунёлик орттиришни ўйламай, руҳида шижоат хулқини қарор топтиришни, таҳаввур ва қўрқоқлик ёмон хулқларидан қутулишни хоҳлаш деганидир. Ундай одам зарарли, пасткаш иш қилгандан кўра ўлимни афзал деб билади. Шараф билан ўлишни бешараф латта ҳолида яшашдан баланд тутди. Яхшилик билан ёдда қолишни юзи қора бўлиб яшашга алмашади. Шижоатда ярадорлик ва ўлим хавфлари бўлгани учун олди ширин бўлмаслиги мумкин. Лекин охирида дунё ва охират қозончлари, ғалаба лаззати билан чексиз ширин бўлади. Айниқса исломиятни ҳимоя қилиш, Расулulloҳнинг порлоқ динини ёйиш учун жон бериб, **“шаҳид бўлиш”** лаззати дунё ва охират лаззатларининг ҳеч қайсисида топилмайди. Негаким, **“Оли Имрон”** сурасининг юз олтинчи тўққизинчи оятида маолан **“Аллоҳ йўлида жон берганларни ўликлар деб ўйламаглар! Йўқ, улар тириклардир! Улар Рабларининг неъматларига эришганлар”** деб буюрилган.

Шижоатни мадҳ этувчи ҳадиси шарифларнинг сон-саноғи йўқ. Жиходдан, жангдан қочиш одамни ўлимдан сақламайди, умрини узайтирмайди. Душман билан рўбарў келиш ҳам одамни ўлдирмайди, йўқ қилмайди. Ажал олдинга ҳам, ортга ҳам силжймайди. Инсон умри ўзгармайди. Кўпинча урушдан қочиш ўлимга сабаб бўлади. Душманга қарши чидаб бериш эса, ғалабага ва омон қолишга элтади. Ҳазрати Муовия (розиаллоҳу анҳ) айтганлар: **«Сиффин жангида қочишга ниятланган эдим. “Сабр қилган киши балодан қутулади”** деган ҳадиси шариф эсимга тушди. Сабр қилиб, охиригача чидадим. Худога шукр, қочишдан қутулдим. Шу сабрим туфайли халифа унвонига эришдим.»

Шижоатнинг пойдевори - Аллоҳу таолонинг тақдирига рози бўлиш, Унга таваккул қилиб бел боғлаш, ишонишдир. Аллоҳнинг арслони, шижоат дарёларининг манбаи, вилоят [авлиёлик] боғининг гули бўлмиш ҳазрати Али (розиаллоҳу анҳ) Сиффин ҳарбида ҳужум пайтида яланг бош, енглари шимарилганча ёв сари отилиб, ушбу байтларни ўқирдилар:

**Ўлимдан қочиш икки кунда ҳеч тўғримас:
Бошга ажсал етган кун ва етмаган кун.
Ажсал етган бўлса, қочиш наф бермас,
Етмаган бўлса, тадбир муносиб бўлмас.**

Бор будини, мавкеини йўқотгани ёки душман қўлига асир тушгани учун интихор этганларда, яъни ўз жонига қасд қилувчи аҳмоқларда шижоат эмас, қўрқоқлик бўлади. Шижоат эгалари дарду балоларга кўкрак кериб, чидайди, сабр қилади. Бу аҳмоқлар эса, қийин аҳволдан ўлиб кутуламан деб ўйлайди. Улар шунчалик нодонки, ўлса беш баттар қийноқ-азобларга дучор бўлишини билмайди. Интихор этиш [ўз-ўзини ўлдириш], ўзгани ўлдиришдан ҳам оғир гуноҳ. Ундайлар шиддатли азобга учрайди. Эс-хушини йўқотиб, кейин интихор қилганлар бошқа. Ўлимни эмас, Аллоху таолодан сихҳат ва офият сўраш керак.

5. Адолатга ўхшаб кетадиган ёмон хулқ ҳам бор. У иффатга ўхшайдиган хулққа яқин. Адолат деган чиройли хулқдан маҳрум, ёмон одам қаерда ишласа, ишхонаси деворларига адолатни мактовчи лавҳалар осадди. Адолат ҳақида гапириб, мақолалар ёзади. Энг ёмони адолатга жавоб берадиган иш-вазифа ва мансабларни эгаллайди. Ҳаммага кўрсатиб одиллар билан борди-келди қилади. Лекин ичи зулмга, адоватга, ўч-интиқомга тўла бўлади. Адолат деб, кишининг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларининг дин билан ақлга мос бўлишига айтилади. Яъни сирти билан ичи бир бўлиши деганидир. Ёлғизлигида қандай бўлса, ҳаммани олдида ҳам шундай бўлиш адолатдир. Икки юзламачилик адолат эмас, мунофиқлик бўлади. Байт:

***Ибодат пок ният-ла бўлмоқ керак,
Ҳеч нарсага ярамас ичи пуч данак.***

БЕШИНЧИ БОБ

Энди адолатнинг нима эканлигини баён қилайлик: Адолат – яхши хулқларнинг энг шарафлисидир. Одил киши инсонларнинг энг яхшисидир. Адолат – иттифок, мусовот [тенглик] деганидир. Икки нарсанинг ё ўзлари ёки сифатлари тенг бўлади. Бу ўхшаш томонларида бирлашибди дегани. Демакки, адолат бирликдан, ваҳдатдан вужудга келади. Ваҳдат [бирлик] эса, энг шарафли сифат ва энг устун ҳолатдир. Чунки, бутун мавжудот яккаю ягона вужуддан ҳосил бўлган. Оламда учрайдиган ҳар қандай бирлик, ҳақиқий битта вужудга ўхшайди. Ҳамма мавжудот, ўша ягона вужуддан пайдо бўлганидек, ҳар бир алоҳида бирлик ҳам ўша бирдан дарак беради. Ўлчов, қиёслаш ишларида

мусовот, яъни тенглик сингари шарафлироқ, қийматлироқ мезон йўк. Мусиқада бу масала муфассалроқ тадқиқ қилинади. Шунинг учун яхшиликларнинг энг шарафлиси адолатдир. Адолат ўртада бўлишдир. Ўртадан айрилса, у адолат бўлмайди. Уч жойда адолат бўлиши керак:

1. Бирон мол, бирон неъматни тақсимлашда адолат билан бўлиш керак.

2. Муомалотда, олди-берди, савдо-сотикда адолат лозим.

3. Укуботда, жазо беришда адолат шарт. Бир одам кимнидир кўркитса, зўравонлик қилса, унга ҳам шундай қилмоқ лозим. [Лекин у ишни ҳукумат қилади. Жабрланувчи ўзи жазолашга уринмаслиги керак. Зўравонни тартиб соқчиларига, адлияга хабар бериши керак. Мусулмон исломиятга бўйсуниб, гуноҳ қилмайди, ҳамда қонунга бўйсуниб, жиноят қилмайди.] Адолат бор бўлса, ҳамма кўркмай, ваҳима қилмай яшайди. Адолат – ҳаловат демакдир.

Адолат нима? Уни инсон ақли билан топиши жуда қийин бўлгани учун, Аллоҳу таоло бандаларига ачиниб, мамлакатларни ҳимоя қилиш учун бир ўлчов воситаси юборди. Ўша илоҳий ўлчов билан адолатни ўлчаш осонлашди. Бу ўлчов пайғамбарлар (алайҳимуссалавоту ваттаслимот) олиб келган динлардир. Исломиятга “номуси илоҳий” ҳам дейилади. Ҳозир ва қиёматгача ишлатишимиз буюрилган илоҳий ўлчов-мезон, Муҳаммад алайҳисаломга юборилган диндир. Мана шу мезондан кейин яна бир иккинчи ўлчов ҳам берилган бўлиб, у сўзи ўтадиган ҳоким, яъни қозидир. Инсонлар ваҳший эмас, маданий ҳолда яратилган. Яъни шундай яратилганки, бир-бирлари билан муносабатда, бирга яшашга, ўзаро ёрдамлашишга мажбурдирлар. Ҳайвонлар маданий қилиб яратилмади. Шу боис улар мадинада, яъни шаҳарда бирга яшашга мажбур эмас. Инсон нозик, ожиз қилиб яратилгани учун хом овқат ея олмайди. Озиқ-овқати, кийим-кечаги ва уй-жойининг тайёрланиши керак. Яъни одам турмуши учун санъатлар, касбларга эҳтиёж бор. Унинг учун эса изланиш, ўйланиш, тажриба қилиб кўриш ва меҳнат шарт.

[Исломият илм-фан, техника, меҳнат ва гўзал ахлоқни буюради. Инглизлар билан коммунистлар исломиятга пасткашларча тухмат қилипти: “Исломият одамларни сусткаш қилиб, ишлашга тўғанок бўлиб, ривожланишнинг олдини олмоқда”- деб густоҳларча ёлғон тарқатмоқда. Ислом мамлакатларида авраб тузоқларига туширган, алданган, нодон, насли паст кимсаларни мўмай пул ва мавқе билан таъминлаб, уларга ҳам шу сафсаталарни айтдирмоқда. Илм-фанни, меҳнатни амр этувчи, ишлаганларни мадҳу сано этувчи шунча

ояти карималар билан ҳадиси шарифлар бор бўлишига қарамай, қилинаётган пасткаш, ҳаёсиз бўҳтонлар худди қуёшга балчиқ чаплашга ўхшайди. Инглизлар исломиятга қарши ҳеч қачон очикча душманлик қилмайди. Аксига доим яширинча, зимдан ҳужум қилади. Ёлгонларига ёшларни лаққа ишонтириш учун аввал жамиятдан ислом илмлари билан диний китобларни йўқотади. Улар Исломни ичкаридан емириш мақсадида Лондонда **“Мустамлакалар назорати”** деган вазирликка асос солишди. У ерда хоин режалар тузиб, минглаб жосус тайёрлашди. Уларнинг тузоғига илинган нодон, насли паст дин пешволаридан наждлик Абдувахҳоб ўғли Муҳаммад ва Даръия амири Сауд ўғли Муҳаммад билан ҳамкорлик қилиб, миллионлаб маблағ ва қурол-яроғлар ёрдамида **“Ваҳҳобийлик”** номли бидъат фирқасини куришди. Мусулмонларнинг ҳомийси, посбони бўлган Усмонийларга қарши боқимандаларини кўзғолонга гиж-гижлаб, давлатни ичдан емиришди. **“Инглиз жосусининг эътирофлари”** китобига қаранг!

Татар мунаввари Абдуллашид Иброҳим афанди х.1328 [м.1910] йили Истанбулда босилган туркча **“Олами ислом”** китобининг иккинчи жилдида, “Инглизларнинг ислом душманлиги” мақоласинининг бир жойида шундай қайд қилади: «Инглизларнинг энг биринчи мақсади хилофати исломияни [халифалик ташкилотини] қўлдан келгунча тезроқ тарқатиб юборишдир. Қрим [рус-турк] урушига сабаб бўлишлари ва у ерда туркларга ён босиши халифаликни емириш учун қилинган ҳийла эди. Париж битими шу ҳийлани кўрсатиб турибди. [1923 йилда эришилган Лозанна сулҳининг яширин моддаларида адоватларини очикча билдиришди.] Мусулмонларнинг бошига келган барча фалокатлар қандай парда билан ёпилмасин, доим инглизлардан келган. Инглиз сиёсатининг тамали – исломиятни йўқотишга асосланган. Чунки улар исломдан ажинадан кўркқандай кўрқишади. Инглизлар мусулмонларни алдаш учун ҳеч қачон саҳнага ўзлари чиқмайди, балки ўша халқнинг сотқин ва хоинларидан фойдаланади. Уларни ўз халқига ислом олими, шайх, миллий қаҳрамон қилиб кўрсатади. [У ҳолда ҳар бир мусулмон халқнинг, мустамлака йилларида ичларида пайдо бўлган ислом олимлари, шайхлари ва миллий қаҳрамонларини бошқатдан кўздан кечиришлари фойдадан холи бўлмайди.] Сўзимизнинг хулосаси шу ки, исломиятнинг энг катта душмани инглизлардир.» Абдуллашид афанди х.1363 [м.1944] йили Японияда вафот этди.

Ислом ҳечам фанга, техникага, меҳнатга тўғаноқ бўладими? Инсон ҳар бир эҳтиёжини ҳозирлашга мажбур. Буни ҳозирлайдиган омил - фан, санъат [касб, маслак] ва меҳнатдир. Бир кишининг барча

касбларни эгаллаши имконсиз. Ҳар бир касбни муайян одамлар ўрганиб, ишлайди. Ҳамма ўзига керакли нарсасини шу касб эгасидан олади. Ҳар бир касб эгаси ҳам ўзига керакли нарсаларни ўша нарсани тайёрлайдиган касб эгаларидан харид қилади. Шу тариқа одамлар бир-бирларининг эҳтиёжларини таъминлайди. Шунинг учун инсон жамиятдан айри, ёлғиз ўзи яшай олмайди. Жамият ичида бирга яшашга мажбур. Маданият дегани, **“Таъмири билод ва тарфиҳи ибод”** [Шаҳарларнинг таъмири ва инсонларнинг фаровонлиги] учун бирга, жамият бўлиб яшаш деганидир.]

Жамият бўлгандан кейин кўзи очиқ айёрлар чиқади, ўзгалар ҳақиға кўз олайтадиган, зулм қиладиганлар ҳам топилади. Чунки, ҳар бир нафс ўз истагига эришишни, тотли, лаззатли неъматларни ўзиники қилиб олишни хоҳлайди. Шу нарсаларга интилган бир неча киши ўзаро тортиша бошлайди. Ўлакса атрофига йиғилган итларнинг бир-бирига ириллашидек ораларида таллашиш, жанжал бошланади. Уларни ажратиш учун қувватли ҳоким [қози, судья] керак бўлади. Савдосотикда ҳар ким ўз иши ва молининг қийматлироқ эканини даъво қилади. Шу боис ҳар бир ишнинг ҳақини адолат билан ўлчаш керак бўлади. Буюмлар, маҳсулотлар қийматини ўлчайдиган мезон - олтин билан кумуш. Яъни пул. Олтин билан кумушга **“нақдайн”** дейилади. Ҳар бир халқ ишлатаётган қоғоз пуллар ҳозир олтинга нисбатланган. Яъни олтини кўпроқ бўлган ҳукуматлар кўпроқ қоғоз пул босиб чиқара олади. Олтини кам давлатлар қоғоз пулни кўпроқ босса, қадри бўлмайди. Чунки, Аллоҳу таоло пул тариқасида олтин билан кумушни яратган. Бошқа бирон нарса олтиннинг ўрнини босолмайди. Шунинг учун ҳам закотнинг олтин ёки кумуш ўлароқ ҳисобланиши ва берилиши буюрилган. Ашённинг қийматини олтин ва кумуш билан адолатли тарзда ўлчайдиган одил бир ҳоким керак. Сўзи ўтадиган бу ҳоким – ҳукуматдир. Одил ҳукумат одамлар орасида зулм, тазйиқ ва исканжанинг олдини олади. Аллоҳу таоло буюрган адолатни таъминлайди. Ашённинг, мол-мулк ва маҳсулотларнинг қийматларини адолат билан аниқлайди.

Демакки, одамлар орасида адолатни таъминлаш учун уч нарса керак: Номуси раббоний [дин], ҳокими инсоний [ҳукумат] ва динори мезоний [пул]. Булардан энг қувватлиги, энг буюги номуси раббоний бўлган исломиятдир. Динлар, Аллоҳу таолонинг ер юзида адолатни таъминлаш учун юборган қонунларидир. Ҳокимлар адолат ўрнатиши учун шу илоҳий қонунларни нозил қилди. **“Ҳадид”** сурасининг йигирма бешинчи оятида маолан **“Биз уларга китоб ва мезон-тарози**

юбордик, токи булар билан адолатни барпо қилсинлар” деб буюрилган. Бу ерда китоб – дин деганидир. Чунки, “дин” Қуръон каримдаги амр ва тақиқларнинг исми. Тарози эса олтинга ишорадир. Чунки, олтин оғирлиги билан ўлчанади. Қуръони каримнинг амр ва тақиқларини ёқтирмаган одам кофир ва мунофиқдир. Ҳокимга, ҳукуматга қулоқ солмаган одам осийдир. [Мусулмон дорул-ҳарбдаги (ғайримуслим юртларидаги) кофир қонунларига ҳам қарши чиқмайди. Қонунбузарлик қилмайди.] Олтиннинг қийматини қабул қилмаган одам эса, хоин ва ўғри бўлади.

Эслатма: Инсон аввало ўзига, ҳаракатларига, аъзоларига адолат қилиши керак. Иккинчи навбатда оиласига, бола-чақасига, қўшниларига, дўстларига адолат қилиши керак. Адлия ва ҳукумат вакилларининг эса, халққа адолат қилишлари керак. Демакки, бир одамда адолат хулқининг мавжуд бўла олиши учун, аввало, ўз ҳаракатларида, аъзоларида адолат бўлиши лозим. Яъни ҳар қандай куч-қувватини, ҳар бир аъзосини нима учун яратилган бўлса, ўша йўлда ишлатиши даркор. Аллоҳу таолонинг одатига зид равишда, уларни ақл ва ислом ёқтирмаган жойларда ишлатмаслик лозим. Бола-чақаси бор бўлса, уларга ҳам ақл ва динга мос муносабатда бўлмоғи, дин жорий қилган чиройли ахлоқдан айрилмаслиги лозим. Чиройли ахлоқ билан безанмоғи лозим. Ўзи ҳоким, волий, қўмондон ёки ҳар қандай бошчи бўлса, барибир ибодатларни қилдириши ва ўзи ҳам қилиши керак. Мана шундай одам бу дунёда Аллоҳу таолонинг халифаси бўлади. Қиёматда эса, одиллар учун ваъда қилинган неъматларга эришади. Мана шундай хайрли инсоннинг хайр ва баракаси, у яшаган толели замонга, муборак жойга ва ўша ерда бўлиш бахтига эришган одамларга, ҳайвонларга, ҳатто наботот ва ризқларга ҳам юқади, таъсир қилади. Лекин, Худо сақласин, агар бирон ўлкадаги ҳукумат вакиллари шафқатли, ахлоқли, адолатли бўлмай, инсон ҳақ-ҳуқуқини оёқости қилиб, халққа зулм, зўравонлик босқинчилик, талон-тарож ва исканжа қилсалар, улар адолат арбоби эмас, иблисларнинг аҳбоби [дўсти], шайтонларнинг йўлдоши бўлади. Байт:

*Адамасин сени золимнинг саройи, либоси, оши,
Сарой боғин сугоради мазлумларнинг кўз ёши.*

Қўл остидагиларга раҳм қилмаганлар, қиёмат куни Аллоҳу таолонинг раҳмидан маҳрум қолгай.

Ман, ло ярҳам, ло юрҳам! деб буюрилганки, бу “раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди”, дегани. Ана шундай золимлар гуруҳига ҳукумат эмас, қароқчилар дейилади. Улар бир неча йиллик ўтқинчи дунё

жавқлари учун миллионларга азият қилишади. Лекин зулмларининг жазосини тортмагунча бу дунёдан кетишмайди. Шунча роҳат-фароғат ва лаззатлар оғушида бўлсалар ҳам, бошлари шиддатли ташвишу оғир дардлардан қутулмайди. Салтанатлари ҳам ҳеч қайсисининг қўлида қолмайди. Кўп ҳолларда давлатлари душманларининг қўлига ўтади. Уни кўриб, жигар-бағирлари хун бўлади. “Марям” сурасининг саксон биринчи оятида маолан **“Молик, ҳоким эканлигини айтаётган мол-давлатларини қўлидан оламиз. Хузуримизга ҳеч вақоси йўқ ёлғиз ҳолда келур”** деб буюрилган. Оятда айтилганидек, Аллоҳу таолонинг маҳкамасига юзи қора, судраб олиб келинади. Қилган ёмонликларини инкор қилолмайди. Барчасининг жазосини жуда оғир ўтайди. Қилган жабр-зулмлари, қийноқларининг зулмати атрофини қоплаб олади. Олдини қўролмайди. Азоб фаришталарининг чанғалида қилмишларининг қатма-қат оғирларини тортиши учун жаҳаннам азобига ташланади. Аллоҳу таолонинг динини ёқтирмагани, унга “чўл қонуни” дегани учун у ерда раҳмга эриша олмайди.

ОЛТИНЧИ БОБ

“Ахлоқи аълоий” китобининг олтинчи бобида чиройли ахлоқнинг навлари, яъни турлари баён қилинади. Биз улардан фақат адолатни иқтибос қиламиз. Адолат учга бўлинади:

Биринчиси, Аллоҳу таолога қуллик қилиш. Аллоҳу таолонинг марҳамати, неъматлари, эҳсонлари барча махлуққа ёйилган. Неъматларнинг энг улуғи бандаларига саодат йўлини кўрсатишидир. Ҳақлари бўлмаса ҳам, ҳаммасини энг хушбичим кўринишда яратиб, абадий, чексиз неъматлар, яхшиликлар ато этган. Шундай яратганга, шундай эгамизга ибодат қилиш, У эҳсон қилган неъматларга шукр қилиш, албатта лозим. Адолат учун аввало эганинг ҳақиға риоя қилиш керак. Ҳар бир инсоннинг яратганига нисбатан қарз бўлган ушбу қуллик ҳақини адо этиши вожиб.

Адолатнинг иккинчи қисми одамларнинг ҳақиға риоя қилишдир. Ҳукуматга, бошчиларга, қонунларга қарши чиқмаслик, олимларга ҳурмат, омонатга вафо, савдо-сотик ҳақларини адо, ваъдаларни бажо келтириш лозим.

Учинчиси, оламдан ўтганларнинг ҳақларига риоя қилишдир. У ҳам уларнинг қарзларини тўлаш, васиятларини бажо келтириш, вақфларини [хайрия ташкилотларини] муҳофаза қилиш ва қолдирган хайр-хасанот ишларини давом эттириш орқали амалга ошади.

Яхшилик қилганга, пул билан, хизмат билан жавоб қайтарилади. Уни қила олмаган одам ҳамду сано, ташаккур ва дуо қилади. Яхшиликни жавобсиз қолдирган кишига миннат қилиниб, юзига солинади. Ёмонланади, ранжитилади. Чунки, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш инсонлик бурчидир. Шундай экан, бизга барча яхшиликларни қилган, энг катта яхшилик тариқасида бизни йўқдан бор қилган, энг чиройли қиёфа ато этиб, керакли аъзоларни, куч-қувватни эҳсон қилган, ҳар бирини мутаносиблик билан ишлатиб, сиҳҳат, ақл-заковат бахш этган, бола-чақа, уй, эҳтиёж буюмлари, озиқ-овқат, кийим-кечагимизни яратиб берган улуғ эгамизга, ушбу неъматларни ҳақ талаб қилмай, эвазсиз эҳсон қилиб, ҳар сония йўқ бўлиб кетишдан, душмандан, касалликдан ҳимоя қилиб турган ва бизга заррача эҳтиёжи бўлмаган чексиз қувват-қудрат соҳиби Аллоҳу таолога шукр қилмаслик, бандалик ҳақини бажо келтирмаслик нақадар оғир қабоҳат, золимлик ва нақадар тубанлик бўлмай?! Айниқса Унга ва неъматларнинг Ундан келганига ишонмаслик ёки уларни бошқадан деб билиш энг оғир зулм, энг ифлос безбетлик бўлмайди.

Бир кимсага ҳамма эҳтиёжи берилса, ҳар ой етадиган пул, озиқ-овқат билан таъминланса, бу одам ўша эҳсон эгасини юрган жойида ҳаммага қандай мактайдди. Кеча-кундуз унинг меҳрини, унинг ризосини, унинг кўнглини қозонишга уринмайди? Уни дарду балолардан, ғам-ташвишлардан кутқаришга интилмайди? Унга хизмат қила олиш учун ҳар қандай қийинчиликка дош бермайди? Буларни қилмаса, ўша эҳсон эгасини менсинмаса, ҳамма уни айбламайди? Ҳатто, бурчини бажармади деб жазолашмайди? Яхшилик қилган одамнинг ҳақиқий соҳиби бўлган, ҳаммасини яратиб юбориб турган Аллоҳу таолога шукр қилиш, У ёқтирган, маъқул кўрган, буюрган ишларни бажариш нега лозим бўлмасин? Албатта, ҳаммадан кўп Унга шукр қилиш, ҳаммадан кўп Унга итоат ва ибодат қилиш лозим. Чунки, Унинг неъматлари олдида бошқаларнинг яхшиликлари, денгиз олдида томчи қадар ҳам бўлолмайди. Ҳатто бошқалардан келаётган яхшиликларни ҳам У юбормоқда.

Аллоҳу таолонинг неъматларини ким санай олур?

Неъматининг мингдан бирига ким шукр қила олур?

Инсон Аллоҳу таоло олдида қилиши керак бўлган шукр бурчини қандай ўташи лозим? Баъзиларига кўра, биринчи вазифа Аллоҳу таолонинг борлигини фикр қилишдир. Маснавий:

Ҳамд бўлсин, неъматлари мўл Аллоҳга,

Аввало вужуд неъматини берди менга!

**Эҳсонларин санашига куч етмайди,
Куч ҳам, барча улуғлик ҳам, лойиқ Унга!**

Баъзиларига кўра, неъматларнинг Ундан келганини фаҳмлаб, тил билан ҳамду санолар айтиш лозим.

Баъзиларга кўра, биринчи вазифа Унинг амрини бажо келтириш, ҳаромлардан тийилишдир.

Бир қисми эса, инсон аввал ўзини тозалаши керак. Шу тариқа Аллоҳу таолога яқинлашади,- деди.

Баъзилари, одамларни иршод қилиб ҳақ йўлга чорлаш, солиҳ ва яхши инсонга айлантиришга ҳаракат қилиш лозим,- деди.

Баъзилари эса, ҳамманинг вазифаси бирдай бўлмайди. Ҳар кимнинг ўзига яраша бошқа-бошқа вазифалари бўлади,- деди.

Кейинроқ келган уламанинг айтишича, инсоннинг Аллоҳу таоло олдида вазифаси учга бўлинади: Биринчиси, намоз, рўза каби бадани билан бажарадиган ишлари. Иккинчиси, тўғри эътиқод қилиш [аҳли суннат олимлари кўрсатгандай ишониш] каби руҳи билан бажарадиган вазифаларидир. Учинчиси, одамларга адолат қилиш орқали Аллоҳу таолога яқинлашишдир. Бу ҳам омонатни асраш, одамларга насиҳат қилиш, аввало исломиятни ўрганиш орқали бажарилади.

Бутун булардан битта нарсa маълум бўладики, ибодат учга бўлинади: тўғри эътиқод, тўғри сўз ва тўғри амал. Булардан кейинги иккитасида очикча буюрилмаганлар, замонга ва шартларга қараб ўзгаради. Уни ҳам Аллоҳу таоло пайғамбарлари (алайҳимуссалавоту ваттаслимот) воситасида ўзгартиради. Ибодатларни одамлар ўзларича ўзгартира олмайди. Пайғамбарлар (алайҳимуссалом) ва уларнинг ворислари бўлмиш аҳли суннат мазҳабининг олимлари (раҳима-хумуллоҳу таоло) ибодатларнинг турларини ва қандай бажарилишини алоҳида-алоҳида баён қилганлар. Ҳамманинг шуларни ўрганиб, шунга кўра амал қилиши лозим.

Каминага кўра, гапнинг хулосаси юқорида айтилганидек, тўғри эътиқод, тўғри сўз ва солиҳ амал - биринчи вазифадир.

Ислом олимлари ва тасаввуф улуғлари (раҳима-хумуллоҳу таоло) айтганларки: «инсонга вожиб бўлган биринчи вазифа – иймон, амал ва ихлос соҳиби бўлишдир. Дунё ва охират саодатлари фақат шу учаласига эришув орқали қўлга киритилади.» “Амал” - қалб ва тил билан, яъни сўз ва бадан ила қилинадиган ишлар дегани. Қалбнинг иши –“ахлоқ”дир. “Ихлос” эса - амалини, яъни, барча иш ва ибодатларини фақат Аллоҳу таолонинг розилигига, муҳаббатига эришиш учун қилиш деганидир.

*Ишқинг олди мендан мени,
Мен севаман Раббим сени!
Муҳаббатинг мунча ширин,
Мен севаман Раббим сени!*

*На борлиққа суюнаман,
На йўқликка қуюнаман.
Ишқинг ила завқланман,
Мен севаман Раббим сени!*

*Буюрдинг ибодатларни,
Мадҳ этдинг хуш ҳолатларни,
Бердинг чексиз неъматларни,
Мен севаман Раббим сени!*

*Қандай кўрнамак нафсим бор,
Завқ учун мени қилар хор!
Мен ҳақиқий завқни топдим,
Мен севаман Раббим сени!*

*Ибодатни гўзал қилмоқ,
Дунё учун ишлаб топмоқ,
Кеча-кундуз ишим, чунки,
Мен севаман Раббим сени!*

*Севмоқ тилда бўлмас, Ҳилми,
Раббинг, меҳнат қилгин,-деди.
Аҳволингдан тушунилсин,
Мен севаман Раббим сени!*

*Ислом душмани ҳар ёқда,
Динга зимдан чанг солмоқда,
Қараб турсанг, ярашгайми?
Мен севаман Раббим сени!*

*Ошиқ танбал ўтирарми?
Маъшуққа доғ кўндирарми?
Ёвни даф қилиб кейин айт:
Мен севаман Раббим сени!*

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Калимаи танзих	5
Сўз боши	6

БИРИНЧИ ҚИСМ

Ёмон ахлоқ ва ундан кутулиш чоралари.....	12
Ёмон ахлоқ ва даволари.....	15
Куфр.....	21
Жаҳолат	32
Бойлик, мансаб ҳирси	32
Айбланишдан қўрқмоқ	34
Мақтовсуярлик	36
Бидъат эътиқоди	36
Ҳавои нафс.....	38
Тақлидий иймон	43
Риё	46
Тули амал (узун амал).....	52
Тама	54
Кибр.....	62
Илмнинг ва олимларнинг қиймати.....	83
Тазаллул	87
Ужб	90
Ҳасад	93
Ҳикд.....	102
Шамотат	107
Ҳижр.....	107
Жубн	109
Таҳаввур	110
Ғадр	117
Хиёнат	118
Ваъдада турмаслик.....	119
Суизан (ёмон гумон).....	120
Молга муҳаббат	123
Тасвиф	127
Фосиқларни севиш.....	128
Олимларга душманлик	131

Фитна.....	132
Мудоҳана ва мудоро.....	136
Ўжарлик ва мукобара (кибр).....	138
Нифоқ.....	139
Тафаккур қилмаслик.....	139
Мусулмонга баддуо.....	142
Мусулмонга ёмон лақаб қўйиш.....	142
Узрни рад этиш.....	144
Қуръони Каримни нотўғри тафсирлаш.....	144
Ҳаром иш қилишда исрор.....	148
Ғийбат қилмоқ.....	148
Тавба қилмаслик.....	152
Жуда муҳим эслатма.....	164

ИККИНЧИ ҚИСМ

Муқаддима.....	165
Ислоҳ ахлоқи учга бўлинади.....	165
Ахлоқ илмининг фойдалари.....	166
Қалб [кўнгил, дил] ва руҳ нима?.....	172
Одам ўлгач, руҳи нима бўлади?.....	174
Қалб ва руҳнинг қувватлари.....	178
Муқаддиманинг биринчи иловаси.....	181
Муқаддиманинг иккинчи иловаси.....	190

ИЛМИ АХЛОҚ ВА ИСЛОМИЯТДА АХЛОҚ ТАРБИЯСИ

Илми ахлоқ ва исломиятда ахлоқ тарбияси.....	196
Ҳикматдан ҳосил бўладиган яхши хулқлар.....	198
Шижоатдан ҳосил бўладиган яхши хулқлар.....	200
Иффатдан ҳосил бўладиган яхши хулқлар.....	201
Адолатдан ҳосил бўладиган яхши хулқлар.....	203
Ёмон феъл-атворнинг асосийси тўртта.....	206
Ҳикматга ўхшайдиган ёмон хулқ.....	210
Иффатга ўхшайдиган ёмон хулқ.....	210
Саховатга ўхшайдиган ёмон хулқ.....	211
Шижоатга ўхшайдиган ёмон хулқ.....	211

Басуға 03.03.2023 қол қойылды.
Пішімі 60x84 ¹/₁₆. Қарып әріпі «Times New Roman».
Таралымы 2000 дана.

ЖШС «ART-BASMA» ОРТАЛЫҒЫНДА БАСЫЛДЫ